

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. НУРМОНОВ, Н. МАҲМУДОВ,
А. АҲМЕДОВ, С. СОЛИХЎЖАЕВА

ЎЗБЕК
ТИЛИНИНГ
МАЗМУНИЙ
СИНТАКСИСИ

Масъул муҳаррир
Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси
А. П. Ҳожиев

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ

Бу китобда ўзбек тилидаги синтактик бирликларнинг таркиби, энг муҳим синтактик бирликлар — содда гап ҳамда қўшма гапларнинг мазмуний тузилиши, унинг шаклий-грамматик тузилишга муносабати, бундаги мувофиқлик ва номувофиқлик таҳлил этилади.

Монография тилшунослар, олий ўқув юртининг ўқитувчилари ва талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар:
филология фанлари доктори *Р. Дониёров*,
филология фанлари номзоди *Ф. Исҳоқов*

Н $\frac{460200000-801}{M355(04)-92}$ 196-92 © Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»
нашриёти, 1992 й.

ISBN 5-648-01554-2

СУЗ БОШИ

Лингвистик семантика, жумладан синтактик семантика, тилшуносликнинг нисбатан янги соҳаси бўлса ҳам, ҳозирги кунда синтактик бирликлар семантикасига турлича ёндашувчи хилма-хил семантик йўналиш ва мактаблар вужудга келди. Бу семантик йўналиш ва мактабларда ўзларига хос турли тушунчалар ва терминлар системаси ишланганлиги учун бир-бирига мувофиқ бўлмай, ҳатто айрим ўринларда бир-бирига зид келади. Шунинг учун ҳам ушбу монографияда лингвистлар томонидан кўпроқ маъқулланаётган термин ва тушунчалардан фойдаланишга, уларни бир умумий системага бирлаштиришга ҳаракат қилинди.

Монографияда олға сурилаётган концепциянинг методологик асоси диалектик-материалистик фалсафадир. Бу концепция асосида тилнинг системали характери, тил бирликларининг синтагматик ва парадигматик хусусиятларининг ўзаро алоқаси ва ички, органик шартланганлиги, тил бирликларининг акс эттириш табиати ётади.

Ҳар қандай нутқий фаолият марказида шахс туради. Бинобарин Л. В. Шчерба нутқий фаолиятни гапириш ва тушуниш жараёни деб аниқлайди. Инсон сезги органлари орқали объектив олам элементлари белгиларини умумлаштирган ҳолда акс эттиради ва онгда акс эттирилган бу объектив оламнинг умумлашган образи тил кодлари орқали тингловчига узатилади. Тингловчи акустик сигнал орқали объектив реаллик ҳақида маълумотга эга бўлади. Шундай қилиб, нутқий фаолиятда гапириш ва тушуниш, нутқ ҳосил қилиш ва уни идрок қилиш жараёнлари алмашиб туради. Шунинг учун ҳам лингвистик бирликлар семантикаси икки йўналишда: 1) ономасиологик ва 2) семасиологик томондан ўрганилади. Биринчи йўналишда гап ҳосил қилиш жараёнига, иккинчи йўналишда эса гапнинг объектив мазмун (пропозитив) томонига эътибор берилади.

Нутқий фаолият айрим индивидлар орқали намоён бўлса ҳам, аммо у ижтимоий ҳосила ҳисобланади. Чунки тил системаси мавжудлиги ва у ҳақда индивидларда

маълум кўникма борлиги учун нутқий фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам тил фактлари фақат гапириш ва тушуниш жараёнидан уларнинг натижаси сифатида умумлаштирилган ҳолда олинади.

Шундай қилиб, тадқиқотчи фақат нутқ бирликларинигина бевосита кузатиши мумкин. Тил системаси эса абстракт тафаккур босқичида нутқ материаллари асосида моделлаштирилади. Бу эса лингвистик бирликларни умумлашган тип — вертуал бирликка ва умумлашган типнинг реаллашган варианты — актуал бирликка ажратган ҳолда, улар ўртасидаги моҳият ва ҳодиса диалектик алоқасини аниқлаш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам ушбу китобда синтаксис нутқ жараёнида функциялашишга тайёр турган ва нутқий фаолиятда имкониятларини ўзларининг систем маънолари асосида турли шаклларда намоён қилувчи вертуал бирликлар системаси сифатида талқин қилинади ва уларнинг намоён бўлиш шакллари ўрганилади.

Гапнинг мазмуний аспекти қисмининг мундарижаси гап ҳосил қилиш босқичларини кўрсатиш ниятида оно-масиологик тарзда тузилди. Шу билан бирга, нутқий фаолият ҳосиласи бўлган лингвистик бирликлар — жумлалар семасиологик жиҳатдан ўрганилди ва улар умумлашган маъноларига кўра типларга бирлаштирилди. Шундай қилиб, нутқий фаолиятдаги икки томонлама йўналиш диалектикасини ёритишга ҳаракат қилинди.

Китобнинг бўлимлари қуйидаги ўртоқлар томонидан ёзилди: А. Аҳмедов — «Кириш», А. Нурмонов — «Содда гаплар», С. Солихўжаева — «Боғланган қўшма гаплар» ва Н. Маҳмудов — «Эргаш гапли қўшма гаплар».

Ҳар бир муаллифнинг синтактик бирликларнинг мазмуний тузилиши масаласига ўз қараши бор. Бинобарин асарда турли нуқтаи назарлар олдинга сурилган ўринлар ҳам учрайди. Тилшуносликнинг ҳозирги тараққиёт босқичида турлича қарашларнинг бўлиши табиий. Ундан ташқари, монография бир неча муаллиф томонидан яратилганидан, унинг бўлимларининг ёзилиш даражаси, услуби, ҳажми ҳам турличадир.

Бу типдаги асар ўзбек тилшунослигида биринчи марта яратилаётганлиги туфайли, унда айрим камчиликлар, баҳс талаб ўринларнинг бўлиши мумкин. Асарда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган ҳар қандай танқидий фикр-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

КИРИШ

СИНТАКСИС ПРЕДМЕТИ

Синтаксис, грамматика фанининг бир қисми сифатида, тилнинг синтактик қурилишини ўрганади. Тилнинг синтактик қурилиши синтактик бирликлар (единицалар)да намоён бўлади. Синтактик бирликларни таҳлил қилиш орқали муайян тил синтактик қурилишига хос хусусиятлар аниқланади. Демак, синтактик бирликлар тушунчаси синтаксис фанининг асосий, марказий тушунчасидир. Синтаксис фани синтактик бирликларнинг турлари ва уларнинг ҳосил бўлиш йўллари тўғрисида қондалар тайинлайди.

Тилшуносликда синтактик бирликларнинг турлари ва миқдори ҳозирга қадар аниқ белгиланган эмас. Синтаксисга оид мавжуд грамматик адабиётларда синтактик бирликларнинг иккитадан бештагача ва ҳатто undan ҳам ортиқ турлари санаб кўрсатилади. Ҳозирги вақтда кўпчилик олимлар синтактик бирликларнинг фақат икки турини — сўз бирикмаси ва гапни тан оладилар. Баъзи олимлар синтактик бирликлар қаторига, сўз бирикмаси ва гапдан ташқари, сўзнинг синтактик шакли ва матни (боғланишли нутқни) ҳам киритадилар¹. Айрим илмий ишларда ҳатто синтагма — гапнинг бир нафас кучи билан айтилган йирик парчаси ҳам синтактик бирлик деб қаралади². Баъзи тадқиқотчилар содда гап билан қўшма гапни алоҳида-алоҳида синтактик бирликлар сифатида баҳоласалар³, бошқа-

¹ Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. Тезисы докладов. Л., 1971; Шведова Н. Ю. О синтаксических потенциях слова. — Вопросы языкознания. 1971, № 4; Золотова Г. А. Очерки функционального синтаксиса русского языка. М.; Наука, 1973, С. 30.

² Юсупова М. З. Синтагма в современном узбекском языке (экспериментально-фонетическое исследование). Автореферат кандидатской диссертации. Ташкент, 1978.

³ Грамматика современного русского литературного языка. М.: Наука, 1970.

лар гапни (сода гапни ҳам, қўшма гапни ҳам), сўз бирикмасига қарама-қарши равишда, бир бутун (ажралмас) синтактик бирлик сифатида изоҳлайдилар⁴.

Англашиладики, синтактик бирликларни белгилаш масаласида олимлар ўртасида якдиллик йўқ.

Узоқ вақт синтаксис боғланишли нутқнинг қоидаларни сифатида ва шунга мувофиқ, бу қоидалар ҳақидаги таълимот сифатида таърифланиб келди. Бу таърифда, шубҳасиз, маълум ҳақиқат бор: боғланишли нутқ албатта синтактик жиҳатдан ташкил топганликни тақозо этади. Бироқ бу таърифда бирмунча ноаниқлик ҳам мавжуд. Боғланишли нутқда синтаксис ҳамма ҳодисаларни изоҳлаб бермайди. Нутқ синтактик жиҳатдан ташкил топган бўлиши мумкин, лекин у боғланишли бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда боғланишли нутқ махсус лингвистик объект сифатида тан олинмоқда: боғланишли нутқ ҳақида алоҳида фан — текст лингвистикаси фани шаклланади ва у фаол равишда ривожланмоқда⁵. Бу фаннинг марказида, гарчи турлича изоҳланаётган бўлса ҳам, «нутқнинг боғлиқлиги» тушунчаси ётади.

Синтаксиснинг вазифаси бирмунча тор ва ўзига хосдир.

Синтаксис, бир томондан, сўзларнинг ва сўз формаларининг боғланиш қоидаларини ўрганса, иккинчи томондан, бу қоидалар реаллашадиган бирликларни ўрганади.

Сўз ва сўз формаси синтактик бирликларни минимал ҳосил этувчилар ҳисобланади: улар синтактик бирликларни ташкил этувчи компонентлардир. Шу жиҳатдан қараганда, сўз ва сўз формаси синтаксиснинг объекти саналиши мумкин. Бироқ улар ўзича мустақил ҳолда ва ўзига хос барча хоссалари билан эмас, балки бошқа сўз формалари билан алоқалари, синтактик бирликларнинг компоненти сифатида, уларнинг (синтактик бирликларнинг) таркибидаги вазифалари жиҳатидангина синтаксиснинг объекти ҳисобланади. Бу объектнинг ўзи синтактик бирлик саналмайди.

Гапнинг бир нафас кучи билан айтиладиган йирик парчаси — синтагмани ҳам синтактик бирлик деб қараш

⁴ Грамматика русского языка. Том II, часть I. М., 1966; Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис, Тошкент, 1965.

⁵ Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. М., 1981, С. 4.

тўғри эмас. Синтагма сўз ёки сўз формасига, сўз бирикмасига, содда гапга ва ҳатто қўшма гапга тенг бўлиши мумкин. Нутқнинг синтагмаларга бўлиниши фонетик қонунларга бўйсунди. Синтагма баъзи томонлари билан фонетик ҳодиса бўлмиш бўғинга ўхшайди. Фақат бўғин сўзда бўлса, синтагма гапга бўлади. Талаффузда сўзлар бўғинларга ажралганидек, гаплар синтагмаларга ажралади. Сўз билан бўғиннинг ўзаро муносабати қандай бўлса, гап билан синтагманинг ўзаро муносабати ҳам шундайдир. Англашиладики, синтагма гапга хос фонетик бирликдир.

Биз гап деганда асосан содда гапни назарда тутамиз. У одатда грамматик жиҳатдан сўз бирикмасига қарама-қарши қўйилади. Қўшма гап гапларнинг — содда гапларнинг синтактик алоқа асосидаги ўзаро бирикишидан ташкил топади. Демак, содда гап алоҳида синтактик бирлик бўлса, қўшма гап бошқа бир алоҳида синтактик бирликдир.

СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР ТАРҚИБИ

Синтактик бирликлар учта: сўз бирикмаси, гап (сода гап) ва қўшма гап. Ҳар бир синтактик бирлик ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу билан бирга, уларнинг ўзаро яқин, ўхшаш, алоқадор томонлари ҳам бор.

Сўз бирикмаси ва гап. Ватанимиз тилшунослигидаги энг дастлабки грамматик адабиётларда (масалан, М. В. Ломоносов, А. Х. Востонов ва бошқаларнинг асарларида) сўзларнинг ўзаро боғланиш қонун-қоидалари берилган бўлиб, бу қонун-қоидалар асосида сўзларнинг синтактик бутунликлар ҳосил этиши кўрсатилган. Демак, синтаксисга оид дастлабки илмий ишларда сўз бирикмасини ўрганишга эътибор берилган. Лекин бу ўрганиш изчиллик билан олиб борилмаган: у тарқоқ ва тасодикий характерда бўлган. Бу асарларда сўз бирикмаси алоҳида синтактик бирлик сифатида ажратилмаган ва унинг бошқа синтактик бирликлар орасида тутган муайян ўрни белгилаб берилмаган.

Грамматика фанида логик, кейинроқ эса психологик йўналишнинг ривожланиши билан синтаксиснинг вазифасини тушуниш ҳам ўзгарди. Бу йўналишларнинг тарафдорлари гапни логик ёки психологик ҳукмнинг ифодаси деб тушуниб, синтаксисда гап тўғрисидаги таълимотни биринчи ўринга қўйдилар. Шундай қилиб, гап синтаксиснинг асосий предмети бўлиб қолди ва сўзларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш гапнинг бўлаклари ҳақидаги таълимот асосига қурилди. Бундай тарздаги тадқиқда, табиий, сўз бирикмаси тушунчаси керак бўлмас эди. XIX асрнинг ўрталаридаги энг йирик тадқиқотларда (масалан, Ф. И. Буслаев, А. А. Потебня ва бошқаларнинг асарларида) сўз бирикмаси тўғрисидаги таълимот, умуман, йўқ.

Сўз бирикмаси назариясини ишлаб чиқишда Ф. Ф. Фортунатовнинг тадқиқотлари янги босқични

ташқил этади. У сўз бирикмасини бир сўзнинг бошқа сўз билан бирикувидан ташқил топган маъновий бутунлик деб атайди. Ф. Ф. Фортунатов сўз бирикмасини асосий синтактик бирлик деб атайди. Унингча, гап сўз бирикмасининг фақат бир тури, хусусий кўринишидир, аниқроғи, гап «тугалланган сўз бирикмасидир»¹.

Ф. Ф. Фортунатовнинг қарашлари ундан кейинги олимларнинг бир қатор ишларида янада ривожлантирилди. М. Н. Петерсон синтаксисни сўз бирикмаси тўғрисидаги таълимот, деб талқин этди ва гап назариясини бу таълимотга киритмади. Унингча, сўз бирикмаси сўзларнинг ҳар қандай қўшилишидир, шу жумладан турли ҳажмдаги содда гаплар ҳам сўз бирикмасидир². М. Н. Петерсон қўшма гапларни «сўз бирикмаларининг қўшилиши» тарзида изоҳлайди.

А. М. Пешковский ҳам синтаксисни сўз бирикмаси ҳақидаги таълимот сифатида таърифлайди. Бироқ у гап назариясидан бутунлай воз кечиш мумкин эмаслигини тушунади ва гап тушунчасини сўз бирикмаси тушунчасидан келтириб чиқаради. Бу нарса уни бир сўздан ташқил топадиган сўз бирикмаси ҳам бўлиши мумкин деган хулосага олиб келади. У турли-туман бир сўздан ташқил топган гапларни (*Зима. Пожар! Морозит. Скучно*) шундай «сўз бирикмалари» қаторига киритади³.

Англашиладики, Ф. Ф. Фортунатов ва унинг шогирдлари тобе алоқага киришган сўзлар қўшилмасини, шу жумладан эга билан кесимнинг ўзаро алоқаси асосида ҳосил бўлган конструкцияни ҳам, тенг алоқага киришган сўзлар қўшилмасини ҳам сўз бирикмаси санайдилар.

А. А. Шахматов сўз бирикмасини фақат бир сўзнинг бошқасига тобеланиб бирикуви асосида ҳосил бўлган грамматик бутунлик сифатида таърифлайди⁴. Шунинг учун у икки ёки ундан ортиқ сўздан ташқил топган гапларни ҳам тугалланган фикр бирлигига мувофиқ келадиган «тугалланган сўз бирикмаси» деб била-

¹ Фортунатов Ф. Ф. О преподавании грамматики русского языка в средней школе. — В кн. Ф. Ф. Фортунатов. Избранные труды. Т. 2. М., 1957.

² Петерсон М. Н. Очерки синтаксиса русского языка. М.—П г. 1923.

³ Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 7, М., 1956.

⁴ Шахматов А. А. Синтаксис русского языка. Л., 1941. С. 274.

ди. Бироқ А. А. Шахматовнинг фикрича, гап фақат сўз бирикмасининг оддий бир тури, хусусий кўриниши эмас; гап алоҳида синтактик бирликдир: у сўз бирикмаси тарзидагина эмас, балки бир сўз формаси тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин. Демак, А. А. Шахматов сўз бирикмаси билан гапни маълум даражада ўзаро алоқадор бўлган алоҳида иккита синтактик бирлик сифатида ажратади ҳамда уларни ўзининг машҳур «Синтаксис русского языка» номли асарида «Гап ҳақидаги таълимот» ва «Сўз бирикмалари ҳақидаги таълимот» деган иккита махсус сарлавҳа остида тадқиқ этади.

А. А. Шахматов сўз бирикмаларини тасвирлашда фақат «тугалланмаган сўз бирикмалари»га мурожаат қилади. «Тугалланган сўз бирикмалари»нинг таҳлили эса гап ҳақидаги таълимотда беради. Бунда у гапнинг икки бош бўлагининг (эга билан кесимнинг) ўзаро бирикувини ва бир бош бўлакдан ташкил топган потенциал бир сўзли гапларни текширади. Шундай қилиб, гап системасининг тасвири унинг (гапнинг) бош бўлаklarини таҳлил қилиш асосига қурилади. Сўз бирикмаси ҳақидаги таълимот эса гап таркибидаги бош бўлаklarга тобе бўлган барча сўз формаларини тасвир қилиш асосига, яъни иккинчи даражали бўлаklarни тасвир қилиш асосига қурилади.

Сўз бирикмасини принципиал бошқача тушунишни В. В. Виноградов асарларида учратамиз. Унинг бу соҳадаги концепциясига А. А. Шахматовнинг сўз бирикмаси тўғрисидаги таълимотининг ўзига хос назарий йўналиши бевосита асос бўлди. Бунда В. В. Виноградов тилда иккита синтактик бирликнинг — сўз бирикмаси ва гапнинг мавжудлиги ҳақидаги А. А. Шахматов томонидан олдинга сурилган тезисдан келиб чиқди.

В. В. Виноградов сўз бирикмасини мураккаб ном (сложное название) сифатида тушунади. Унингча, сўз бирикмаси алоқа бирлиги бўлмиш гапдан фарқ қилиб, сўз билан бир қаторда ва сўз сингари, гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. У ўзининг «Русский язык» деган китобида шундай ёзади: «...сўз бирикмаси тушунчаси гап тушунчасига мос эмас... Сўз бирикмаси — бу мураккаб номдир. У худди сўз сингари номинатив функцияни бажаради»⁵⁻¹⁰.

Демак, В. В. Виноградовнинг фикрича, сўз формаларининг синтактик алоқа воситасидаги ҳар қандай

⁵⁻¹⁰ Виноградов В. В. Русский язык. М., 1972. С. 12.

бирикувларини тасвирлаш сўз бирикмаси таълимотига кирмайди, балки мураккаб ном ҳисобланадиган ва сўзларнинг сўз формалари билан «кенгайиши» асосида ташкил топадиган бирикувларигина сўз бирикмаси таълимотига киради. Сўз формаларининг муайян гап типлари учун хосланган бирикуви, масалаи, икки составли гаплардаги эга билан кесимнинг бирикуви сўз бирикмаси ҳисобланмайди, бундай бирикув гап назариясининг зарурий қисмини ташкил этади. В. В. Виноградов тенг алоқа асосида бириккан сўз қаторларини — уюшиқ бўлакларни, ажратилган бўлакларда учрайдиган изоҳланувчи билан изоҳловчининг бирикувини сўз бирикмаси ҳисобламайди (тенг алоқа асосида боғланган сўз формалари гуруҳини А. А. Шахматов ҳам сўз бирикмаси ҳисобламаган). В. В. Виноградовнинг нуқтаи назари бўйича, сўз бирикмаси тўғрисидаги таълимот фақат баъзи бир бирикувларни тасвирлаши лозим. Сўз бирикмаси синтаксисининг вазифаси—қандай қилиб турли сўзлар у ёки бу шаклдаги тобе сўзлар билан кенгайишини — ёйилишини ва бу кенгайиш-ёйилиш натижасида ҳосил бўлган мураккаб номлар қандай маънолар ифодалашини аниқлашдир.

В. В. Виноградов сўз бирикмасининг сўз билан яқинлиги ҳақидаги фикрини давом эттириб, сўз бирикмаси формасини унинг ҳоким компоненти формаси сифатида ўзига хос тушунишни олдинга суради¹¹. Бундан, сўз бирикмаси формаси худди бош сўз формаси системасига эгадир, деган хулоса келиб чиқади. Бу хулосага кўра, масалан, *китобни ўқимоқ* сўз бирикмасининг формалар системаси, *ўқимоқ* феълининг форма ўзгаришига мувофиқ, қуйидагича бўлади: *китобни ўқимоқ*, *китобни ўқийман*, *китобни ўқиди*, *китобни ўқи*, *китобни ўқиб*, *китобни ўқисанг* ва ҳоказо.

Сўз бирикмаси билан гапни изчил фарқлашни Н. Ю. Шведова янада давом эттирди. Н. Ю. Шведова В. В. Виноградов изидан бориб, унинг сўз бирикмаси ва гапга доир асосий қарашларини ривожлантирди ва конкретлаштирди. Н. Ю. Шведованинг бу соҳадаги ўзига хос қараш икки нуқтада намоён бўлади.

1. Н. Ю. Шведованинг фикрича, сўз бирикмалари

¹¹ В. В. Виноградовнинг синтактик қарашлари унинг бир қатор асарларида баён этилган. Бу қарашлар ҳақида СССР ФА нинг «Грамматика русского языка» (М., 1954 ва 1966 йиллар) китобининг синтаксис қисмига В. В. Виноградов томонидан ёзилган Кириш тўлиқ тасаввур беради.

сўз билан муайян сўз формасининг фақат «системавий семантик англашилувчи (предсказуемая) алоқаси» асосида бирикувидан пайдо бўлади¹². Бу қарашга биноан *областда (ниманидир) айтмоқ (Областда унга терим бошланганини айтишди). Заводда (газетага) ёзилмоқ (Заводда илғор ишчилар газетага ёзилдилар)* типидаги бирикувлар «грамматик жиҳатдан тўғри, бироқ семантик жиҳатдан оккозионал, тасодифий алоқалар бўлиб, сўз бирикмаси ҳосил қилмайди, булар гапга хос ҳодисалардир»¹³. Демак, Н. Ю. Шведованинг нуқтаи назари бўйича, сўз бирикмасининг чегараси янада тораяди.

2. Н. Ю. Шведова сўз бирикмаси билан гап орасидаги фарқни бу бирликларга хос бўлган синтактик алоқалардан ҳам қидиради. У синтактик алоқа тўғрисидаги анънавий қарашларга баъзи ўзгартишлар ҳам киритади. Н. Ю. Шведова, тобе алоқа бир сўзнинг бошқасига формал-грамматик тобелиги бўлиб, сўз бирикмасида муайян формадаги (ёки формалардаги) тобе сўзнинг (ёки сўзларнинг) мавжудлиги ҳоким сўзнинг категориал хусусиятлари билан белгиланади¹⁴, деб кўрсатади. Н. Ю. Шведованинг концепциясида тобе алоқа тенг алоқага зид қўйилмайди, балки умуман гапга хос бўлган махсус (специфик) алоқага қарши қўйилади. Гапга хос бўлган махсус алоқага, эга билан кесим орасидаги алоқадан ташқари, *областда айтмоқ, заводда ёзилмоқ* бирикувларидаги алоқа ва яна бошқа баъзи алоқалар ҳам киритилади. Кўринадики, Н. Ю. Шведованинг гапга хос махсус алоқа ҳақидаги қарашида ягона умумий нуқтани топиб бўлмайди.

Н. Ю. Шведованинг фикрича, сўз бирикмаси сўз билан уни кенгайтирувчи сўз формасининг ҳар қандай грамматик тўғри бирикуви эмас, балки фақат кенгайтирувчи сўз билан «системавий маъновий алоқа»да бўлган бирикувидир. Демак, Н. Ю. Шведова сўз бирикмасини белгилашда икки томонни — соф грамматик томонни (синтактик алоқанинг муайян турини) ва лексик томонни (системавий маъновий алоқани) ҳисобга олади.

Шундай қилиб, В. В. Виноградов ва Н. Ю. Шведованинг синтактик таълимоти асосида сўз бирикмасини ва гапни иккита алоҳида синтактик бирлик деб эътироф этиш ғояси ётади. Бу ғоя, бир томондан, бир сўзли

¹² Грамматика современного русского литературного языка. М.: Наука, 1970, С. 631.

¹³ Кўрсатилган асар, ўша бет.

¹⁴ Кўрсатилган асар, 486-бет.

гапларнинг мавжудлигини зиддиятсиз, осон тушунтириб беради. Чунки у сўз бирикмасини ягона синтактик бирлик сифатида талқин этмайди ва гапни сўз бирикмасидан келтириб чиқаришга уринмайди (бир сўзли гапларни тушунтиришда Ф. Ф. Фортунатов ва унинг издошлари жуда қийналган ва қарама-қаршиликка йўл қўйган эди). Иккинчи томондан, бу гоя сўз ва сўз формаси синтактик имкониятларининг реаллашуви ва сўз формаси сатҳига синтактик алоқани татбиқ этиш натижаси сифатида пайдо бўладиган синтактик бутунликни алоҳида (гап составида эмас) қарашга имкон беради. Шунинг учун бу гоя гапни ягона синтактик бирлик сифатида олдинга сурмайди, балки иккинчи синтактик бирлик — сўз бирикмаси ҳам борлигини кўрсатиб беради.

Шу билан бирга, В. В. Виноградов ва Н. Ю. Шведованинг синтактик таълимотидаги айрим концепциялар ҳақида қатор эътирозлар ҳам бўлди. Чунки, сўз бирикмасини «кенгайган сўз» ва унинг натижаси сифатида, хусусан, сўз бирикмасининг номинативлиги ҳақидаги тезис (гапнинг коммуникативлигидан фарқли равишда), шунингдек сўз бирикмаси формасини ҳоким сўзнинг формаси сифатида тушуниш танқид қилинди.

Синтактик таълимотнинг рус тилшунослигида зикр этилгандай тараққиёт йўли туркийшуносликда, шу жумдан ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аксини топди. Чунки туркий тилларнинг, шу жумладан ўзбек тилининг синтактик таълимоти бой рус тилшунослиги фани таъсирида, унга суянган ҳолда пайдо бўлди ва ривожланди. Туркийшуносликда 60-йилларга қадар майдонга келган кўлгина илмий-синтактик адабиётларда Фортунатов мактабининг, айниқса бу мактабнинг йирик вакили А. М. Пешковский ва А. А. Шахматовнинг таъсири кучли бўлди. Масалан, ўзбек тилшуноси А. Ф. Фуломовнинг 1948 ва 1955 йилларда нашр этилган содда гапга доир илмий ишида бу таъсири яққол кўриш мумкин. А. Ф. Фуломов бу ишида, А. М. Пешковский изидан бориб, мустақил сўзларнинг ҳар қандай ўзаро алоқаси асосида ҳосил бўлган бирикувларни — тобе алоқа асосида ҳосил бўлган бутунликни ҳам, тенг алоқа асосида ҳосил бўлган бутунликни ҳам, предикатив конструкцияни ҳам, нопредикатив конструкцияни ҳам сўз бирикмаси деб талқин этади¹⁵. Бироқ А. Ф. Фуломов кейинги ишида

¹⁵ Фуломов А. Ф. Содда гап. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. Тошкент, 1955, 24—29-бетлар.

фақат нопредикатив конструкцияни сўз бирикмаси деб ҳисоблаб, тенг алоқа асосида ҳамда эга билан кесимнинг ўзаро алоқаси асосида ҳосил бўлган бутунликларни сўз бирикмаси қаторидан чиқаради¹⁶. Қўрамизки, А. Ғ. Ғуломовнинг бундай қарашида, шубҳасиз, акад. В. В. Виноградов синтактик таълимотининг таъсири бор. Умуман, ҳозирги вақтда В. В. Виноградовнинг синтактик таълимоти туркий тилларга оид синтактик адабиётларнинг назарий асосини ташкил этади.

В. В. Виноградов ва унинг шогирдлари таълимотида сўз бирикмаси гапга зид қўйилади. Бу зидлик асосан қуйидагичадир. Сўз бирикмаси «кепгайган сўз» ҳисобланиб, хабар ифодалаш вазифасини бажармайди, чунки у фикрлашув бирлиги (коммуникатив бирлик) эмас. Гап, аксинча, хабар ифодалаш вазифасини бажаради, чунки у коммуникатив бирликдир. Гап бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Лекин улар иккиламчи функциялардир.

Гапнинг бирламчи, коммуникатив функцияси унинг грамматик хусусиятлари (грамматик маъноси ва формал қурилиши)дан келиб чиқади. Гапнинг мундарижаси доим актуаллашган, воқеликка, коммуникация актига мувофиқ бўлади: гап хабарга албатта у ёки бу модал ва замон характеристикаси беради. Қиёсланг: *Куз. — Куз эди. — Куз бўлса эди. — Куз бўлсин.*

Нутқда қўлланган ҳар бир гап муайян модал-замон маъносига эгадир: гап у ёки бу замонга оид реал факт (нутқий акт — «нутқ momenti» билан алоқадор факт) маъносини ёки нореаллик маъносини (истак ёки буйруқ маъносини) ифодалайди. Модал маънолар ҳам нутқий акт билан алоқадор. Бироқ бу алоқадорлик, замон маънолари каби бевосита эмас. Модал маънолар нутқий акт билан «нутқ momenti» орқали эмас, балки сўзловчининг позицияси орқали боғланади. Улар сўзловчи нуқтаи назаридан гап мундарижасининг воқеликка муносабатини акс эттиради. В. В. Виноградов нутқий акт билан боғлиқ бўлган грамматик маънолар комплексини гапнинг асосий белгиси деб ҳисоблайди. У нутқий актга таянувчи ва нутқий актни акс эттирувчи грамматик маънолар комплексининг доимо муайян формал ифодаловчиси бўлишини кўрсатади ва уни предикативлик деб атайди.

¹⁶ Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1965.

В. В. Виноградов ҳамда унинг издошлари Н. Н. Прокопович ва Н. Ю. Шведова сўз бирикмасининг гапдан фарқ қилувчи бир қатор белгиларини санаб кўрсатганлар. Бу белгилар ичида нопредикативлик-предикативлик асосий ўрин тутади. Бироқ улар сўз бирикмасини таърифлашда ва сўз бирикмаси ҳақидаги таълимотнинг чегарасини белгилашда бу белгидан келиб чиқмай, «кенгайган сўз», «сўзнинг синтактик потенцияси» тушунчасига таянадилар. Бундай тушунишда сўз бирикмаси таълимотига нопредикатив синтактик конструкцияларнинг барчаси эмас, балки баъзиларигина киритилади, гап ҳақидаги таълимот эса, шунга мувофиқ, фақат предикатив конструкцияларни эмас, балки бир қатор нопредикатив конструкцияларни (масалан, тенг алоқага асосланган конструкцияларни) ҳам таҳлил этиш асосига қурилади.

Сўз бирикмаси билан гап орасидаги фарқ нопредикатив ва предикатив синтактик бирликлар орасидаги фарқ тарзида изоҳланиши мумкин. Бу энг асосий, ўзак фарқдир. Бошқа фарқлар шунга асосланади ёки умумий характер касб этмайди. Чунончи, предикативлик-нопредикативлик белгиси асосида гап ва сўз бирикмасининг функциялари фарқ қилинади. Гап коммуникатив бирлик функциясини бажаради, чунки у предикативлик белгисига эгадир; сўз бирикмаси коммуникатив бирлик функциясини бажармайди, чунки у предикативлик белгисига эга эмас.

Сўз бирикмаси ташқи томондан гапга мос келиши ҳам мумкин. Мисол учун *ойдин кеча* сўз бирикмаси билан қуйидаги контекстдаги шу лексик-грамматик составдан ташкил топган гапни қиёслайлик: *1944 йилнинг баҳори. Ойдин кеча. Осмон тўла юлдуз. Ойдинда ва лампа ёруғида гуллаган ўриклар кўринади* (У й ғ у н).

Мисолдаги «сифат+от» қўшилмаси предметнинг ҳозирги замонда реал мавжудлиги маъносини билдиради, яъни у предикативликни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу қўшилма коммуникатив бирлик функциясини бажаради.

Гап билан сўз бирикмасини фарқловчи бошқа белгилар ҳам бор. Лекин улар ҳар иккала синтактик бирлик учун умумий эмас. Жумладан, гап бир компонентдан, яъни потенциал бир сўздан ташкил топиши мумкин: *Баҳор! Йўқол! Қирсинлар!* каби. Сўз бирикмаси минимум икки компонентли бўлади. Демак, гапнинг бир ком-

понентли ҳам бўла олиши, сўз бирикмасининг эса камида икки компонентдан тузилиши гап билан сўз бирикмасини фарқловчи белгилардандир. Бироқ бу белги ҳар иккала синтактик бирлик учун умумий эмас. Шунинг учун ҳамма вақт ҳам бу белгига асосланиб, сўз бирикмасини гапдан фарқлаб бўлмайди. Шундай гаплар борки, улар учун икки компонентлилик зарурий шартдир. Бу компонентлар гапнинг предикатив бирлик сифатида тузилишида, предикативликни ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Масалан: *Болалар ёш. Кетмон чопмоқ — олмоқ-солмоқ, қўш ҳайдамоқ — бормоқ-келмоқ* (Мақол). *Сен студентсан* каби.

Эга билан кесимдан ташкил топган икки компонентли гапларда компонентлар орасидаги икки томонлама тобелик муносабатини бундай гаплар билан сўз бирикмасини фарқловчи белги сифатида ажратиш мумкин. Бунда эга кесимнинг ўзига мос келадиган шахс ва сонда қўлланишини тақозо этади: *Улар келдилар. Биз ўқидик* каби. Шу билан бирга, кесим эганинг бош келишик формасида қўлланишини талаб қилади. Эга билан кесим алоқасида эга кесимни ўзига мувофиқ келадиган шаклга киришини талаб қилса ҳам, гапликни кўрсатишда, предикативликни ифодалашда кесим муҳим роль ўйнайди. Эга фақат предметни атаб кўрсатади, мавзунини билдиради, у ҳақда нима дейилишини кесим кўрсатади, яъни кесим эганинг предикатив белгисини, у ҳақдаги ҳукмни, баённи англатади.

Демак, «эга + кесим» типидagi компонентлар муносабати гапга хосдир. Бундай муносабат сўз бирикмасига мутлақо хос эмас. Бунга сабаб «эга + кесим» типидagi муносабатда предикативликнинг ифодаланишидир. Бунда кесим предикативликни ифодаловчи восита ҳисобланади. Бу ҳол кесим гапнинг асосий конструктив бўлаги эканлигидан келиб чиқади.

Англашиладики, икки томонлама махсус ўзаро тобелик қанчалик муҳим бўлмасин, гап билан сўз бирикмасини чегараловчи умумий дифференциал белги сифатида олдинга сурилиши мумкин эмас. Чунки у фақат икки компонентли конструкциялар доирасида амал қилади. Гап учун эса икки компонентлилик шарт эмас, гап юқорида кўрсатилганидек, бир компонентли ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, гап билан сўз бирикмаси ўзаро предикатив ва нопредикатив бирликлар сифатида фарқ қилади. Гап нутқда ташқи томондан сўз, сўз бирикмаси

ва эга билан кесимнинг муносабатида¹⁷ ташкил топган конструкция тарзида намоён бўлиши мумкин. Бундаги асосий нарса предикативликдир. Сўз бирикмаси эса, кам деганда, икки мустақил сўзнинг нопредикатив бирикувидан ҳосил бўладиган синтактик бирликдир. Сўз бирикмасига фақат тобе алоқа асосида ҳосил бўлган бутунликлар эмас, шу билан бирга, теги алоқа асосида ҳосил бўлган конструкциялар ҳам киради.

Қўшма гап. Мавжуд грамматик адабиётларнинг кўпчилигида гаплар тузилиш жиҳатидан дастлаб икки турга ажратилади: содда гаплар ва қўшма гаплар. Буларда содда гапларнинг материали сўз ёки сўз бирикмаси эканлиги, қўшма гапларнинг материали эса содда гаплар эканлиги кўрсатилади¹⁷.

Ўзбек тилшунослигида гапларнинг тузилиш жиҳатидан бошқача таснифи ҳам олдинга сурилмоқда. Масалан, проф. Ғ. А. Абдурахмонов гапларни тузилишига кўра, қуйидаги тўрт турга бўлиб изоҳлайди: содда гап, мураккаб гап, қўшма гап ва период. Олим содда гап бош бўлақлардан ёки бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топиллини, мураккаб гап эса, таркибида асосий гап бўлақларидан ташқари, ажратилган бўлақлари, ундалма ёки кириш сўзлари бўлган гап конструкцияси эканини, қўшма гап фақат икки содда гапдан тузилишини, период эса иккидан ортиқ гапларнинг бирикувидан ҳосил бўлишини айтади¹⁸.

Тилшуносликда биринчи тасниф, яъни гапларни структура жиҳатдан содда гап ва қўшма гап деб икки турга ажратиш кенг тарқалган ва мустаҳкам ўрин олган. Бу классификация асли тилда фақат иккита синтактик бирлик — сўз бирикмаси ва гап бор деб қарашдан келиб чиққан. Назаримизда, тилда учта синтактик бирлик — сўз бирикмаси, гап ва қўшма гап борлигини тан олиш керак.

Биз гап деганда традицион грамматикадаги содда гапни назарда тутамиз ва уни сўз бирикмасига қарама-қарши қилиб қўямиз. Ана шундай оппозиция асосида уларнинг (ҳам гапнинг, ҳам сўз бирикмасининг) ўзига хос хусусиятлари аниқланади. Буни юқорида кўрдик. Қўшма гап деганда эса гапнинг тузилиш жиҳат-

¹⁷ Фуломов А. Ғ., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Олий ўқув юрларининг филология факультетлари учун дарслик. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 49, 195-бетлар.

¹⁸ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 98—99-бетлар.

дан содда гапга зид бўлган хусусий бир кўриниши, бир тури эмас, балки бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида, мустақил синтактик бирлик тушунлади. Бу жиҳатдан у бошқа синтактик бирликлар — гап ва сўз бирикмасига қарама-қарши қўйилади.

Қўшма гапда гапга (традицион терминология билан айтсак, содда гапга) хос хусусиятлар ҳам, сўз бирикмасига хос хусусиятлар ҳам мужассамланган. Шу билан бирга, қўшма гапда ўзига хос жиҳатлар ҳам анчагина. Бу ҳол қўшма гапни гапдан (содда гапдан) ҳам, сўз бирикмасидан ҳам фарқланиб турадиган учинчи бир синтактик бирлик деб ҳисоблашга имкон беради.

Қўшма гапнинг гапга яқинлиги унинг нутқдаги функциясида, алоқа-аралашув жараёнидаги вазифасида намоён бўлади. Қўшма гап ҳам, гап сингари, коммуникатив функцияни бажаради. Қўшма гап ҳам, гап сингари, муайян фикрни шакллантиради, ифода этади ва баён қилади. Ёзма нутқда қўшма гапнинг охирига, гап сингари, унда ифодаланган фикрий мақсадга кўра, нуқта, сўроқ ва ундов белгиларидан бири қўйилади. Бу ҳол унда гап деган номнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бироқ қўшма гап шаклий қурилиши, грамматик тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ўхшаб кетади. Қўшма гап ҳам, сўз бирикмаси сингари, бирдан ортиқ компонентдан ташкил топади (гап бир компонентдан — бир сўздан ҳам ташкил топиши мумкинлигини айтган эдик). Қўшма гап компонентлари ҳам, сўз бирикмасининг компонентлари сингари, муайян синтактик алоқалар асосида ўзаро боғланади.

Қўшма гапга хос бўлган бу икки хил хусусият (ҳам гапга, ҳам сўз бирикмасига хос хусусият) тилшуносликда унинг моҳиятини икки хил баҳолашга олиб келди. Айрим тилшунослар унинг гаплик хусусиятини биричи ўринга қўйдилар, бошқалар эса сўз бирикмасига ўхшаш хусусиятига асосий диққатни қаратдилар. Масалан, проф. А. М. Пешковский ва акад. А. А. Шахматов қўшма гапнинг кўпроқ сўз бирикмасига ўхшаш хусусиятига эътибор бердилар. Улар ҳатто «қўшма гап» («сложное предложение») терминига ҳам қарши чиқдилар. Уларнинг кўрсатишича, бу термин бир нечта гапни битта гап деб атайди ва бу билан чалкашлик келтириб чиқаради¹⁹. Шунинг учун «қўшма гап» тер-

¹⁹ Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 7. М., 1956, С. 455; Шахматов А. А. Синтаксис русского языка. Л., 1941, С. 274.

мини ўрнига А. М. Пешковский «мураккаб бутунлик» («сложное целое») терминини, А. А. Шахматов эса («гап-ларнинг бирикуви») («сочетание предложений») терминини қўллашни таклиф қилдилар.

Қўшма гапни битта гап деб қарашни биз В. А. Богородицкий ишларида кўрамыз. Олимнинг уқтиришича, ҳар қандай қўшма гапда унинг қисмлари ягона бутунлигининг номустақил бўлагини ташкил этади, шунинг учун улар алоҳида-алоҳида ажратиб олинганда олдинги маъносини бера олмайди ёки уларни бир-бирдан сира ажратиш мумкин эмас²⁰. Бундай қараш кейинчалик Н. С. Поспелов томонидан ривожлантирилди²¹. Ўзбек тилшунослигида ҳам қўшма гапнинг моҳиятини мана шундай коммуникатив (динамик) аспектда изоҳлаш кенг тарқалган²².

Тўғри, қўшма гапнинг компонентлари гапнинг юқорида (бундан олдинги қисмда) айтилган барча белгиларига эга эмас. Уларда гапнинг фақат конструктив (статик) аспектдаги белгилари мавжуд. Қўшма гапнинг компонентларида коммуникатив бирлик сифатида гап учун хос бўлган энг муҳим хусусият — фикрий ва интонацион тугаллик хусусияти бўлмайди. Бундай хусусият бир бутун яхлит қўшма гапга хосдир. Бироқ бундан, қўшма гап конструктив жиҳатдан қисмларга ажралмайдиган битта гапдир, деб хулоса чиқариш мумкин эмас.

Назаримизда, қўшма гапни конструктив аспектда текшириш грамматика (синтаксис) фани учун яхши натижалар беради. Албатта, бундай текшириш унинг сёмантикаси билан боғлаб олиб борилиши керак.

Қўшма гап билан неча гапнинг муайян грамматик алоқалар асосида ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган синтактик бирликдир. Бу жиҳатдан у сўз бирикмасига яқин туради. Қўшма гап билан сўз бирикмасининг синтактик алоқа воситаларида ҳам маълум умумийлик бор. Масалан: 1. *У келиб ўтирдй.* — *Баҳор келиб, гуллар очилди.* 2. *У уйга киргач, мендан сўради.* — *Қиш киргач, ҳаво совиди.* 3. *Сизни учратганимдан хурсандман.* —

²⁰ Богородицкий В. А. Общий курс русской грамматики. Изд. 5. М. — Л., 1935, С. 229.

²¹ Поспелов Н. С. О грамматической природе сложного предложения. — В кн.: Вопросы синтаксиса современного русского языка. М., 1950.

²² Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1965.-

Уй қоронғи бўлганидан, деразани очиб қўйдим... (Ойбек).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида келиб ўтирди — сўз бирикмаси, Баҳор келиб, гуллар очилди эса қўшма гап, иккинчисида уйга киргач сўради — сўз бирикмаси, Қиш киргач, ҳаво совиди эса қўшма гап, учинчисида учратганимдан хурсандман — сўз бирикмаси, Уй қоронғи бўлганидан, деразани очиб қўйдим эса қўшма гапдир. Уларнинг ўзаро боғланиш усулида ҳам, воситаларида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. Фарқ фақат сўз бирикмасида сўзлар синтактик алоқага киришганида бўлса, қўшма гапда гаплар синтактик алоқага киришганидадир.

Сўз бирикмасининг компонентлари билан қўшма гапнинг компонентларини синтактик алоқага киритувчи воситаларда айрим фарқлар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, сўз бирикмасининг компонентлари тушум келишиги формаси орқали алоқага кириша олади, қўшма гапнинг компонентлари эса бундай восита орқали алоқага кириша олмайди ёки қўшма гап компонентлари инсбий олмошлар ёрдамида алоқага кириша олади, сўз бирикмасининг компонентлари эса бундай воситалар ёрдамида бирика олмайди. Лекин, барибир, синтактик алоқанинг умумий характери- ҳар иккаловида бир хил. Бошқача айтсак, синтактик алоқанинг умумий характери сўз бирикмасида қандай бўлса, қўшма гапда ҳам шундайдир. Шу жиҳатдан қараганда, «қўшма гап» термини у ифодалайдиган ҳодисанинг моҳиятига нисбатан унча мос эмас.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида «қўшма» сўзи ёрдамида ҳосил қилинган составли терминлар кўп: қўшма сўз, қўшма аффикс, қўшма гап ва бошқалар. Булардан қўшма сўз, қўшма аффикс терминлари улар ифодалайдиган ҳодисаларнинг моҳиятига мос келади. Бу терминларнинг ҳар бири ифодалайдиган ҳодиса ягона бир комплексни ташкил этади. Бу комплексни аини ўринда ҳеч қачон бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Масалан: *Мирзачўл* қўшма сўзидан *Мирза* ва *чўл* сўзларини, *-чилик* (*деҳқончилик*) қўшма аффиксидан *-чи* ва *-лик* аффиксларини ажратиб бўлмайди. Улар орасидаги семантик-грамматик алоқа «узилган». Қўшма сўз — аини ўринда битта сўз, қўшма аффикс — аини ўринда битта аффикс²³.

²³ Ҳожиев А. *Содда, қўшма, мураккаб* сўзлари ёрдамида ясалувчи терминлар. Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, 6-сон.

Қўшма гапга нисбатан эса бу мезонни қўйиб бўлмайди. Қўшма гап битта гап эмас. У бир неча гапнинг бирикувидан ҳосил бўлган синтактик конструкциядир. Қўшма гапнинг компонентлари орасида маълум синтактик-семантик алоқа мавжуд. Шунга кўра, бу конструкцияни «қўшма гап» деб эмас, А. А. Шахматов айтганидек, «гаплар бирикмаси» деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Бироқ тилшуносликда қўшма гап термини қўпдан буён қўлланиб келади ва жуда ўзлашиб кетган. Шунинг учун аҳтимол бугунги кунда уни ўзгартиришга ҳожат ҳам йўқдир. Лекин қўшма гапни «бир неча гапдан ҳосил бўлган битта гап» деган маънода эмас, балки «гаплар бирикмаси» деган маънода тушуниш керак. Ушбу ишда биз «қўшма гап» терминини шу маънода қўллаймиз.

Англашилдики, сўз бирикмаси ҳам, қўшма гап ҳам муайян синтактик алоқалар асосида ҳосил бўладиган синтактик бирликлардир. Маълумки, синтактик алоқалар моҳият эътибори билан икки хил: тенгланиш ва тобеланиш. Сўз бирикмасида ҳам, қўшма гапда ҳам доимо бу икки хил синтактик алоқа барабар амал қилади. Бироқ илмий адабиётларда бу алоқалар ёрдамида ҳосил бўлган синтактик конструкциялар ўзаро бирмунча фарқли номлар билан аталади ва турлича изоҳланади. Мавжуд илмий-грамматик адабиётларда тенгланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган қўшма гаплар боғланган қўшма гап деб, тобеланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган қўшма гаплар эса эргашган қўшма гап ёки эргаш гапли қўшма гап деб номланади. Назаримизда, бу номларнинг ҳеч бири улар ифодалайдиган ҳодисаларнинг табиатини аниқ акс эттирмайди. Қўшма гапнинг икки тури унинг (қўшма гапнинг) компонентларини синтактик алоқага киритувчи усуллар асосида белгиланиши керак. Биз бу турларнинг биринчисини «тенгланишли қўшма гап», иккинчисини эса «тобеланишли қўшма гап» деб аташ тарафдоримиз²⁴. Бундай аташ улар ифодалайдиган ҳодисаларнинг моҳиятига мос тушади.

Сўзларнинг синтактик алоқаси асосида ҳосил бўлган конструкцияларни аташда ва уларнинг моҳиятини

²⁴ Қўшма гапнинг турларини «тенгланишли қўшма гап» ва «тобеланишли қўшма гап» деб аташни ўз вақтида профессор А. Ғ. Фуломов ҳам таъкидлаган эди. Қаранг: Фуломов А. Ғ. Адабий тил нормалари — Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент: Фан 1973, 65-бет.

белгилашда ҳам бир қанча чалкашликлар бор. Синтаксисга оид кейинги 30 йил ичида чиққан илмий ишларда сўзларнинг тенгланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган синтактик конструкциялар ҳатто сўз бирикмаси доирасига киритилмайди, фақат сўзларнинг тобеланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган синтактик конструкциялар сўз бирикмаси деб қаралади. Биз сўзларнинг тенгланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган нопредикатив бутунликни, предикатив бутунлик ҳисобланувчи гапга қарама-қарши тарзда, сўз бирикмаси деб баҳолаш лозимлигини юқорида айтган эдик. Бундай қаралганда, сўз бирикмаси ҳам, қўшма гап сингари, компонентларининг ўзаро алоқа усулига кўра, икки хил бўлади: тенгланишли сўз бирикмаси ва тобеланишли сўз бирикмаси.

Тобеланиш алоқаси асосида ҳосил бўлган синтактик конструкцияларда кўрганимиздек, сўзларнинг тенгланиш усулида алоқага кириши билан гапларнинг тенгланиш усулида алоқага кириши ўртасида принципиал фарқ йўқ. Масалан: 1. *Карим ва Салим институтда ўқийдилар.* — *Шамол қўзғолди ва ҳавони булут қоплади.* 2. *Мен ўқимоқчи эдим, лекин ўқий олмадим.* — *Одамга андиша керак, лекин ундан ҳам илгарироқ инсоф керак* (А. Қаҳҳор).

Келтирилган мисолларнинг биринчисидаги *Карим, Салим* сўзларининг ўзаро боғланиши билан *Шамол қўзғолди, ҳавони булут қоплади* гапларининг ўзаро боғланиши ўртасида, иккинчисидаги *ўқимоқчи эдим, ўқий олмадим* сўзларининг боғланиши билан *Одамга андиша керак, ундан ҳам илгарироқ инсоф керак* гапларининг ўзаро боғланиш усули ва воситаларида ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар ўзаро тенгланиш усулида боғланган. Биринчи мисолда сўз ва гаплар ва боғловчи воситасида алоқага киришган бўлса, иккинчисида *лекин* боғловчиси воситасида алоқага киришган.

Шундай ўхшашлик бўлишига қарамай, мавжуд грамматик адабиётларда сўзларнинг тенгланиш усули билан алоқага киришиши натижасида ҳосил бўлган конструкцияни уюшиқ бўлаклар (юқоридаги мисолларда уюшиқ эга ва уюшиқ кесим) деб атайдилар-да, гапларнинг тенгланиш усулида боғланиши натижасида ҳосил бўлган конструкцияни гаплар бирикмаси, яъни қўшма гап (юқоридаги мисолда боғланган қўшма гап) деб баҳолайдилар. Агар сўзларнинг тенгланиш усулида боғланиши натижасида ҳосил бўлган конструкция уюшиқ бўлак ҳисобланадиган бўлса, гапларнинг тенгланиш усули-

да боғланиши натижасида ҳосил бўлган конструкция ҳам уюшиқ гап ҳисобланиши керак эди. Йўқ, бундай қаралса, синтаксиснинг турли сатҳи (уровень) бир-бири билан қориштирилган бўлади. Гап бўлаклари билан сўз бирикмалари синтаксиснинг бошқа-бошқа сатҳларидир. Гап бўлаклари бир сўз билан (аниқроғи, сўз формаси билан) ҳам, бир неча сўз билан (аниқроғи, сўз бирикмаси билан) ҳам ифодаланиши мумкин. Биз юқорида келтирган мисолларда эга (*Карим ва Салим*) ва кесим (*ўқимоқчи эдим, лекин ўқий олмадим*) тенг-ланишли сўз бирикмалари билан ифодаланган. Тобеланишли сўз бирикмалари ҳам бир гап бўлаги вазифасини бажариши мумкин. Масалан: *Сунъий дорилар зарарлидир. Табиий дорилар фойдалидир*. Бу ерда *сунъий дорилар* ва *табиий дорилар* тобеланишли сўз бирикмалари бўлиб, гапда бир гап бўлаги — эга вазифасини бажарган. Гап бўлаги вазифасида келган сўз бирикмалари ўз ичида яна бўлақларга ажралади. Бу энди иккиламчи таҳлил ҳисобланади. Бунда сўз бирикмасининг компонентлари бир-бирига нисбат бериб аниқланади. Умуман, гап бўлаклари одатда бир-бирига нисбатан белгиланади. Эга кесимга, кесим эса эгага нисбатан тайинланганидек, аниқловчи аниқланмишга, тўлдирувчи тўлдирилмишга, ҳол ҳолланмишга нисбатан тайинланади: аниқловчи-аниқланмиш, тўлдирувчи-тўлдирилмиш, ҳол-ҳолланмиш каби. Тенг-ланишли бирикма компонентлари ўзаро «тобе-ҳоким» муносабатида бўлмайди. Уларнинг мавқеи, функцияси ўзаро тенг, баравардир. Тенг-ланишли бирикма компонентлари гапдаги бошқа бўлак билан бир хилда алоқада бўлади, яъни улар биргаликда бошқа бўлакни аниқлайди ёки бошқа бўлак томонидан аниқланади. Шунинг учун уларга уюшиқ бўлак деган ном берилган.

Компонентларининг миқдори жиҳатидан ҳам сўз бирикмаси билан қўшма гап бир-бирига ўхшайди. Маълумки, сўз бирикмалари оддий сўз бирикмаси ва мураккаб сўз бирикмаси деб икки турга ажралади. Оддий сўз бирикмаси фақат икки мустақил сўзнинг бирикишидан ташкил топса, мураккаб сўз бирикмаси иккидан ортиқ мустақил сўзнинг бирикишидан ташкил топади. Мураккаб сўз бирикмаси одатда оддий сўз бирикмаси асосида, унга бошқа сўз ёки сўз бирикмасининг бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Бошқача айтсак, мураккаб сўз бирикмаси оддий сўз бирикмасининг кенгайишидан туғилади. Масалан: *илғор теримчилар* — од-

дий сўз бирикмаси, *колхозимиздаги илғор теримчилар* — мураккаб сўз бирикмаси; *атлас кўйлак* — оддий сўз бирикмаси, *атлас кўйлакли қиз* — мураккаб сўз бирикмаси, *сенга ёзмақ* — оддий сўз бирикмаси — *сенга ёзган хатим* — мураккаб сўз бирикмаси каби.

Бунга ўхшаш ҳолни қўшма гапларда ҳам кўрамиз. Қўшма гап ҳам гаплар бирикмаси сифатида, оддий қўшма гап ва мураккаб қўшма гап деб икки турга ажралади. Бундай тасниф бошқа тиллар, жумладан, чех тили материаллари асосида ҳам амалга оширилган. Рус тилшунослигида илғари бундай тасниф учрамас эди. Кейинги йилларда чиққан баъзи ишларда қўшма гаплар, компонентларининг миқдорига қараб, икки турга ажратилмоқда. Бироқ рус тилида улар оддий қўшма гап ва мураккаб қўшма гап деб эмас, балки қўшма гапнинг минимал конструкциялари (минимальные конструкции сложного предложения) ва мураккаб типдаги қўшма гаплар (сложные предложения усложненного типа) деб номланган²⁵. Рус тилидаги бу терминлар моҳият эътибори билан биз «оддий қўшма гап» ва «мураккаб қўшма гап» деб атаган ҳодисаларни ифода этади. Афтидан, рус тилида «оддий қўшма гап» ва «мураккаб қўшма гап» терминларини қўллаш (простое сложное предложение ва сложное сложное предложение) бирмунча ғализ ва ноқулай бўлган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам қўшма гапларни оддий қўшма гап ва мураккаб қўшма гап деб икки турга ажратиш расм бўлмаган. Бироқ биз мураккаб қўшма гап деб юритилаётган ҳодиса кўпгина ишларда «Бир неча эргаш гапли қўшма гап», «Аралаш типли қўшма гап»,²⁶ «Период»²⁷ деган сарлавҳалар остида баён қилинади. Аслида улар, оддий қўшма гапга қарама-қарши равишда, бир умумий ном — мураккаб қўшма гап остида бирлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Қўшма гапларнинг оддий қўшма гап ва мураккаб қўшма гап деб икки турга ажратилиши, юқорида айтганимиздек, уларни ташкил этувчи компонентларнинг миқдорига асосланади. Оддий қўшма гап фақат икки гапнинг бирикишидан ташкил топса, мураккаб қўшма гап иккидан ортиқ гапнинг бирикишидан ташкил топа-

²⁵ Белошапкова В. А. Современный русский язык. Синтаксис. М., 1977, С. 267.

²⁶ Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 212, 233-бетлар.

²⁷ Ўзбек тили грамматикаси, II-том. Синтаксис. Тошкент, 1976. 99-бет.

ди. Мураккаб қўшма гап оддий қўшма гап асосида, унинг кенгайишидан ҳосил бўлади. Мураккаб қўшма гап компонентларининг ўзаро синтактик алоқа усули ва воситаси оддий қўшма гапникидан фарқ қилмайди. Масалан: *У тошса, унинг мавжидан на шохнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур* — оддий қўшма гап. *Зеро халқ шундай бир дарёи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шохнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур* (Ойбек) — мураккаб қўшма гап. *Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда, сигири маъраб қолди* — оддий қўшма гап, *Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда, сигири маъраб қолса, сизга эмас, сигирига қарайдиган одамга гап таъсир қиладимиз!* (А. Қаҳҳор) — мураккаб қўшма гап.

Мисоллар таҳлили кўрсатадики, қўшма гап билан сўз бирикмасининг, уларни ташкил этувчи компонентларнинг миқдорига кўра, оддий ва мураккаб деб икки турга ажратилиши ўз мантқий асосига эга.

Демак, қўшма гап билан сўз бирикмаси конструктив жиҳатдан, яъни бир неча компонентдан ташкил топиши, бу компонентларнинг ўзаро синтактик алоқа усули ва уларнинг ҳажмий таснифи жиҳатидан бир-бирига ўхшайди.

Биз юқорида айтилганлардан хулоса чиқариб, ҳар бир синтактик бирликка алоҳида-алоҳида таъриф берамиз.

Шундай қилиб, синтаксис, грамматика фанининг бир қисми сифатида, тилнинг синтактик бирликларини ўрганади. Тилнинг синтактик бирликлари учта: сўз бирикмаси, гап ва қўшма гап.

Сўз бирикмаси компонентлари ўзаро синтактик алоқа асосида боғланган сўз ёки сўз формаларидан ташкил топган попредикатив синтактик бирликдир.

Гап бир сўз формасидан ёки ўзаро синтактик алоқа асосида боғланган бир неча сўз формасида ташкил топган предикатив синтактик бирликдир.

Қўшма гап ўзаро синтактик алоқа асосида боғланган бир неча гапдан ташкил топган синтактик бирликдир.

Бу таърифларда синтактик бирликларнинг асосий, конструктив белгилари, уларнинг формал қурилиш принциплари ҳисобга олинган. Шунинг учун бу таърифлар асосида бир семантик бирликни бошқасидан осон фарқлаб олиш мумкин.

ГАПНИНГ МАЗМУНИЙ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Ҳар қандай лисоний белги шакл ва маъно бирлигидан иборат. Лекин анъанавий синтактик назарияларда асосан гапнинг шаклий тузилиши ўрганиб келинди. Фақат айрим ўринлардагина (гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турларини белгилашда, иккинчи даражали бўлақларнинг ички таснифида, масалан, ҳолнинг ўрин, пайт, мақсад ва бошқ. турларга бўлинишида; аниқловчиларнинг сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчиларга ажратилишида ва бошқ.) семантикага мурожаат қилинади. Гапнинг маъно хусусияти ва унинг таркиби ҳам, гапнинг мазмуний типлари ҳам, субъект ва предикатларнинг мазмуний типлари ҳам, гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишларининг ўзаро муносабатлари ҳам яқин йилларгача махсус ўрганиш объекти бўлмай келди.

Н. Д. Арутюнованинг таъбири билан айтганда, 60-йилларнинг ўрталарига келиб, гап семантикасига «штурм» бошланди¹. Гап семантикасига қизиқишнинг уйғонишига лингвистик назария ривожига таъсир этган бир қатор омиллар: лингвистиканинг гап мазмуни — пропозицияга алоҳида диққат қилувчи мантиқ билан муносабатининг янги поғонага кўтарилиши, тил ва нутқнинг маъно томонига умумий бурилиши, нутқ фаолиятининг прагматик компонентига эътиборнинг кучайиши, гапга ўзининг махсус маъноси бўлган тил белгиси сифатида қарашнинг вужудга келиши ҳамда гапларнинг мазмуний эквивалентлиги тушунчасига таянадиган синтактик трансформация назариясининг вужудга келиши сингари омиллар туртки бўлди.

О. Есперсен ҳам тилшуносликда шаклни мазмундан ажратишга ҳаракат қилган Г. Суит ва бошқа тилшуносларни танқид қилар экан, шакл ва мазмун ўзаро узвий боғлиқ эканлигини, лисоний ҳодисанинг бу икки

¹ Арутюнова Н. Д. Предложение и его смысл. М., 1976, С. 6.

томонига эътибор бериш ҳар қандай тилшуносликнинг асосий вазифаси эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, ҳар бир тилшунос ҳодисани икки томонлама — шаклдан маънога ёки маънодан шаклга қараб текшириши мумкин². Биринчиси семасиологик, иккинчиси ономасиологик ўрганиш объекти бўлади.

Ҳозирги кунда семантика деярли ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этилса ҳам, аммо синтактик семантика мақоми масаласида бир хиллик йўқ.

Н. Ю. Шведованинг фикрича, синтактик семантиканинг асосий вазифаси шаклий-синтактик моделларнинг хусусий маъноларини аниқлашдан иборат бўлиши керак. Бунга кўра, гап тузилиши схемасининг умумлаштирилган маъноси ва улар ўртасидаги муносабат гап синтактик тузилишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Н. Ю. Шведованинг концепциясига мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши деганда, типиклаштирилган маъно элементларининг мавҳумлашган ҳолда тил системасида акс этган мазмуни тушунилади³. У гап мазмунини экстралингвистик омилларсиз, соф тил материалларига таянган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади. Тилнинг ҳар қандай сатҳ бирликлари, жумладан, гапнинг тузилиш схемалари ҳам ундаги категория ва конкрет маънолар муносабатларидан ҳосил бўлган мазмуний ўзига хосликка эга бўлади.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари асосан гапнинг номинатив минимуми узвларининг лексик маъноларига асосланадилар. Бунга мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши тузилиш схемалар чегарасида эмас, балки ундан ташқарида ажратилади. Тузилиш схема ва мазмуний тузилишлар бир-бирини кесишмайдиган параллел қаторларга терилади. Бундай қараш О. И. Москальская ишларида намоён бўлди⁴.

Синтактик семантика бўйича Е. П. Падучеванинг ҳам изланишлари ўзига хосдир. Унинг фикрича, гап маъноси лексема маъноларидан, сўз шакллариининг грамматик

² Есперсен О. Философия грамматики. М., 1958, С. 32—33.

³ Шведова Н. Ю. О соотношении грамматической и семантической структуры предложения. — Словянское языкознание. VII. Международный съезд славистов. Доклады советской делегации. М., 1973, С. 461; Яна қаранг: Арутюнова Н. Д. Кўрсатилган асар, 14-бет.

⁴ Қаранг: Москальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса. М., 1974, С. 9—19; 2-е издание. М., 1981, С. 9—18; Белошапкова В. А. Современный русский язык. Синтаксис. М., 1977, С. 123—124.

маъноларидан ва синтактик қурилмаларнинг маъноларидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам лексик ва морфологик семантика бир бутун гап семантикасининг компоненти бўлиши керак⁵. В. Г. Гак гапни тўлиқ тил белгиси ҳисоблаб⁶, гап референти вазиятдир, яъни «гапирини» моментида объектив борлиқдаги сўзловчи онгида мавжуд бўлган ва гапнинг ўзини шакллантириш жараёнида тил элементларини танлашга маълум даражада шароит яратувчи элементлар йиғиндисидир, дейди⁷.

Вазият ва уни ифодаловчи гап ўртасидаги муносабат икки йўналишда — ифода планидан маъно планига қараб ва, аксинча, маъно планидан ифода планига қараб ўрганилади. Биринчиси нутқий фаолиятнинг тушуниш актини, иккинчиси эса ифодалаш актини намоён қилади. Бунга мувофиқ, синтактик семантикада ҳам ўзаро боғланган ва айни йўналишга кўра бир-бирига зид бўлган икки аспект: семасиология ва ономасиология ажратилади⁸. Биринчиси маълум синтактик бирлик нимани акс эттиришини, иккинчиси маълум вазият қандай ифодаланганини ўрғанади.

Биринчи йўналиш гап маъносини объектив борлиқ билан боғланганлиги учун, вазиятни аниқлашга ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият беради ва уни гапнинг денотатив ёки номинатив аспекти ҳам дейилади.

Гапнинг денотатив аспекти ифодалаш учун кўп ҳолларда «пропозиция» терминидан фойдаланилади. Бу термин тилшуносликка мантиқ ва фалсафий тадқиқотлар таъсирида кириб келди. У. Куайн логик қурилишда пропозиция тушунчасининг роли ҳақида тўхталиб, маълум гап ва унинг бошқа тилга қилинган таржимаси ўртасидаги ёки бир тил ичида турлича ифодаланишлар ўртасидаги умумийликни акс эттиришни кўрсатади. Пропозицияга қизиқишнинг ўсиши билан унинг талқинида ҳам хилма-хиллик орта боради.

Классик мантиқ пропозиция ёки мантиқий ҳукм дейилганда борлиқнинг маълум предикатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан ахборот берувчи фикр

⁵ Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. М., 1974. С. 12.

⁶ Гак В. Г. О двух типах знаков в языке (высказывание и слова). Материалы конференции «Язык как знаковая система особого рода» М., 1967

⁷ Гак В. Г. Высказывание и ситуация. — Проблемы структурной лингвистики. М., 1973. С. 358; Яна қаранг: Арутюнова А. Д. Уша асар, 6-бет.

⁸ Гак В. Г. Уша асар, ўша бет; Кубрякова Е. С. Номинативный аспект речевой деятельности. М., 1986. С. 32, 33.

шакли тушуниланган. «Пропозиция» термини тилшунослар томонидан дастлаб худди шу маънода ҳукмнинг ифодаланиш шакли бўлган дарак гапларга, кейинчалик гапнинг ҳамма турларига нисбатан қўлланилади. Гап термини ҳам лотинча «ҳукм» терминидан калька йўли билан рус тилидаги «предложение» орқали ҳосил бўлган.

Рамзий мантиқ классик мантиқдан фарқли равишда, ўзининг тушунчаларини, инсон онгида акс этишини четлаб ўтган ҳолда бевосита борлиқ категориялари билан муносабатини белгилашга интилади⁹. Пропозиция тушунчасининг бу умумий тенденцияси натижасида кейинчалик у тафаккурдан объектив реалликка, субъектив омилдан объектив омилга «бурилди». Натижада у тафаккур шаклига эмас, балки унинг мазмунига, у орқали ифодаланадиган объектив реалликка нисбатан қўлланила бошланди. Субъектив модаллик категориясидан озод бўлиб, вазиятни ифодалашга ўтди. Пропозиция худди шу маъноси билан тилшуносликка кириб келди.

Гапнинг номинатив назарияси дастлаб Г. Фреге асарларида акс этди. Унинг фикрича, ҳар қандай гап мазмун (смысл) ва маъно (значение) га эга. Мазмун унинг сигнификати, коннотацияси; маъно эса денотати. Англашиладики, гап мазмуни маънога нисбатан кенгроқдир. Шундай қилиб, Г. Фреге ҳар қандай гапда фикр (мазмун) сатҳидан референция сатҳига (маънога) қадам қўйилади, шу билан айрим маъноларнинг тасдиқ ёки инкор қилиш акти содир бўлади, дейди. Референт сатҳ учун у пропозиция терминини ишлатади.

Пропозиция тушунчаси Б. Рассел асарларида янада конкретлашди. Унинг фикрига кўра, пропозиция реал борлиқ (факт) структурасига ўхшашликка эга бўлган актуал фактдир. Пропозиция ҳақида Ч. Филлмор шундай дейди: «Гапнинг асосий структурасида «пропозиция» деб номлаш мумкин бўлган структурани, яъни гапнинг модал қисмидан ажралган феъл билан отлар ўртасида замондан ташқаридаги муносабатлар мажмуасини кузатамиз. Гапнинг модал қисми унинг бутун характеристикасини белгилайдиган инкор, замон, майл ва тус каби хусусиятларни ўз ичига олади»¹⁰.

⁹ Қаранг: Ломтев Т. П. Принцип отражения и его значение для теоретической грамматики//Ленинизм и теоретические проблемы языкознания, М., 1970.

¹⁰ Қаранг: Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972, С. 293.

Ҳозирги кунда кўпчилик тилшунослар пропозиция термини остида гапнинг семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмунни тушунадилар. О. И. Москальская гапнинг бу денотатив томонини гапнинг мазмуний маркази деб ҳисоблайди.

Пропозиция фақат гаплар орқали ифодаланиши шарт эмас. У сўз бирикмаси ва сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Карим келди* → *Каримнинг келиши*. Демак, маълум бир синтактик структура гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, яъни бошқа белгиларга — коммуникатив мустақиллик ва модаллик белгиларига эга бўлиши керак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай гап от позициясига транспозиция қилинганда, унинг коммуникатив бўлиниши (тема — рематик бўлиниш) ва идеал хусусияти йўқолади, аммо номинатив мазмуни эскича сақланиб қолади. Яна солиштиринг:

Бола китобни ўқияпти — боланинг китоб ўқиши

Унинг келиши хавfli — унинг келишининг хавfliлиги

Юқоридаги солиштирилаётган конструкцияларнинг мазмуний яқинлаштирилишига улардаги марказий элементларнинг умумийлиги асос бўлади. Транспозиция жараёнида коммуникатив бирлик сифатидаги гапнинг марказий элементи — кесими номинатив бирликнинг марказига айланади¹¹. Пропозитив номинация моҳияти учун гапнинг коммуникатив таркиби ҳам эътибордан ташқарида бўлмайди. Гапнинг коммуникатив тузилиши унинг номинатив тузилишига ҳам таъсир қилади. Шундай таъсир қиладики, гапнинг коммуникатив маркази, бир вақтнинг ўзида, номинатив асос вазифасини ўтайди.

Ҳар қандай гап семантикасида пропозитив мазмундан ташқари, сўзлашувчининг коммуникатив нияти ва мумкин бўлган модалликдан бири иштирок этиши керак бўлди. Бошқача айтганда, пропозициядан реал гап мазмунига ўтиш учун пропозитив рамкадан ташқари, яна икки рамкани — модаллик ва коммуникатив рамкани қўшиш зарур бўлади. Кейинги ҳар икки рамка ҳар қандай гап мазмуний тузилишининг зарурий узви ҳисоблана-

¹¹ Сўз бирикмасининг номинатив ядроси термини остида бутун бир сўз бирикмасининг мазмуни мансуб бўлган семантик разряди ифодаловчи сўз тушунилади. Номинатив ядро синтактик ҳоқим бўлиши шарт эмас. *Қаранг:* Общее языкознание... С. 309.

¹² Категория глагола и структура предложения. Л., 1983, С. 13; Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассимметрия. Тошкент, 1984, 10-бет; Васильев Л. М. Семантико русского глагола. М., 1981, С. 13.

ди¹². Шундай қилиб, ҳар қандай гапнинг мазмуний тузилиши мураккаб, кўп қиррали характерга эга бўлиб, унда энг камида уч узв: 1) пропозитив, 2) модал, 3) коммуникатив узвлар иштирок этади. Гапнинг мазмуний тузилишини ташкил этган юқоридаги узвлардан энг асосийси объектив борлиқдаги айрим вазият ёки воқеаларни акс эттирувчи пропозитив тузилишдир.

ГАП СЕМАНТИКАСИНING ПРОПОЗИТИВ АСПЕКТИ

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай гап мазмунида уч аспект иштирок этади: 1) пропозитив (номинатив) аспект, 2) модал (объектив модаллик) аспект¹³, 3) коммуникатив (темарематик) аспектлар. Булардан тил бирлиги сифатидаги гап семантикасида фақат пропозиция ва объектив модаллик мавжуд бўлса, нутқ бирлиги сифатидаги гап (жумла) семантикасида эса улардан ташқари, албатта, коммуникатив аспект ва баъзан субъектив модаллик ҳам иштирок этади.

Айрим тилшунослар эса, гап мазмунида тилдан ташқаридаги экстралингвистик омқлни рад этмаган ҳолда, тил ифодасининг объектив борлиқ, вазият билан бевосита эмас, балки инсон онгида мавжуд бўлган «объектив борлиқ образлари» орқали боғланишига асосланиб, «вазият» терминини руҳий макон ва руҳий замонда жойлашган руҳий вазиятга нисбатан қўллайдилар. Бунга мувофиқ, «гап» термини остида айрим вазиятларни кодлаштирадиган товуш образларининг занжири тушунилади¹⁴. А. Вежбицкаянинг фикрича, семантика предмети реал борлиқ эмас, балки шу реал борлиқнинг онгидаги акси бўлиши керак. Чунки тил объектив борлиқни фақат онг орқали ифодалайди. Ҳозирги синтактик семантикада денотатив (референционал) аспект ўрин олмоқда. Бунга кўра актуаллашган, яъни нутқий элементларнинг вазият элементларига муносабати эътиборга олинади¹⁵. Аммо тилшунослар ўртасида вазият элементлари масаласи ҳам бир хил эмас. И. П. Распо-

¹³ Субъектив модаллик ҳар қандай гапда иштирок этиши шарт эмас.

¹⁴ Қаранг: Лекомцев Ю. К. Психическая ситуация, предложение и семантический признак. Труды по знаковым системам, VI, Тарту, 1973, С. 449.

¹⁵ Арутюнова Н. Д. Лингвистическое проблемы референции. — Сб., Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII, М., 1982, С. 6.

пов таъкидлайдики, семантик структура билан шуғулланган ҳамма тилшунослар гапнинг семантик структураси (номинатив аспект жиҳатидан) ўзи ифодалаган объектив реаллик структураси билан бир хилдир, деган асосга таянадилар¹⁶. «Гапнинг семантик структурасини тилдан ташқаридаги вазиятдан топишга уриниш маълум қийинчиликларга олиб келади, — дейди Г. А. Золотова. — Чунки экстралингвистик план структураси, бўлиниши ва умумлашиш даражаси тавсиф эркинлигига йўл беради... Изоморфлик ҳақида қўрқмасдан шунинг учун гапириш мумкинки, вазият структурасини, унинг бўлинишини биз тил кўникмамизда қандай акс эттирсак, шундай тасаввур этамиз»¹⁷.

Семантик структура (Семс) назариясининг шаклланишида алоҳида ўрин эгаллаган. Ч. Филлмор Семсни ички структура (ГС) деб номлайди ва унинг асоси сифатида бевосита иштирокчилар (НС) грамматикасидан эмас, балки рамзий мантиқнинг предикат — аргумент принциpidан фойдаланади. ГС ни $s = m + p$ формуласи билан кўрсатади. Бу ерда s — гап, m — модаллик ифодаловчиси, P — пропозиция. Пропозиция $P = v + C + \dots + C_n$ тарзида кенгайиши мумкин дейди (Бу ўринда v — феъл, C — аргументнинг предикатга бўлган муносабатини ифодаловчи ички келишиклар).

Филлморнинг ички тузилиш назарияси айрим камчиликларига қарамай, гап мазмунини бир хил акс эттиришга анча яқинлашди. Филлморнинг ички — келишик концепциясига В. Г. Гакнинг концепцияси узвий равишда боғланади. Гак ҳам ГС терминидан фойдаланиб, уни вазият билан бир хил бўлган лексик — синтактик тузилишдир, деб ҳисоблайди. ГС вазиятнинг тўғридан-тўғри номи: ПС (ташқи структура) эса воситали номи сифатида талқин қилинади).

ГС предикат билан бирга қуйидаги етти актантни ўз ичига олади, дейди: 1) субъект, 2) объект, 3) адресат, 4) жараённинг юзага чиқиши учун ёрдам берадиган ёки тўсқинлик қиладиган субстанция (инициатор, қурол, сабаб), 5) фазовий конкретлаштирувчи (ҳаракатнинг юзага чиқиши, ёки тугаш ўрни) қараши ёки бир қисми субъект ёки объектни ташкил қилган субстанция.

Семантик структуранинг оригинал концепцияси

¹⁶ Располов И. П. О так называемое семантической структуре предложения. — ВЯ, 1981, № 4, С. 26.

¹⁷ Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса, М., 1982, С. 17.

И. П. Сусов томонидан илгари дурилди. Унинг қарашича, реал ҳақиқат бир неча вазиятлардан ташкил топади. Инсон онги конкрет вазиятларни акс эттиради, умумлаштиради ва уларни синфларга бирлаштиради. Инсон онгида умумлашган вазиятга ёки унинг синфига ички тил шакллари мос қўйилади. Уни ҳосил қилиш уч босқичда бўлади; умумлашган вазиятга мувофиқ бўлган тузилишни ҳосил қилувчи реляцион босқич; реляцион структурага субъект — предикат муносабатини қўшадиган предикацион босқич, предикацион структурага темпораллик, модаллик, персоналлик ва бошқа қўшимча маъноларни юклайдиган модификацион босқич.

Реляцион структура Филлморнинг Семсини эслатган ҳолда, релятемалардан ташкил топади. Саккиз релятема фарқланади: агентив, агентив бўлмаган, пациентив, атрактив, локатив, аблатив ва инструментал.

Кўриниб турибдики, Семс мақоми ҳақида ҳозирги кунда тилшунослар ўртасида бир хиллик йўқ. Бу нарса Семс реаллигини инкор қилиш ёки уйдирмалигини тасдиқлаш натижасида эмас, балки унинг фавқулудда мураккаб тузилма эканлиги натижасидир.

И. П. Сусов гапнинг лисоний белги эканлигини этироф этган ҳолда унинг конкрет (ёки гапнинг ташқи тузилиши) ва абстракт (гапнинг ички тузилиши) гапларга ажратади. Биринчиси иккинчисини намоён қилади. Иккинчиси ҳар қандай конкрет гапнинг зарурий асоси ҳисобланади¹⁸. Унинг фикрича, абстракт гап синтактик фактни хусусан, позицион тузилишни, яъни лексик birlikлар, морфологик кўрсаткичлар, интонацион элементлар билан тўлдирилмаган, конкрет гапни шакллантирувчи барча моментлар иштирок этмаган субъект ва предикат позицияларни ифодалайди. Бошқача айтганда, абстракт гап гапнинг тузилиш схемасидир. Абстракт гап синтактик маъно ифодалайди. Аксинча, конкрет гап эса юқоридаги кўрсатилган барча қўшимча моментларни акс эттириб, синтактик маъногагина эмас, балки суперсинтактик маънога ҳам эга бўлади¹⁹.

Конкрет гап кўп босқичли характерга эга бўлиб, гап ҳосил қилиш (ономасиология) жараёнининг охири, якуний босқичидир. Конкрет гап охири ҳосил сифатида кўп босқичли барча ички тузилишларга (номинатив, реляцион ва бошқа) қарама-қарши қўйилади.

¹⁸ Сусов И. П. Семантическая структура предложения. - Тула. 1973. С. 6.

¹⁹ Сусов И. П. Уша асар, 12-бет.

Гап ҳосил қилишнинг бошланғич нуқтаси алоҳида вазиятларнинг абстракт босқичда денотатив-референционал маъно ифодаловчи мазмуний ўхшашликларни белгилашдан иборат. Шунинг учун ҳам ҳар қандай гап семантикасининг таҳлили вазият элементлари ва уларнинг акс эттириш босқичидаги муқобилларини аниқлашдан бошланиши керак.

ВАЗИЯТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Марксча-ленинча фалсафанинг негизи оламнинг моддийлигини, уни яратиб ҳам, йўқ қилиб ҳам бўлмаслиги, замонда мавжудлиги, абадийлиги, маконда чексизлигини, унинг изчил тарзда ўз-ўзидан ривожланишини ва бу ривожланиш муайян босқичларда заруран ҳаётнинг ва фикрловчи вужудларнинг пайдо бўлишига олиб келишини эътироф этишдан иборат. Ана шу фикрловчи вужудлар орқали материя ўз мавжудлиги ва ривожланишининг қонунларини билишга қодир бўлади²⁰.

Инсон энг ажойиб тухфага — онгга эгадир. Онг инсон миясининг вазифасидир. Бу вазифанинг моҳияти воқеликни фаол, мақсадли акс эттиришдан иборат. Онг ҳар қандай модданинг эмас, балки фақат юксак даражада ташкил топган модданинг хоссасидир. Онгнинг диалектик-материалистик концепцияси инъикос принципига, яъни объектнинг инсон миясида сезгилар, идроклар, тасаввурлар, тушунчалар, муҳокамалар, хулоса чиқаришлар тарзида руҳий такрор ҳосил қилиш принципларига асосланади. Онгнинг мазмуни пировардида теварак-атрофдаги воқелик билан белгиланади, инсоннинг бош мияси унинг моддий субстрати бўлиб хизмат қилади²¹.

В. И. Ленин: «Модда объектив реалликни ифодаладиган категория бўлиб, бу объектив реалликни инсон ўз сезгилари билан идрок этади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Бизнинг сезгиларимиз ундан нусха олади, уни акс эттиради», — дейди²².

Онгнинг пайдо бўлиши нутқнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Нутқ фаолият бўлиб, у тил

²⁰ Марксча-ленинча философия асослари. Тошкент, 1979, 49-бет.

²¹ Ўша асар, 73-бет.

²² Ленин В. И Тўла асарлар тўплами. 18-том, 146-бет.

ёрдами билан, алоқа воситаларининг муайян системаси билан рўёбга чиқади. Онг билан нутқ ўзаро чамбарчас боғланган. Онг воқеликни акс эттиради, нутқ эса ана шу онгда акс этган воқеликни билдиради.

К. Маркс ва Ф. Энгельс тил, онг ва воқелик ўртасидаги ўзаро диалектик муносабатни очиб бердилар. Фикр ҳам, тил ҳам ўзлигича алоҳида оламни ташкил этмайди... улар воқеий ҳаётнинг юз беришидир, холос. «Тил фикрнинг бевосита воқе бўлишидир»²³, — дейди.

Тилнинг асосий бирлиги — сўзнинг маъноси предмет, ҳаракат-ҳодисаларни акс эттиради ҳамда ҳиссий ва ақлий образдан иборат бўлади. Тил ёрдамида жонли мушоҳададан, ҳиссий билишдан умумлашган, мавҳум тафаккурга ўтилади. «Ҳар қандай сўз (нутқ)нинг ўзиёқ умумлаштиради...»²⁴. Инсон ўз фикрлари ва ҳис-туйғуларини нутқда объективлаштириб, уларни бамисоли ўз олдига қўйиб, ўзидан ташқаридаги объект сифатида таҳлил қилади²⁵. Инсон нарсанинг образини иккинчи кишига тилдан бошқача восита билан бера олмайди. Бу ҳақда К. Маркс ва Ф. Энгельс шундай дейдилар: «Рух» аввал бошданоқ лаънат остида қолиб — модданинг остида эзилиб ётади. Модда бунда ҳавонинг ҳаракатланувчи қатламлари, товушлар шаклида намоён бўлади. Тил ҳам онг сингари қадимий: Тил бошқа кишилар учун ҳам мавжуд бўлган амалий, воқеий онгдир...»²⁶.

Ўзаро муносабатда бўлган предмет, ҳодиса, хусусият, ҳаракат ва ҳоказо бирлигидан ташкил топган объектив борлиқнинг алоҳида элементлари тилнинг асосий бирликлари — сўзнинг, алоҳида элементлар ансамбли эса гапнинг денотати ҳисобланади. Гап денотати бўлган алоҳида элементлар ансамбли кўпчилик адабиётларда вазият (ситуация) термини билан номланади. Ҳар қандай вазият турли элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бир бутунлик — системадир. Вазият элементлари предметлар ва белгилардан иборат²⁷. Предметлар объектив оламдаги маълум белги хусусиятга эга бўлган мустақил моҳият — кишилик,

²³ Маркс К. ва Энгельс Ф. Асарлар, 20-том, 489—490-бетлар.

²⁴ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 29-том, 260-бет.

²⁵ Марксча-ленинча философия асарлари... 87-бет.

²⁶ Маркс К. ва Энгельс Ф. Асарлар, 3-том, 29-бет.

²⁷ Сузов И. П. Семантическая структура предложения. Тула, 1973, С. 16.

Ўсимликлар, ҳайвонот олами, табиат олами ва ҳ. га мансуб элементлар саналса, белгилар мустақил моҳият қаторига кирмайдиган, унинг хусусияти, ҳолати, ҳаракати, муносабатларини билдирувчи элементлар ҳисобланади.

И. П. Сусов типларнинг маптиқ назариясига амал қилган ҳолда предметларни ноль типдаги элементлар, белгиларни эса ноль бўлмаган (биринчи, иккинчи ва ҳ.) типдаги элементларга киритади. Элементларнинг биринчи типига предмет белгилари, иккинчи типига предмет белгиларининг белгилари, учинчи типига эса предмет белгиси белгисининг белгиси оид бўлади.

Англашиладики, ҳар бир вазият элементлар даражаланшидан ташкил топган.

И. П. Сусов вазиятни базис ва базис бўлмаган вазиятларга ажратади. Базис вазият бир, икки ёки учта ноль типдаги элементлардан ташкил топса, базис бўлмаган вазият ўз составида ноль типдаги элементга эга бўлмайди.

Базис вазият, ўз навбатида, имманент ва нисбий вазиятларга бўлинади. Имманент вазият фақат бир предметдан иборат бўлади ва ўзига хос ёки жамланган предметларни акс эттиради. Нисбий вазият эса ўзаро белги-муносабат билан боғланган икки ёки уч предметдан иборат бўлади. Ҳар қандай муносабат йўналиш хусусиятига эга: бир предметдан (бошланган предмет) иккинчи предметга (яқунловчи предметга) қаратилади. Вазият агар уч предметли бўлса, у вақтда муносабатга билвосита иштирок этадиган қўшимча предмет ҳам ажратилади. Вазият предметлари турлича вазифада келишлари мумкин: агенс, пацценс (бошлангич предметлар); ўрин, қурол-восита ва бошқ.

Юқоридаги якка вазият элементлари маълум мавҳум вазият призмаси орқали тилда ўз муқобилларига эга бўлади.

РЕЛЯЦИОН СТРУКТУРА

Реляцион структура вазият элементлари билан уларнинг тил ифодалари ўртасида оралиқ структурадир²⁸.

Реляцион структура маълум вазиятнинг онгдаги гавдалаштирувчиси саналиб, у ўз навбатида, ифодаланмиш сифатида ташқин структура — синтактик структура

²⁸ Сусов И. П. Уша асар 31-бет.

орқали ифодаланеди. Демак, реляцион структура гапнинг ички тузилишини ташкил этади. Реляцион структура икки томонлама муносабатга киришади. У, биринчидан, вазият билан боғланган. Иккинчидан, конкрет гаплар (жумла)нинг алоҳида позицияларига бўлиниши билан муносабатда бўлади. Бошқача айтганда, реляцион структура конкрет гап синтактик шакллarning энг муҳим моментларини умумлашган, схематик ифодаси бўлиб, вазият элементлари билан конкрет гап элементлари ўртасидаги оралиқ звенони ташкил этади.

Реляцион структура тилдан ташқаридаги вазият тузилишини гавдатантасурувчи бир бутунлиқдир. Унинг элементларини И. П. Сусов релятема деб номлайди. Релятема вазиятнинг алоҳида элементларини — предметлар ва белгиларни умумлашган тарзда акс эттиради. Реляцион структура ҳам худди вазият элементлари каби предмет ва белги релятемаларга ажралади. Белги релятемалар ўз навбатида, турли даражаларга (рангларга) бўлинади (бирикти, иккинчи, учинчи). Предмет релятемаси ноль даражага эга. Биринчи даражали белги релятемаси бевосита предмет релятемаси билан, иккинчи даражали белги релятемаси биринчи даражали белги релятемаси билан, учинчи даражали белги релятемаси иккинчи даражали белги релятемаси билан муносабатда бўлади. Шундай қилиб, реляцион структура ҳам босқични ташкил қилади.

Реляцион структура элементлари вазият элементларининг оингдаги инъикоси бўлганидан релятема вазифаси ҳам вазият элементлари вазифасига мувофиқ белгиланади: а) бошланғич предмет релятемалари (агенс ва агенс бўлмаган); б) якунловчи предмет релятемалари (пациенс, ўрин); в) ёрдамчи предмет релятемалари (ўрин, қурол-восита). Ҳаммаси бўлиб саккизта предмет релятемалар ва саккизта белги релятемалари, жами 16 та релятема ажратилади²⁹. И. П. Сусов реляцион структурада ядро релятемани релятор унга эргашиб келган релятемани эса релят термини билан номлайди. Релят релятор валентлигини реаллаштиради. И. П. Сусов таклиф этган релят-релятор структураси В. А. Богдановнинг аргумент-предикат тузилишига яқин келади. Шунинг учун ҳам реляцион структурани предикат ва унинг аргументлари асосида ҳам изоҳлаш мумкин. Демак, реляцион структура гап ҳосил қи-

²⁹ Сусов А. П. Уша асар, 35-бет.

лиш жараёнини предикатив ва модификацион аспектга эга бўлмаган босқичини ифодалайди.

И. П. Роспопов ҳам гапнинг кўп поғонали эканлигини тан олган ҳолда, конструктив-синтактик ва коммуникатив-синтактик сатҳларга ажратади. Конструктив-синтактик сатҳ гапнинг зарурий қисми бўлса ҳам, лекин ҳали гап эмас. Гапнинг ўзига хос асосий белгилари коммуникатив-синтактик сатҳ бирликлари бўлган модаллик ва актуаллик конструктив-синтактик база устига қўшилгандагина уни гапга айлантиради³⁰.

Ҳозирги тилшуносликда гап орқали ифодаланган реляцион структура икки хил белгиланади. Бир ўринда ахборот структураси субъект-предикат тузилма ҳолида, иккинчисида маълум муносабат билан боғланган предметлар системаси сифатида тасаввур қилинади.

Анъанага кўра, гап ҳукмнинг сўзлар воситасида ифодаланиши деб қаралади, шунинг учун синтаксис манتيқий категориялар асосида ўрганилади. Ҳар қандай ҳукм субъект-предикат муносабатидан ташкил топади. Шунга мувофиқ, ҳукм ифодаланган гап мазмуни ҳам субъект-предикат структураларга ажратилади. Субъект эга ва эга гуруҳига, предикат кесим ва кесим гуруҳига тенглаштирилди: *Мен + келдим; Азиз асримизнинг азиз онлари + азиз одамлардан сўрайди қадрин*. Биринчи гапда субъект (эга) — мен, предикат (кесим) — келдим. Иккинчи гапда субъект — **Азиз асримизнинг азиз онлари**, предикат — **азиз одамлардан сўрайди қадрин**.

Гапда ифодаланган ахборот структурасини маълум муносабат билан боғланган предмет системаси сифатида белгилаш ҳозирги тилшуносликнинг етакчи тенденциясидир. Бунга кўра гапнинг релятив структураси (пропозицияси) предмет ва унинг предикатив белгисидан иборат бўлган система сифатида (шаҳар — катта; уй — баланд) ва маълум муносабат билан боғланган предметларни ўз ичига олган система сифатида тасаввур қилинади. Масалан, *ўқувчилар дарахтларни оқладилар* гапнинг релятив структураси икки предмет ва улар ўртасидаги муносабатдан иборат. Биринчи предмет — **ўқувчилар**, иккинчи предмет — **дарахтларни**, улар ўртасидаги муносабат эса **оқладилар** орқали ифодаланган. *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* гапнинг мазмуни

³⁰ Распопов И. П. Несколько замечаний о синтаксической парадигматике. — ВЯ, 1969, № 4, С. 94.

ўзаро сўрайди сўзи орқали муносабатга киришган уч предмет (азиз асримизнинг азииз онлари + азииз одамлардан + қадрин)ни ўз ичига олувчи системадан иборат.

Л. Теньер ҳаракат иштирокчиларини, яъни предметларни субъект ва объектларга ажратмай умумлаштирган ҳолда актантлар номи билан атади.

В. Г. Гак объектли предикат терминини киритди. Унинг фикрича, объектли предикат икки субстанция — А ва В ўртасидаги муносабатни ифодалайди³¹. Бу концепцияга мувофиқ, ҳар қандай гапнинг релятив структураси предикат ва унинг актантларидан иборат. Актантлар (аргументлар) предикатнинг бўш ўринларини (валентликларини) тўлдиради. Демак, предикат актантлари унинг валентликлари билан боғлиқ. Н. И. Филичева таъкидлаганидек, валентликни ва унинг бўш ўринларини ўзида акс эттирувчи сўз ички тузилишида синтактик муносабатларнинг «скелети»ни ҳосил қилади ва бу скелет конкрет нутқий реалланувдан ташқарида ҳам ўзини кўрсатиб туриши мумкин³². Шунинг учун ҳам, аввало, реляцион структура элементларининг синтагматик ва парадигматик муносабатлари ҳамда уларнинг конкрет синтактик структура орқали ифодаланиши ҳақида баҳс юритишга тўғри келади.

СИНТАГМАТИКА

Реляцион «скелет» ташқи структурада маълум конфигурацион «скелет»га, яъни маълум грамматик шаклланишга мувофиқ келади. Реляцион ва конфигурацион «скелетлар» устма-уст қўйилиб, боғланиш моделини ҳосил қилади. Боғланиш моделида ўзининг тузилиш моделига кўра асосий ва ёрдамчи аъзоси ажралади. Ҳар қандай гапнинг реляцион структураси предикат ва унинг аргументлари муносабати бирлиги сифатида талқин қилинар экан, бу тузилишнинг асосий аъзоси предикат саналади.

Предикатлар, одатда, ҳам парадигматик, ҳам синтагматик аъзоларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли у гап ёки унинг айрим қисмларининг конструктив маркази сифатида майдонга чиқади. Аргументлар эса уларнинг фақат умумий синтагматик-семантик семаларини

³¹ Гак В. Г., Ройзенблит Е. Б. Очерки по сопоставительному изучению французского и русского языков М., 1965, С. 111.

³² Филичева Н. И. Синтаксические поля. М., 1977, С. 11.

реаллаштиради. Бу эса предикат мавҳум семантик-синтактик синтагма асоси, аргументлар эса уларнинг семантик валентликларини конкретлаштирувчи, реаллаштирувчи эканлигини кўрсатади³³. Демак, валентликнинг ташувчиси бўлган предикат гап структурасини белгилайди. Ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентлик сифатида қаралади³⁴. Кейинги йилларда валентлик назарияси ўзининг муаммолари ва терминологияси билан алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида ажрала бошлади. «Валентлик» термини совет ва чет эл тилшунослигида бир вақтда майдонга келди. Бу термин 1948 йилда С. Д. Кацнельсон томонидан «Грамматик категориялар ҳақида» асарида қўлланилади. Сўзнинг гапда маълум тарзда реаллашиш ва бошқа сўз билан маълум алоқага киришиш хусусияти унинг синтактик валентлиги ҳисобланади³⁵. Унинг таъкидлашича, валентлик — бу худди анкетадаги каби тўлдириладиган «бўш ўринлари» мавжуд бўлган маъно хусусиятидир. Бошқача айтганда, валентлик остида сўз маъносидан англашиладиган ёки унда яширин мавжуд бўлган «бўш ўрин» ва уни гапда айрим сўзлар билан тўлдириш заруратига ишора тушунилади. Демак, валентлик — бу маълум сўзнинг бошқа сўзни ўзига бирлаштириш хусусиятидир³⁶.

С. Д. Кацнельсон билан деярли бир вақтда, аммо ўзи мустақил равишда француз тилшуноси Л. Теньер ҳам 50-йилларнинг бошларида тобелик грамматикаси доирасида валентлик назариясини ишлаб чиқди. Л. Теньернинг бу назарияси жаҳон тилшунослигига кенг тарқалди ва янги-янги тадқиқотларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Ҳозирги кунда валентлик масаласи билан МДҲ, Германия ва бошқа бир қатор мамлакат тилшунослари шуғулланмоқдалар³⁷.

³³ Қаранг: Васильев Л. М. Семантика русского глагола. М., 1981, С. 28.

³⁴ Долинина И. Б. Системный анализ предложения (на материале английского языка). М., 1977, С. 27.

³⁵ Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности. — ВЯ, 1987, № 3, С. 21; Шу муаллиф. О грамматической категории. — Вестник ЛГУ. 1948. № 2, С. 132. Шу муаллиф. К понятию типов валентности. — ВЯ, 1987, № 3, С. 21.

³⁶ Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности. — ВЯ, 1987, № 3, С. 21; Шу муаллиф. О грамматической категории. — Вестник ЛГУ, 1948, № 2, С. 132.

³⁷ Кибардина С. М. К истокам теории валентности в немецком языкознании XIX века. — В кн.: Грамматические концепции в языкознании XIX века. Л., 1985, С. 181.

Тилшунослар томонидан «валентлик» термини фақат сўзларгагина эмас, балки морфема, сўз ясалиши ва гапларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда: морфема валентлиги («ички валентлик»), гап валентлиги ва бошқ.³⁸

Л. Теньер ўзининг грамматикасида гапни тузилиш жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида гапнинг тузилиш асоси сифатида феълга таянди.

Феъл валентлиги назарияси ҳар қандай гап асосида феъл ётади, деган концепция натижасидир. Бунга кўра гап тузилишини предикат (кўп ҳолларда феълдан ифодаланган) белгиләйди ва у ўзига мувофиқ категориал белгиларга ўрин очади. Гапнинг барча қисмлари феъл предикат муносабатига кўра унга боғлиқ (тобе) қисмларга (улар турли терминлар билан юритилади: актантлар, аргументлар, тўлдирувчилар, партнерлар, элементлар ва бошқ.) ва эркин қисмларга (улар ҳам турлича номланади: сирконстантлар, эркин кенгайтирувчилар, ҳоллар, адъюнктлар) бўлинади.

Валентлик назарияси жаҳон тилшунослигида кенг ёйилишига қарамасдан, ҳали унинг бир қатор чекланган томонлари бор эди. Хусусан, валентликни белгилашнинг аниқ ўлчови йўқ эди. Натижада бирикма таркибидаги тобе қисмга валентлик асосида боғланганлиги ёки эркин боғланганлигини чегаралаш қийин бўлди. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, айрим сўзлар ўз қуршовида «очиқ ўрин» га эга бўлсалар ҳам, аммо маълум шарт-шароитларда унинг тўлдирилиши талаб этилмайди. Шунинг учун ҳам маълум ўлчов асосида облигатор ва факультатив валентликларни чегаралаш зарурияти туғилди. Натижада 60-йилларда валентлик назарияси бўйича яна кенг мунозара бошланиб кетди. Мунозара, энг аввало, валентлик-назариясидаги марказий масалага—валентлик муносабатининг сатҳлари ва сатҳлараро муносабатларга қаратилди.

Валентлик назариясининг мукаммаллашишида Г. Хельбиг катта роль ўйнайди. У немис тили материаллари асосида феълнинг валентлик моделларини ишлаб чиқди ва «Немис тилидаги феъл валентликлари ва дистрибуцияси луғати»ни тузди. Бу моделлар дастлаб фақат бир сўз туркуми—феъл асосида белгиланган

³⁸ Қаранг: Степанова М. Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике. — Иностранний язык в школе. 1973, № 6; Новицкая И. М., Пашевская Т. Д. Некоторые аспекты межфразовой валентности. — Вестник ЛГУ, 1981, № 2. Вып. 1.

бўлса, 70-йилларда валентлик моделларини фақат феъл асосидагина эмас, балки бошқа сўзлар асосида ҳам белгилаш мумкинлиги маълум бўлди.

Дастлаб валентлик назариясида валентлик табиатини турлича ҳал қиладиган икки йўналиш — шаклий ва мазмуний йўналиш ажралди. Кейинги даврларда бу икки йўналиш орасида ўзаро яқинлашиш, сўз шакли ва унинг лексик маъносининг валентликлари ўртасидаги муносабатнинг мавжудлигига эътибор берилляпти. Шундай бўлишига қарамасдан, бу муносабатнинг характери турлича баҳоланмоқда. Натижада валентликнинг кўп сатҳлилиги ҳақидаги тушунча майдонга келди. Хусусан, Г. Хельбиг мантиқий-грамматик (логик), мазмуний ва синтактик валентликларга ажратади. Г. Хельбигнинг фикрига кўра, мантиқий валентлик — бу тушунчалар мазмуни ўртасидаги тилдан ташқаридаги (экстралингвистик) муносабатлар; мазмуний валентлик мазмуний аъзоларнинг (семаларнинг) боғланиш имконияти; синтактик валентлик маълум тур ва соннинг маълум бир тилда фарқ қиладиган очиқ позицияларининг зарурий ва қўшимча тўлдирилишидир. Г. Хельбиг валентлик сатҳларининг мустақиллигини таъкидлайди. Мантиқий-семантик валентлик синтактик валентликни фақат олдиндан белгилайди, аммо ҳеч қачон уни тамоман белгиламайди³⁹. С. Д. Кацнельсон мазмуний валентлик (содержательная валентность) ва шаклий (формал) валентликка ажратади⁴⁰. Мазмуний валентлик ички — семантик планни акс эттиради ва типологик нуқтаи назардан предикат ва унинг аргументлари сифатида тавсифланадиган реляцион структурадир.

Шаклий валентлик мазмуний валентликнинг ифодаланиш шаклидир⁴¹. Шаклий валентлик маълум сўз шакли билан боғланади ва маълум бир тилнинг синтактик морфологияси элементи билан шартланади. Семантик (мазмуний) валентлик эса сўзининг маъносига алоқадор

³⁹ Степанова М. Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М., 1978, С 144—145.

⁴⁰ Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности. — ВЯ, 1987, № 3, С. 21.

⁴¹ Кибардина С. Б. Категории субъекта и теории валентности. — Сб. Категории субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982, С. 25.

бўлади ва, табиийки, морфологияга ҳеч қандай тобелиги бўлмайди⁴².

Ҳозирги кунда кўпроқ синтактик (конфигурацион) валентлик ва семантик валентлик ажратилмоқда⁴³. Синтактик валентлик бу маълум мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан бирика олиш имкониятидир. У маълум алоқалар структур схемаси (конфигураси)да⁴⁴ акс этади. Синтактик валентлик сўз маъноси билан боғланган, демак, у семантик валентлик билан чамбарчас боғлиқдир. Семантик валентлик лексемалар ўртасидаги турли синтагматик муносабатларни кўрсатади. Масалан: ўзбек тилида *сайрамоқ* лексемаси «қушларнинг овоз чиқариши» маъносини ифодалайди. Шунинг учун ҳам худди шу семаси билан фақат *қушлар* сўзи билангина боғлана олади. Аммо у иккинчи семани ҳам «тез ва кўп гапириш» семасини ҳам ифодалайди. Бу семаси билан «одам» синфига кирувчи лексемалар билан ҳам боғлана олади. Бу *сайрамоқ* лексемасининг семантик валентликларидир. Англашиладики, синтактик ва семантик валентлик диалектик бирликни ҳосил қилади ва ўзаро бир-бирига ўтиши мумкин⁴⁵.

Сўзлар валентлиги ва бўш ўрин билан ички тузилишида синтактик муносабатларнинг «скелетини» ташкил этади. Унинг нутқда реаллашиш натижасида конфигурацион «скелет» қўшилади. Реляцион ва конфигурацион «скелет» қўшилиб сўз бирикмаси моделини ҳосил қилади. Сўз бирикмаси модели икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан, синтактик шаклга (конфигурация, структур схемага) ҳамда умумлашган синтактик маънога (синтактик муносабатлар конфигурациясидан ифодаланувчи) эга. Сўз бирикмаси доирасида бош (ядро) ва эргаш аъзо (адъюнк), ёки аъзолар ажратилади. Бош аъзонинг морфологик шаклланиши бу бирикманинг ички тузилиши учун қимматга эга эмас

⁴² Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности... С. 21; Уша муаллиф. Типология языка и речевое мышление. Л., 1972, С. 47—88; Кибардина С. М. Основы теории валентности. Вологда, 1979, С. 5—17; Кибардина С. М. К истокам теории валентности. С. 183.

⁴³ Ўзбек тилида нутқ феълларининг семантик валентлиги алоҳида текшириш объекти бўлди. Қаранг: Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977; Валентлик классификацияси ҳақида, қаранг: Мухин А. М. Валентность и сочетаемость глаголов.— ВЯ, 1987, № 6, С. 52.

⁴⁴ Филичева Н. И. Синтаксическая поля. М., 1977, С. 8—9.

⁴⁵ Уша асар, 7-бет.

(қаратқич-қаралмиш муносабати бундан мустасно). У бутун гап составига қўшилганда бошқа қисмга эргаш позицияда келиб, бошқача қимматга эга бўлади. Аксинча, ёрдамчи аъзонинг бошқача морфологик шаклланиши бирикма ички тўзилиши учун муҳимдир. У ҳам бош аъзога синтактик тобеликни, ҳам тобе қисмини бош қисмга нисбатан синтактик вазифасини белгилайди. Эргаш қисм бирикма структурасида маълум синтактик вазифада келган сўзнинг маълум грамматик шакл, яъни сўзнинг синтактик шакли сифатида иштирок этади⁴⁶. Гапнинг семантик ва структур маркази предикат бўлганлиги туфайли, аввало предикат ҳақида тўхталишга тўғри келади.

ПРЕДИКАТ

Предикат ҳам семантик, ҳам мантиқий, ҳам грамматик тушунчадир. Семантик тушунча сифатида предикат — ҳар қандай синтактик қурилманинг номинатив асоси. Грамматик тушунча сифатида предикат ўзи бошқариб келаётган синтактик элементларнинг маркази. Мантиқий тушунча сифатида фикрнинг субъект белгисини билдирувчи қисми. Гапларнинг пропозитив структурасини предикат ва унинг аргументлари (семантик актантилари)дан ташкил топган предикат ифода сифатида моделлаштириш кўпроқ одат. тусига кириб бормоқда⁴⁷. Демак, предикат ва унинг аргументлари (унга эргашиб келувчи синтактик элементлар) бирлиги предикат ифодани (ПИ) ташкил этади. Яъни $ПИ = +P + A$. Ҳар қандай предикат ифодани шакллантиришда хизмат қиладиган марказий элемент предикатдир. Предикат ифодалар миқдори предикатга қараб белгиланади. Маълум синтактик бутунлик таркибида қанча предикат бўлса, у шунча предикат ифодадан иборат бўлади. Предикат ифода гап учун асос ролини ўйнаса ҳам, яъни ҳар қандай гап предикат ифодадан ташкил топса ҳам, аммо ҳар қандай предикат ифода гап бўла бермайди. ПИ гап бўлиб шакллана олиши учун у гапнинг энг муҳим грамматик-семантик белгисига — предикативликка эга бўлиши керак. Предикат предикативлик билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай предикативлик пре-

⁴⁶ Филичева Н. И. Синтаксические поля. М., 1977, С. 7.

⁴⁷ Қаранг: Категория глагола и структура предложения. Л., 1983, С. 13.

дикат асосида шаклланади. Предикативлик шакллари предикатга қўшилади. Шунинг учун ҳам предикативликни ўзида акс эттирган ҳар қандай предикатнинг ўзи энг кичик гап ҳисобланади.

Демак, предикат пропозициив структуранинг марказий элементидир. Шундай бўлишига қарамасдан тилшуносликда предикат мақоми масаласида бир хиллик йўқ. Жуда кўп адабиётларда предикат феълга нисбат бериллади. Унинг эквиваленти сифатида талқин қилинади. Масалан, Ю. С. Степанов фикрига кўра, феъл — бу предикатдир. Феъл лугатнинг мураккаб (комплекс) бирлиги бўлиб, биринчидан, айрим предикатни, иккинчидан, гап таркибида шу предикатга кирувчи отнинг айрим мазмуний белгиларини ифодалайди⁴⁸.

В. Б. Касевич ва В. С. Храковскийлар ҳам предикатга худди шундай муносабатда бўладилар. Хусусан, улар предикат актантлари (ПА) ҳақида фикр юритиб, улар асосан феъллар, феълли оборотлар орқали ифодаланганини айтадилар⁴⁹. Муаллифлар феълга қарам бўлган, унинг мажбурий валентлигини тўлдирувчи синтактик қурилманинг элементини синтактик актантлар ҳисоблайдилар ва уни феълнинг мазмуний валентлиги билан боғланмаган сирконстантларга қарама-қарши қўядилар. Айрим лингвистлар предикат термини остида фақат феълни эмас, балки кенг маънода отларни ҳам бирлаштирадилар. Предикатларни мустақил ва ёрдамчи предикатларга бўладилар. Биринчи типдаги предикатларга феъл, сифат, равиш, ҳолат билдирувчи сўзлар ва мавҳум отлар киритилади. Иккинчи типдаги предикатларга эса айрим кўмакчилар, боғловчилар, пропозиционал боғламалар, кванторлар, грамматик категориялар мансуб эканлигини кўрсатадилар⁵⁰. Ҳамма предикатларнинг умумийроқ оппозицияси статиклик — динамиклик фарқловчи белгисига кўра икки катта гуруҳга ажратилиши жуда кўп адабиётларда тан олинади⁵¹. Рус грамматикаларида юқоридаги оппозиция энг умумий фарқловчи белги сифатида қаралиб, пре-

⁴⁸ Степанов Ю. С. Имена. Предикаты. Предложения. Семнологическая грамматика. М., 1981, С. 115.

⁴⁹ Степанов Ю. С. Уша асар, 114-бет; Категории глагола и структура предложения. С. 5.

⁵⁰ Вейнрейх У. О семантической структуре языка. — В сб. Новое в лингвистике. М., 1970. Вып. 5. С. 172—189; Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. ГУ, С. 83—142; Васильев Л. М. Семантика русского глагола. М., 87. С. 36.

⁵¹ Семантические типы предикатов. М., 1982, С. 12.

дикатларнинг феъл ва феъл бўлмаган сўзлар орқали ифодаланишига асос бўлади. Кўриниб турибдики, предикатлар пропозициянинг марказий элементи (предикат ва унинг аргументлари моделида бўлганда) ёки шу пропозициянинг ўзидир (ноль валентли предикат моделида бўлганида). Предикатлар феъллар ва феъл бўлмаган (кенг маънода отлар, ёки белги билдирувчи сўзлар) сўз шакллари орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам у, аввало феъл предикатлар ва от предикатларга бўлинади.

Юқорида айтилганидек, феъллар гапда доимо предикат бўлиб келади. Пропозициянинг бирламчи ифодаловчиси бўлган, грамматик тўла шаклланган феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташкил этиш (боғлаш), 2) гапни гап қилиб шакллантириш. Э. Бенвенист феълнинг гап таркибидаги биринчи вазифасини алоқа вазифаси, иккинчисини эса тасдиқ вазифаси, деб атайди⁵². Феълнинг гапда доимо предикат вазифасида келганлиги учун феъл предикатларни белгилаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аммо от доимо предикат вазифасида кела бермайди. Отлар икки хил вазифада — предикат ва предикат (аргумент) белгилар сифатида келиши мумкин. Шунинг учун ҳам қуйида кўпроқ от предикатларга эътиборни қаратамиз.

В. В. Богданов предикат ва нопредикат белгилар ўртасидаги фарқ бутун тил системасига таъсир этишини ҳамда бу фарқ объектив борлиқ антологияси билан боғлиқ эканлигини, шунинг учун ҳам у фақат лингвистик аҳамиятгина эмас, балки мантиқий ва умумфалсафий аҳамият ҳам касб этишини баён қилади⁵³.

Ҳозирги фалсафий объектив борлиқнинг икки концепцияси кенг тармоқ отди. Улардан бири австрия файласуф-неопозитивисти Л. Витгенштейн номи билан боғлиқдир. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки, объектив дунё моддий йиғинди сифатида эмас, балки фактлар йиғиндиси сифатида қаралади. Жумладан, Л. Витгенштейннинг «Мантиқий — фалсафий трактат» асарида «1. 1. Дунё нарсалар йиғиндиси эмас, балки фактлар йиғиндиси», «1. 2. Дунё фактларга ажралади», — деган тезис баён қилинади⁵⁴.

⁵² Бенвенист Э. Общая лингвистика, М., 1974, С. 170.

⁵³ Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Изд. ЛГУ, С. 26.

⁵⁴ Витгенштейн Л. Логико-философский трактат. М., 1958. С. 31.

Барча фактларни у элементар ва мураккаб ёки молекуляр фактларга бўлади. Элементар факт, унинг фикрича, объектлар (нарсалар, предметлар) боғланишидир. Масалан, «Сукрот доно бўлгани», «Сукрот афиналик бўлган» ва бошқа гапларнинг ҳар қайсиси биттадан элементар фактни ифодалайди. Элементар фактлар молекуляр факт учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан юқоридаги ҳар қайси элементар фактни ифодалаган гаплар молекуляр фактни ифодаловчи Сукрот, доно, афиналик бўлган гапнинг қисмлари ҳисобланади.

Совет фалсафий адабиётларида Л. Витгенштейннинг дунёнинг бундай фактологик концепциясини қаттиқ танқид қилган ҳолда, А. И. Уемовнинг «наrsa, хусусият ва муносабат» концепцияси кенг ўрин олди. Бу концепцияга кўра, объектив борлиқнинг асосий категориялари наrsa, хусусият ва муносабат ҳисобланади. Фақат нарсаларгина эмас, балки хусусият ва муносабатлар ҳам объектив мавжуддир. Бу категориялар ичида марказий ва энг асосий категория «наrsa»дир. Чунки хусусият ва муносабатга нисбатан наrsa кўпроқ нисбий мустақилликка эга.

Л. Витгенштейн ҳам нарсанинг объектив мавжудлигини инкор этмайди. Аммо у фактни нарсадан устун қўяди. А. И. Уемов фикрича эса, хусусият, муносабат ҳамда улар асосида шаклланидиган факт ҳам наrsaга нисбатан иккиламчидир. Дарҳақиқат, факт — бу нарсанинг хусусият ва муносабати билан кўринишидир. Аммо ҳар қандай хусусият ва муносабат наrsaга нисбатан иккиламчидир, нарсанинг белгиларидир. Белги ҳақида гапириш учун, аввало, бу белгига эга бўлган наrsa мавжуд бўлиши керак.

Реал борлиқ тафаккурда, демакки, мантиқий категорияларда ва тилда ўз аксини топади. Л. Витгенштейн шу муносабат билан мантиқий образлар ёки пропозициялар ҳақида фикр юритади. Гапни пропозитив (пропозиционал) белги деб ҳисоблайди. У кичик фактларни ифодаловчи гапларни «элементар гаплар» дейди. Унинг фикрича, элементар гаплар ўзаро пропозиционал боғламалар воситасида боғланиб молекуляр фактларни ифодаловчи комплекс гапларга айланиши мумкин.

А. И. Уемов концепциясида наrsaга субъект; хусусият ва муносабатга эса предикат мувофиқ келади. В. В. Богданов А. И. Уемов концепциясига қўшилган

ҳолда, ҳар қандай элементар гапда икки хил от (имена); маълум бир отнинг хусусиятини ёки бошқа отлар ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи отлар ҳамда ўзаро боғланаётган отларнинг ўзи мавжудлигини таъкидлайди.

Улардан биринчисини предикат белгилар, иккинчисини нопредикат белгилар, деб ҳисоблайди. Нопредикат белгилар предикат белгининг аргументлари ҳисобланади.

Ю. С. Степанов шунинг учун «предикатлар — бу алоҳида семантик моҳият бўлиб, унинг категоризацияси борлиқнинг объектив ҳодисаларининг умумлашмасини кўрсатади»⁵⁵, — дейди.

Тилшунослар томонидан жуда кўп таъкидланганидек, лингвистикада шу вақтга қадар предикатларнинг фарқловчи маъно қисмларининг аниқ миқдорига эсосланган, кўпчилик томонидан эътироф этилган семантик таснифи мавжуд эмас⁵⁶. Утган ўн йилликда худди шундай таснифни яратиб йўлида қадам қўйилди. Г. Б. Алисованинг кўрсатилган асари ҳам худди шундай уринишлардан биридир. Айниқса, кейинги йилларда предикат таснифига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди⁵⁷.

Предикатлар таснифи юзасидан қилинган дастлабки тадқиқотлар орасида Л. В. Шчербанинг ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. У рус тилидаги предикатларни учга: 1) ҳаракат, 2) ҳолат ва 3) хусусият маъноли предикатларга ажратади.

Л. В. Шчербанинг предикатлар ҳақидаги нояси рус тилшунослигида кенг ўрин олди. Хусусан, В. В. Виноградов томонидан янада ривожлантирилди. Б. А. Ильин эса унинг фикрларини инглиз тили материалларига тадбиқ этди.

⁵⁵ Степанов Ю. С. К универсальной классификации предикатов. — Известия. АН СССР. Серия Литературы и языка, 1980, Т. 39, № 4, С. 312; Яна қаранг: Семантические типы предикатов. М., 1982, С. 8.

⁵⁶ Алисова Г. Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка, М., 1971, С. 10; Семантические типы предикатов. М., 1982, С. 7.

⁵⁷ Семантические типы предикатов...; Степанов Ю. С. Имена. Предикаты. Предложения. М., 1981; Артунова Н. Д., Ширяев Е. Н. Русское предложение. Бытийный тип. М., 1983; Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. М., 1982, С. 168 и т. д.

Предикатлар таснифида кўпинча «активлик» — «демиактивлик» белгисига ҳам эътибор берилди. Аммо бу белги тилшунослар ўртасида бир хил тушунилмайди. Хусусан, П. Валезио ушбу оппозицияни даража (нисбат) оппозицияси билан тенглаштиради. Ўзбек тилида ҳам «у ёзди», «у ўқияпти» билан «ўт ёнди», «қор ялтирайди» гапларидаги предикатлар «активлик — демиактивлик» белгисига кўра оппозицияга киришади.

Гапнинг маъно типлари ҳам предикатга қараб белгиланади. Чунки гап объектив борлиқ ҳодисалари ўртасидаги категория алоқаларни акс эттириб, унинг умумлашган маънолари (маъно типлари) энг аввало предикатнинг категориял-грамматик характерида намоён бўлади⁵⁸.

Предикатлар таснифига таянган ҳолда гапнинг ҳам қуйидаги асосий мазмуний-грамматик моделларини ва умумлашган маъноларини белгилаш мумкин.

Предикат отларнинг характерли хусусиятлари, уларнинг семантик таснифи, от асосли гаплар таснифидаги роли ҳам тилшуносликда яхши ўрганилмаган.

Рус тилшунослигида Н. Д. Артунова ва Е. Н. Ширяевлар рус тилидаги мавжудликни ифодаловчи гапларни тадқиқ қилиш жараёнида, бу гапларнинг структур маркази бўлган предикат отларни мазмуний гуруҳларга ажратади⁵⁹.

Ўзбек тилидаги от асосли гаплар ҳам махсус тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Бундай гапларни чуқур ўрганиш ва бу гапларнинг семантик-грамматик маркази бўлган предикат — отларни таснифлаш ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифасидир.

Субъект		предикат					
Ш'ахс	предмет	Фейл	равнм	белги	от	миқдор	умумлашган маънолари
Акам		ишла- япти					субъект ҳаракати
Акамда	даст- гоҳ	ишла- япти			ишда репити- цияда	репити- ция	

⁵⁸ Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты..., С. 168.

⁵⁹ Артунова Н. Д., Е. Н. Ширяев. Русское предложение. Бытийный тип. М., 1983, С. 7.

1	2	3	4	5	6	7	8
Акам Акамга	даст- гоҳ	ухла- япти		яхши фойда ли	уйқуда ремонтда		субъект ҳолати
Акам	хат			данга- са айёр киноя ли			субъект хусусия- ти
Акам	бўри Бай- кал				ўқитувчи кўл		субъектга мансубли- ги
Ака-укалар	сув		тез		тиззадан	тўртта	субъект ўлчови миқдори

Биз ўзбек тилидаги предикат отларни қуйидаги маъно турларига ажратамиз: характерловчи, таснифловчи, муносабат, замон, ўрин ва миқдор предикатлар.

Характерловчи предикатлар. Бу предикат предметга хос доимий белгини кўрсатади: *Аҳмад — ёлғончи (аълочи, ботир, содда ва бошқ.)*

Таснифловчи предикатлар. Бундай предикат вазифасида конкрет отлар келади. Конкрет отлар предикат позициясида қўлланиб, бу предикатни маълум синфга мансублигини кўрсатади: *Кит — сут эмизувчи. Бу гул — атиргул ва бошқ.*

Муносабат предикатлар. Бундай предикатлар предикат ифодалаган объектнинг бошқа объектга муносабатини ифодалайди: *Салим ака — Қаримнинг отаси. У менинг укам.*

Ўрин предикатлар. Предмет ва унинг жойлашган ўрни ўртасидаги муносабатни билдиради: *Укам мактабда. Ҳаёлим сенда.*

Замон предикатлар. Предмет ва унинг мавжудлик вақти ўртасидаги муносабатни кўрсатади: *Мажлис — бугун, Кино — соат тўртда* ва бошқ.

Миқдор предикатлар. Предмет ва унинг миқдори ўртасидаги муносабатни кўрсатади: *Фарзанддан бешта, сув кўп* ва бошқ. Предикатларнинг бундай мазмуний типлари от асосли гапларнинг мазмуний таснифи учун ҳам таянч ролини ўйнайди: мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар; характерловчи гаплар; тенглаштирувчи гаплар ва бошқ.

ФЕЪЛ ПРЕДИКАТЛАР

Феълнинг лексик маъноси маълум лексик-семантик типнинг вакили бўлиб, у ўзида маълум от категорияси билан бирлашишга хосланган категориал белгини ҳам акс эттиради⁶⁰. Шу билан бирга феъллар ўз ичида маълум маъно асосида бирлашган мазмуний майдонларни ҳам ҳосил қилади. Шундай қилиб, феъл гапнинг ҳам мазмуний, ҳам грамматик марказини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам у фақат лексик, морфологик жиҳатдангина эмас, синтактик нуқтаи назардан ҳам эътибор марказида туради. С. Д. Кацнельсоннинг таъкидлашича, маъно планида феъл предикатлар оддий лексик маънога нисбатан кенгроқдир: Феъл предикатлар маълум лексик маънони ифодалаш билан бир қаторда, у ўзида бўлажак гап макетини ҳам акс эттиради. Феъл предикатлар маълум «бўш ўрин»ларга эга бўлиши билан бирга, ўзи ҳам мазмуний жиҳатдан маълум мазмуний парадигмага мансуб бўлади.

Ҳозирги тилшуносликда феълларнинг ҳамма эътироф этган мазмуний таснифи мавжуд эмас. Турли принципга кўра турлича тасниф қилинади (декотатив, парадигматик ва синтагматик аспектда).

Парадигматик нуқтаи назардан, феъл инвариант маънога кўра тасниф қилинади. Бунга мувофиқ ҳаракат (фаолият), ҳолат, хусусият, муносабат феълларига ажратилади⁶¹. Феъл предикатларнинг бу семантик

⁶⁰ Кибардина С. Б. Категории субъекта и объекта и теории валентности. — Сб. Категории субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982, С. 30.

⁶¹ Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения; Чанф У. Л. Значение и структура языка. М., 1979, С. 116—120; Сильницкий Г. Г. Семантические типы ситуаций и семантические классы глаголов. — В кн. Проблемы структурной лингвистики М., 1973, С. 373—390.

майдонларни ўз ичида яна микромайдонларни ташкил қилади. Хусусан, фаолият феълларини, ўз навбатида, руҳий фаолият, нутқий фаолият, меҳнат фаолияти ва бошқа микромайдонларга бўлиш мумкин. Руҳий фаолият феълларини, ўз навбатида, янада кичикроқ микромайдонларга бўлиш мумкин: 1) сезиш (ҳис қилиш) феъллари (*сезмоқ, ҳис қилмоқ*); 2) хоҳиш феъллари (*истамоқ, хоҳламоқ*); 3) гидроқ қилиш феъллари: а) умумий гидроқ (*англамоқ, билмоқ*); б) кўриш гидроқи (*кўрмоқ, кўр бўлмоқ*); в) эшитиш гидроқи (*эшитмоқ, қар бўлмоқ, қулоғи оғир бўлмоқ*); г) ҳидлаш феъллари (*сезмоқ, сийпаламоқ*); 4) эътибор феъллари (*эътибор қилмоқ, эътибор билан эшитмоқ*);

- 5) эмоционал кечинма феъллари (*тўймоқ*);
- 6) эмоционал муносабат феъллари (*севмоқ, ҳурмат қилмоқ, ёқмоқ*);
- 7) фикрлаш феъллари (*фикрламоқ, ўйламоқ, тасаввур қилмоқ, тахмин қилмоқ, янглишмоқ, хато қилмоқ*);
- 8) сезиш феъллари (*билмоқ, ўзлаштирамоқ, эгалламоқ*);
- 9) хотира феъллари (*эслатмоқ, эсдан чиқармоқ*).


II. Қўчқортоев ўзбек тили нутқ феълларини қуйидаги тўққиз гуруҳга тасниф қилади⁶².

- 1) *демоқ* феъли;
- 2) гапириш феъллари (*гапирмоқ, баён қилмоқ, ҳикоя қилмоқ, лоф урмоқ*);
- 3) хабар феъллари (*айтмоқ, билдирмоқ, маълум қилмоқ*);
- 4) нутқнинг талаффуз характери (*бақирмоқ, бобилламоқ, гангимоқ, бидирламоқ, чивирламоқ*);
- 5) нутқий симметрик феъллар (*чақчақлашмоқ, гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ, дардлашмоқ*);
- 6) нутқий контакт феъллари (*сўрамоқ, суриштирмоқ, эътироз билдирмоқ, инкор қилмоқ*);
- 7) нутқий баҳо феъллари (*мақтамоқ, ёмонламоқ*);
- 8) нутқий даъват феъллари (*ундамоқ, даъват этмоқ, тарғиб қилмоқ*);
- 9) жим бўлиш феъллари (*индамаслик, сукут қилмоқ, тек турмоқ*).

Бир семантик майдонга мансуб бўлган предикатлар ўзаро валентлик нуқтаи назардан фарқ қилиши мумкин. Масалан, *сўрамоқ, суриштирмоқ, эътироз билдирмоқ, инкор қилмоқ* феъллари валентлик белгисига кўра ўза-

⁶² Кучкартаев И. К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977, С. 9—11.

ро фарқланади. *Сўрамоқ, суриштирмақ* феъллари икки валентликка — субъект ва объект валентликларга эга бўлиб, уларнинг биринчисини бош ва иккинчисини тушум келишигида келишини тақозо этса:



эътироз билдирмоқ, изҳор қилмоқ феъллари ҳам икки валентли бўлишига қарамай, аргументлардан бирини бош ва иккинчисини жўналиш келгишигида келишини

талаб қилади (*NØNга* эътироз билдирди).

АРГУМЕНТЛАР

Пропозитив структуранинг асосий узвлари предикат ва унинг аргументлари саналади. Бу узвларнинг ҳар қайсиси ўзларига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Предикат семемасининг характерли хусусияти маълум миқдордаги аргумент семемалар билан боғланиш имкониятига эга бўлишидир. Бу имконият уларнинг семантик валентлиги ёки «ўринлари» саналади. Предикатлар бундай хусусиятига кўра ноль ўринли (валентли), бир ўринли (валентли) ва кўп ўринли (валентли) турларга бўлинади. Ноль ўринли предикатлар табиатнинг фазовий ҳолатини тавсифлайди. Бир валентли предикатлар ҳаракат, ҳолат хусусиятларни ифодалаши мумкин. Лекин улар муносабатни ифодамай олмайдилар. Кўп валентли предикатлар эса юқоридаги предикатлардан фарқли равишда муносабатни ҳам ифодамай олади⁶³.

Аргументлар предикатларнинг бўш ўринларини тўлдириб келади. Предикат ва унинг аргументлари муносабати синтактик моделларни вужудга келтиради. Синтактик моделлар маълум синтактик маъно асосида маълум синтактик майдонни ҳосил қилади. Синтактик майдон термини остида объектив реаллик муносабатларини умумлашган тарзда акс эттирувчи синтактик маънолар яқинлиги асосида синтактик моделларнинг гуруҳ-

⁶³ Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. ЛГУ, 1972, С. 51.

ланишини тушунамиз⁶⁴. Майдон ўзаро синтактик муносабатдаги тобе қисмининг ҳоким қисмга нисбатан позициясига кўра белгиланади. Гапнинг мазмуний ва тузилиш маркази предикат бўлганлигидан майдон ҳам предикат ва унинг аргументлари асосида белгиланади.

БИР ПРЕДИКАТЛИ ҚУРИЛМАЛАР

Аргумент позициясида нопредикат белгилар келган синтактик қурилмалар бир предикатли қурилмалар саналади.

Аргумент позициясида келган нопредикат белгилар турли мазмуний вазифаларни бажаради ва шунга мувофиқ аргумент-предикат муносабатлари турли мазмуний майдонларни ҳосил қилади. Бу майдонлар (макромайдонлар) бир бутун сифатида ўз ичида маълум микромайдонларга бўлиниши мумкин.

СУБЪЕКТЛИЛИК МИКРОМАЙДОНИ

Лингвистик назарияларнинг ривожланиш жараёни билан субъект тушунчаси энг тортишувли масалалардан бирига айланиб қолди⁶⁵.

Тилшуносликнинг ҳозирги даврида субъект тушунчаси синтаксис ва семантиканинг ўзаро муносабатини ўрганиш нуқтаи назаридан кўпроқ эътиборни жалб этмоқда. Грамматик эга (синтактик структура бирлиги) кўпинча семантик субъект (семантик структура бирлиги) билан мос келмаслиги мумкин. Бу номувофиқлик икки структура элементларини алоҳида-алоҳида ўрганишга асос бўлди. Бундай ёндашиш таҳлил нуқтаи назаридан, дарҳақиқат, ўзини оқлайди. Аммо алоқа-аралашув жараёнида гап бир бутун структура сифатида функциялашади. Бу эса лингвистлар олдида гап қисмлари ролларига фақат аналитик характеристикагина эмас, балки синтактик характеристика ҳам бериш вазифасини юклайди⁶⁶. Шунга мувофиқ, семантик-синтактик субъект категориясини гапнинг бир бутун тузилишида аниқлаш масаласини қўйишга зарурат пишиб етди, дейди. Г. А. Золотова.

Аммо Д. Д. Воронина Г. А. Золотовани гапнинг

⁶⁴ Қаранг: Филичева Н. И. Синтаксические поля. М., 1977, С. 7.

⁶⁵ Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты..., С. 133.

⁶⁶ Золотова Г. А. Уша асар, 133-бет.

семантик структурасидаги субъект мақомини аниқ тасаввур этмасликда айблайди.

Ҳар икки муаллиф ҳам субъектни гап семантик тузилишининг энг муҳим категорияси, предикатив белгининг ташувчиси (фақат предикатив белгини, чунки худди шу белги субъект ҳақида тасаввур уйғотади) ҳисоблайдилар. Гап субъект-предикат тузилишининг субстанционал қисмидир. Субъектнинг субстанционаллиги унинг предмет маъносини от билан ифодаланишини тақозо этади.

Мавжуд грамматик адабиётларда субъект термини хилма-хил талқин этилади. Бу ўринда бу термин остида эга, бошқасида ҳаракат қилувчи (деятель), яна бошқасида белгини яратувчи (производитель признака) маънолари тушунилади. Булар ичида субъект билан эгани тенглаштириш энг кўп учрайди. Эгани субъект тушунчаси орқали белгилаш фақат норматив грамматикалардагина эмас, балки махсус тадқиқотларда ҳам жуда кўп тарқалган⁶⁷. Хусусан, академик И. И. Мещанинов эгани шундай таърифлайди: «...субъектни ифодаловчи алоҳида гап бўлаги эга дейилади»⁶⁸. А. И. Смирницкий ҳам субъект гапда эга орқали ифодаланишини, ўз навбатида, эга субъектни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси эканлигини кўрсатади.

Айрим адабиётларда субъект гапнинг эгаси ёки тўлдирувчисига мос келишига кўра, гаплар иккига — актив ва пассив қурилмаларга бўлинади. Актив қурилмаларда эга субъектни ифодалаши, пассив қурилмаларда эса тўлдирувчи субъектни (агенсни) ифодалаши кўрсатилади. Шу билан бирга субъект термини остида рангбаранг тушунчалар бирлаштирилади: ҳаракатни ҳосил қилувчи, белги эгаси, ҳолат эгаси ва бошқ.

Субъект предикат билан диалектик боғланган⁶⁹. Чунки у предикат ифодалаган белгининг эгаси, предикат эса субъект белгисини билдиради. Аммо предикат марказий элемент (семантик марказ) бўлиб, субъектни ҳам кўрсатиб туради⁷⁰.

⁶⁷ Аристова Е. Б. Категория субъекта агентивные синтаксеми в современном английском языке.— Сб. Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982, С. 45.

⁶⁸ Мешанинов И. И. Члены предложения и части речи. Л. 1978, С. 207.

⁶⁹ Кокорина С. И. О семантическом субъекте и особенностях его выражения в современном русском языке. М., 1979. С. 11.

⁷⁰ Воронина Д. Д. Типы агенса и значения определенности, неопределенности и обобщенности. ФН, 1975, № 4, С. 74.

Предикат грамматик жиҳатдан фақат кесим позициясида келмаганидек, субъект ҳам фақат эга позициясида келмайди. У турли келишик шаклларидаги отлар билан ифодаланиб, турли синтактик позицияда келиши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, ўзбек тилшунослигидаги синтаксисга бағишланган ишларда субъект ва эга тушунчаларини аралаштириш ҳолатлари учрайди. Хусусан, ўзбек тилидаги *курсимизда ҳамма миллатдан бор* типидagi мисолларда чиқиш келишигидаги «миллатдан» бўлаги «бор» сўзидан (предикатдан) англашилган белгининг ташувчиси бўлганлиги учун эга бўлади, дейилади.

Семантик субъект ва предикат тушунчалари мантиқий субъект ва предикат тушунчаларидан ҳам фарқ қилади. Мантиқий ҳукм грамматик гап орқали реаллашади. Демак, ҳукм ва гап ўзаро диалектик бирликни ташкил этади. Одатда ҳар бир ҳукмда уч асосий элемент: **субъект, предикат ва боғловчи** мавжуд бўлади. Мантиқда ҳукмнинг биринчи тушунчасини ҳукмнинг мантиқий эгаси, иккинчи тушунчасини—мантиқий кесими ва булар орасидаги муносабатни вужудга келтирувчи ҳукм элементини ҳукм боғловчиси дейилади. Ҳукмнинг умумий схемаси С+П дир. Бунда С — субъект, П — предикат, «+» эса субъектнинг предикат билан муносабатини кўрсатувчи боғловчидир. Масалан: *Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархини камайтиради* гапи орқали англашилган ҳукм структурасида *меҳнат унумдорлигининг ошиши* — С, *маҳсулот таннархини камайтиради* — П ва С билан П орасидаги муносабат **боғловчидир**. Гапнинг мантиқий тузилиши фақат шу уч элемент билан чекланади.

Гапнинг семантик тузилишида эса субъект ва предикатлардан ташқари вазиятнинг бошқа элементлари ҳам қатнашади. Масалан: юқоридаги гапда семантик жиҳатдан икки пропозиция ифодаланган бўлиб, у қуйидаги семантик бирликлардан иборат: **меҳнат унумдорлиги** — субъект, **ошиши** — предикат (биринчи пропозиция); **маҳсулот таннархи** — субъект, **камайтирилади** — предикат, **-тир** — каузатор (иккинчи пропозиция). Кўришиб турибдики, мантиқий субъект ва предикат тушунчалари билан семантик субъект ва предикат тушунчалари ўзаро боғланган бўлсалар ҳам, аммо бир-бирига тенг ҳодисалар эмас.

Шу билан бирга, мантиқий субъект — предикат тушунчалари ўзаро нисбий боғлангандир. Агар бу икки

тушунчалар якка ҳолатда олинадиган бўлса, ҳукм ифода-
далай олмайди. Масалан: якка олинган «кино» тушун-
часи субъект ҳукм, «санъат» тушунчаси предикат ҳукм
бўла олмайди. Агар биз «кино санъатдир» десак, бунда
икки тушунчанинг ўзаро диалектик муносабати маълум
бир ҳукми ташкил этади, яъни бунда «кино» ҳукми-
нинг субъект элементи, «санъат» унинг предикат эле-
ментига айланади⁷¹. Аммо гапнинг семантик тузилишида
фақат предикатнинг ўзи маълум пропозицияни ифода-
лаб, у субъектни ҳам кўрсатиб туриши мумкин.

Юқорида субъект жуда умумий тушунча эканлиги,
унинг жуда кўп ва хилма-хил вазият элементларини ўз
ичига бирлаштириши айтиб ўтилди. Аммо лингвистик
адабиётларда субъектнинг маънолар системаси турлича
талқин қилинади.⁷² Мавжуд фикрларни эътиборга олиб,
субъектнинг қуйидаги маъноларини ажратамиз: **1. Ҳара-
кат субъекти.** Мас.: Уста ишлаяпти.

2. **Ҳолат субъекти.** Мас.: Бола ухляяпти: Синглимда
грипп, Узгаларга роҳат, менга азоб.
3. **Белги ташувчи субъект.** Мас.: Отам сахий: Заводга—
эллик йил: Сенда шафқат йўқ.
4. **Микдорий аниқловчи субъект.** Мас.: Сув — тиззадан:
болалардан тўртта.
5. **Эгалик субъекти.** Мас.: У боққа эгалик қилади: Боғ
унга қарашли: Унда орден.
6. **Мавжудлик субъекти.** Мас.: Ҳалима иштирок эти-
пти: Китоблар жавонда.
7. **Тематик субъект.** Мас.: Бизга ўнгидан келди.
8. **Қиёсланувчи субъект.** Мас.: Волга Дондан узунроқ:
Акаси укасидан эслироқ. Бундай конструкциялар
минимум уч компонентли бўлади.
9. **Тўдалик субъекти.** Бундай вақтда предикат предмет
турини (классларини) ифодаловчи отдан ифодала-
нади. Мас.: Акам — денгизчи: Бўри — ваҳший (яъни
бўри ваҳшийлар синфига киради).
10. **Функциялашаётган субъект.** Бундай конструкция-
ларда феъл орқали ифодаланган предикат. Субъект-
дан англашилган предикат функциялашишини ёки
функциялашиш имкониятини билдиради. Мас.:
**Соат юряпти: станок ишлаяпти: лампа ёнапти ва
бошқ.**

⁷¹ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. Тошкент,
1984, 131-бет.

⁷² Воронина Д. Д. Уша асар, 75-бет; Золотова Г. А.
Уша асар, 137—138-бетлар.

11. **Идрок қилувчи субъект.** Предикат идрок қилувчи феъллардан ифодаланеди. Мас.: **Овчи шовқин эшинтиди.** У гул ҳидидан маст бўлди.
12. **Баҳолаш ёки эмоционал муносабатдаги субъект.** Биз Ватанимизни севамиз: **Каримга ҳамма ёқади.**
13. **Қариндошлик ёки социал муносабатдаги субъект.** Мас.: **У менинг акам, Карим унга бошлиқ.**
14. **Урин билдирувчи субъект.** Мас.: **Ташқарида иссиқ.** Субъектнинг юқоридаги маънолар системаси шуни кўрсатадики, субъект тушунчаси ҳаракатни юзага чиқарувчи (агенс) тушунчасидан жуда кенгдир. Агенслик унинг маъно системасидан биттасидир.

СОДДА ГАПНИНГ ПРЕДИКАТ ХАРАКТЕРИГА КЎРА ТИПЛАРИ

Ҳар қандай гапнинг семантик ҳамда уюштирувчи маркази предикат саналар экан, гапнинг бутун характеристикаси предикат асосида изоҳланиши лозим бўлади.

Бу нуқтаи назардан, предикат характерига кўра, гапларни феъл асосли гаплар ва от асосли гапларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

ФЕЪЛ АСОСЛИ ГАПЛАР

Феъл асосли гаплар туркий тилларда от асосли гапларга нисбатан кенгроқ тарқалган. Чунки феъл предикатликни ифодалаш учун кўпроқ хослангандир.

Пропозициянинг бирламчи ифодаси бўлган грамматик тўла шаклланган феъл асосли гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташкил этиш (боғлаш), 2) гапни гап қилиб шакллантириш⁷³. Биринчи вазифаси феъл синтаксемаларнинг «бўш ўринлари»ни тўлдириш (валентлиги) асосида, иккинчи вазифаси эса предикатив шакл орқали реаллашади.

Феъл синтаксемаларнинг семантик ва синтактик валентликлари ҳали ҳеч қайси бир тилда тўлиқ аниқланмаган. Ю. Д. Апресян 25 та семантик валентлик рўйхатини тавсия этади⁷⁴. И. Қўчқортоев ўзбек тилида

⁷³ Э. Бенвенист феълнинг гап таркибидаги биринчи функцияси алоқа функцияси, иккинчи функциясини тасдиқ функцияси дейди. Қаранг: *Общая лингвистика*, М., 1974, С. 170.

⁷⁴ Апресян Ю. Д. *Лексическая семантика. Семантическая средства языка*. М., 1974.

нутқ феълларининг валент таҳлилига бағишланган ишида нутқ феълларининг 6 та семантик валентлигини ажратишини маъқул кўради: агенс, контрагенса, объект, маъно, мақсад ва адресат валентликлари⁷⁵. Муаллиф нутқ феълларини валентлик миқдорига кўра тўрт гуруҳга бўлади: 1) бир валентли, 2) икки валентли, 3) уч валентли ва 4) тўрт валентли нутқ феъллари.

Ўзбек тилидаги феълларнинг бошқа лексик-семантик гуруҳларининг валент таҳлили ўрганилмаганлиги туфайли, ҳали барча феълларнинг валентлик рўйхати мавжуд эмас. Бу рўйхатнинг бўлиши эса гап тузилишини ўрганишга қулай имконият очган бўлар эди.

Феълларнинг «бўш ўринлари»ни тўлдирувчи синтаксемалар айрим адабиётларда зарурий ва қўшимча синтаксемаларга бўлинади. Лекин кўп ҳолларда бундай синтаксемаларнинг зарурий ёки қўшимча эканлигини фарқлаш қийин бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам феъл валентликларига бағишланган фикрларни умумлаштирган ҳолда, ўзбек тилида феълларнинг қуйидаги валентликларини ажратиш тарафдоримиз: 1) субъект (агенса, пациенс, рецигенс ва бошқ.) 2) объект; 3) мақсад⁷⁶; 4) пайт, 5) ўрин, 6) ҳолат, 7) сабаб валентликлари.

Синтактик қурилма феъл предикатнинг қайси валентликларининг реаллашувига кўра турлича бўлади:

- 1) субъект (агенса) + феъл предикат: *Карим келди, Машина юрди.*
- 2) объект + феъл предикат: *кинони кўрди, кино кўрилди, самолётда келди* (медиаатив объект).
- 3) субъект + объект + феъл предикат: *Карим кино (ни) кўрди. Дўстим самолётда келди.*
- 4) мақсад + феъл предикат: *Сув ичгани борди.*
- 5) субъект + мақсад + феъл предикат: *Бўри сув ичгани борди.*
- 6) замон + феъл предикат: *Ёз иссиғида борди.*
- 7) замон + мақсад + феъл предикат: *Ёз иссиғида сув ичгани борди.*
- 8) замон + объект + феъл предикат + мақсад: *Ёз иссиғида бўри борди сув ичгани.*
- 9) ўрин + феъл предикат: *Деразамнинг олдиди гуллади*

⁷⁵ Кучкартаев И. Қ. Валентний анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977, С. 15.

⁷⁶ Мухин А. М. Валентности и сочетаемость глаголов. — ВЯ, 1987, № 6, С. 61.

- 10) ўрин + субъект + феъл предикат: *Деразанинг олдида (бир туп) ўрик гуллади.*
- 11) ҳолат + феъл предикат: *оппоқ бўлиб гуллади*
- 12) ўрин + субъект + ҳолат + феъл предикат: *Деразанинг олдида (бир туп) ўрик оппоқ бўлиб гуллади.*
- 13) сабаб + феъл предикат: *совуқлиги учун ичмади*
- 14) объект + сабаб + феъл предикат: *овқатни совуқлиги учун ичмади*
- 15) субъект + объект + сабаб + феъл предикат: *Карим овқатни совуқлиги учун ичмади.*

Синтактик конструкция феъл предикатнинг барча валентликларини реаллаштира, етти актантли (аргументли) бўлиши мумкин. Феъл предикат аргументларидан ташқари, синтактик қурилма таркибида яна тингловчи субъект (опа, урма қалбимга тикан) қатнашиб, гап семантик тузилиш даражасини мураккаблаштиради. Синтактик тузилишнинг даражаланишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Феъл предикат
аргументлар (эга,
тўлдирувчи, ҳол)
аргумент аниқловчилари
тингловчи субъект

Булардан аргумент феъл предикатда мавжуд бўлган «бўш ўринлар»ни тўлдириб (иккинчи қаватни ҳосил қилиб) синтактик маъносини конкретлаштира, қурилма (конструкция) аргументининг аниқловчилари дескрипцияни ҳосил қилиб, аргумент маъносини кенгайтиради. Баъзан тингловчи субъект қатнашиб (унинг қатнашиши кўпинча шарт эмас), фикрнинг кимга қаратилганлигини кўрсатади (учинчи қаватни ҳосил қилади).

НИСБАТ ШАКЛЛАРИ ВА ГАП СЕМАНТИКАСИ

Феъл предикатларнинг грамматик валентликларини ифодалашда нисбат шакллари алоҳида роль ўйнайди. Нисбат шакллари предикатнинг субъект валентлигига ишора қилади. Маълум нисбат шаклига эга бўлган феъл предикатли синтактик қурилмаларда кўпинча бирдан ортиқ субъект иштирок этади. Феъл предикатларнинг қайси нисбат шаклида эканлигига кўра субъектнинг предикат акс эттирган ҳаракат-ҳолатга муносабати ҳам турлича бўлади.


Синтактик қурилма предикатининг қуйидаги нисбат шакллари семантикасини кўриб ўтамиз: 1) *Она бола-*

нинг сочини таради; 2) Бола сочи она томонидан таралди; 3) Бола таранди; 4) Она ва бола тарашшиди;

Бу синтактик қурилмалар семантикасини ёритишда А. А. Холодович асос солган диатеза назариясига⁷⁷ асосланамиз. Диатеза атамаси остида семантик тузилиш бирликлари (субъект, объект)нинг синтактик тузилиши бирликлари (эга-тўлдирувчи) билан муносабати тушунилади.

Агар умумлашган семантик бирликлар остида конкрет референт бирликлар турганини эътиборга олсак, диатеза остида уч сатҳ бирликларининг муносабати тушунилиши лозим бўлади: 1) А, Б, В билан ифодаланадиган референт сатҳ бирликлари: 2) суб (субъект), об (объект) билан ифодаланадиган референтларнинг умумлашган семантик роллари сатҳи; 3) тил тузилишининг эга, тўлдирувчи тарзида белгиланадиган иштирокчилари сатҳи (актантлари).


Биринчи жумлада предикат бош нисбат шаклидан ифодаланаяди ва бу типдаги жумлаларда юқорида саналган сатҳ бирликлари бир-бирига мувофиқ келади. Предикатнинг семантик агенси, яъни предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет синтактик сатҳда эга ҳолатида, предикат акс эттирган ҳаракат таъсирига учраган предмет синтактик сатҳда тўлдирувчи ҳолатида келади. Бу уч сатҳ бирликлари муносабатини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:




Иккинчи жумлада предикат мажҳул нисбат шаклидан ифодаланаяди. Бу жумлада предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи шахс, яъни агенс синтак-

⁷⁷ Холодович А. А. Залог (определение и исчисление). — В кн.: Категория залога (материалы конференции). М., 1970. С. 13; Яна қаранг: Успенский В. А. К понятию диатезы. — В кн.: Проблемы лингвистической типологии и структуры языка. Л., 1977; Храковский В. С. Диатеза и референтность. — В кн.: Залоговке конструкции и разноструктурных языках. Л., 1981, С кн.: Богданов Б. В. Залог и семантика предложения. — В кн.: Проблемы теории грамматического залога. Л., 1978, С. 37 ва бошқ.


тик сатҳда эга эмас, балки тўлдирувчи ҳолатида, ҳаракат таъсирига учраган семантик предмет эса — эга ҳолатида келади. Бу жумладаги диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:



Учинчи жумлада предикат ўзлик нисбат шаклида ифодаланган. Феъл предикат нисбат шаклининг ўзгариши сатҳ birlikлари муносабатини тамомила ўзгартириб юборади. Референт сатҳнинг бирлиги референт birlikларнинг умумлашган сатҳида, яъни мазмуний сатҳда ҳам сақланади. Лекин мазмуний сатҳдаги объект синтактик сатҳда бевосита ифодаланмайди. Синтактик эга ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни ҳамда ҳаракат таъсирига учраган предметни ифодалайди. Бу диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:



Тўртинчи жумла предикати биргалиқ нисбат шаклида ифодаланган. Бундай синтактик қурилманинг синтактик сатҳидаги эга ҳам, тўлдирувчи ҳам мазмуний сатҳдаги ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни (агенс) ҳамда ҳаракат таъсирига учраган предметни (пациенс) ифодалайди. Бу жумладаги диатезани қуйидагича ифодалаш мумкин:



Шундай қилиб, жумла предикатининг нисбат шакли гап семантикаси учун қимматлидир. У мазмуний иштирокчиларнинг ролларини белгилаш учун хизмат қилади.

ОТ АСОСЛИ ГАПЛАР

Тузилиш ва мазмуний маркази от предикатлардан иборат бўлган гаплар от асосли гаплар саналади. Бундай гаплар дунёнинг барча тилларида кенг тарқалган (Ғарбий Европа тиллари бундан мустасно)⁷⁸. Шундай бўлишига қарамасдан, улар ҳар қайси тилда ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам конкрет бир тилдаги от асосли гапларни ўрганиш фақат амалий аҳамиятгагина эмас, балки назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу типдаги гаплар феъл асосли гаплар билан қутбий зидлик муносабатига киришади. Уларнинг фарқловчи белгиси синтактик қурилманинг мазмуний ва уюштирувчи маркази бўлган предикатнинг қандай сўз орқали: от (кенг маънода) ёки феъл орқали ифодаланишидир.

От предикатлар турли-туман маъноларни ифодалайди: мавжудлик билдириш, икки объектни тенглаштириш, маълум объектни тавсифлаш (характерлаш, таснифлаш, нисбатлаш, замон ва ўрин белгисини билдириш) ва бошқалар. Шу маънолар асосида от асосли гапларни ҳам қуйидаги мазмуний гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) мавжудлик билдирувчи (экзистенциал) гаплар:

- 2) тенглаштирувчи (идентификацияловчи) гаплар;
- 3) характерловчи гаплар.

Ўзбек тилшунослигида мавжудлик билдирувчи гаплар шу кунга қадар ўрганиш объекти бўлмаганлиги учун биз қуйидаги гапнинг ана шу турига алоҳида тўхталамиз.

МАВЖУДЛИК БИЛДИРУВЧИ ((ЭКЗИСТЕНЦИОНАЛ) ГАПЛАР

Мавжудлик билдирувчи гапларда объектив олам ёки унинг айрим парчасидаги маълум белгига эга бўлган объектнинг мавжуд эканлиги тасдиқ ёки инкор қилинади. Табиийки, бундай гапларда сўзловчи ва тингловчига у ёки бу даражада маълум бўлган фазо тушунчаси бошлангич нуқта саналади. Бу фазода мавжуд бўлган маълум объект ҳақида эса янги маълумот берилади.

⁷⁸ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974, С. 168.

Шундай қилиб, мавжудлик билдирувчи гаплар объектив оламнинг макон ва предмет аспектини акс эттиради ва коммуникатив энг аҳамиятли қисм — предметни акс эттирувчи отдан ифодаланган бўлак саналади. Масалан: *Бу ерда магазин бор. Девор орқасида боғ мавжуд.* Демак, мавжудлик билдирувчи гаплар денотати макон ва бу макондаги предикатлардир. Шунинг учун ҳам бу типдаги қурилмаларнинг денотатив структурасини шундай белгилаш мумкин: макон + предмет + муносабат. Макон ва предмет ўртасидаги муносабатни ифодалаш учун мавжудлик билдирувчи **бор, турибди, мавжуд, йўқ** сингари сўзлар қўлланилади. Бундай лексик бирликларни семантик жиҳатдан экзистенционал сўзлар дейиш мумкин.

Мавжудлик билдирувчи гаплар синтактик тузилиши у орқали ифодаланган уч узвли денотатив тузилишига мувофиқ, қуйидагича белгиланиши мумкин:

1) ўрин номи, 2) предмет номи, 3) экзистенционал сўз. Масалан: ўрин предмет номи экзистенционал сўз.

Москва метросида мрамаримиз бор.

Лекин мавжудлик билдирувчи гаплар синтактик тузилиши денотатив тузилишга доим мувофиқ келиши шарт эмас. Денотатив тузилиш элементлари яширин ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан: *Уйимиз олдида катта боғ.* Синтактик ва денотатив структуранинг ўзаро мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигига кўра мавжудлик билдирувчи гапларни симметрик ва асимметрик гапларга бўлиши мумкин.

Мавжудлик билдирувчи симметрик гаплар уч узвли бўлиб, уларнинг тартиби турличадир:

1) **Предмет номи + ўрин номи + экзистенционал сўз.** Масалан: *Оппоқ булут парчаси қимир этмай осмонда турибди* (С. Бородин). *Комил бўлиш имконияти ҳар бир кимсада мавжуд* (Р. Фиш).

2) **Ўрин номи + предмет номи + экзистенционал сўз:** *Қишлоқда қизил аскар бор* (А. Қаҳҳор). *Қўкда, қоқ пешонада, худди улкан оқ қовуннинг бир палласидай оппоқ ой оламини аллақандай осуда майин, кумушранг ёғдуга фарқ қилиб ярқираб турибди* (О. Ёқубов).

3) **Ўрин номи + экзистенционал сўз + предмет номи:** *Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам, Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам.*

4) **Предмет номи + экзистенционал сўз + ўрин номи:** *Йўқ, яқиндан қарасанг, ҳаёт бор саҳрода* (А. Мух-

тор)... *Судралиб бўлса ҳам олдинга юриш учун етадиган олов бор кўксимда* (А. Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи гап узварининг тартибига кўра юқоридаги каби парадигмаси бу қурилмаларнинг коммуникатив вазифаси талаби билан вужудга келади. Парадигма аъзолари ўзаро коммуникатив вазифасига кўра (актуал бўлинишига кўра) бир-биридан фарқ қилади.

Мавжудлик билдирувчи гаплардаги ўрин номи макон билдириш белгисига кўра фарқланади. Айрим ўрин номлари соф макон билдирса, бошқалари предмет синфини билдиради. Масалан: 1) *Деразамнинг олдида бир туп ўрик бор.* 2) *Китобда анча фикрий чалкашлик мавжуд.* 3) *Дўстларим орасида ажойиб шоирлар бор.* Иккинчи ва учинчи гапдаги ўрин номлари предикат синфини билдирмоқда. Бундай вақтда ўрин номи вазифасидаги предмет умумни, бутунни, ўринлашган предмет эса унинг бўлагини, қисмини англатади.

Мавжудлик билдирувчи гапларда элементлари билан гап бўлаклари ўртасида маълум муносабат бор. Бу муносабат ҳам кўп ҳолларда ўрин номининг характерига боғлиқ. Ўрин номи маконни қандай билдиришга кўра ҳол ёки тўлдирувчи позициясида, предмет номи эга позициясида, экзистенционал сўз кесим позициясида келади.

ЭГА	ҲОЛ	КЕСИМ
<u>предмет номи</u>	<u>ўрин номи</u>	<u>экзистенционал сўз</u>

Семантик (денотатив) ва синтактик тузилиш ўртасида асимметрик муносабат мавжуд бўлган мавжудлик билдирувчи гаплар вазиятнинг юқорида санаб ўтилган уч узвидан маълум қисми ўз ташқи ифодасига эга бўлмайди. Бундай гапларда қайси узварнинг ифодаланишига ва бу узварнинг ўринлашишига кўра қуйидаги тузилиш типларини ажратиш мумкин:

1) **ўрин номи + предмет номи:** *Мешда булоқ суви, ерга кўмилган хумда қўй сутидан сузилган пишлоқ, тўшак остида икки қават кигиз* (А. Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи асимметрик гаплар бир ёки икки узви бўлиб, уларнинг жойлашиш тартиби қуйидагича:

1. **Ўрин номи + мавжуд предмет номи.** Масалан: *Уфқларда қора булут* (А. Мухтор). *Зилол сувга лиммо-*

лим тўла зовурлар устида қад кўтариб, қуёш нарида ажиб йилтираб турган мраммар миноралар (А. Мухтор).

Бундай мавжудлик билдирувчи гапларда экзистенционал сўз грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Экзистенционал сўзнинг маъноси ҳам предмет номини ифодаловчи қисм орқали англашилади. Натижада предмет номини ифодаловчи қисм семантик мураккаблик касб этиб, бир вақтнинг ўзида ҳам предмет номи ҳақида; ҳам экзистенционаллик ҳақида ахборот беради.

2. Предмет номи+экзистенционал сўз. Масалан: *Ёш рассомлар ибрат олсалар арзийдиган санъаткорлар ва ўргансалар арзийдиган маҳорат ва тажрибалар бор* («Совет Ўзбекистони санъати» журнали).

Объектив борлиқдаги ҳар бир предмет маълум маконда жойлашади. Ана шу макон тушунчаси ўрин номи деб юритилади. Айрим ҳолларда ўрин номи грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Аммо у актуал жиҳатдан жумланинг маълум қисми — мавзуси вазифасида келганлиги учун гарчи грамматик жиҳатдан ифодаланмаса ҳам контекстдан англашилиб туради. Чунки жумлалар занжирида бу жумладан олдинги жумлаларнинг бирида ўрин номи акс этган бўлади. Ўрин номининг грамматик жиҳатдан акс этмаслиги бошқа қисмларнинг ифодаланмаслигига нисбатан кўпроқ учрайди. Негаки предикат билан ўрин номи ўртасидаги муносабат предикат билан предмет ўртасидаги муносабатга нисбатан иккиламчидир. Масалан: *Кўк пиёзлар уруғлаб ётибди* (Ҳ. Ҳошимов). *Уруғламоқ* феъли билан *кўк пиёз* предмети ўртасидаги муносабат бирламчи, бевосита муносабат. Шу билан бирга *кўк пиёзнинг* маълум макони билан унинг *мавжудлиги* ўртасидаги яширин латент муносабат ҳам бор. Бу муносабат иккиламчи, воситали, яъни *мавжуд, бор* сингари латент экзистенционал сўзлар билан воситали муносабатдир⁷⁹.

3. Ўрин номи+экзистенционал сўз. Масалан: *Ёнларарида ҳозир у нозир* (А. Мухтор).

4. Ўрин номи+предмет номи. Бу типдаги гаплар номинатив гапларга мос келади. Масалан: *Ҳовлининг икки томонида пастак уйлар устунига нақш солинган айвон* (Ҳ. Ҳошимов). *Ҳиндиқушнинг терскай ёнбағирларида ойдин кеча* (А. Мухтор).

5. Ўрин номи. Мавжуд предмет номи ҳам, экзистен-

⁷⁹ Ломтев Т. П. Структура предложения в современном русском языке, МГУ. 1979, С. 103.

ционал сўз ҳам ифодаланмай, гап фақат ўрин номидангина ташкил топади. Масалан: *Эсимни таниганимдан буён ҳаммиша ёнимда* (Ойбек). *Ёнимда уч минут ўтирган бўлсам ҳам, худди ҳозиргидай, бир умр ёдимда* (А. Мухтор).

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг бу тузилиш типиди кўрсатиш олмошлари фаол иштирок этади. Масалан: *Обжувоздан чиққан бир қоп гуруч сотиб олдим. Аммо, ошхонада* (И. Раҳим). Сахро жонли, ахир. *Мана, оёқ остида* (А. Мухтор).

Кўрсатиш олмошлари мавжудлик билдирувчи гапларда мавжудликни ифодаловчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

6. Предмет номи. Бундай типдаги мавжудлик билдирувчи гапларда ҳам кўрсатиш олмошлари фаол иштирок этади. Хусусан, *ана, мана* сингари кўрсатиш олмошлари жумла орқали ифодаланаётган вазият билан зич боғланган. Шунинг учун ҳам бутун қурилмага ҳозирги замон маъносини юклайди. Бу олмошлар такрор ҳолда келиб, эмоционал-экспрессив маъно ифодалаши ҳам мумкин. Масалан: *Ана-ана, улар болалик чоғларида сизларини боқиб, чиллак ва ёнғоқ ўйнаб, дўппиларида сув ичадиган катта булоқ ва булоқ ортидаги эрта-ю кеч чўмиладиган сеvimли тўғонлари* (О. Ёқубов).

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг бу тури кўпинча бир составли гапларнинг номинатив тури орқали ифодаланади. Лекин мавжудлик билдирувчи гап билан номинатив гаплар гапнинг бошқа-бошқа белгилари асосидаги тасниф турлари бўлганлигидан ўзаро мувофиқ келишлари шарт эмас.

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг бош бўлак иштирокига кўра турлари. Мавжудлик билдирувчи гаплар таркибида бош бўлакларнинг иштирок этишига кўра бир бош бўлакли (бир составли) ва икки бош бўлакли (икки составли) гапларга бўлинади. Предмет номи+экзистенционал сўз, предмет номи+ўрин номи, ўрин номи+предмет номи+экзистенционал сўз, ўрин номи+экзистенционал сўз+предмет номи, предмет номи+экзистенционал сўз+ўрин номи, предмет номи+ўрин номи+экзистенционал сўз каби тузилиш моделидаги мавжудлик билдирувчи гапларнинг кўпчилиги икки составли гаплар саналади. Чунки кўп ҳолларда мавжудлик билдирувчи гапларнинг **предмет номи, экзистенционал сўз** қисмлари синтактик сатҳнинг эга ва кесим қисмлари

позициясида келади. Масалан: *Оппоқ булут парчаси қимир этмай осмонда турибди.* (С. Бородин). Бу гапда *оппоқ булут парчаси* — семантик предмет номи, синтактик эга, *осмонда турибди* — экзистенционал сўз, синтактик кесим.

Предмет номи + ўрин номи тузилиш моделидаги мавжудлик билдирувчи гапларда экзистенционал сўз грамматик ифодаланмайди. Унинг вазифаси ҳам ўрин номига ўтади. Натижада ўрин номи кесим позициясида келади. Масалан: *Укам — шаҳарда* (туради, яшайди).

Мавжудлик билдирувчи гапларнинг **ўрин номи + экзистенционал сўз; предмет номи** каби тузилиш моделлари коммуникатив сатҳда кўпинча бир составли гаплар орқали намоён бўлади. Масалан: *Олой... Кўмкўк сизот йтлоқлар. Йилқи қулунлар...* (К. Яшин) *Айвон тоқчасида эски «гардиш» лаганлар* (Ҳ. Ҳошимов).

Мавжудлик билдирувчи гапларда экзистенционал сўзнинг хусусияти. Бор, мавжуд, турибди сингари лексик бирликлар мавжудликни билдиради. Бундай сўзлар кўпинча мавжудлик билдирувчи гапларнинг кесими ўрнида келади. Мавжудлик билдирувчи гапларнинг кесими қандай экзистенционал сўзлардан ифодаланишига кўра от кесимли (от асосли) ва феъл кесимли (феъл асосли) гапларга бўлиш мумкин. Бундай гапларнинг биринчи типи иккинчи типига қараганда кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга ҳар икки типдаги гаплар иккита бирлаштирувчи белги — ҳозирги замонлик ва мавжудлик семалари билан умумийликни ҳосил қилади. Бу икки бирлаштирувчи белги ҳам шу қурилмаларнинг семантик ва синтактик асосини ташкил этган предикатларнинг бирлаштирувчи белгиларидир. Э. Бенвенистнинг таъкидлашича, ҳар қандай гапда мавжудлик билдирувчи феълларгина (гарчи морфологик жиҳатдан ифодаланмаса ҳам) иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Аввало, мавжудлик билдирувчи гапларнинг бу икки турининг келиб чиқиш асосига эътибор бериш лозим. Одатда, кўпгина илмий адабиётларда феъл билан отнинг фарқловчи белгилари сифатида жараёшлик ва замон семалари олинади. Феъл бу белгиларнинг ҳар иккисини ўзида акс эттиради, от эса акс эттира олмайди. Лекин бу белгилар дунёнинг жуда кўп тиллари учун, хусусан, туркий тилларнинг тарихий ёзма ёдгорликлари учун ҳам асосий фарқловчи белги бўлмайди. Чунки

бир қатор сўзларда ҳам жараёнлик, ҳам предметлик семалари уйғун ҳолда ифодаланган. Масалан: хўпа (Орегон) тилида III шахс феъл шакли бир вақтнинг ўзида

от характериға ҳам эга: *nanuа* «у тушяпти» ва «ёмғир», *nillin* «у оқяпти» ва «ариқ», тубатулабал тилида феъллар эмас, балки отлар замонни билдиради: *haneh* «уй», *hanipil* «ўтган замондаги уй» (олдинги уй, ҳозирги уй эмас)⁸⁰. Туркий тилларда ҳам «жараёнлик» ва «предметлик» семалари уйғун ҳолда ифодаланган бир қатор сўзлар бор. Масалан: озарбайжон тилида *dad*, қирғиз тилида *tat*, ўзбек тилида *tot* «маза» ва «мазасини аниқламоқ», ўзб., қирғ., *kўч* «кўчириладиган нарса» ва «*кўчиш*» А. М. Шчербакнинг кузатишича, феъл-от омонимияси ҳозирги ҳолатдан қадимги туркий тилга қараб кўпайиб боради. Қадимги ёзма ёдгорликларга нисбатан эса бобо тил сатҳида тикланган умумтуркий бир бўғинли сўзларда бу ҳодиса кўпроқ учрайди⁸¹. В. Вундт тил эволюциясининг от ва феъл фарқланмаган, бир сўзнинг ўзи ҳам от, ҳам феъл вазифасида қўлланган этапи бўлганлигини таъкидлаган эди.

Э. Бенвенист барча системадаги тилларни ҳисобга олган ҳолда жараёнлик ҳам, замон ҳам, морфологик фарқланиш ҳам феъл билан отнинг асосий фарқловчи белгиси бўлмаслигини, фақат синтактик белгига улар ўртасида фарқловчи белги бўлиши мумкинлигини кўрсатади⁸². Синтактик белгиси жумла таркибидаги вазифаси билан характерланади.

Унинг фикрича, феъл тугал тасдиқ гап (жумла)-нинг шаклланиши учун зарурий элемент. Жумла таркибида феъл икки хил вазифа бажаради: 1) боғлаш вазифаси, 2) тасдиқ вазифаси. Шу билан бирга феъллик вазифаси билан феъл шакли бир-биридан фарқланади. Улар гарчи кўпинча ўзаро мувофиқ келса ҳам, лекин феъллик вазифаси маълум даражада феъл шаклидан мустақилдир.

Жумланинг иккинчи вазифаси тасдиқ бўлганлигидан, у жумланинг объектив реалликка муносабатини тақозо қилади. Жумла қисмларини боғловчи грамматик алоқага тил қатори билан борлиқ система ўртасидаги алоқани таъминловчи «бу шуур» элементи яширин равишда қўшилади. Натижада тугалланган тасдиқ

⁸⁰ Бенвенист Э. Общая лингвистика... С. 169.

⁸¹ Шчербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол), Л., 1981, С.8—9.

⁸² Бенвенист Э. Уша асар, 170-бет.

гаплар синтактик тузилишида икки план фарқланади: грамматик алоқа плани ва борлиқни тасдиқлаш плани. Бу хусусиятлар феълнинг моддий (шакли) асосида эмас, балки синтактик вазифаси асосида белгиланади.

Феъллик вазифасини амалга ошириш учун нутқда феълнинг морфологик шаклланиши шарт эмас. Демак, феъл ва отлар ўртасидаги морфологик фарқланиш синтактик фарқланишга нисбатан иккиламчидир. Вазифа даражаланишида, энг аввало, фақат айрим шакллари тугалланган тасдиқ гапни ҳосил қилишга қодир эканлиги муҳимдир. Дарҳақиқат, кўп ҳолларда бундай шакллар қўшимча равишда морфологик кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Бундай вақтда от ва феъл ўртасидаги фарқ шакл планига ўтади ва феъл шаклини қатъий морфологик жиҳатдан аниқлаш имконияти туғилади.

Тасдиқ гапта феъл шаклининг функционал тузилиши икки элементни ўз ичига олади: бири моддий ифодаланган, ўзгарувчи (вариант), иккинчиси яширин, доимий (инвариант). Ўзгарувчи (вариант) моддий факт сифатидаги феъл шакли ҳисобланади⁸³. Ўзгарувчида (вариантда) тасдиқ гапга бевосита оид бўлган инвариант: мавжуд грамматик бутунлик билан тасдиқланаётган объектив факт ўртасидаги мувофиқлик акс этади. Инвариант билан вариантнинг бундай бирлашуви феъл шаклига жумла таркибида мавжудликни тасдиқловчи шакл вазифасига эга бўлиш имкониятини беради.

Синтактик нуқтаи назардан феъл вазифасида фақат феълларгина эмас, отлар ҳам келиши мумкин. Демак, феъл ва от асосли гаплар ўртасидаги фарқловчи белги, Э. Бенвенист концепциясига кўра, фақат морфологик белгидир. Феъл вазифасини қандай морфологик шакл бажараётганлигидадир. Бу вазифани от синфига кирувчи шакл ҳам, феъл синфига кирувчи шакл ҳам бажариши мумкин. Англашиладики, гапларнинг бу икки типи ўртасидаги фарқ вазифа жиҳатдан эмас, балки фақат морфологик жиҳатдандир. Вазифа нуқтаи назардан ҳар икки тип бир хилдир.

От асосли гапларда гапнинг уюштирувчи ва семантик маркази от бўлганлиги учун ҳам феъл асосли гаплардан замон, шахс категорияларининг қандай ифода-

⁸³ Бенвенист Э. Уша асар, 170-171-бетлар.

ланиши жиҳатдан фарқ қилади. Бу маънолар феъл асосли гапларда махсус морфологик кўрсаткичлар ёрдамида моддий ифодаланса, от асосли гапларда кўпинча от предикатнинг мазмуни, лексик элементлар орқали яширин равишда ифодаланеди.

От асосли гапларни феъл тушиб қолган гап деб бўлмайди. Бундай типдаги гаплар феъл асосли гаплар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган, ҳозирги ўзбек тили нормасига мувофиқ келадиган тўлиқ гап шаклидир.

Т. П. Ломтевнинг фикрига кўра, *Отам — ўқитувчи* гапида феъл йўқ, лекин унинг иштирок этмаслиги гап структурасида унинг ўрни йўқлигини белгиламайди. *Отам — ўқитувчи* гапида феълнинг ўрни бор. Бу ўринда феълнинг иштирок этмаслиги ҳам феълдир. Маълум шароитда моддий белгининг иштирок этмаслиги ҳам моддий белгидир. Спортчилар мусобақасида ўқ узилиши стартнинг моддий белгиси бўлса, ўқ узилишининг амалга ошгунга қадар даври тайёрланишининг моддий белгисидир. *Отам ўқитувчи бўлган* гапида феъл ўрнида моддий белгининг бўлиши ўтган замонни билдирса, моддий белгининг бўлмаслиги ҳозирги замонни билдиради. Бундай гапларда феъл тушиб ҳам қолдирилмайди, тасаввур ҳам қилинмайди. У гап структурасида бор бўлиб, ноль шаклга эга: сўзнинг маълум ҳолатларда ишлатилмаслиги ҳам сўздир. *Отам — ўқитувчи* гапида феъл ўрни ва бу ўринда ҳозирги замон маъносидаги ноль шаклли феъл бор. Бу гапда *ўқитувчи* сўзи *отам* сўзи билан эмас, балки ҳозирги замон маъносидаги ноль шаклли феъл билан алоқага киришади⁸⁴.

• КЎП ПРЕДИКАТЛИ ҚУРИЛМАЛАР

Предикат ва унинг актантлари муносабатидан ташкил топган синтактик қурилма предикатив ифода (ПИ) ҳисобланади. ПИ таркибидаги предикатлар миқдорига кўра бир предикатли ва кўп предикатли типлари ажратилади: фақат бир предикат ва унинг аргументлари муносабатидан ташкил топган қурилмалар бир предикатли, бирдан ортиқ предикат иштирок этган қурилмалар кўп предикатли ПИ лар саналади.

Кўп предикатли қурилмалар предикатларининг

⁸⁴ Ломтев Т. П. Структура предложения в современном русском языке М., 1979, С. 56—57.

гаптаги роллари бир хил эмас. Агар Пи таркибидаги ҳар бир предикат предикативлик белгисига эга бўлса — қўшма гап, фақат предикатлардан бири предикативликни акс эттирса — содда гап саналади.

Полипредикатли содда гапларда бир предикат иккинчи предикатнинг аргументи позициясида келади. Натижада ўзига хос предикатлар даражаланиши вужудга келади. Предикатлар даражаланишида аргумент позициясида келган предикат қўшилма предикат, қўшилма предикатдан иборат аргументга эга бўлган предикат қўшувчи предикат ҳисобланади⁸⁵. Шундай қилиб, полипредикатли қурилмаларда қўшилма ва қўшувчи предикатлар ўзаро мувофиқлашган бўлиб, бири иккинчисини тақозо қилади. ПИ таркибида қўшилма предикатнинг борлиги унинг семантик тузилишини мураккаблаштиради.

ҚУШИЛМА ПРЕДИКАТЛАР

Равишдош, сифатдош, ҳаракат номли оборотлар деб юритилувчи қурилмалар бир бутун ҳолда асосий предикатнинг аргументи позициясида — қўшилма предикат вазифасида келади. Кўп предикатли содда гапларда аргумент позициясида келувчи предикативлик белгисига эга бўлмаган предикатлар маълум пропозицияни ифодаласа ҳам, аммо гап бўлиб шакллана олмайди. Т. М. Шмелёвнинг фикрича, пропозициянинг бундай моддийлашуви унинг иккиламчи ифодаланиши ҳисобланади. Финит шаклли ва унинг актантилари орқали пропозициянинг ифодаланиши асосий, бошқа барча ҳоллардаги ифодаланиши эса иккиламчи ифодаланиш эканлигини таъкидлайди⁸⁶. Пропозициянинг иккиламчи ифодаланиши содда гапни мазмун ва грамматик томондан мураккаблаштиради. Масалан: *Асрларнинг қайғусин қарғаб, шодлик ва бахт куйини чалдим*. Бу ерда икки пропозиция мавжуд бўлиб, иккинчи пропозиция (шодлик ва бахт куйини чалдим) пропозициянинг асосий ифодаланишидир. Шунинг учун ҳам у гапнинг тузилиш асосини ташкил қилади. Биринчи пропозиция (*асрларнинг қайғусини қарғади*) иккиламчи усул

⁸⁵ Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. ЛГУ. 1977, С. 777.

⁸⁶ Шмелёва Т. В. Пропозиция и её реперезентация в предложении. — В сб.: Вопросы русского языкознания. Вып. 3. М., 1980, С.32—34; Қаранг: Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент. 1984. 92-бет.

билан ифодаланган. Шунинг учун ҳам у мустақил гап шаклига эга эмас. Н. М. Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, иккиламчи усулда ифодаланган пропозиция ҳаммиша бирламчи (асосий А. Н.) усулда ифодаланган пропозиция билан қўшилиб ана шу асосий пропозиция ифодаси бўлган содда гапнинг семантик тузилишини мураккаблаштиради⁸⁷.

Айрим тилшунослар бундай предикатив ифодаларни (пропозициянинг иккиламчи ифодаларини) максимал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Шунинг учун ҳам, аввало, максимал синтактик бирликлар ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Синтактик назарияларда синтактик бирликлар минимал ва максимал синтактик бирликларга ажратилади. Аммо минимал синтактик бирликларга ҳам, максимал синтактик бирликларга ҳам ажратиш бир хил эмас.

Анъанавий ва тенъер грамматикасида (Француз тилшунослигида) гап бўлаклари минимал синтактик бирликлар сифатида қаралса, тобеланиш грамматикасида (грамматика зависимостей — ГЗ) сўз шакл (ҳарфлар силсиласи), бевосита иштирокчилар грамматикасида (РС) эса — морфема синтактик бирликлар ҳисобланади. Шунингдек, максимал синтактик бирликлар масаласида ҳам хилма-хил фикрлар бор. И. Б. Долинининг фикрича, тугалланган синтактик тузилишга эга бўлган феъл асосли мураккаб грамматик объект максимал синтактик бирликлар ҳисобланади⁸⁸. Бундан кўриниб турибдики, у феъл асосли назарияга таянади.

Одатда барча синтактик назария вакиллари ҳар қандай гапларни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Аммо кўп предикатли гапларни бир максимал синтактик бирлик сифатида қараш керакми, ёки бир неча максимал синтактик бирликларни ўз ичига олган максимал синтактик бирлик сифатида қараш керакми, деган масалада бир хил фикр йўқ. Анъанавий ва тенъер грамматикаси бу масалага кенгроқ нуқтаи назардан қарайди. Гапни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирлик сифатида тан олиш билан бирга, унинг маълум тузилиш парчаларини (агар улар бир бутун гап ичида мавжуд бўлса) ҳам макси-

⁸⁷ Маҳмудов Н. М. Уша асар, 96-бет.

⁸⁸ Долинина И. В. Системный анализ предложения. М., 1977, С. 12.

мал синтактик бирликлар сифатида тан оладилар. Хусусан, қўшма гапни бир бутун ҳолда максимал синтактик бирлик ҳисоблаш билан бирга, уни ташкил этган қисмларни ҳар бир бутун ичида алоҳида-алоҳида максимал синтактик бирликлар ҳисоблайдилар. Масалан, *Шуни билки, сени Ватан кутади* гапидан уч максимал синтактик бирлик (В. Г. Адмони терминологияси бўйича «элементар гаплар») ажратилади: 1) эргаш гапли қўшма гап бир бутун ҳолда; 2) бош гап; 3) эргаш гап.

О. Есперсен, Л. Тенъер, Л. Л. Иоффик эса юқоридаги типдаги бош гапларни тугалланган синтактик тузилиш ҳисобламайди. Шунинг учун уларни максимал синтактик бирликларга қўшмайдилар. Уларнинг фикрича, ҳар қандай эргаш гаплар асосан турли синтактик позицияларнинг (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол позициясининг) турли хил грамматик ифодаларининг бир усулидир.

Кўпчилик тилшунослар феълли оборотлар ва умуман предикативлик шаклига эга бўлмаган бошқа предикатларни, яъни пропозициянинг иккиламчи ифодаларини ҳам максимал синтактик бирлик ҳисоблаш тарафдоридирлар⁸⁹.

Дарҳақиқат, бундай синтактик қурилмалар бутун бир гапга нисбатан бир бутун ҳолда қўлланилади. Улар ўз ичида предикат асосида бирлашган маълум типдаги синтактик тузилишни — блокни ҳосил қилади.

И. Б. Долининининг фикрича, бундай синтактик тузилишларнинг алоҳида максимал синтактик бирликлар сифатида ажратилиши минимал синтактик бирликларнинг синтактик таҳлили жараёнида учрайдиган камчиликка чек қўяди: бир томондан, улар ўз ичида синтактик бўлиниш хусусиятига эга, иккинчи томондан эса бир бутун ҳолда гап таркибида бир гап бўлаги каби иштирок этади. Бу эса юқоридаги предикатив ифодаларнинг ички синтактик муносабатлари бутун гапга нисбатан нофункционал, уларнинг функциялашуви фақат шу предикатив ифоданинг ўзи учун хос эканлигини кўрсатади⁹⁰.

⁸⁹ Қаранг: Структурный синтаксис английского языка. Л., 1972. С. 88; Долинна И. Б. Уша асар, 13—14-бетлар.

⁹⁰ Долинна И. Б. Уша асар, 14-бет.

КЎП ПРЕДИКАТЛИ ҚУРИЛМАЛАРДА ПРЕДИКАТИВЛИК

Кўп предикатли қурилмалардаги пропозициянинг иккиламчи ифодаланишида (Феълли оборотлар, объектли қурилмалар) предикативликнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласи тилшунослар ўртасида қизгин баҳсларга сабабчи бўлмоқда.

Бу масаладаги баҳсларга ҳам тилшунослар ва мантиқшунослар ўртасидаги предикативликка ёндашишнинг хилма-хиллиги асос бўлмоқда.

Предикативликка икки мантиқий (субъект ва предикат) ва, ўз навбатида, грамматик (эга ва кесим) элементнинг ўзаро муносабати сифатида қараш тарафдорлари нуқтаи назарига кўра, кўп предикатли қурилмалардаги пропозициянинг асосий ифодасида тўлиқ предикативлик мавжуд. Субъект ва предикат ўртасидаги муносабат грамматик эга ва кесимда ўз ифодасини топади. Иккиламчи ифодасида эса субъект ва предикатлар муносабати мавжуд бўлса ҳам, аммо предикат мустақил шаклига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бундай қурилмаларда ярим ёки иккинчи даражали предикация мавжуд, дейдилар. Демак, предикацияни ҳам иккига тўлиқ (ёки асосий) ва ярим (ёки иккинчи даражали) предикацияга бўладилар. Пропозициянинг иккиламчи ифодаларида ҳам предикация бор, деб ҳисобловчи тилшунослар бу предикацияни ушбу содда гапдаги асосий предикациядан фарқлаш мақсадида турли терминлар билан номлайдилар: «полипредикативлик», «қўшимча предикация», «иккиламчи предикация», «тобе предикация» ва бошқ. Жумладан, О. И. Бородович икки элемент ўртасидаги синтактик алоқани иккиламчи предикатив структура ҳисоблаб, унинг қуйидаги тўрт характерли белгисини кўрсатади: 1) мазмун планида элементлар ўртасидаги субъект-предикат муносабат; 2) алоқанинг бир вақтда биринчи элементдан иккинчи элементга ва, аксинча, иккинчи элементдан биринчи элементга ўзаро тобелиги; 3) структура қисмларининг таянч сўз билан биргаликдаги алоқаси; 4) иккинчи қисмнинг шахсиз феъл ёки феъл бўлмаган сўзлар билан ифодаланиши⁹¹.

Н. М. Маҳмудов пропозициянинг иккиламчи ифодаловчилари асосий ифодаловчиларнинг номланишидир,

⁹¹ Қаранг: Структурный синтаксис английского языка, Л., 1972, С. 88.

деб ҳисобловчи олимлар фикрларига қўшилгани ҳолда, номланишга учраган қурилмалар номланишдан кейин ҳам предикативлик функцияларини, гарчи иккинчи планда бўлса ҳам, сақлайди, шунинг учун ҳам улардаги предикатив алоқа иккиламчи характерга эга бўлади, дейди⁹².

Ярим предикативлик тушунчаси бевосита иккинчи даражали кесим тушунчасининг мантиқий давомидир. Иккинчи даражали кесим терминидан дастлаб А. А. Потеня равишдошга нисбатан фойдаланади⁹³, А. А. Шахматов асарларида унинг типлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. А. А. Шахматовнинг фикрича, мазмунан бевосита эгага оид бўлган ва у билан грамматик боғланувчи, аммо эгадан бошқа бўлак, яъни кесим составига кирувчи бўлак иккинчи даражали кесим ҳисобланади⁹⁴. Бундай бўлакларнинг икки томонлама грамматик алоқаси кўрсатилади: бир томондан, асосий кесимнинг тобе бўлаги сифатида унга тобе боғлана, иккинчи томондан эса, эга билан маълум муносабатда бўлади. Агар бу бўлакларнинг асосий кесим билан муносабати нуқтаи назаридан уларни иккинчи даражали бўлак деб ҳисоблаш мумкин бўлса, эга билан муносабати жиҳатидан алоҳида синтактик ҳодиса «иккинчи даражали кесим», деб ҳисоблаш мумкин, дейилади. Иккинчи даражали кесим билан эганинг муносабатини ярим предикативлик ҳисоблайдилар⁹⁵. Кейинчалик ажратилган бўлаklar ва ҳатто кириш, киритмалар ва ундалмалар (Руднев, Абдурахмонов) ҳам ярим предикатив қурилмалар қаторига киритила бошланди⁹⁶. Натижада ярим предикатив қурилмалар доираси бирмунча кенгайди. Чунки ажратилган бўлакларнинг грамматик алоқаси феълли оборотлар грамматик алоқасидан бирмунча фарқ қилади. Бунда ҳам икки томонлама грамматик алоқа сақланса ҳам, аммо бу икки томонлама алоқа гап структур асосининг эга ва кеси-

⁹² Маҳмудов Н. М. Уша асар, 98-бет.

⁹³ Потеня А. А. Из записок по русской грамматике. М., 1958, С. 185.

⁹⁴ Шахматов А. А. Синтаксис русского языка, Л., 1941, С. 221.

⁹⁵ Қаранг: Сибагатов Р. Г. Теория предикативности. Саратов, 1984, С. 150; Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис 1981, С. 62.

⁹⁶ Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, С. 644; Каминина А. А. О полипредикативных конструкциях в простом предложении. 1974, С. 33.

ми асосида бўлиши шарт эмас. Киришлар ва ундалмалардаги ярим предикативлик бутунлай бошқача асосда ҳал қилинади⁹⁷. Туркий тилларда содда гаплардаги ярим предикативлик масаласи биринчи маротаба А. А. Йўлдошев томонидан ўрганилади. Туркий тиллардаги равишдошнинг синтактик вазифасига тўхталар экан, у равишдош фақат қўшма гаплардагина эмас, балки содда гапларда ҳам, шубҳасиз, кесим вазифасини бажаради, дейди. У ўз фикрини равишдошнинг эга билан муносабати мавжудлиги асосида далиллайди. Асосий кесимдан фарқли равишда, бу кесимларни у ҳам иккинчи даражали кесим, дейди. Анъанавий ҳол деб ҳисобланиб келган равишдошдан ифодаланган ҳамма бўлақлар А. А. Йўлдошев томонидан иккинчи даражали кесим ҳисобланади⁹⁸.

Феълли оборотлар (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи, шарт феълли оборотлар), субстантив ва адъектив характердаги оборотлар, ажратилган бўлақларда ярим предикативликнинг мавжудлиги масаласи ўзбек тилшунослари томонидан ҳам эътироф этилди⁹⁹.

Аммо юқоридаги типдаги пропозициянинг иккиламчи ифодаларида предикациянинг мавжудлиги (иккинчи даражали, ёки ярим предикативлик характерида бўлса ҳам) бу конструкциялар таркибидаги икки элементнинг (субъектив ва предикат ҳамда эга ва кесим) муносабати асосида изоҳланади. Бу эса, кўриниб турибдики, предикатликнинг анъанавий концепцияси, атрибутив мантиқ таъсиридаги предикативлик назариясининг акс этишидир. Бу нуқтаи назардан предикативликнинг тўлиқ ва ярим предикация оппозицияси маълум асосга эга.

Предикат ва унинг аргументлари бирлигига асосланган муносабат мантиқига кўра ҳукм икки аъзодан иборат бўлиши, ўз навбатида предикативлик ҳам икки аъзодан иборат бўлиши шарт эмас. Предикативлик учун

⁹⁷ Абдурахманов Г. Синтаксис осложненного предложения (к некоторым спорным вопросам синтаксиса тюрских языков). — Сб. Структура и история тюрских языков. М., 1971, С. 139.

⁹⁸ Юлдашев А. А. Соотношение деепричастных и личных форм глаголов в тюрских языках. М., 1977. С. 153.

⁹⁹ Абдурахманов Г. Синтаксис осложненного предложения (к некоторым спорным вопросам синтаксиса тюрских языков). — Сб. Структура и история тюрских языков. М., 1971. С. 139; Шу муаллиф. Мураккаб гап синтаксиси. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II, Синтаксис, Тошкент, 1966, 217-бет; Шу муаллиф. Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар. Тошкент, 1955 ва б.шқ.

предикат муҳимдир. Предикат ва унинг аргументларининг объектив борлиққа муносабатини ифодаловчи шакллар системаси (тасдиқ-инкорлик, замон, модаллик шакллари) предикативликдир. Бошқача айтганда, предикативлик ўзаро муносабатда бўлган маълум элементлар (тасдиқ-инкорлик, замон, шахс, модаллик) бирлигидир. Система назарияси нуқтаи назаридан, шу элементларнинг бирортасининг қатнашмаслиги системага путур етказади, предикативликдан чиқаради. Демак, бунга мувофиқ, ҳеч қандай иккинчи даражали предикативлик, ярим предикативлик деган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Предикативлик бир бутун ҳолда гапнинг асосий белгиси. Гапни гап қилиб турган белгидир¹⁰⁰.

Кўп предикатли содда гапларда предикатларнинг шу гапни шакллантиришдаги хизмати бир хил эмас. Биттаси предикатив шаклларни олиб, гапни гап қилиб шакллантиради, қолганлари эса даража жиҳатидан пасаяди. Аммо пропозициялар шу гапдаги предикатлар миқдорига мувофиқ бўлади. Демак, бундай гаплар фақат синтактик тузилиш нуқтаи назардан содда, семантик жиҳатдан эса мураккаб характер касб этади.

ҚУШУВЧИ ПРЕДИКАТЛАР

Бошқа предикатларни ўзиға қўшиб олиш хусусиятига эга бўлган предикатларнинг энг характерлиси жараён ва каузатив предикатлардир.

Жараён предикатлар (ПЖ) ҳаракатнинг турли жараёнини (бошланиши, давом ва тугаши) кўрсатади: *бошлади, давом эттирди, тугатди, тўхтатди* ва бошқалар. Жараён предикатлар асосий ҳаракат билдирувчи предикатни аргумент қилиб келади. Аргумент позициясидаги асосий ҳаракатни билдирувчи предикат жараёнлилик грамматик маъносини билдирувчи предикат талаби билан маълум келишик шакли-

¹⁰⁰ Туркий тилларда феъли оборотларга тилшуносларнинг қарашлари (фақат эргаш гап, фақат гап бўлаги, баъзан гап бўлаги позициясида келиши) ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Бу ҳақда М. Х. Муҳаммадиевнинг номзодлик диссертациясида батафсил маълумот берилган. *Қаранг:* Мухаммадиева М. Х. Трансформационные предложения в современном узбекском языке. Канд. дисс. Ташкент, 1985. (Кириш қисми); Яна Маҳмудов Н. М. Уша асар, 101-бет; Маматов М. Ш. Вторичный предикат, выраженный субстантивными формами в современном узбекском языке. Ташкент, 1990.

да бўлади. Масалан, ҳаракатнинг бошланиш қисмини билдирувчи *бошлади* предикати аргумент позициясида келган предикатни тушум келишигида келишини талаб қилади: N + N ни + бошлади. Қўшилма предикат, яъни аргумент позициясидаги предикат ҳаракат номидан ифодаланади. Масалан, *Темир китоб ўқишни бошлади*. Предикат ва унинг аргументлари муносабатини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:




Бундай қурилмаларда ҳам икки предикат борлиги туфайли икки пропозиция ифодаланади: *Темир ўқиди. Ўқиш ҳаракати бошланди. Темир* — агенс, қўшилма предикат эса пациенс позициясида келяпти.

Қўшувчи предикат позициясида морфологик каузатив феъллар келиши ҳам мумкин: *тўхтатди, тугатди, давом эттирди* ва бошқалар. Бундай кўппредикатли қурилмалар каузатив вазиятни ифодалайди. Масалан: *Карим китоб ўқишни тўхтатди (тугатди, давом эттирди)*. Агенс, каузацияловчи вазият предмети — *Карим*, пациенс, каузацияланувчи вазият предикати ноль кўрсаткичли ўзига ўзи каузацияланувчи ҳолат — *ўқишни тўхтатмоқ*, каузация муносабатини ифодаловчи восита -т морфемасидир. Бу вақтда грамматик эга мураккаб маънога эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида каузатив вазиятнинг агенс ва ҳам пациенсини ифодалайди.

Қўшувчи предикат позициясида лексик каузатив феъллар иштирок этиши мумкин. Масалан: *мажбур қилди, қўзғатди, топширди, буюрди, таклиф қилди* ва бошқалар. Бу вақтда каузация агенси ва пациенси ажралган ҳолда ифодаланади. Масалан: *Карим китоб ўқишга мажбур қилди*. Бундай типдаги қурилмаларда эга позициясида келган бош келишикдаги от агенсни, каузатив вазият антицедентининг предикатини, тўлдирувчи позициясидаги тушум келишигидан ифодаланган от пациенсни, антицедент предметини, жўналиш

келишидаги ҳаракат номидан ифодаланган компонент каузациялашувчи ҳолатни, каузатув феъллар эса консеквент ва антицендент ўртасидаги каузатив муносабатни ифодалайди.



ГАПНИНГ МОДАЛ АСПЕКТИ

Модаллик гапнинг асосий бирлиги, гап семантикасининг энг муҳим компонентиدير. Тилшуносликда модаллик деганда, одатда, гап мазмунининг объектив борлиққа муносабати ва сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати тушунилади¹⁰¹. Модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашда хизмат қиладиган хилма-хил воситалар киритилади. В. З. Панфилов таъкидлаганидек, жуда кўп муаллифлар томонидан модаллик категорияси составига ўз моҳияти жиҳатидан: функционал вазифаси, тил тузилишига мансублиги жиҳатидан хилма-хил бўлган маънолар киритиладики, натижада бу категория маълум аниқликдан маҳрум бўлади¹⁰². Бу эса ҳатто модалликнинг алоҳида тил категорияси сифатида мавжудлигини ҳам шубҳа остига қўяди. Жумладан, И. П. Распанов модаллик ҳақида фикр юритиб, соф грамматик маънодаги категория сифатида ҳеч қандай модаллик категорияси мавжуд эмас, дейди. Унинг фикрича, модаллик категорияси ҳақида эмас, балки гапнинг модал сифати ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади¹⁰³. Т. П. Ломтев ҳам бу категорияга нисбатан худди шунга ўхшаш фикр билдиради. Унинг фикрича, модал характеридаги грамматик категория

¹⁰¹ Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М., 1981. С. 144.

¹⁰² Панфилов В. З. Категория модальности и ее роль в конституировании структуры предложения и суждения. — ВЯ, 1977, № 4, С. 3.

¹⁰³ Распанов И. П. Заметки о синтаксической модальности и модальной квалификации предложения. — В кн.: Синтаксис и интонация, С. 10.

«бир грамматик модал категорияни эмас», балки бир системани ташкил этади¹⁰⁴.

Модаллик ҳақидаги бундай фикрлар тасодифий эмас, албатта. Модалликнинг анъанавий талқинига кўра, дарҳақиқат, уни таърифлаш жуда қийин.

Модаллик маъноси тил системасининг турли сатҳларида кузатилади. Модалликни ифодаловчи воситалар ҳам ранг-барангдир. Тилшуносликда бу воситаларни аниқлашнинг ягона методикаси бўлмаганлиги туфайли, модаллик ифодаловчи воситалар турли тиллар материаллари асосида турлича ажратилмоқда. Жумладан, Н. Ю. Шведованинг фикрича, модаллик воситаларига майл, гапнинг алоҳида конструкциялари, интонация, сўз таркиби, такрор, юклама, ундов, кириш (модал) сўзлар ва гаплар мансубдир¹⁰⁵.

Туркий тиллар материаллари асосида, асосан, қуйидаги модаллик воситалари ажратилади: майл, замон ва шахс қўшимчалари, гапнинг алоҳида қурилмалари, юкламалар, сўз тартиби, интонация, юклама вазифасидаги сўроқ олмошлари, ундалмалар, кириш сўз ва гаплар¹⁰⁶.

Кўриниб турибдики, бу категория остида хилма-хил воситалар: морфологик (майл, замон, шахс аффикслари), лексик (сўзларнинг турли гуруҳлари), синтактик (алоҳида гап қурилмалари, сўз тартиби, такрор ва фонетик воситалар (интонация) киритилади. Бир категория остига бундай хилма-хил воситаларнинг бирлаштирилиши тилшунослар ўртасида, табиий равишда, айрим эътирозларнинг туғилишига сабабчи бўлди. Шунинг учун ҳам бу воситаларни бирлаштирадиган бир умумий белги топишга ҳаракат қилинади. Бу во-

¹⁰⁴ Ломтев Т. П. Предложение и его грамматические категории. М., 1972, С. 91.

¹⁰⁵ Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, С. 542—545.

¹⁰⁶ Қаранг: Современный татарский литературный язык (синтаксис). М., 1971. С. 9; Зейналов Ф. Категория модальности и способи ее выражения в тюркских языках. — Советская тюркология. 1970, № 2; Ангели Ф. А. К вопросу о категории модальности и лексические ее выражения в тюркских языках. АҚД. М., 1964; Агазаде Н. Г. К вопросу о категории наклонения и модальности в современном азербайджанском языке. Баку, 1965; Шариева Н. Модальность и модальные слова в киргизском языке. АҚД. Фрунзе, 1969; Расулов И. Предикативлик ва модаллик ҳамда уларнинг ўзаро муносабатига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1979, 4-сон; Саидов С. Модал сўзларнинг гапда қўлланилиши ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, 4-сон.

ситаларнинг ҳаммаси ўз функциясини гап ичида (гап сатҳида) кўрсатади. Ана шу белги, яъни синтактик белгиси юқоридаги воситаларни бирлаштиришга маълум даражада асос бўлди. Шунга кўра модаллик воситаларини ҳам: 1) конструктив-синтактик; 2) морфологик-синтактик; 3) интонацион-синтактик гуруҳларга ажратиш мумкин¹⁰⁷. Барча модал маънодаги воситаларга синтактик мақом берилиши бу воситаларнинг тузилиши умумийлигини кўрсатиш учун асос бўладигандек туюлади. Аммо, маълум бир ўринда бирлаштиришга асос бўлган бу синтактик белгиси модал воситалар фарқланишида ўз қувватини йўқотади¹⁰⁸. Шунинг учун ҳам Р. Г. Сибгаатов модаллик категориясини белгилашда турли сатҳлилик категориясига асосланиши лозимлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, тилшуносликда турли сатҳлилик категорияси мавжуд бўлиб, бу категорияни турли сатҳга оид бирликларнинг бир умумий тушунча атрофида бирлашиши ҳосил қилади. Турли сатҳлилик категориясининг мазмуни — бу бутун бир семантик соҳа бўлиб, бир-биридан фарқ қилувчи ва шу билан бирга бир тушунча остига бирлашган грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади¹⁰⁹. Шу нуқтаи назардан, модаллик категорияси ифода планига кўра ҳақиқатан ҳам турли сатҳлилик категориясига мансубдир. Турли сатҳга оид бирликлар бир тушунча — модаллик тушунчаси остига бирлашади. Демак, модаллик категорияси тил категорияси сифатида объектив мавжуддир.

Модалликнинг умумий таърифга тилшуносликда маъно плани нуқтаи назаридан ёндашилади, яъни муносабат белгиси эътиборга олинади. Аммо В. З. Панфилов таъкидлаганидек, тилшуносликда бу категориянинг моҳияти, унинг фикр модаллиги муносабати, гап модаллигининг типлари, модалликнинг предикативликка муносабати билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалар бўйича бир хиллик йўқ¹¹⁰.

Гапнинг номинатив аспекти тарафдорлари гапни икки қисмга диктум ва модусга¹¹¹ ажратадилар. Дик-

¹⁰⁷ Сибгаатов Р. Г. Теория предикативности. Саратов ГУ, 1984, С. 17.

¹⁰⁸ Сибгаатов Р. Г. Ўша асар, 178-бет.

¹⁰⁹ Бондарко А. В., Буланин Л. Л. Русский глагол. М., 1967. С.5; Сибгаатов Р. Г. Ўша асар, 178-бет.

¹¹⁰ Панфилов В. З. Взаимоотношение языка и мышления. М., 1971. С. 183.

¹¹¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955, С. 44.

тум — бу синтактик қурилма ифодалайдиган объектив мазмун, яъни пропозициядир. Маълум синтактик қурилманинг гап бўлиб шаклланиши учун фақат диктумни (пропозицияни) ифодалашгина етарли бўлмайди. Ш. Баллининг фикрича, модус қўшилгандагина гапга айланади. Демак, модус гапнинг энг муҳим қисмидир, усиз гап шакллана олмайди, чунки модалликни акс эттира олмайди. У жумланинг диктумдан бошқа барча хусусиятларини модусга киритади. Шунинг учун ҳам Филлмор жумла формуласини $S = M + P$ (S — жумла, M — модаллик, P — пропозиция) (диктум) тарзида кўрсатади¹¹². Бундай тушунишда коммуникациянинг турлари ҳисобланган дарак, сўроқ, буйруқ маънолари, эмоционал маънолар, субъектив — модал маънолар ва бошқалар модус ҳисобланади. Модаллик В. В. Виноградовнинг 1950 йилда эълон қилинган «О категории модальности и модальных словах в русском языке» мақоласида ҳам шундай кенг талқин қилинди ва унинг бу концепцияси совет тилшуқослигидаги модаллик муаммоси юзасидан қилинган кейинги тадқиқотларга ҳам жуда катта таъсир қилди. В. В. Виноградов ва унинг издошлари томонидан модаллик остида: 1) коммуникатив маъно турлари: дарак, сўроқ, буйруқ маънолари (бўйича фарқланадиган гап турлари, 2) тасдиқ ва инкор бўйича фарқланадиган гап турлари¹¹³; 3) гап мазмунига сўзловчининг ҳиссий муносабати ва бошқа бир қатор маънолар бирлаштирилади.

Т. Б. Алисова Ш. Баллининг диктум ва модус ҳақидаги фикрини давом эттириб, модаллик ҳақида шундай дейди: «Ҳар қандай жумланинг предикатив табиати икки сатҳдан ташкил топади: биринчиси денотат (диктум)нинг субъект — предикат муносабатини акс эттирса, иккинчиси бу муносабатга сўзловчининг муносабатини ифодалайди¹¹⁴. Г. А. Золотова учинчи тип модал му-

¹¹² Қаранг: Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972. Аммо бунда энг муҳим структура — синтактик структура ва актуал структура акс этмай қолган. Демак ҳар қандай жумла синтактик структура (S_s) ҳамда пропозиция (P), модал (M) ва актуал (A) структураларни ўз ичига олган семантик структуранинг ($SemS$) ўзаро муносабатидан иборатдир: яъни $S_s - P + M + A$.

¹¹³ Реформатский А. А. Введение в языкознание. М., 1960. С. 260; Адмони В. Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М., 1958, С. 163—164.

¹¹⁴ Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, С. 611.

носабатни — ҳаракат ва унинг аге́нси ўртасидаги муносабатни ажратади¹¹⁵. Биринчи тип муносабат (объектив модаллик) — бу жумла мазмунининг борлиққа реаллик-нореаллик, мувофиқ келиш ёки мувофиқ келмаслик нуқтаи назаридан муносабатдир. Иккинчи тип муносабат (субъектив модаллик) — бу сўзловчининг жумла мазмунига ишонч, гумон, аниқлик-ноаниқлик, розилик каби муносабатларидир. Учинчи тип модаллик эса ўз ичига мумкинлик, истак, зарурлик каби маъноларни олади¹¹⁶. Биринчи тип модалликнинг асосий ифода воситаси майл категорияси, иккинчи типники — кириш (модал) сўзлар, учинчи типники эса кесимга (предикатга) қўшиладиган ҳолат категорияси (Шчерба) ҳисобланади. Биринчи тип модаллик гапнинг зарурий белгиси, модалликнинг қолган типлари эса гапнинг факультатив белгиси эканлиги кўрсатилади. Шундай қилиб, модалликнинг мазмун плани ҳам бир умумий белгининг йўқлиги унинг ички бутунлигига путур етказилади. Модаллик категориясининг юқоридаги типларини ажратишда энг муҳим нарса — субъектив томонга эътибор кам жалб қилинади. Худди шу субъектив томон бирлаштирувчи белги вазифасини ўташи мумкин. Р. Г. Сибагатов модаллик, биринчи навбатда, сўзловчининг реалликка бўлган муносабатининг акс этишидир, деб тўғри таъкидлайди.

Унинг фикрича, модалликнинг мазмун плани учун сўзловчи муносабатини бирлаштирувчи белги сифатида асос қилиб олиш категория бутунлигини сақлайди.

Модалликнинг муносабат ифодаланишини ҳамма эътироф этади. Муносабат эса шу муносабатга киришувчи маълум элементларнинг бўлишини тақозо этади. Тилшуносликда ўзаро муносабатда бўлган элементлар масаласи ўзининг аниқ талқинини топган эмас. Шунинг учун муносабатнинг ўзи ҳам шу кунга қадар ноаниқ бўлиб келди.

Объектив модаллик деганда, одатда, гапдан ифодаланган мазмуннинг реалликка бўлган муносабати тушунилар экан, демак, унинг схемаси қуйидагича: гап мазмуни — реаллик. Бу ўзаро маълум муносабатга киришувчи икки элементдир. Муносабат эса элементнинг қисмига ҳам, элементлар йиғиндисига ҳам тенг эмас.

¹¹⁵ Уша асар, 545-бет.

¹¹⁶ Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 1974, С. 151.

Муносабат мантиқига мувофиқ, муносабат — бу икки ўринли (валентли) предикатдир. Демак, у энг камда уч қисмдан таркиб топади: элемент — муносабат — элемент. Объектив модалликнинг юқоридаги схемасида (гап мазмуни реаллик) «гап мазмуни» муносабатга киришаётган элементлардан бири сифатида қатнашмоқда. Аммо муносабатнинг (модалликнинг) ўзи акс этмаган. Бу ўринда энг зарур қисм — «субъект» етишмайди. Шунинг учун ҳам айрим тилшунослар объектив модалликни гап мазмунининг сўзловчи нуқтаи назаридан объектив реалликка муносабати сифатида талқин қилиб, етишмаган элементни тўлдирадилар.

Субъектив модаллик кўпчилик тилшунослар фикрича, «субъект» ва «гап мазмуни» элементларини ўз ичига олади. Унинг схемаси қуйидагича: «субъект—гап мазмуни». Бу ерда ҳам зарурий элемент, «объект» (реаллик) акс этмай қолган. Демак, субъектив модаллик ҳам уч аъзо: «субъект», «гап мазмуни», «объект» бирлигидан иборатдир.

Ҳар сафар «объект» элементи пайдо бўлиши билан, онгда дарҳол «субъект» элементи ҳам вужудга келади ёки, аксинча, «субъект» элементи пайдо бўлиши билан — «объект» элемент ҳам пайдо бўлади, ва бу билан бир вақтда объективга субъектив ишлов бериш механизми ҳам қўшилади¹¹⁷. Бу ишлов беришнинг моҳияти асос деб олинаётган нарсанинг ушбу тафаккур акти предикатига муносабатини (ёки, аксинча, иккинчи элементнинг биринчи элементга муносабатини) белгилашдан иборатдир.

ПРЕДИКАТИВЛИК ВА МОДАЛЛИК

Предикативлик ва модаллик ўзаро чамбарчас боғланган ҳодисалардир. Шунинг учун ҳам лингвистика тарихида бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабатига бағишланган жуда кўп асарлар бор. Шунга қарамай, бу икки ҳодисанинг туташ нуқталари нималардан иборат ва қайси хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади, деган саволлар ҳамон аниқ жавобини топгани йўқ. Баъзан предикативликни модаллик билан тенглаштириш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳар иккисининг ҳам гап мазмунининг объектив реалликка муносабатини ифодалаши таъкидланади (В. В. Виноградов)¹¹⁸.

¹¹⁷ Сяб багатов Р. Г. Уша асар, 184-185-бетлар.

¹¹⁸ Грамматика русского языка. Т. 2, Синтаксис, Ч. 1, М., 1966, С. 80.

Гапни гап қилиб турган энг асосий белги нима, деган саволга ҳам баъзилар модаллик, деб жавоб берадилар¹¹⁹.

Модаллик ва предикативлик ҳақида гап кетганда, баъзан модалликнинг предикативликка нисбатан жуда кенг тушунча эканлиги¹²⁰, баъзан эса модаллик предикативликнинг узвий бир қисми эканлиги таъкидланади¹²¹. В. В. Виноградов бир ўринда предикативлик билан модалликни тенглаштириб, «...предикативлик категориясининг тўғри, доимий ва бевосита ифодаланishi гап модаллигидир», — дейди¹²², иккинчи ўринда модалликни предикативликнинг бир компоненти сифатида қарайди¹²³. Н. Е. Петров модаллик ва предикативликнинг маълум чегарасини белгилаш учун предикативликни логик-синтактик категория сифатида тил сатҳи бирлиги, модалликни эса коммуникатив-синтактик категория сифатида нутқ сатҳи бирлиги тарзида қараш лозим, — дейди¹²⁴. Аммо бу билан уларнинг фарқи аниқ очилмайди. Чунки модалликнинг бир тури тил сатҳига ҳам оиддир.

Семантик планда модаллик категорияси учун бирлаштирувчи белги вазифасини бажарувчи субъективлик (сўзловчи нуқтаи назари) предикативлик категорияси билан модаллик категорияси ўртасида фарқловчи белги вазифасини ўтиши мумкин. Биринчидан, модаллик предикативликка нисбатан, дарҳақиқат, кенг тушунча. Чунки предикативлик фақат гап сатҳи учун характерли бўлса, модаллик гап бўлмаган қурилмалар (масалан, сўз бирикмаси) учун ҳам хосдир¹²⁵. Шунинг учун ҳам В. Г. Адмони модалликни иккига — гапга хос бўлган модаллик, сўз бирикмасига хос модалликка бў-

¹¹⁹ Шапиро А. Б. Модальность и предикативность как признаки предложения в современном русском языке. Филологические науки, 1958, № 4; Лоя Я. В. К изучению проблемы синтаксиса современного русского языка. Филологические науки, 1962, № 4.

¹²⁰ Шапиро А. Б. Уша асар; Адмони В. Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М., 1958, С. 40.

¹²¹ Куркина Е. И. Наклонения глагола в якутском языке, М., 1970, С. 24; Панфилов В. З. Взаимоотношение,.... С. 176.

¹²² Виноградов В. В. Основание вопросы синтаксиса предложения. — В кн.: Избранные труды. Исследования по русской грамматики. М., 1975. С. 269.

¹²³ Грамматика русского языка. Т. 2, Синтаксис, Ч. 1, М., 1966. С. 79—80.

¹²⁴ Петров Н. Е. О содержании и объеме языковой модальности. Новосибирск, 1982, С. 8.

¹²⁵ Адмони В. Г. Кўрсатилган асар, 40-бет.

лади¹²⁶. Иккинчидан, гап сатҳида қаралаётган модаллик предикативликнинг таркибий элементиدير. Предикативлик гап орқали ифодаланаётган ахборотнинг объектив реалликка муносабатини умумий тарзда билдирса, модаллик гап мазмунининг сўзловчи нуқтаи назаридан объектив борлиққа муносабатини ёки сўзловчининг гап мазмунига муносабатини билдиради. Ҳар икки типдаги модалликда ҳам субъективлик белгиси алоҳида ўрин тутади.

МАНТИҚИЙ ВА ГРАММАТИК МОДАЛЛИК

Бу муаммо фақат лингвистика учунгина эмас, балки мантиқ учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки модаллик категорияси фикрнинг мантиқий қурилиши билан чамбарчас боғланган тил ҳодисалари қаторига киради. Шунинг учун модаллик ҳам тилшуносликнинг, ҳам мантиқнинг текшириш объектидир. Биринчисида модаллик гапнинг энг муҳим белгиси сифатида қаралса, иккинчисида тафаккур шакли сифатидаги ҳукмнинг муҳим белгиси сифатида қаралади. Шунга кўра В. З. Панфилов тил категорияси бўлган модалликни мантиқий категория бўлган модаллик билан боғлаб ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

В. З. Панфилов гап орқали ифодаланадиган ҳукмнинг икки сатҳи мавжудлигини кўрсатади. Улардан биринчиси ҳозирги шаклий мантиқ томонидан ажратиладиган пропозиционал функция сифатидаги ҳукм. Пропозиционал функция сифатидаги ҳукм структураси N ўринли предикат ва унинг аргументлари муносабатидан иборат ($aRBv$ формуласи). Бундай ҳукм структураси икки қисмдан (агар предикат бир ўринли бўлса) ёки уч ва ундан ортиқ қисмдан (агар предикат кўп ўринли бўлса) ташкил топади.

Гапда ифодаланган ҳукм структурасининг сатҳи анъанавий шаклий мантиқнинг ўрганиш объекти бўлган субъект-предикат структурадир ($S + P$ дир формуласи).

Агар пропозиционал функция сифатидаги ҳукм объектив реалликдаги объектив алоқаларни акс эттирса, субъект-предикат структура сифатидаги ҳукмда эса билиш жараёни акс этади. Субъект предикат структурада вазиятнинг бир фикр предмети сифатида, иккин-

¹²⁶ Адмони В. Г. Уша асар, ўша бет.

чи қисми унга предикацияланаётган белги сифатида ажратилади. Шундай қилиб, ҳукмнинг субъект-предикат структура сатҳида билиш жараёнининг йўналиши, яъни унинг субъектив томонини акс этади¹²⁷.

Ҳукмнинг бу икки сатҳдаги структураси гап структурасида ҳам ўзининг шаклий ифодасига эга: улардан биринчиси гапнинг синтактик бўлинишлари орқали (яъни синтактик структура элементлари орқали), иккинчиси эса логик-грамматик ёки актуал бўлиниш орқали ифодаланади. Демак, модаллик гапнинг актуал бўлиниши билан чамбарчас боғланган¹²⁸.

Англашиладики, маълум бир вазиятнинг ўзи ҳукмнинг бир неча хил субъект-предикат структураси билан ва, шунга мувофиқ, гапнинг турли логик-грамматик бўлиниши билан акс этади. Бунда эса инсон билиш фаолиятининг актуаллиги кўринади.

Модаллик остида гапнинг субъект билан боғлиқ бўлган турли маънолари тушунилар экан, аввало, бу маъноларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) объектив (антологик) ва 2) субъектив модаллик.

Уларнинг биринчиси билиш акти йўналтирилган маълум бир воқеадаги мавжуд объектив алоқалар характерини акс эттиради (мумкинлик, ҳақиқийлик, зарурийлик). Иккинчиси эса бу алоқаларни билиш даражасига сўзловчининг муносабати (баҳоси)ни ифодалайди.

Объектив модаллик гапнинг синтактик бўлиниш сатҳида ўз ифодасини топади¹²⁹. Унинг шаклий кўрсаткичлари: 1) феъл майллари (шарт-истак, буйруқ, шартли, ижро ва бошқ.); 2) махсус модал феъллар: **хоҳламоқ, истамоқ** ва бошқ.; 3) лексик воситалар: **керак, лозим, даркор, мажбур, зарур** ва бошқ.

Объектив модаллик, ўз навбатида, турли маъноларни ўз ичига олади: 1. Гапда ифодаланган мазмуннинг борлиққа муносабати. Бу феъл майллари ва интонация (номинатив сўз-гапларда) орқали ифодаланади ва гап мазмунининг реал (нореал) эканлигини фарқлайди¹³⁰.

¹²⁷ Га к В. Г. Уша асар. 143-бет.

¹²⁸ Қаранг: Гуревич В. В. Модальная актуализация смысловых компонентов предложения. — ФН, 1985, № 2.

¹²⁹ Панфилов В. З. Категория модальности и ее роль в конституировании структуры предложения и суждения. — ВЯ, 1977, № 4, С. 39.

¹³⁰ Га к В. Г. Уша асар, 143-бет.

2. Субъектнинг «ўз» ҳаракатига муносабати. Бу модаллик тўрт субкатегорияни бирлаштиради: 1) аниқлик. Ноль кўрсаткич билан характерланади; 2) мумкинлик, имконияти борлиқ, **Олмоқ, бўлмоқ** кўмакчи феъллари орқали ифодаланади. Мас.: *Бу ниятни амалга оширса бўлади* (ошириб бўлади). *У институтда ўқий олади* ва бошқ.; 3) зарурлик, мажбурлик. Модалликнинг бу маъноси *керак, лозим, даркор, зарур* сингари сўзлар орқали ифодаланади. Мас.: *Мен ўқишим керак*; 4) хоҳиш-истак. Бу маъно махсус модал феъллар орқали (*хоҳламоқ, истамоқ* ва бошқ.) ифодаланади. Мас.: *Мен ўқишни истайман*.

Юқорида санаб ўтилган барча модаллик турлари объектив модалликка оид бўлиб, диктумга, В. З. Панфилов концепциясига кўра эса пропозиционал функция сатҳига оиддир.

Субъектив модаллик гапда ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг муносабатини ифодалайди ва модусга (В. З. Панфилов концепциясига кўра логик-грамматик сатҳга) киради. Субъектив модаллик кириш сўз функциясида келган махсус модал ёки модал вазифасидаги бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланади. Субъектив модаллик орқали, ўз навбатида сўзловчининг ўз фикрига турли муносабатлари намоён бўлади: ишонч (*албатта, келаман*), тасдиқ (*тўғри, келаман*), гумон (*эхтимол, келарман*), ачиниш (*афсус, келаман*) ва бошқ. Субъектив модаллик факультатив характерга эгадир.

Шундай қилиб, синтактик модаллик гапни шакллантиришдаги ўрни ва субъектнинг гап мазмунидаги муносабат даражасига қараб, икки гуруҳга — объектив ва субъектив модалликка бўлинади. Объектив модаллик гапни шакллантирувчи зарурий белгилардан бири, асосий узви ҳисобланса, субъектив модаллик объектив модаллик устига қўйилган қўшимча модалликдир. Шунинг учун ҳам у гапнинг асосий узви эмас.

Кўришиб турибдики, сўзловчининг коммуникатив нияти, унинг гап мазмунига эмоционал муносабати ва субъектив модаллик гарчи гапнинг актуаллаштирувчи қисмлари бўлса ҳам, уларнинг табиати ва гап тузилишидаги асосий роли шунчалик хилма-хилки, уларни фақат грамматик планда «турли сатҳлилиқ», семантик планда сўзловчининг «муносабатини ифодалаш» белгиси остида бирлаштириш мумкин холос.

ТУЛДИРУВЧИЛИ ЕИИҚ ГАПЛАР СЕМАНТИКАСИ

N ga + vj моделидаги қурилма моҳият сифатида тўлдирувчи позициясидаги аргументларнинг феъл предикат орқали юзага чиқувчи муносабатини акс эттиради. Тўлдирувчи ҳолатидаги аргумент турли референт маъноларни ифодалайди. Бу референт маънолар тўлдирувчи ҳолатидаги аргументнинг предикат билан синтагматик муносабати ҳамда ҳар икки қисмининг қандай лексемалар билан тўлдирилишига қараб белгиланади. Масалан: 1) *Бу сўзлар унга ёқди* (А. Қ.); 2) *Челак сувга тўлди*; 3) *Китобни синглисига олди*; 4) *Рўмолни мукофотга олди*; 5) *Ҳалима Салимага айтди*; 6) *Ёш болага ўхшайди*.

Биринчи жумла билан иккинчи жумла, учинчи жумла билан тўртинчи жумла бир хил синтактик структурага эга бўлсалар ҳам лекин мазмуний иштирокчиларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Биринчи жумлада ёқди предикати орқали муносабатда бўлган икки семантик предикатнинг биринчиси (*бу сўзлар*) таъсир қилувчи предметни, иккинчиси эса (*унга*) таъсирга учровчи предметни билдиради. Иккинчи гапда *тўлди* предикати орқали муносабатда бўлган икки предметнинг биринчиси (*челак*) таъсирга учраётган предметни иккинчиси (*сув*) эса таъсирга восита бўлаётган ва таъсир қилаётган предметни билдиради. Тўртинчи ва бешинчи жумла структураси олди предикати орқали боғланган икки семантик предметдан иборат бўлса ҳам, лекин семантик предметларнинг ролларига кўра бу жумлалар бир-биридан фарқ қилади. Тўртинчи жумладаги семантик предметлардан биринчиси (*рўмол*) агент таъсирга учровчи предметни, иккинчиси (*мукофот*) агент ҳаракатнинг юзага чиқиши учун асос бўлган предметни акс эттиради. Бешинчи жумладаги *айтди* предикати орқали ўзаро муносабатда бўлган Ҳалима ва Салима предметлари ҳам юқоридагилардан тубдан бошқача вазифа бажаради: биринчиси ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет (агент), иккинчиси эса агент ҳаракатини қабул қилувчи предмет (пациент) вазифаларида келади. Олтинчи жумладаги предикат муносабатда бўлган предмет предикат орқали ифодаланган ўхшатишга эталон бўлган предметни билдиради.

Шундай қилиб, жўналиш келишигидаги ва билан кўмакчили оддан ифодаланган воситали тўлдирувчи билан кенгайган гап инвариант сифатида бир умумий

гап моделини ташкил этса ҳам, лекин бу инвариант нутқ таркибида турли лексик вариантлар билан тўлдирилган хилма-хил семантик-синтактик вариантлар сифатида намоён бўлади.

N dan + vʃ модели чиқиш келишигидаги отдан ифодаланган воситали тўлдирувчи билан кенгайган жумлаларнинг умумлашган типини гавдалантиради. Бу модел қисмлари нутқ жараёнида лексик бирликлар билан тўлдирилган ҳолда турли семантик-синтактик вариантларда намоён бўлади. Масалан: 1) **Свқатдан** олинг; 2) **Кичик ўғлимдан** бахт кўрдим; 3) **Олимлардан** гапирди; 4) **Уй бетондан** қурилган. Бу жумланинг дастлабки иккисиди предикат орқали муносабатда бўлган икки предметдан фақат бири бевосита ифодаланган ва улар биринчи жумлада шахс ҳаракатига қисман қараган предметни, иккинчисиди предикат акс эттирган ҳаракатни юзага чиқарувчи предметни (агенсни) билдиради. Учинчи жумла бир ўринли муносабатдан иборат бўлган системани ифодадайдди. Предикатнинг бўш ўрнини тўлдирувчи олимлардан аргументи муносабат билдирувчи гапирди предикатидан англашилган ҳаракатни юзага чиқарувчи агенсни билдиради. Тўртинчи жумла икки ўринли муносабатни акс эттирувчи система саналиб, бўш ўринларни тўлдирган **уй** ва **бетондан** предметлари муносабат билдирувчи **қурилди** предикати орқали боғланган. Биринчи предмет предикатдан англашилган ҳаракатнинг натижаси бўлган предметни, иккинчиси эса предикатдан англашилган ҳаракатнинг юзага чиқишига восита, материал бўлган предметни ифодадайдди.

N da + vʃ модели ҳам турли семантик-синтактик вариантлар орқали юзага чиқади: 1) *Самолётда* учдик, 2) *Ўқишда намуна бўлмоқда*. Биринчи жумлада предикатдан ифодаланган ҳаракатнинг юзага чиқиши учун восита бўлган предметни, иккинчисиди эса предикатдан англашилган ҳаракатнинг доирасини кўрсатувчи предметни билдиради.

Англашиладики, тил сатҳидаги бир умумлашган структура нутқда ўзининг турлича намоён бўлиш имкониятига эга. Тўлдирувчи ҳолатида келган семантик предмет турли вазифаларни бажариши мумкин: ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет, ҳаракатни қабул қилувчи предмет, ҳаракатнинг юзага чиқишига восита бўлган предмет, ўхшатилишига эталон бўлган предмет ва бошқ.

ҲОЛЛИ ЁИИҚ ГАПЛАР СЕМАНТИКАСИ

Йиғиқ жумлалар таркибида ҳол иштирок этиб, жумла мазмунини кенгайтиради. Ҳоллар шакл ва мазмун жиҳатдан ранг-барангдир. Шунинг учун ҳам уларнинг шакл ва мазмуни қуйидаги ҳолли гап моделларини гавдалантириши мумкин:

I. 1) $X_{\text{да}} + П_{\text{ф}}$; 2) $X_{\text{га}} + П_{\text{ф}}$; 3) $X_{\text{дан}} + П_{\text{ф}}$; 4) $X_{\text{гача}} + П_{\text{ф}}$.

{	-лиги учун	{	-дан буён	{	-га қадар
	-лиги сабабли		-дан бери		-га довуру
	-лиги туфайли				
	-ганига				

II. 1) $X_{\text{тарз}} + П_{\text{ф}}$; 2) $X_{\text{д.миқ}} + П_{\text{ф}}$; 3) $X_{\text{шарт}} + П_{\text{ф}}$

Биринчи гуруҳдаги ҳолли ёйиқ гап моделлари асосида кўпроқ шакл, иккинчи гуруҳдагилар асосида эса мазмун ётади. Биринчи гуруҳдаги моделлар нутқ жараёнида лексик бирликлар билан тўлдирилган ҳолда турли семантик-синтактик вариантлар орқали намоён бўлса, иккинчи гуруҳдагилар гарчи умумлашган маъно асосида типларга бирлаштирилган бўлса ҳам, лекин бу моделлар ҳам нутқ жараёнида муайян лексемалар билан тўлдирилган ҳолда юқоридаги умумлашган маънонинг турли хил вариантлари асосида юзага чиқади. Ҳол ҳолатида келаётган аргумент предикатнинг семантик валентлигини юзага чиқарувчи бўлганлиги сабабли предикат талаб этган маънода келади. Масалан, 1) *Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради* (мақол), 2) *Омон, сени кўргандан бери кўзларимга уйқу келмайди* (Ҳ. О.), 3) *Бўри борди сўв ичгали* (Крилов), 4) *У яшайди беситам, безор* (Ҳ. О.) ва бошқ. Биринчи гапда предикатнинг ўрин валентлигини, иккинчи гапда пайт валентлигини, учинчи гапда мақсад валентлигини, тўртинчи гапда тарз валентлигини рўёбга чиқарган. Шунинг учун ҳол таснифида предикатнинг семантик валентлиги бош мезон бўлиб хизмат қилиши керак.

ПРЕДМЕТНИНГ МУРАККАБ НОМЛАРИ (ДЕСКРИПЦИЯ) ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

Предикатнинг бўш ўринларини предметнинг мураккаб номлари ҳам эгаллаши мумкин.

Бу вақтда предметнинг мураккаб номлари бир бутун

ҳолда предикатнинг аргументи бўлиб келади. Предметнинг мураккаб номи ўз ички тузилишига эга бўлганлиги туфайли у ҳам қисмларга ажралади. Лекин бу қисмлар жумланинг эмас, балки мураккаб номнинг қисми саналади. Хусусан, аниқловчилар предметнинг белгисини билдириб, у билан зич боғланган ҳолда шу предметнинг мураккаб номини ҳосил қилади ва аниқловчи-аниқланмиш бир бутун ном сифатида жумла тузилишида иштирок этаётган бошқа предмет номлари билан муносабатга киришади. Аниқловчиларнинг ўзлари ҳам мураккаб ном ҳосил қилиш даражасига кўра бир хил эмас. Сифатловчи ва изоҳловчилар қаратқич аниқловчиларга нисбатан аниқланмиш билан ўта зич боғланади. Шунинг учун ҳам предметнинг мураккаб номи таркибида сифатловчилар, изоҳловчилар ва қаратқич аниқловчилар иштирок этса, у вақтда дескрипциянинг ўзи икки даража асосида қисмларга бўлинади: аввало, қаратқич гуруҳи ва қаралмиш гуруҳи ажратилади, сўнгра қаратқич қисми ҳам, қаралмиш қисми ҳам яна қисмларга ажралади. Масалан, *Азиз асримизнинг азиз онлари Азиз одамлардан сўрайди қадрин жумласи* уч ўринли муносабатни акс эттирувчи системани ифодалайди. 1) *Азиз асримизнинг азиз онлари*, 2) *азиз одамлардан*, 3) *қадрин* аргументлари муносабат билдирувчи *сўрайди* предикати орқали ўзаро боғланган. Бу аргументнинг иккитаси предикатнинг мураккаб номи саналиб, ўз ички тузилишига эга. Биринчи аргумент дастлаб икки қисмга ажралади: 1) *азиз асримизнинг*, 2) *азиз онлари*. Дескрипциянинг бу ажралган қисмлари яна ажралишда давом этади: 1) *азиз + асримизнинг*; 2) *азиз + онлари*.

Шундай қилиб, қаратқич-қаралмишга ажралиш дескрипция тузилишининг биринчи даражаси, сифатловчи-сифатланмиш, изоҳловчи-изоҳланмишга ажралиш эса иккинчи даражаси саналади.

Предметнинг мураккаб номи бир бутун ҳолда предикатнинг бўш ўринларини тўлдирган ҳолда турли вазифаларда келишлари мумкин. Масалан, предикат *англатган ҳаракатни юзага чиқарувчи предмет: Азиз асримизнинг азиз онлари + сўрайди*: предикат билдирган ҳаракат таъсирига учровчи предмет: *азиз одамлардан + сўрайди* ва бошқ.

Агар пропозитив (номинатив) ва модал аспектлар гапнинг инъикос этиш семантикасини, унинг денотатив ва сигнификатив мазмунини акс эттирса, коммуникатив план, биринчидан, сўзловчининг коммуникатив ниятини, яъни шу гапдан ифодаланган объектив мазмун элементларининг аҳамиятлилик даражасини белгилашни (актуал бўлакларга ажратиш) ҳамда дарак, сўроқ, бўйруқ ифодалашни, иккинчидан пресуппозиция ахборотини ўз ичига олади¹³¹. Шундай қилиб, тил бирлиги сифатида гап семантикасига фақат номинатив план — пропозиция плани оиддир. Коммуникатив план эса жумла семантикасининг, демак, нутқ семантикасининг предметиدير¹³².

АКТУАЛ ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай синтактик қурилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, коммуникатив мақсадни ҳам ифода этиши керак. Масалан, *Карим Москвага кетди* жумласида умумий тузилиш — пропозиция ифодаланишидан ташқари, сўзловчининг коммуникатив нияти ҳам ифодаланган. Бу ўринда сўзловчининг нияти Каримнинг ҳаракати ҳақида маълумот беришдир. Шунинг учун ҳам Карим нима қилди? сўроғига жавоб бўлади. *Москвага Карим кетди* жумласида эса сўзловчининг коммуникатив нияти кимнинг кетганлиги ҳақида маълумот беришдир. *Москвага ким кетди?* сўроғига жавоб бўлади. *Карим Москвага кетди* жумласида эса сўзловчининг коммуникатив нияти яна бошқа ҳаракатнинг йўналиши ҳақида маълумот беришдир. Бу ўринда Карим қаерга кетди? сўроғига жавоб бўлади. Кўриниб турибдики, жумлани ташкил этган синтактик элементлар маълум синтактик вазифани бажариш билан бирга, сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаб коммуникатив вазифа бажариш учун ҳам хизмат қилади. Жумланинг коммуникатив вазифаси нуқтаи назардан тузилиши унинг актуал тузилиши ҳисобланади.

Коммуникатив (актуал) вазифа нуқтан назардан жумлани ташкил этувчи элементлар тема (маълум) ва

¹³¹ Васильев Л. М. Семантика русского глагола, М., 1987, с. 12—13.

¹³² Васильев Л. М. Ўша асар, 13-бет.

рема (янги) қисмларга бўлинади. Жумланинг рема қисми коммуникатив энг аҳамиятли қисм — коммуникатив марказ ҳисобланади. Савол гапнинг шу коммуникатив марказини—ремани аниқлаш учун берилади. Жумланинг тема қисми аввалдан маълум бўлганлиги учун саволда ҳам айнан такрорланади. Шунга кўра, биринчи ҳолатда (Карим нима қилди? сўроғига жавоб бўлганда) Карим — тема (маълум), Москвага кетди — рема (янги), иккинчи ҳолатда (Москвага ким кетди? сўроғига жавоб бўлганда) Москвага кетди — тема (маълум), Карим — рема (янги); учинчи ҳолати (Карим қаерга кетди? сўроғига жавоб бўлганда) Карим кетди — тема (маълум). Москвага — рема (янги) ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, жумла коммуникатив (актуал) жиҳатдан доимо икки қисмдан — тема (маълум) ва рема (янги) қисмлардан ташкил топади. Бу жиҳатдан синтактик структуранинг анъанавий бош бўлақларига ўхшайди. Баъзан уларга тенг келиши мумкин: тема — эгага, рема — кесимга. Аммо тема-рема ва эга-кесим бўлинишлари ўзаро муносабатда бўлган бошқа-бошқа тузилишлар бўлиниши бўлганлигидан, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Синтактик тузилиш элементлари бош бўлақлардан ташқари, яна бошқа бўлақлардан ҳам ташкил топса, коммуникатив тузилиш доимо икки элементдан — коммуникация предмети — тема ва тема ҳақида маълумот берувчи коммуникатив марказ — ремадан ташкил топади.

Актуал бўлақларни ифодалаш учун тилшуносликда турли хил терминлардан фойдаланилади. Масалан, асос ва ядро (Матезиус), маълум ва янги (Крушельницкая), асос ва предикацияланувчи қисм (Распопов) ва бошқ. Шунингдек, мантиқий субъект ва мантиқий предикат, руҳий субъект ва руҳий предикат, мазмуний субъект ва мазмуний предикат терминлари ҳам ишлатилади.

Тема ва ремаларга бўлинишнинг актуал бўлиниш деб ҳисобланишининг сабаби шуки, сўзловчи учун бу бўлиниш актуал, фақат шу контекст учун, ёки шу вазият учун хос бўлган бўлинишдир. Юқоридаги *Карим Москвага кетди* жумласининг уч хил бўлиниши шуни кўрсатадики, алоқа-аралашувнинг конкрет вазиятига қараб сўзловчи ўз олдига турли хил коммуникатив ва-зифа қўяди.

Тилшуносликда бундай бўлиниш актуал бўлиниш

терминидан ташқари, бошқа бир қатор терминлар билан ҳам ифодаланади: Коммуникатив бўлиниш, контекстуал бўлиниш, тема-рематик бўлиниш, жумланинг функционал йўналиши, жумланинг коммуникатив йўналиши ва бошқ.

Маълум ва янги маънолар нутқ жараёнида сўзловчининг коммуникатив ниятига кўра жумланинг асосий грамматик маъноси устига қўйилади¹³³.

Шундай қилиб, гап бўлақларининг коммуникатив юки жумла мазмунининг ажралмас қисми, шунинг учун актуал бўлинишни алоҳида синтактик категория сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Актуал бўлинишнинг ўрганилиш тарихи. Ҳозирги тилшуносликда актуал бўлиниш термини остида ўрганилаётган ҳодиса анча узоқ вақтлардан буён тилшунослар томонидан кузатилиб келинади. Проф. А. Рустамовнинг оғзаки маълумотига қараганда, Урта Осиё филологлари, хусусан, Замахшарий асарида ҳам бу ҳодиса маълум бўлган. Актуал бўлиниш қисмларини ифодаловчи махсус терминлар ҳам қўлланилган: **мавзу** (тема), **маҳмул** (рема). Аммо актуал бўлиниш жаҳон тилшунослигига Европа лингвистлари асарлари орқали тарқалди. Узоқ вақтгача бу ҳодиса лингвистик ҳодиса эмас, балки мантиқий ёки руҳий ҳодисалар сифатида талқин қилиниб келди.

Ушбу ҳодисани руҳий аспектда ўрганиш бир қатор немис олимлари номи билан боғлиқдир. Жумладан, XIX асрнинг машҳур олими Г. Фон де Габеленц сўзловчи онгида ҳосил бўладиган тасаввур боғланишига эътибор беради. Нутқ предикати сифатида иштирок этадиган биринчи тасаввур «руҳий субъект», «руҳий субъект» ҳақида маълумот берадиган иккинчи тасаввур «руҳий предикат» бўлади, дейди.

Г. Пауль ҳам ушбу ҳодиса юзасидан шунга ўхшаш фикр юритади. У «руҳий эга», «руҳий кесим» терминларидан фойдаланган ҳолда, жумлада энг муҳим гап бўлаги мантиқий урғу остида бўлган руҳий кесим эканлигини айтади. У *Карл эртага Берлинга кетади* гапидаги тўрт гап бўлагидан ҳар бири маълум-номаълумлик белгисига кўра руҳий кесим бўлиб келиши мумкин. Мантиқий урғу остидаги бўлақ руҳий кесим бўлади ва

¹³³ Крушельницкая. К вопросу о смысловом членении предложения.— ВЯ, 1959, № 5, С. 58.

у номаълум нарса ҳақида янги маълумот беради, дейди¹³⁴.

Бу масала машҳур рус тилшунослари Ф. Ф. Фортунатов, А. М. Пешковский, А. В Шчерба, В. В. Виноградов асарларида ҳам маълум даражада акс этди. Ф. Ф. Фортунатов фикрича, руҳий ҳукмнинг ифодаланиш шакли гапдир, лекин гапнинг грамматик бўлаклари билан руҳий бўлақлар бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Масалан, *келди Фарҳод* жумласи орқали ифодаланган руҳий эга — *келди* (сўзловчи ва тингловчи маълум факт) ва руҳий кесим *Фарҳод* (маълум факт ҳақида янги ахборот) дан ташкил топса, бошқа вазиятда, масалан, *Фарҳод келди* жумласида руҳий эга — *Фарҳод* (маълум факт), руҳий кесим — *келди* (янги факт) бўлиши мумкин. Булар орасида А. М. Пешковскийнинг кузатишлари эътиборга лойиқдир. А. М. Пешковскийнинг нутқнинг ритмик-интонацион томонига алоҳида эътибор берганлиги уни актуал бўлиниш ҳодисасига анча яқинлаштирди. Аммо у бу ҳодисани грамматиканинг ўрганиш объектдан ташқаридаги ҳодиса ҳисоблаб, бу масалага махсус тўхталмади. А. М. Пешковский жумла интонацияси юзасидан жуда қизиқарли кузатишлар олиб бориш билан интонациянинг жумла мазмунига таъсири ҳақида қимматли маълумотлар беради. У «интонацион кесимлик» ҳақида фикр юритар экан, уни «грамматик кесимлик»ка қарама-қарши қўяди. Агар мантиқий урғу феълда ёки предикатив сўзда бўлса, интонацион кесим билан грамматик кесимнинг бир-бирига мувофиқ келиши, бошқа ҳолларда эса, бир-биридан фарқ қилиши, интонацион кесимнинг грамматик категория эмаслиги ҳақида маълумот беради¹³⁵.

Бу ҳодисанинг актуал бўлиниш термини остида махсус ўрганиш машҳур чех тилшуноси В. Матезиус қаламига мансубдир¹³⁶. У XIX аср француз тилшуноси А. Вейлнинг айрим ғояларига таянган ҳолда, биринчи марта актуал бўлиниш муаммоси лингвистикага оид эканлигини исботлади. У актуал бўлинишнинг синтак-

¹³⁴ Қаранг: Пауль Г. Принципы истории языка. М., 1960. С. 339.

¹³⁵ Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. М., 1956, С. 161—172.

¹³⁶ Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения. — В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967, С. 240—245.

тик бўлиниш билан муносабати ва ундан фарқини кўрсатиб берди. Ақтуал бўлиниш маълум грамматик воситаларга асосланиши кўрсатилади. В. Матезиус тилшуносликнинг навбатдаги вазифаси гапнинг шаклий ва ақтуал бўлинишлари ўртасидаги муносабатни конкрет материаллар асосида кўрсатиш кераклигини ва бу вазифанинг ғоят аҳамиятли эканлигини, чунки ҳар бир тилда гапнинг шаклий ва ақтуал бўлиниш муносабати масаласи энг характерли масалалардан бири эканлигини таъкидлади.

В. Матезиуснинг ақтуал бўлиниш назарияси унинг издошлари Ф. Данеш, Скаличка, Я. Фирбас, П. Адамец, И. Мистриклар томонидан янада чуқурлаштирилади. Натижада бу назария фақат чех тилшунослигидагина эмас, балки жаҳон тилшунослигида ҳам кенг тарқалди. Бу масала рус тилшунослигида ҳам кенг ўрганила бошланди.

Хусусан, рус тилшунослигида бу масаланинг ўрганилиши К. Г. Крущельницкая¹³⁷, И. П. Распопов¹³⁸, И. И. Ковтунова¹³⁹, В. З. Панфиловлар номи билан боғлиқдир. Кейинги даврларда туркийшуносликда ҳам гапнинг ақтуал бўлинишига бағишланган бир қанча асарлар майдонга келди¹⁴⁰.

Ақтуал ва синтактик бўлинишнинг турли сатҳга оидлиги. Ақтуал бўлиниш жумланинг коммуникатив мақсадини акс эттиради ва коммуникатив синтаксисга оид бўлади. Ақтуал бўлиниш нуқтаи назардан қаралган жумла айрим тилшунослар томонидан тил системасининг алоҳида сатҳи — ақтуал бўлиниш сатҳи сифатида ҳам ажратилади. В. З. Панфилов

¹³⁷ Крущельницкая К. Г. К вопросу о смысловом членении предложения. — ВЯ, 1956, №5.

¹³⁸ Распопов И. П. Актуальное членения предложения. Уфа, 1961.

¹³⁹ Ковтунова И. И. Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. М., 1976.

¹⁴⁰ Панфилов В. З. Грамматика и логика. М., 1963; Абдуллаев К. М. Актуальное членение предложения в азербайджанском языке. — Советская тюркология, 1983, № 1; Сибгатов Р. Г. Атрибутивные и предикативные конструкции в плане содержания, — ВЯ, 1982 № 2; Амиров Р. С. Способи актуального членения в казахском языке. — Советская тюркология, 1970, № 6; Хайитметов А. Ўзбек тилида ақтуал бўлиниш ва позиция масалалар. Тошкент, 1984, Туропова М. Ўзбек шевалари синтаксиси (қарлуқ лаҳжаси материаллари асосида) Тошкент, 1984; Уринбоев Б. Сузлашув нутқида гап бўлаклари таркиби. Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 6-сон.

актуал бўлиниш сатҳини мантиқий-грамматик сатҳ деб номлайди. Унинг фикрича, бир жумланинг таркибида шу жумлани ташкил этган ҳар бир синтактик элементнинг (гап бўлагининг) синтактик вазифасини ўзгартмаган ҳолда актуал бўлинишнинг темаси ҳам бўла олиши актуал бўлинишнинг семантик бўлиниш доирасидан чиқаришини кўрсатади. Кўришиб турибдики, биз бу ўринда бир синтактик сатҳнинг ўзидаги ҳодисанинг эмас, балки ундан юқорироқ бўлган гап сатҳи ҳодисасининг гувоҳи бўламиз. Чунки актуал бўлиниш билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳодисалар анъанавий синтактик сатҳ доирасида изоҳланиши мумкин эмас¹⁴¹, — дейди.

И. П. Распопов конструктив-синтактик сатҳ ва коммуникатив-синтактик сатҳларга ажратиб, актуал бўлинишни кейинги сатҳга киритади. И. И. Ковтуновнинг таъкидлашича, бу икки сатҳга ажратиш ғояси актуал бўлиниш ва сўз тартибини ўрганиш учун фавқулодда аҳамият касб этади. Бу нарса сўз тартибининг икки сатҳдаги вазифасини ва бу вазифаларнинг жумла тузилишидаги ўрнини белгилаш имконини яратди¹⁴².

ЖУМЛА ПАРАДИГМАТИКАСИ ВА СИНТАГМАТИКАСИНING АКТУАЛ БЎЛИНИШ БИЛАН МУНОСАБАТИ

Ҳар қандай жумла нутқ бирлиги сифатида нутқ (текст) ичида келиб, ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги жумлалар билан муносабатда бўлади. Бундай муносабат жумланинг синтактик муносабати ҳисобланади. Мантиқий изчилликка эга бўлган ҳар қандай нутқ (текст) синтактик муносабатларнинг ўзаро зичлиги ва синтагматик тобеликнинг бир томонлама — олдинги жумладан кейинги жумлага қараб йўналиши билан характерланади. Бу шуни кўрсатадики, жумла шакли ўзидан олдинги жумлага боғлиқ бўлади. Кейинги жумланинг эса олдинги жумла шакли учун аҳамияти бўлмайди. Жумлалар ўртасидаги синтактик тобеликнинг бундай бир томонлама йўналиш муносабати нутқ занжирининг замондаги тадрижий кенгайишини кўрсатувчи нутқ характери билан белгиланади.

Жумлалар ўртасидаги синтактик тобелик актуал бўлиниш учун қулай шарт-шароит яратади. Ҳар бир

¹⁴¹ Панфилов В. З. Грамматика и логика, М., 1963.

¹⁴² Ковтунова И. И. Уша асар, 34-бет.

жумланинг тема-ремаси ушбу жумланинг контекст талаб этган конкрет коммуникатив вазифаси билан белгиланади. Ҳиздан олдинги жумла мазмунига қараб, кейинги жумланинг синтактик тузилиши турлича актуал бўлиниши мумкин. Масалан, *Меҳмонлар келишди* синтактик қурилмаси асосида олдинги контекстга асоеланган ҳолда икки хил жумла ҳосил қилиш мумкин: *Меҳмонлар келишди*; *Келишган меҳмонлардир*. Булардан биринчи жумла икки коммуникатив ниятдан бирини ифодалаш мумкин: факт, вазият ҳақида бир бутун маълумот беради (бу вақтда олдинги жумла таркибда ушбу жумла темаси (*меҳмон*) айтилмаган бўлиши ҳам мумкин), ёки меҳмонлар келишганлиги ҳақида маълумот бериш (бу вақтда тема (*меҳмонлар*) ҳақида маълумот олдинги жумлада берилади).

Бир синтактик тузилишнинг актуал бўлиниш жиҳатдан турли вариантлари шу синтактик қурилманинг актуал бўлиниш парадигмаси ҳисобланади.

Жумланинг парадигма аъзоси сифатидаги характеристикаси ушбу жумланинг синтагмадаги позициясига боғлиқ бўлади. Актуал бўлиниш парадигмасининг бош аъзоси синтактик бўлиниш билан мос келади: синтактик тузилиш эгаси (ёки эга гуруҳи) актуал бўлиниш темаси, синтактик тузилиш кесими (ёки кесим гуруҳи) актуал бўлиниш ремаси бўлиб келади. Масалан, *Уқитувчи ўқувчиларга дарс ўтди* жумласида синтактик эга позициясида келган *ўқитувчи* — тема, синтактик кесим позициясида келган *дарс ўтди* бўлаги ўзи эргаштириб келган *ўқувчиларга* бўлаги билан бирга — рема.

Тема ахборот предмети ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тема учун энг характерли сўз туркуми предмет маъносини билдирувчи сўзлар саналади. Теманинг типик ифодаланиш усули эга ва эга гуруҳидир. Рема тема ҳақида маълумот беради. Демак, рема учун энг характерли сўз туркуми белги билдирувчи сўзлар бўлади. Реманинг типик ифодаланиш усули кесим ёки кесим гуруҳи ҳисобланади. Бундан кўринадики, эга ва эга гуруҳининг олдин келиши, кесим ва кесим гуруҳининг кейин келиши, контекст шарт-шароитидан қатъи назар, тема-рематик муносабатни кўрсатишга энг мувофиқ ҳолати ҳисобланади. Қисмлари бундай тартибда жойлашган жумлалар умумий ҳукми ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай тартиб контекст билан боғлиқ бўлмайди, шунинг учун бундай жумлалар контекстуал,

ёки синтагматик мустақил жумлалар ҳисобланади¹⁴³. Контекстда бундай жумла мустақил позиция эгаллайди.

Контекст синтактик ва актуал бўлакларнинг юқоридагидек муносабатини бузиб юбориши мумкин. Натижада актуал бўлиниш парадигмасининг бошқа аъзолари ҳосил бўлади. Бу вақтда белги билдирувчи сўзлар рема, предмет билдирувчи сўзлар тема бўлиб келиши мумкин. Бундай ҳолат, одатда, тема мазмуни контекст ёки вазият орқали маълум бўлганда содир бўлади. Юқоридаги каби жумлалар контекст ёки вазият билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун бундай жумлалар контекстуал ёки синтагматик тобе жумлалар ҳисобланади. Контекстда бундай жумлалар синтагматик тобе позицияни эгаллайди. Шундай қилиб, жумланинг актуал бўлиниш парадигмаси синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлаларни ўз ичига олади. Одатда синтагматик мустақил жумлалар парадигманинг бошланғич аъзоси — инварианти ҳисобланади.

Синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлалар савол системаси орқали ҳам аниқланиши мумкин. Ш. Балли саволларни диктал ва модал сўроқларга ажратади ва уларни ўз навбатида яна иккитадан қисмга ажратади: 1) тўлиқ диктал, 2) қисман диктал сўроқлар ва 1) тўлиқ модал, 2) қисман модал сўроқлар.

Диктал сўроқлар жумла орқали баён қилинаётган объектив мазмунга (диктумга) алоқадор бўлса, модал сўроқлар жумла мазмунининг объектив борлиққа муносабатига (модусига) алоқадордир. Тўлиқ сўроқлар бутун бир жумлага, қисман сўроқлар шу жумланинг бир қисмига алоқадор бўлади.

Хусусан, тўлиқ диктал сўроқ жумланинг умумий мазмунига қаратилган бўлади. Бу сўроққа жумланинг умумий мазмуни жавоб бўлади. Қисман диктал сўроқ эса шу жумла таркибида маълум бир қисмда ифодаланган мазмуни аниқлашга қаратилади. Жумланинг бошқа қисми эса сўзловчига маълум бўлади. Бу сўроққа шу жумланинг маълум бир қисми — ахборот ташишда аҳамиятли қисми жавоб бўлади. Масалан, *Ким ўқиди?* сўроғида кимдир ўқиганлиги маълум, аммо ким ўқиганлиги номаълум. Шу номаълум, жавоб талаб қиладиган қисм янги ахборот ташишда аҳамиятли ҳисобланади.

Тўлиқ модал сўроқ жумладан англашилган маз-

¹⁴³ Ковтунова И. И. Ўша асар, 37-бет

муннинг объектив реалликка муносабатини аниқлаш учун бералида. Сўроқ мақсадни жумладан англашилган мазмуннинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш бўлади. Тасдиқ ёки инкор жавобни талаб қилади. Қисман модал сўроқ шу жумланинг маълум қисмидан англашилган шубҳа остидаги мазмунни аниқлаш учун берилган¹⁴⁴. Масалан, *Карим мактабга (?) кетдими?* Жавоб: *Ҳа, мактабга, ёки: Йўқ, мактабга эмас.*

П. Адамец саволнинг юқоридаги турларидан қайси бирига жавоб бўлишига қараб; жумланинг тўрт хил актуал турини белгилайди.

1. Умумахборотли жумлалар. Бундай жумлалар умумдиктал сўроқларга жавоб бўлади ва актуал ахборот гапнинг умумий мазмунига мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам актуал бўлак синтактик бўлакка мувофиқ келади.

2. Қисманахборотли жумлалар. Бу типдаги жумлаларда объектив мазмуннинг маълум қисми ҳақида маълумот берилади. Қолган қисми олдинги гаплардан маълум, деб тасаввур қилинади. Бундай жумлаларда актуал ахборот объектив мазмуннинг бир қисминигина ўз ичига олади. Шунинг учун у маълум контекстни талаб қилади. Ундан ташқари матндан узиб олинганлиги сезилиб туради. Контекстуал тобе бўлади.

3. Умуммуносабатли жумлалар. Бундай жумлалар янги хабар эмас, балки суҳбатдошнинг фикрига сўзлашувчининг реакцияси, муносабатини ифодалайди. Умуммуносабатли жумлаларда объектив мазмуннинг реаллиги акс этади. Бундай жумлаларнинг асоси инкор ёки тасдиқлик бўлади. Масалан, *Карим келмади. Биз талабамиз.*

4. Қисманмуносабатли жумлалар. Бундай жумлаларда бутун бир жумла мазмунининг реаллиги эмас, балки унинг маълум бир аспектининг реаллиги аниқланади. Масалан, *Фақат Карим келди.*

Актуал бўлақлар синтактик бўлақларга мувофиқ келадиган синтагматик мустақил жумлалар умумахборотли жумлаларга мос келади ва тўлиқ диктал сўроқларга жавоб бўлади.

Актуал бўлақлар билан синтактик бўлақлар мувофиқ келмайдиган синтагматик тобе жумлалар қисман-

¹⁴⁴ *Қаранг:* Балли Ш. *Общая лингвистика и вопросы французского языка.* М., 1955, С. 47—48; Ковтунова И. И. *Ушафсар,* 40-бет.

ахборотли ва қисманмуносабатли жумлаларга мос келади ва қисмандиктал ҳамда қисманмодал сўроқларга жавоб бўлади.

Шундай қилиб, сўроқ типлари синтагматик мустақил ва синтагматик тобе жумлаларни ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маълум бир жумлани тема ва ремаларга ажратишда ҳам сўроқ хизмат қилади. Сўроқда мавжуд бўлган ахборот темага онд, сўроқ орқали аниқланадиган ахборот эса ремага онд бўлади. Масалан: *Колхозчилар баҳорги дала ишларици бошлаб юбордилар* қурилмасида *Колхозчилар нима қилдилар* сўроғи? темани ҳосил қилувчи жумла қисмини (*колхозчилар*) ўзида акс эттиради. Сўроққа жавоб бўлган қисм (*баҳорги дала ишларини бошлаб юбордилар*) рема ҳисобланади.

Ёйиқ жумлаларда актуал бўлиниш. Ёйиқ жумлаларда актуал бўлиниш йиғиқ жумлалар актуал бўлинишига ўхшайди. Аммо ёйиқ жумлалар тема ва ремалари йиғиқ жумлалардаги сингари биттадан сўзлардан эмас, балки сўзлар гуруҳидан ташкил топади. Бундай сўзлар гуруҳининг тема-рематик бўлиниши ҳам ёйиқ жумлаларда ўзига хос хусусиятга эга: тема гуруҳи синтактик эга состави ва кесим состави асосида эмас, балки ёйиқ жумлани ташкил этган синтаксемаларнинг коммуникатив вазифасига қараб ажратилади. Тема ва ремалар бир неча синтаксемалардан эмас, балки биргина синтаксемадан ташкил топиши мумкин. Бунга кўра кесим состави ҳам, кесим составининг етакчи элементи — асос қисми (кўпроқ феъл) ҳам, кесим составини ташкил этган иккинчи даражали бўлақларнинг ўзи ҳам рема бўлиши мумкин. Қолган қисмлар эса тема бўлади. Масалан, *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* жумласи актуал бўлинишига кўра қуйидаги парадигмани ҳосил қилади: *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (*Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан қадрини нима қилди?*) *Асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (... нимани сўрайди?); *Азиз асримизининг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (...кимлардан сўрайди?) *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди қадрин* (...кимлар сўрайди?) *Азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан сўрайди* (...кимнинг (ниманинг) онлари сўрайди?).

Синтагматик тобе ёйиқ гапларда бирдан ортиқ те-

ма қатнашиши ҳам мумкин. Маълум бир жумлада бирдан ортиқ тема қатнашганда актуал бўлиниш босқичли характер касб этади. Бундай босқичли бўлиниш актуал бўлинишнинг дихотомик (икки аъзолар) принципига таъсир этмайди. Жумла икки темали бўлганда, тема-ремаларга ажратишнинг биринчи босқичида иккинчи тема рема таркибига киради. Иккинчи босқичда эса рема қисм яна тема ва ремаларга бўлинади. Масалан, *Достонларни у ёддан ўқир эди*. Бу жумланинг актуал бўлинишнинг биринчи босқичида *достонларни*— тема, *у ёддан ўқир эди* — рема. Иккинчи босқичда яна тема-ремаларга ажралади: *У* — тема, *ёддан ўқир эди* — рема.

Тема ва ремаларнинг «маълум» ва «янги» билан муносабати. Мавжуд лингвистик адабиётларда баъзан «маълум»-«янги» терминлари «тема»-«рема» терминлари ўрнида қўлланилади, Аммо амалий материаллар шуни кўрсатадики, «маълум»-«янги» тема-ремаларга тўлиқ мос келмайди. Чунки «маълум» олдинги контекстда баён қилинган ёки вазиятдан аниқ бўлган тушунчани ифодалайди. Дарҳақиқат, кўп ҳолларда тема маълум (берилган) нарсани ифодалайди. Аммо айрим ҳолларда тема сўзловчи ёки ўқувчи учун янги, номаълум бўлиши ҳам мумкин. Ҳикоя, боб, абзац бошланишлари баъзан «янги»ни ифодалаши мумкин. Аммо актуал жиҳатдан тема ҳисобланади. Масалан, Ойбекнинг «Болалик» повести шундай бошланади.

Тор кўчада, қўшнимизнинг эски, шалоқ эшиги олдиди, менинг чол бобом ўз ўртоғи — узун соқолли, йирик жуссали, кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўрашади. Бобом ориқ, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган, ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса қўпол, эски сағри кавуш кийган, узун, сертук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда, ерга ёнбошлаб ўтирибди. Кўчадан от-арава ўтмайди; шовқин-сурон йўқ. Сийрак ўтकिनчилар, албатта, қўл қовуштириб «Ассалом!» деб ўтардилар. Чоллардан бири ёки иккови бирдан жавоб беради: «Ваалайкум...»

Бу парчадаги фақат бобом, ўртоғи эса, кўчадан, сийрак ўтकिनчилар ва чоллардан бири ёки иккови темаларигина «маълум»ни ифодалайди. Чунки улар ҳақида ўзидан олдинги жумлада маълумот бериляпти. Қолган темалар эса контекст ёки вазиятдан маълум эмас. Биринчи маротаба учрайди.

Демак, бу икки тушунчалар бир-бирига кўп ҳолларда мувофиқ келса ҳам, аммо тамомила тенг ҳодисалар эмас.

АКТУАЛЛАШИШ

Гап бўлакларининг нормал тартибининг ва интонацион тузилишининг бош парадигматик аъзога нисбатан ўзгариши ҳамда бу жумланинг синтагматик тобе жумлага айланиши унинг актуаллашишидир, яъни конкрет нутқий вазиятнинг талабига мослашиши ҳисобланади. Актуаллашиш жумлага вазият шарт-шароити талаби билан шу жумла орқали ифодаланадиган мазмуннинг коммуникатив ниятига мувофиқ келадиган шакл беради.

Актуаллаштирувчи воситалар. Синтагматик мустақил жумланинг синтагматик тобе жумлага айлантириш учун хизмат қиладиган лисоний воситалар актуаллаштирувчи воситалардир. Сўз тартиби ва интонация гапнинг актуал бўлиниши билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг ҳаммаси томонидан актуаллаштирувчи воситалар сифатида тан олинади. Бунга қўшимча равишда айрим тадқиқотлар юкламаларнинг (Панфилов, Торопова, Абдуллаев ва бошқ.), инкор билдирувчи аффиксларнинг (Панфилов), редупликациянинг (Шевякова, Абдуллаев) актуаллаштирувчилик вазифасини кўрсатадилар.

Сўз тартиби. Сўз тартиби гап тузилишининг бир вақтнинг ўзида икки сатҳида — синтактик тузилиш ва актуал тузилиш сатҳларида функциялашади. И. И. Ковтунова таъкидлаганидек, сўз тартибининг роли гап тузилишининг юқоридаги икки сатҳида бир хил эмас. Синтактик тузилишдаги сўз тартиби актуал тузилиш учун ҳам хизмат қилади.

Узоқ вақтлардан буён сўз тартиби синтактик тузилишга нисбатан ўрганиб келинди. Натижада унинг ҳақиқий вазифаси тадқиқотчилар назаридан четда қолди. Сўз тартибини фақат синтактик тузилиш сатҳида ўрганиш маълум бир тилдаги жумлада сўзлар тартибининг аниқ қонуниятини аниқлашда маълум қийинчилик туғдирди. Чунки сўз тартиби эркин бўлган тилларда ҳам бир гап бўлаги жумлада турли ўринда келиши мумкин.

Жумлада гап бўлаклари тартибининг ҳақиқий ва-

зифаси ва уларнинг қонуниятини биринчи марта машҳур чех тилшуноси В. Матезиус томонидан ўрганилди ва у - актуал бўлинишнинг шаклий кўрсаткичларидан бири сифатида аниқ кўрсатиб берилди.

Туркий тилларда ҳам гап бўлақларининг тартиби эркиндир. Тартибнинг грамматик вазифа бажариши жуда чекланган. Чунки ҳар бир гап бўлақларининг грамматик шакли унинг грамматик вазифасини кўрсатиб туради. Масалан: *Мен кеча Москвадан келдим — Кеча мен Москвадан келдим — Москвадан мен кеча келдим — Москвадан кеча мен келдим* ва бошқалар. Демак, гап бўлақлари тартиби эркин бўлган тилларда тартибнинг ҳақиқий вазифаси шу жумла тартибидаги бўлақлардан бирининг ёки бўлақлар комплексининг мазмуний аҳамиятини ажратиш кўрсатишдир. Бу шуни кўрсатадики, гапда сўзлар тартиби айниқса, туркий тилларда актуал бўлиниш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам гапнинг актуал бўлиниши таълимотининг лингвистикага киритилиши туркий тилларда сўз тартиби муаммосини ҳал қилишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. И. И. Ковтунованинг таъкидлашича, гапда лингвистик муаммо сифатидаги сўзлар тартиби масаласи унинг бош омили бўлган актуал бўлиниш масаласини ўрганмасдан туриб, тўғри ҳал қилинмайди. Бу икки муаммонинг бир фан — лингвистика доирасида бирлаштирилиши сўз тартиби масаласини ҳал қилишда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Гапнинг синтактик тузилиш сатҳида синтактик узвларнинг жойланиш қоидалари ҳақида гап боради. Бу қоидаларни ўрганганда синтактик бўлақлар даражаланиши тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Бунга кўра гап бўлақлари дастлаб синтактик гуруҳларга, синтактик гуруҳлар эса, ўз навбатида, уларни ташкил этувчи қисмларга ажратилади. Синтактик ёпиқ гаплар эга ва кесим гуруҳига (яъни эга ва кесим ўзи эргаштириб келган сўзлар билан) бўлинади. Бу гуруҳлар, ўз навбатида, шу гуруҳларни ташкил этган сўз бирикмаси қисмларига ажралади. Эга ва кесим гуруҳларининг ўзаро жойлашуви ҳамда ҳар қайси гуруҳ қисмларининг ўзаро жойлашуви қисмлар ўртасида синтактик алоқанинг характериға мувофиқ келадиган қоидаларға бўйсунди. Ўзбек тилида эга-кесим муносабатида доимо эга олдин, кесим кейин, сўз бирикмалари сатҳида эса (яъни иккинчи даражали бўлақларнинг ҳо-

ким бўлак билан муносабатида) доимо тобе бўлак олдин, ҳоким бўлак кейин келади.

Гапнинг актуал бўлиниш сатҳида эса бутун бир сўз комплекслари актуал бўлинишнинг қайси қисмига — тема ёки ремага киришига қараб жойлашади. Услубий нейтрал адабий нутқнинг мантиқий тўғри қурилиши шуни тақозо этадики, жумланинг кўпинча тингловчи ёки ўқувчига маълум бўлган таянч нуқтаси гап бошида келади. Тема ҳақида тингловчи ёки ўқувчи учун номаълум бўлган янги маълумот берувчи рема эса гап охирида, темадан сўнг келади. Бу қонданинг бузилиши бошқа тилларда, хусусан, рус тилида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам мантиқий изчилликнинг бузилишига, ёки экспрессив бўёққа эга бўлишга олиб келади. Кўриниб турибдики, актуал бўлиниш сатҳида сўз тартиби гап мазмуни билан боғлиқ бўлган маълум вазифага эга бўлади — тема ва ремаларни фарқлаш вазифасини бажаради.

Агар эга гуруҳи тема, кесим гуруҳи рема бўлиб келса, актуал бўлиниш синтактик бўлиниш билан мувофиқ келади. Масалан: *Колхозчилар бу йил пахтадан мўл ҳосил олдилар.* Бу жумлада синтактик эга колхозчилар актуал жиҳатдан тема, синтактик кесим ҳисобланган ҳосил олдилар ўзи эргаштириб келган бу йил пахтадан мўл сўзлари билан бир гуруҳни ҳосил қилиб рема бўлиб келяпти. Бунда коммуникатив мақсад колхозчилар ҳақида ахборот беришдир. Аммо юқоридаги гапнинг коммуникатив мақсади бундан бошқа ҳам бўлиши мумкин. Бу вақтда гап бўлаklarининг синтактик сатҳдаги нормал тартиби бузилади. Қайси бўлак ҳақида ахборот берилиши лозим бўлса, шу бўлак олдин, у ҳақида ахборот берувчи қисм эса ундан кейин келтирилади. Солиштиринг:

Бу йил колхозчилар пахтадан мўл ҳосил олдилар.
Пахтадан бу йил колхозчилар мўл ҳосил олдилар.

Биринчи жумлада *бу йил* — тема, *қолган қисм* — рема, иккинчи жумла *пахтадан* — тема, *қолган қисм* — рема бўлиб келяпти. Демак, эга ёки эга гуруҳи тема билан, кесим ёки кесим гуруҳи рема билан мувофиқ келмаса, синтактик ва актуал бўлиниш ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади.

Актуал бўлиниш билан синтактик бўлиниш ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлганда, синтактик структура сатҳи учун лозим бўлган қонда ўз кучини йўқота-

ди ва актуал бўлиниш сатҳи қондаси кучга киради, тема олдин, рема кейин келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, туркий тиллар учун гапнинг синтактик структураси сатҳида сўз тартиби маъно ифодаловчи восита вазифасини бажармайди, яъни грамматик категорияларни фарқлаш учун хизмат этмайди. Гап бўлаklarининг ўрни ўзгаргани билан кўпинча унинг синтактик вазифаси ўзгармайди. Актуал бўлиниш сатҳида эса у фарқловчи восита сифатида хизмат қилади. Демак, сўз тартиби гапнинг синтактик тузилиши учун хос бўлмаса, яъни фарқловчилик вазифасига эга бўлмаса, актуал бўлиниш сатҳи учун фарқловчилик вазифасини бажаради.

ЕИИҚ ЖУМЛАЛАРДА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БУЛАКЛАРНИНГ УРНИ

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида, услубий нейтрал адабий нутқнинг (гап бўлаklари инвариант жойлашган нутқ) синтактик сатҳда тўғри қурилиш иккинчи даражали бўлаklарнинг ҳоким бўлаklдан олдин келишини тақозо этади. Аммо коммуникатив (актуал) сатҳда иккинчи даражали бўлаklар ҳоким бўлаklдан кейин келиши ҳам мумкин. Тартиби ўзгартирилгандан кейин ҳам синтактик вазифаси ўзгармаган ҳар қандай иккинчи даражали бўлаkl актуал фарқловчи белги вазифасини ўтайди. Коммуникатив аҳамиятли бўлаklка — рема қисмга айланади.

Туркий тилларда актуаллашган бўлаklнинг икки хил ўрни кўрсатилади. К. М. Абдуллаевнинг таъкидлашича, туркий тилларда актуаллашган бўлаklнинг, яъни реманинг икки хил ўрни борлигини 1) кесимдан олдинги ўрни, 2) гапнинг охири ва шунга кўра актуаллашишнинг икки даражаси — кучли ва кучсиз актуаллашиш мавжуд эканлигини таъкидлайди. Озарбайжон тилида кучли актуаллашиш жумланинг энг охирида, кучсиз актуаллашиш эса кесимнинг олдида содир бўлади. Унинг кўрсатишича, ҳамма бўлаklлар шундай икки даражадаги актуаллашишга эга бўлади. Бу нуқтаи назардан ўзбек тили туркий тиллар системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ўзбек тилида айрим бўлаklлар (масалан, эга ва кесим) актуаллашишнинг фақат бир даражасига — кучли даражасига эга. Эга актуаллашувининг кучли даражаси учун гапнинг охириги ўрни характерлидир. Ҳол ва тўлдирувчиларда бу

икки даражасини кузатиш мумкин. Аммо бундай ҳолат оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам нормал ҳол эмас. Одатда ўзбек тилида ҳол ва тўлдирувчиларнинг сўз тартиби ёрдамида актуаллашиш ўрни кесим олди ўрни ҳисобланади. Масалан: *Мен кеча китоб ўқидим. Кеча китобни мен ўқидим. Кеча мен китобни ўқидим. Мен китобни кеча ўқидим.*

Юқоридаги парадигмада гап бўлақларининг объектив жойлашишида (биринчи парадигматик аъзо) эга — тема, кесим гуруҳи — рема: иккинчи парадигматик аъзода *мен* — рема, қолган қисм — тема; учинчи парадигматик аъзода *китобни* — рема, қолган қисм — тема; тўртинчи парадигматик аъзода эса *кеча* — рема, қолган қисм — тема бўлиб келяпти.

Сифатловчи аниқловчиларнинг актуаллашиш ўрни аниқланмишдан кейинги ўриндир. Демак, ажратилган сифатловчилар синтактик структура учун характерли белги эмас. У фақат актуал тузилишдагина фарқловчи белги вазифасини бажаради. Ҳар қандай ажратилган сифатловчи коммуникатив аҳамиятли бўлак — рема ҳисобланади. Бу шуни кўрсатадики, жумланинг актуал тузилишида икки тема иштирок этиши мумкин бўлганидек, икки рема ҳам иштирок этиши мумкин. Ҳар қандай ажратилган сифатловчи иштирок этган жумлаларда икки рема мавжуд бўлади. Бунда ҳам актуал бўлинишнинг дихотомик принципига путур етмайди. Дастлабки бутун бир гап жумла актуал жиҳатдан икки гуруҳга — тема ва ремаларга бўлинади ва ундан сўнг ё тема қисм, ёки рема қисм яна тема-ремаларга бўлинади. Биринчи бўлинишдаги рема — асосий, етакчи, иккинчи бўлинишдаги рема эса унга кўмакчи, қўшимча рема ҳисобланади. Масалан, *Қобил бобо — яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан оғил эшиги олдида дирдир қалтирарди.* (А. Қ.) Бу биринчи бўлиниш. Биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳ учун тема, иккинчиси биринчиси учун ремадир. Тема гуруҳи ўз ичида яна иккига — тема ва ремаларга бўлинади: *Қобил бобо* — тема, *яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан* — рема.

Икки ремали (дирематик) жумлалар мазмуний мураккабликни вужудга келтиради. Икки мазмуний марказдан иборат бўлади.

Хуллас, ажратилган сифатловчилар синтактик тузилиш сатҳи учун фарқловчи белги эмас, балки актуал тузилиш сатҳи учун фарқловчи бўлиб, иккинчи даражали реманинг актуаллаштирувчиси ҳисобланади.

Иккинчи даражали бўлақларнинг кесим олди ўрнида актуаллаштирувчи восита сифатида сўз тартибидан ташқари, просодика ҳам иштирок этади. Чунки бу ўрин туркий тилларда интонацион инвариант тузлишнинг кучли ўрни — мантиқий урғу тушадиган ўрни ҳисобланади. Демак, бу ўринда ҳам сўз тартиби, ҳам мантиқий урғу бир вақтнинг ўзида актуаллаштирувчи восита вазифасини бажаради.

Просодик актуаллаштирувчи воситалар. Гап бўлақларининг актуаллашишида сўз тартибидан ташқари, бошқа воситалар ҳам, жумладан просодик воситалар хизмат қилади. Бундай актуаллаштирувчи воситаларга мантиқий урғу ва у билан боғлиқ бўлган нутқ темпи ва пауза киради.

Мантиқий урғу. Маълумки, урғу сўз урғуси, синтагматик урғу (жумла урғуси) ва мантиқий урғу (ажратувчи урғу)ларга бўлинади¹⁴⁵.

Сўз урғуси сўзларни, синтагматик урғу синтагмаларни ажратиш учун хизмат қилади. Мантиқий урғу эса сўз урғуси, синтагматик урғуга эга бўлган синтактик бирликларни мазмунан бошқалардан ажратиш вазифасини бажаради. Масалан, *Аҳмад эртага кинога боради* жумласи тўртта мустақил сўздан (гап бўлагидан) ташкил топган бўлиб, ҳар қайсиси бир-бирдан сўз урғуси билан ажралиб туради. Демак, тўртта сўз урғуси бор.

Аммо у фақат бир синтагматик урғуга эга бўлиши мумкин. Бу вақтда синтагматик урғу охириги сўзнинг урғули бўғинига тушади ва шу жумладан ифодаланган фикрнинг оддий баённи ифодалайди. Жумлада ҳар қайси бўлақнинг маъноси алоҳида таъкидланмайди, мазмуний аҳамиятли бўлақ ажратилмайди. Агар шу жумладан бирорта бўлақ мазмуний жиҳатдан ажратиб кўрсатилмоқчи бўлса, сўзловчи уни мантиқий урғу билан ажратади. Бу йўл билан гап бўлақларининг тартибини ўзгартирмаган ҳолда, барча бўлақларни: *Аҳмадни* ҳам, *эртагани* ҳам, *кинога* ни ҳам, *боради* ни ҳам мазмуний аҳамиятли бўлақка айлантириш мумкин. Бундай вақтда мантиқий урғу остидаги бир сўзнинг ўзида учта урғу бир-бири билан қаватланади.: сўз урғуси + синтагматик урғу + мантиқий урғу. Англашиладики, нутқ оқимида, сўз урғуси (мустақил сўз-

¹⁴⁶ Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика, М., 1976.

ларда), синтагматик урғу зарурий бўлса, мантиқий урғу зарурий эмас, у фақат айрим бўлақларни мазмуний таъкидлаш керак бўлгандагина қўлланади. Шундай қилиб, мантиқий урғуни характерлайдиган биринчи омил — бу семантик¹⁴⁶ ёки актуал омиллардир. Мантиқий урғули бўлақ шу жумланинг мазмуний энг аҳамиятли бўлаги бўлиб, рема қисмини ташкил қилади. Қолган бўлақлар эса тема бўлади. Икки составли йиғиқ жумлада мантиқий урғу эгада бўлса, эга — рема, кесим — тема бўлади. Масалан: *Аҳмад келди*.

Ёйиқ жумлада қайси бўлақ мантиқий урғу остида бўлса шу бўлақ, рема, қолган бўлақлар тема қисм бўлади. Савол ҳам шу мантиқий урғули бўлаққа қараб берилади. Солиштиринг: *Аҳмад эртага кинога боради. Ким эртага кинога боради? Аҳмад эртага кинога боради. Аҳмад қачон кинога боради? Аҳмад эртага кинога боради. Аҳмад эртага қаерга боради? Аҳмад эртага кинога боради. Аҳмад эртага нима қилади?* Мантиқий (ажратувчи) урғу анъанавий эшитиш кузатувиға кўра қуйидаги уч моментни ўз ичига олади:

а) одатда сўзнинг урғули бўғини мускул кучланишининг кучайиши билан талаффуз қилинади. Бу кучайиш, асосан, унли товушга оид бўлади. Масалан: *Аҳмад эртага кинога боради*; б) мантиқий урғу тушган бўлақда одатдаги урғули бўғин мантиқий урғу тушмаган ҳолатдагидан чўзиқроқ (ёки баъзан қисқароқ) талаффуз қилинади. Демак, мантиқий урғули бўлақ билан мантиқий урғусиз бўлақ ўртасида миқдорий фарқ мавжуд бўлади. Бу миқдорий фарқ урғули бўғиндан унлининг ё чўзилиши, ё қисқариши ҳисобига бўлади:

в) мантиқий урғули бўлақнинг урғули бўғини мелодикаси билан ҳам характерланади: У тон жиҳатидан одатдагидан ё баландроқ, ё пастроқ бўлади. Демак, бу ўринда одатдаги урғу тушган (сўз урғуси ёки синтагматик урғу) сўзнинг урғули бўғини билан мантиқий урғу тушган сўзнинг урғули бўғини ўртасида тоннинг баландлиги бўйича интервали муҳим ҳисобланади.

Эмфатик эмоционал урғу. Актуаллаштирувчи воситалардан яна бири эмфатик урғу ҳисобланади. Эмфатик урғу ажратувчи урғунинг иккинчи туридир. Эмфатик урғу ҳам жумла таркибидаги маълум бир бўлақни мазмун жиҳатдан ажратиб кўрсатади. Бу жиҳатдан мантиқий урғуга ўхшаб кетади. Ҳар иккиси ҳам

¹⁴⁶ Уша асар, 237-бет

ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Аммо мантиқий урғу жумланинг мазмуний томонига оид бўлса, эмфатик урғу ҳиссий томонига оид бўлади. Эмфатик урғуда овоз тембри асосий роль ўйнайди. Агар ҳис ижобий ва салбий турга бўлинса, уларнинг фонетик белгилари турлича бўлади. Л. В. Шчербанинг кузатишига қараганда, рус тилида ижобий ҳисни ифодалаш учун сўзнинг одатдаги урғули бўғинининг унлиси чўзилади ва кучайтирилади. Масалан: ҳаяжон ҳисси: *Какой чуде — есний вид*; меҳр ҳисси: *Он такой хороший, сла-авний человек* ва бошқ. Салбий ҳисни (масалан, қаҳр, ғазаб, жирканиш) ифодалаш учун эса сўзнинг биринчи ундоши чўзилади: *Ч-ч-орт бы тебя побрал!*; *Ах ты д-дрянь такая!*; *М-мерзавец!* ва бошқ¹⁴⁷.

Ўзбек тилида эса эмфазани ифодалашнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ижобий ёки салбий ҳислар унли ёки ундош чўзилишига қараб фарқланмайди. Эмфазани ифодалаш учун эса сўз таркибидаги ё унли, ёки ундош (фақат сўз бошидан ташқари) чўзилади. Масалан: *Қовун шири-ин экан. Маз-за қилиб едик. Ишқи йўқ эш-шак, дарди йўқ кес-сак* (Мақол). *Ка-атта канал. Семи-из одам. Бала-нд бино. Хуну-ук бола. Бош-шингни егурлар* ва бошқ. Сўзларнинг такрорланиши ҳам ҳиссий эҳтиёж — эмфазани ифодалаш туфайли содир бўлади. Қайси бўлак эмфатик урғу олса, ўша бўлак иккинчи марта такрорланади. Масалан: *Мен Москвага кетяпман, мен. Мен Москвага кетяпман. Москвага. Мен Москвага кетяпман, кетяпман.*

Шундай қилиб, мантиқий ва эмфатик урғу коммуникатив (актуал) восита бўлиб, бу урғу тушган бўлак коммуникатив аҳамиятли бўлак — рема ҳисобланади. Гапнинг қолган қисми эса, тема бўлади. Ўзбек тилида унли ва ундошларнинг қўшилиши ва дистант редупликация эмфатик урғунинг моддий шакллари ҳисобланади.

Мантиқий ва эмфатик урғу воситасида актуаллашган бўлақларда кўпинча пауза ҳам иштирок этади. Бу бўлақлардан олдин, одатда қисқа пауза бўлади.

Лексик ва грамматик актуаллаштирувчи воситалар. Маълум гап бўлагининг актуаллашишида ўзбек тилида турли хил лексик ва грамматик воситалар ҳам хизмат қилади. Бу воситалар мантиқий урғули бўлак билан бирга келиб, мантиқий ёрдамчи актуаллаштирувчи восита вазифасини бажаради. Буларга ҳам, фа-

¹⁴⁷ Шчерба Л. В. Фонетика французского языка. М., 1955. С. 133.

қат, ёлғиз, ҳатто, ўзи сўзлари, -гина, -оқ, -ёқ аффикслари оиддир. Кўрсатилган актуаллаштирувчи воситалардан фақат, ёлғиз, биргина ажратиб кўрсатиш: ҳам, ҳатто, ўзи, -оқ -ёқ воситалари эса таъкидлаб ажратиш функцияларини бажаради. Солиштиринг: _

Ҳатто Карим (ҳам) келди

Карим ҳам келди

Фақат

ёлғиз Карим келди

биргина

Каримнинг ўзи келди

Каримнинг ўзиёқ келди ва бошқ.

Юқоридаги лексик ва грамматик воситалар билан бирга келган бўлак мантиқий урғу олади ва актуал аҳамиятли бўлак — рема ҳисобланади.

ГАПНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИЯ АСПЕКТИ

Маълум пропозиция турли даражадаги синтактик структура орқали ифодаланади: гап орқали, оборотлар орқали, ҳатто содда гап таркибидаги айрим сўзлар ва грамматик шакллар ҳам алоҳида пресуппозиция ифодалаб, шу содда гапни семантик мураккаблаштириши мумкин. Бундай вақтда айрим сўз ёки грамматик шакл орқали ифодаланган пропозиция ўзининг энг ихчам шаклига эга бўлади. Сўзловчи ва тингловчи учун унинг тушунарли бўлишида пресуппозиция ёрдамга келади. Шунинг учун ҳам кейинги даврларда гапнинг пресуппозиция томони лингвистлар диққатини кўпроқ жалб этмоқда¹⁴⁸. Шундай бўлишига қарамасдан, пресуппозиция турлича талқин қилинади.

Пресуппозиция (пресумпция) тушунчаси немис мантиқшуноси Г. Фреге ғоялари билан боғлиқдир. Унинг таъкидлашича, пресуппозиция ҳукмнинг табиий асосидир. Масалан, «Кеплер бечораликдан оламдан ўтди», «Кеплер бечораликдан оламдан ўтмади» гапла-

¹⁴⁸ Арутюнова Н. Д. Понятие пресумпции в лингвистической семантике. — В кн.: Семантика и информатика. № 8. М., 1977; Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. — ЛГУ, 1977. С. 135; Гак В. Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М., 1981. С. 14; Крейдлин Г. Е. Лексема «даже». — В кн. Семантика и информатика, № 6, М., 1975; Торопова Н. А. К исследованию логических частиц. — ВЯ, 1978, № 5; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 6-сон; Нурмонов А. Ўзбек тилида кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси. Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 6-сон ва бошқ.

рида «Кеплер» деган одамнинг яшаганлиги ҳақидаги ҳукмга табиий асос мавжуд. Г. Фреге фикрича, асосий ҳукм кўпинча бошқа яширин ҳукм билан бирга келади. У мавжудлик билдирувчи иккинчи даражали яширин ҳукмнигина пресуппозиция ҳисоблайди¹⁴⁹.

Э. Кинен амалий ва мантиқий пресуппозицияларга ажратишни тавсия этади. Биринчиси сўзловчининг индивидуал билими структураси, иккинчиси эса гаплар ўртасидаги семантик муносабатда акс этади¹⁵⁰.

Л. М. Васильев маъно компонентларини маълум маънога боғланиш даражасига кўра мажбурий ва факультатив (потенциал) маъно компонентларига бўлади. Улардан биринчиси маънонинг сигнификатив (семантик) аспектига оид ва унинг тил бирлиги сифатида мавжуд бўлиши учун, албатта, зарур бўлса, иккинчиси денотатив аспектга пресуппозиция планига оидлигини ва бу компонент фақат нутқда пресуппозиция орқали англашилишини кўрсатади¹⁵¹. Унинг фикрича, факультатив компонентлар маънонинг семиотик имкониятларини кенгайтиради. Масалан: *хабар қилди* конструкцияси маъносида хабар қилиш усуллари *айтмоқ, ёзмақ, телефон қилмоқ, телеграмма бермоқ* каби феъллар орқали ифодаланиши мумкин бўлган факультатив компонентлар мавжуд. Юқоридаги конструкцияда хабар қилишнинг қайси усулидан фойдаланганлиги фақат пресуппозиция плани тил эгаларининг тил ҳақидаги амалий билимлари орқали маълум бўлади.

В. Гумбольдтнинг «ҳар қандай тушуниш бир вақтнинг ўзида тушунмасликдир» антиномияси, А. Потенбнянинг сўзларнинг «образ маркази» («яқин маъно») ва «узоқ маъно»лари каби индивидуал психологик қарашлари ҳам ҳозирги тилшуносликдаги пресуппозиция тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Тилшуносликда «пресуппозиция» терминининг қўлланилиши П. Стросон номи билан боғланган. У тилда импликациянинг алоҳида тури бор эканлигини кўрсатади. Импликациянинг бу тури Г. Фрегенинг «табиий асос»ига жуда яқин талқин этилади. Ҳар икки муаллиф пресуппозицияни ҳам гаплар ўртасидаги семантик муносабатдан келтириб чиқаради. Бу муносабат «Х Уни

¹⁴⁹ Семантика и информатика, № 8, М., 1977.

¹⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. — ЛГУ, 1977. С. 135—138.

¹⁵¹ Васильев Л. М. Семантика русского глагола М., 1981. С. 25.

тақозо этади» формуласи орқали кўрсатилади. «Мэри комнатани тозаллади» конструкциясида «комнатанинг ифлос эканлиги» пресуппозицияси мавжуд. «Мэри комнатани тозаламади» конструкциясида ҳам шу пресуппозиция сақланади¹⁵².

Ҳозирги кунда пресуппозицияни маълум жумла ва у ифодалаётган пропозицияни тўғри тушунилишига имкон берадиган сўзловчилар ўртасидаги «билишнинг умумий фонди», «олдиндан билишнинг жами» сифатида белгилаш кенгроқ тус олмақда¹⁵³.

Шунинг учун ҳам тилшуносликда пресуппозиция термини остида муайян жумла таркибидан бевосита ифодаланмаган, яширин ҳолда акс этган маъно тушунилади.

Пресуппозиция тушунчаси контекст (ушбу тил бирлигининг лингвистик қуршови) ва вазият (ушбу жумланинг экстралингвистик субстрати, юзага чиқиш шарт-шароити) тушунчаларини ўз ичига олади¹⁵⁴. Масалан, *Бугун инструкторимизни қолдирдим, дада* (А. Қаҳҳор) жумласидаги ахборот контекст билан боғлиқ. Ахборот темаси бўлган «шахмат» контекстдан маълум. Олдинги жумлада гап шахмат ҳақида боради. Шунинг учун юқоридаги гап «инструкторимиз билан шахмат ўйнадим» пресуппозициясига эга. Контекстдан ташқарида пресуппозиция учун йўл ёпилади.

Қишилارнинг ўзи қуршаб турган олам ҳақидаги универсал билимлари ва тил ҳақидаги кўникмалари натижасида айрим сўзларнинг лексик маъноларида ҳам пресуппозицияга ўрин очилиши мумкин. Масалан, *Мен Тошкентдан Москвага учдим* жумласида «Самолётда келдим» пресуппозицияси мавжуд. «Учмоқ» сўзининг лексик маъноси ва тил ҳақидаги умумий билиш фонди сўзловчилар учун пресуппозицияни тушунарли қилади.

Лингвистик пресуппозиция мантиқий пресуппозициядан фарқли равишда маълум ифодаланиш шаклига — моддий воситасига, ташқи сигналларига эга. Масалан, ўзбек тилидаги *«Карим ҳам келди»* жумласида яна бошқа *келди келди* пресуппозицияси англашилади. Бу пресуппозициянинг моддий субстрати — ташқи сигнали «ҳам» юклагасидир. Чунки шу юкла-

¹⁵² Торопова Н. А. К исследованию логических частиц. ВЯ, М., 1977. С. 83.

¹⁵³ Қаранг. Гак Г. В. Ўша асар. 14-бет.

¹⁵⁴ Қаранг: Богданов В. В. Ўша асар, 137-бет.

ма пресуппозиция учун йўл очади. Шунингдек, келиш ҳаракатининг юзага чиқиш воситаси (*ниёда, машинада, отда* ва бошқ.,) ҳам пресуппозиция орқали маълум бўлади. Ўзбек тилида пресуппозициянинг моддий субстрати сифатида хилма-хил воситалар иштирок этиши мумкин: 1) лексик воситаларнинг факультатив маъно компонентлари; 2) *ҳатто, фақат, ёлғиз, -гина, (-гина эмас), ҳам, тагин, яна* юкламалари; 3) *бўлса, эса* боғловчи воситалари; 4) *ташқари, бошқа, ўзга (Сендан ташқари Карим ҳам келди), билан бирга (Чиройли бўлиш билан бирга, ақлли ҳам эди), ўрнига (Уқиш ўрнига; ўйнади)* кўмакчилари ва бошқалар.

Пресуппозиция синтактик конструкцияларнинг маъно аспекти билан узвий боғлиқ.

В. В. Богданов пресуппозицияни гап семантикаси аспекти эканлигини таъкидлайди¹⁵⁵. Н. Д. Арутюнова ҳам пресуппозиция «сўзловчиларнинг умумий билиш фонди», «уларнинг олдиндан келишуви» сифатида гап семантикасига киришини кўрсатади¹⁵⁶. Кейинги тадқиқотларда семантикадан прагматика ажратилмоқда. Пресуппозиция прагматика таркибига киритилмоқда.

Тадқиқотчилар пресуппозицияни турлича таснифлайдилар. Жумладан, В. Г. Гак пресуппозициянинг қуйидаги типларини кўрсатади. 1) кенг пресуппозиция, 2) тор пресуппозиция, 3) лингвистик пресуппозиция.

Кенг пресуппозиция остида кишиларнинг уни қамраб турган объектив реаллик ҳақида универсал билими тушунилади. Объектив борлиқда ҳар бир предметнинг типик, характерли хусусияти, маълум нарсага мосланиши мавжуд. Предметларнинг ана шундай хусусиятларини тавсифлашда конкрет маъноли сўз умумийроқ сўз билан алмашишни ёки бутунлай тушиб қолиши мумкин. Аммо сўзловчи ва тингловчи бир-бирларини тўғри тушунишлари учун унинг тушиб қолиши ҳеч қандай роль ўйнамайди. Масалан, *шофер* ҳақида гап кетганда, сўзловчи ва тингловчи, энг аввало, уни машина ҳайдовчиси деб билади. Шунинг учун ҳам *шофер машинани тез ҳайдади* жумласида машина сўзи тушиб қолса ҳам маънога путур етказмайди.

Тор пресуппозиция остида эса фақат маълум вазият доирасидагина рўй берадиган пресуппозиция тушунилади.

¹⁵⁵ Богданов В. В. Ўша асар, 137-бет.

¹⁵⁶ Арутюнова Н. Д. Ўша асар, 85-бет.

ди. Сўзловчиларнинг шу тилни билиш тажрибаси натижасида келиб чиқадиган пресуппозиция лингвистик пресуппозиция ҳисобланади¹⁵⁷.

Е. В. Падучева пресуппозициянинг (презумпциянинг) икки турини кўрсатади: 1) семантик презумпция — бу ёлғонлиги гапнинг семантик чалалигига олиб келадиган семантик компонент; 2) прагматик презумпция — бу гапнинг шундай компонентни, сўзловчи унинг нормал қўлланилишида тингловчи учун маълум, деб ҳисоблайди¹⁵⁸.

Н. А. Торопова ҳам пресуппозицияни икки гуруҳга бўлади: 1) зидланувчи аъзолар пресуппозицияси; 2) кутилган пресуппозиция.

Шундай қилиб, шу кунга қадар пресуппозициянинг бир белгига асосланган, ҳамма эътироф этувчи аниқ таснифи мавжуд эмас. Пресуппозиция тушунчаси асерция (тасдиқ) тушунчаси билан боғлиқ. Н. А. Торопова пресуппозиция ва асерция тушунчалари ўзаро «аниқлик ноаниқлик» белгисига кўра фарқланишини кўрсатади. Пресуппозиция — бу гапнинг контекстга хосланган маъноси, асерция эса унга боғлиқ бўлмаган маъносидир. Масалан, предикат от *артист* сўзининг пресуппозицияси субъектив семантик белгисига мувофиқ келади. Қиёсланг: *Бу ерда бир «артист» бор* жумласидан мантиқан икки тасдиқ келиб чиқади: 1) *бу ерда бир одам бор*; 2) *бу одам устамон (ёлғончи)*. Таҳлил қилинаётган гап таркибидаги от семантикаси таснифловчи ва характерловчи белгиларни ўз ичига олади. «Артист» (ёлғончи, устамон маъносида) сўзида «одам», «ёши каттароқ», «эркак киши» белгилари унинг таснифловчи белгилари ҳисобланади. Бу одам — «артист» жумласида «одам» маъноси «артист» сўзининг таксономик белгисида мавжуд. Шунинг учун унинг бевосита қўлланиши пресуппозитив функция эмас, балки асертив функция бажаради. *Бу ерда «артист» бор* типдаги мавжудлик билдирувчи гаплардаги отнинг барча семантик компонентлари бутун жумла учун характерлидир. Шундай қилиб, таснифловчи белгилар экзистенционал маълумот учун аҳамиятлидир. Унинг характерловчи белгилари эса субъектга характеристика берувчи ахборот учун қимматлидир.

Пресуппозиция гапнинг актуал бўлиниши билан ҳам

¹⁵⁷ Г а к В. Г. Уша асар, 14-бет.

¹⁵⁸ Падучева В. В. Уша асар, 109-бет.

маълум даражада боғланади. Айниқса, уларнинг алоқаси синтактик конструкция таркибида мантиқий урғу стилидаги фокус орқали намоён бўлади.

В. В. Богдановнинг таъкидлашига кўра, агар гапда фокус бўлса у бир вақтнинг ўзида рема ҳисобланади. Одатдаги шаронгта рема ўз ичига бир ва бир неча сўзларни бирлаштириши мумкин, фокус эса уларни минимумгача қисқартиради¹⁵⁹. Масалан, *Мен қизиқ китобларни ўқийман* жумласида *қизиқ* сўзи фокус бўлса, у **рема**, бошқа сўзлар эса **тема** ҳисобланади. Шу билан бирга фокус доимо пресуппозиция таъсир доирасида туради. Хусусан, мантиқий урғу *қизиқ* сўзаги тушган юқоридаги жумладан *бошқа китобларни ўқимайман* пресуппозицияси келиб чиқади.

Актуаллашишнинг бошқа воситалари: сўз тартибининг ўзгариши ёрдамида актуаллашиш, лексик ва грамматик воситалар ёрдамида актуаллашиш ва бошқалар ҳам пресуппозиция билан чамбарчас боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси актуал бўлиниши билан пресуппозиция тушунчаларининг бир-бири билан мураккаб алоқаси ҳақида гувоҳлик беради.

Шундай бўлишига қарамасдан, актуал бўлиниш ва пресуппозиция шаклий ва мазмуний жиҳатдан ўзаро фарқли белгиларга эга. В. В. Богданов фикрича, уларнинг шаклий фарқлари шундан иборатки, пресуппозиция учун минимум икки предикат ифоданинг бўлиши, уларнинг бири иккинчиси ичида яширин ҳолда мавжуд бўлиши характерлидир. Масалан, *Карим уй қуриляпти* предикат ифодаси ичида яширин ҳолда *уй қуриляпти* предикат ифодаси мавжуд. Иккинчи ифода биринчисининг пресуппозициясидир. Актуал бўлиниш компонентлари эса бир предикат ифода доирасида ажратилади. Улар ўртасидаги мазмуний фарқ шундан иборатки, актуал бўлиниш маълум ва янгиларни жумла таркибидан ажратишга мўлжалланган. Маълум шу жумлани олдинги жумлага боғлаб, текст ҳосил қилиш учун хизмат қилса, янги шу жумла маъносини олға силжитади. Пресуппозиция эса гапнинг функционал преспективаси билан боғланмайди. Актуал структура гапнинг шаклий томонини ҳам қамраб олса, пресуппозиция бундай хусусиятга эга эмас (масалан, Л. Шчербанинг «Глакая куздра штекс будланула...» «жумласи»да «синтактик

¹⁵⁹ Богданов В. В. Уша асар, 140-бет.

элемент»ларни актуал жиҳатдан ажратиш мумкин, ammo пресуппозиция бунга таъсир қилмайди).

Демак, гапнинг актуал бўлиниши ва пресуппозиция ўзаро боғлиқ ходисалар бўлса ҳам, ammo улар ўртасида мазмуний ва шаклий томондан муҳим фарқлари бор.

Кўпинча ўзаро семантик яқин бўлган, бир синфга кирувчи, бир-бирига нисбатланувчи тушунчалар пресуппозицияга йўл очади. Масалан, «Аҳмад ҳам келди» жумласида «Аҳмад» тушунчасига шу тушунчага яқин бўлган бошқа шахслар (Карим, Ҳалим, Салим) тушунчаси қўшилмоқда. Нисбатланаётган Аҳмад ва бошқа шахслар (Карим, Ҳалим, Салим) шахс билдирувчи сўзлар сифатида бир синфга киради «Фақат Аҳмад келди» жумласида эса фақат юкламаси ёрдамида Аҳмад тушунчаси у мансуб бўлган бошқа шахслар синфидан ажратилади.

Сўзловчи ва тингловчи учун бошқа кишилар (бу кишилар ким эканлиги ҳам суҳбатдошлар учун маълум) келмаганлиги фақат юкламасининг маъноси ва зид аъзолар (Аҳмад — бошқа кишилар) орқали маълум бўлади. Ўзаро нисбатланаётган аъзолар зид аъзолар ҳисобланади.

Зид аъзолар турли моддий ифодаланиш хусусиятига эга. 1. Зид аъзолардан фақат биттаси моддий жиҳатдан ифодаланиб, бошқа зид аъзони ассоциатив равишда тақозо қилади.

Масалан:

1. *Кўприкни биз қурдик.* 2. *Биз фақат кўприк қурдик.* 3. *Биз кўприккина қурдик.* 4. *Биз кўприк ҳам қурдик.* 5. *Биз яна кўприк қурдик.* 6. *Биз ҳатто кўприк қурдик.*

Юқоридаги жумлалар қуйидаги пресуппозицияларга йўл очади:

1. *Бошқалари қурмади,* 2. 3. *Бошқа нарса қурмадик.* 4. *Бошқа нарса ҳам қурдик.* 5. *Илгари ҳам кўприк қурганмиз.* 6. *Бошқа нарса ҳам қурдик.* Остига чизилган бўлақлар бир-бирини тақозо қилувчи, ўзаро ассоциатив боғланган зид аъзолардир. Ўзаро зидланувчи аъзолар ўртасида қуйидагича муносабат мавжуд: 1-, 2-, 3- гапларда айриш, 4-, 5- гапларда қўшиш, 6- гапта даражалаш муносабати бор.

2. Зид аъзоларнинг ҳар иккиси ҳам моддий жиҳатдан ифодаланади, лекин уларнинг бири предикат ифоданинг номиналлашган трансформаси ҳисобланади ва *ташқари, бошқа, билан, бирга, ўрнига* кўмакчилари ва *эмас, туғул* юкламалари билан бирга келади. Бу кўмак-

чи ва юкламалар пресуппозицияга йўл очади. Шунинг учун ҳам улар пресуппозиция сигналлари саналади. Масалан: 1. *Сендан ташқари ҳамма келди.* 2. *Уқиш ўрнига ишлади.* 3. *Уқиш билан бирга ишлади.* 4. *Карим эмас, Ҳалим келди.* 5. *Карим тугул ҳатто Ҳалим келди.* 6. *Нафақат Карим, ҳатто Ҳалим келди.* 7. *Бу қовун эмас, асал.* Остига чизилган бўлақлар зид аъзолар саналади. Контр чизиқ эса пресуппозиция сигналларини кўрсатади. Юқоридаги жумлалар қуйидаги пресуппозицияларга йўл очади: 1. *Сен келмадинг.* 2. *ўқимади.* 3. *ўқиди.* 4. *Карим (келиши керак эди) келмади.* 5-, -6. *Карим келди.* 7. *Қовун ширинлиги асалга ўхшайди.*

Шундай қилиб, пресуппозиция гап семантикаси билан узвий боғлиқ бўлган прагматиканинг ўрганиш объектидир. Нутқ вазияти билан контекст прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам синтактик қурилма ифодалаган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлган жойда прагматикага эҳтиёж ортади.

БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАР

Анъанавий тилшунослик тилни формал таҳлил этишда улкан ютуқларга эришди. Бу ўзбек тилшунослигининг қўшма гапларни ўрганиш соҳасига ҳам тааллуқли. Ҳозирги пайтда ўзбек тилида қўшма гапларни тадқиқ этишга бағишланган қатор фундаментал илмий ишлар мавжуд¹. Бу ишларда қўшма гапларнинг асосан формал белгилари таҳлил этилиб, уларнинг маъноси, яъни семантикаси илмий таҳлилдан четда қолди. Натижада қўшма гапларнинг баъзи муҳим хусусиятлари очилмай қолди. Қўшма гапларга бағишланган ишларда қўшма гап турларининг маъно жиҳатдан бир қанча турлари, чунончи, боғланган қўшма гапларнинг маъно жиҳатдан беш тури: 1) қиёслаш муносабати; 2) пайт муносабати;

¹ Абдурахмонов Ф. А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958; Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960; Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гаплар. Д. Д. Тошкент, 1979; Ҳозирги ўзбек адабий тили Тошкент, 1966; Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис, Тошкент, 1978, 226, 290-бетлар; Равшанова С. Боғланган қўшма гаплар. ҚД. Тошкент, 1969 ва бошқалар.

3) айирув муносабати; 4) сабаб ва натижа муносабати; 5) изоҳлаш муносабати санаб ўтилади ва ҳар бир турнинг формал-грамматик томони таҳлил қилинади². Бироқ бу маънолар «гапнинг бевосита семантикасини ташкил этмайди»³.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кейинги вақтларда рус тилшунослиги гапнинг семантик таҳлилига бағишланган бир қатор ажойиб илмий асарлар билан бойиди⁴. Ўзбек тилшунослигида ҳам синтактик бирликни семантик жиҳатдан ўрганишга қизиқиш кучайди. Н. М. Маҳмудовнинг содда гапларнинг семантикасига бағишланган докторлик диссертацияси ва у асосда юзага келган монографияси ҳозирги ўзбек тилшунослигида гап семантикасига бағишланган энг йирик илмий ишлардан ҳисобланади⁵.

Бироқ бу соҳада ўзбек тилшунослигида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Қўшма гап семантикасини ўрганиш ана шундай долзарб масалалардандир. Тўғри, рус тилшунослигида бу соҳага қизиқиш анча илгари пайдо бўлди ва қўшма гап семантикасини ўрганишга бағишланган бир неча илмий ишлар юзага келди. Бу ишлар турли йўналишда бўлиб, умуман қўшма гап семантикасини тўлиғича қамраб олмайди. Чунончи, Е. В. Падучева аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг семантикасини ўрганишга бағишланган ишида гапнинг ички ва ташқи структурасини таҳлил қилади⁶.

Шунингдек Н. Н. Ильинанинг ишида ҳам қўшма гап компонентларининг ўзаро семантик муносабати асосида ички ва ташқи сатҳлар қарама-қаршилиги ётиши баён этилади. Муаллиф ички сатҳ деганда мантиқий маъно

² Абдурахмонов Ф. А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 24—78-бетлар.

³ Маҳмудов Н. М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент 1984, 3-бет.

⁴ Арутюнова Н. Д. Предложения и его смысл. М., 1976; Алисова Т. Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка, М., 1971; Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Л., 1977; Гак В. Г. Проблема лексикограмматической организации предложения. Д. Д. М., 1967; Золотова Г. А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 1973 ва бошқ.

⁵ Маҳмудов Н. М. Кўрсатилган асар.

⁶ Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. Материалы в трансформационной грамматике русского языка. М., 1974, гл. V; Шу муаллиф. О порождении сложного предложения из простых. — В кн.: Исследования по математической лингвистике математической логике и информационным языкам. М., 1972.

муносабатини, ташқи сатҳ деганда эса қўшма гапларнинг конкрет синтактик структураси ва компонентлар ўртасидаги муносабатни тушунади⁷.

Т. А. Колосованинг иши қўшма гапларда семантик-синтактик асимметрияни ўрганишга бағишланган⁸.

Е. Н. Ширяев рус тилидаги боғловчисиз қўшма гапларнинг ҳам структурасини, ҳам семантикасини таҳлил қилади⁹.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, рус тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам бевосита боғланган қўшма гапларнинг семантик структурасини ўрганишга бағишланган бирор иш йўқ. Бинобарин, боғланган қўшма гапларнинг семантикасини таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бўлиб, ушбу ишда шу масалани ойдинлаштиришга ҳаракат қилинди.

Ҳар қандай эски масалани янгича талқин қилиш, бошқача айтганда, эски масалага шакл жиҳатдан эмас, маъно жиҳатидан ёндашиш ва уни асосий муаммо сифатида кун тартибига қўйишнинг икки муҳим томони бор: 1) лингвистик назариянинг умумий ривожини у ёки бу муаммога татбиқ этиш билан шу муаммони ўрганишни тезлаштириш, ривожлантириш; 2) эски концепцияларда ўз ифодасини топмаган ва шу билан боғлиқ назария ривожини талаб этадиган муаммо юзасидан янги тил материали борлигини аниқлаш. Бу ҳар икки томон боғланган қўшма гапларнинг семантик синтаксиси масаласи учун ҳам аҳамиятлидир.

Боғланган қўшма гап компонентлари ўртасидаги маъновий муносабат у ёки бу даражада шу компонентлар лексик составининг аниқ, конкрет маъносига таянади. Чунончи, *Ҳаво булут бўлди, аммо ёмғир ёғмади*. Бу боғланган қўшма гапнинг қисмлари составидаги сўзларда булут — ёмғирни ўзида мужассамлаштирган предмет; ёмғир — булутдан қуюлувчи предмет, бири иккинчини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи компонентдаги субъект иккинчи компонентдаги субъектни

⁷ Ильина Н. Н. Об одном способе классификации связей между частями сложного предложения. — В кн., Информационные вопросы семантики, лингвистики и автоматического перевода. М., 1972, Вып. 2.

⁸ Колосова Т. А. Русские сложные предложения ассиметричной структуры. Воронеж. 1980.

⁹ Ширяев Е. Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М., 1986.

юзага келтиради. Бироқ бу гап компонентларининг предикатлари бири тасдиқ формада, иккинчиси инкор формада. Улар ўртасидаги зиддият шаклий жиҳатдан *аммо* боғловчиси орқали берилган. Кўринадикки, боғланган қўшма гапларни ўрганишда гапнинг семантик томонига ҳам аҳамият бериш зарур ва бу боғланган қўшма гапларнинг хусусиятларини тўлиғича ўрганишнинг муҳим томонларидан биридир. Чунки боғланган қўшма гапларни семантик жиҳатдан ўрганиш шу тил объекти ҳақидаги билимни чуқурлаштиради. Уларни семантик жиҳатдан ўрганмай туриб, улар ҳақидаги назарий қоидаларни тўлиқ деб бўлмайди.

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ГРАММАТИК ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай грамматик бирликни муваффақиятли тадқиқ этиш учун грамматик семантика билан (формал грамматика) лексик компонентлар орқали ифодаланган семантикани солиштириш лозим. Шу нуқтаи назардан боғланган қўшма гапнинг семантик компоненти тадқиқ этилсагина, унинг грамматик мақоми биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун боғланган қўшма гапларнинг синтактик бирлик эканлигини, улар грамматик (синтактик) семантикага эга эканлигини аниқлаш керак.

Ҳар қандай грамматик форма тилда айрим ҳолда мавжуд бўлмайди, аксинча ҳар бир форманинг бирор формалар системасида ўз ўрни бор ва у ўзи даҳлдор бўлган система ичидан аниқланади. Боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси муаммоси ҳам айни вақтда уларнинг қўшма гап системасидаги ўрни билан узвий боғлиқ. Шунинг учун шу муаммо билан узвий боғлиқ айрим масалалар устида тўхталиб ўтиш зарур. Грамматик форма грамматик ифода воситалари билан бирга бир бутунликни ташкил этувчи грамматик семантикадир. Грамматик форма ясаётган бирликларнинг парадигматик ва синтагматик алоқалари асосида белгиланади. Рус тилшуноси Ф. Ф. Фортунатов грамматик форма ҳақида ана шундай фикрни илгари суради¹⁰. Ф. де Соссюр ҳам грамматик форма ҳақида шунга яқин

¹⁰ Фортунатов Ф. Ф. О преподавании грамматики русского языка в средней школе. — В кн.: Фортунатов Ф. Ф. Избр. труды. М., 1957. Т. II. С. 446—447.

фикрда¹¹. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, грамматик форма масаласи морфологияда анча тўлиқ ўрганилган ва у муваффақиятли татбиқ этилади. Бироқ, гарчи бу ҳақда анчагина фикрлар айтилган бўлса ҳам, синтактик жиҳатдан грамматик форма тўлиқ ўрганилган эмас. Боғловчили боғланган қўшма гапларда грамматик форма, яъни синтактик форма бу икки ёки ундан ортиқ содда гапларни ўзаро бир қўшма гапга бириктирувчи, бошқача қилиб айтганда, синтактик алоқага кириштирувчи воситадир. Бунга боғловчи, боғловчи вазифасидаги сўзлар, баъзан нисбий сўзлар киради. Бу синтактик воситалар орқали ифодаланган синтактик маъно алоқага киришган қисмлар орқали ифодаланган маъно муносабатларининг айнан ўзидир. Шунинг учун ҳам боғланган қўшма гапнинг синтактик формаси (грамматик формаси) турли типдадир.

Грамматик формаларнинг носинтактик ва синтактик алоқа турлари мавжуд бўлиб, боғланган қўшма гапга нисбатан, айниқса синтактик алоқа муҳим аспект ҳисобланади. Шунинг учун бу алоқа воситасини таҳлил қилиш айниқса, зарур.

Маълумки, грамматик формалар икки нуқтан назардан умумлаштирилади. Биринчидан, грамматик ифода жиҳатидан турли бўлса-да, мазмун ифодаси жиҳатидан бир хил бўлган синтактик формалар ўзаро умумлаштирилади. Чунончи, эргаш гапли қўшма гапнинг, масалан, сабаб эргаш гапли тури бир хил синтактик маъно — сабабни билдирса-да, турли грамматик формалар — *шунинг учун, шу сабабли, сабабки* кабилар орқали ифодаланади. Демак, боғланган қўшма гап ҳақидаги назарияни яратиш учун қандай синтактик маъноларни у ёки бу туркумга умумлаштириш мумкинлиги масаласини ҳал этиш лозим. Иккинчидан, ифода воситаси жиҳатидан ҳам, ифода мазмуни жиҳатидан ҳам турли типда бўлган грамматик формалар бир бирлик асосга умумлаштирилади. Чунончи, морфологияда сўз туркумлари, масалан, от туркуми келишик, сон каби грамматик формаларга эга. Шунингдек, қўшма гапларнинг боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гап тури бир қатор грамматик формаларни, чунончи, боғланиш ва эргашини синтактик формаларини ҳамда шу туркумларнинг маъ-

¹¹ Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики — В кн.: Соссюр Ф. де Труды по языкознанию. Пер с франц М., 1977. С. 98—100.

но турларининг синтактик формаларини умумлашти-
ради. Демак, боғланган қўшма гапнинг қандай маъно
турларини ва уларнинг қандай синтактик формаларини
умумлаштириши мумкинлиги масаласи ҳал этилиши
лозим.

Юқорида қайд этилганидек, гапда икки хил семан-
тика—синтактик форма маъносини ўзида ифодалаган
синтактик семантика ва носинтактик семантика ифода-
ланади. Бироқ бу икки семантика ўртасида чегара йўқ.
Кўпинча синтактик форма ифодаланиши мумкин бўлган
семантикани лексик ва бошқа носинтактик воситалар
орқали бериш мумкин. Масалан, *Булардан бир қисми
ўнг томонга — азиз тепага бурилди, қолганлари йўлда
давом этди.* (А. Қ.) Бу гап — боғловчисиз қўшма гап.
Унда синтактик форма йўқ. Бу вазифани шу гаплар
составидаги сўзларнинг лексик мазмуни бажармоқда,
яъни биринчи гапдаги *булардан бир қисми* лексик бир-
лигининг мазмуни иккинчи гапдаги *қолганлари* лексик
бирлигини қўллашни тақозо этади ва улар бири иккин-
чисининг мазмунини тўлдиради.

Боғланган қўшма гапларни семантик жиҳатдан таҳ-
лил қилиш уларнинг синтактик ва носинтактик семан-
тикаси ўртасидаги фарқларни ҳамда улар ўртасидаги
ўзаро муносабатни аниқлашга ёрдам беради.

Синтактик форма, яъни синтактик семантика гап-
нинг лексик составини ва лексик-семантик маъносини
бошқариб туради¹². Қўшма гапларда, шунингдек, боғ-
ланган қўшма гапларда ҳам қисмларнинг лексик-семан-
тик маъноси шу қисмлар ўртасидаги ўзаро маъно му-
носабатлари орқали бериледи. Қўшма гапни ташкил
этган предикатив конструкцияларда синтактик маъно
муносабатларини юзага чиқарувчи синтактик воситалар
боғланиш ва эргашишни ҳосил қилувчи боғловчи ва
боғловчи вазифасидаги сўзлардир. Бу синтактик фор-
ма, айниқса синтактик маъноси боғловчи ифодалаган
маънонинг айнан ўзи бўлган ва одатда бириктирувчи,
зидловчи, айирувчи каби маъно муносабатларини ифо-
даловчи боғланган қўшма гапларда намоён бўлади.

Боғловчилар (шу жумладан боғловчи вазифасидаги
сўзлар) синтактик алоқа воситаси сифатида икки хил
синтактик маъно ифодалаш учун хизмат қилади ва айни
вақтда у икки синтактик форманинг—а) боғланиш ва эр-

¹² Ширяев Е. Н. Бессоюзное сложное предложение в сов-
ременном русском языке. М., 1986, С. 17.

гашиш формасининг; б) айни шу формадаги қиёс, изоҳ каби мазмун муносабатлари турини ифодаловчи синтактик маънонинг ифода воситасидир.

Ҳар қандай бириктирувчи боғловчиларнинг грамматик вазифаси икки ва ундан ортиқ компонентларни ўзаро тенг боғланиш йўли билан муносабатга киритишдан иборат. Ҳар қандай эргаштирувчи боғловчиларнинг грамматик вазифаси эса бир компонентнинг иккинчи компонентга эргашishi орқали уларни ўзаро муносабатга киритишдан иборат. Бу ҳар икки тур боғловчилар учун умумий бўлган грамматик маънолар, уларнинг ҳар бирининг ўзига ҳос хусусияти грамматик маънолари билан уйғунлашиб кетган. Уларнинг хусусий грамматик маънолари орқали компонентлар ўртасидаги маъновий муносабатлар белгиланади. Чунончи, *ва, ҳам, ҳамда* — бириктирув, *эса, бўлса, бўлмас,* — қиёс, *ё.. ё, дам... дам, баъзан... баъзан, гоҳ... гоҳ, бир... бир* — айирув, *на... на* инкор каби хусусий маъноларни ифодалайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тенг боғловчилар орасида *ва* боғловчиси алоҳида ўрн тутати. У, ҳамма бириктирувчи боғловчиларга ҳос бўлган умумий бириктириш¹³ вазифасидан ташқари, мураккаб қўшма гапларда ҳар икки компонентнинг учинчи компонентга бир хил муносабатда бўлишини таъминлайди. Масалан: *Собиржон байроққа тикилганда, юзи шу байроқнинг акси тушгандай ним ранг олди ва сўниқ кўзларида нур пайдо бўлди* (А. Мухтор, Опа-сингиллар). *Бу қишлоқнинг кўп ерларини қум босганлиги сабабли, экишга яроқли ер оз қолган ва у ерларнинг кўпчилигини ҳам қишлоқдаги бир-иккита катта бой эгаллаб олган* (С. Айний, Дохунда). Эргаштирувчи боғловчилар, *чунки* — сабаб, *токи* — мақсад каби хусусий маъноларни ифодалайдилар. Аммо бу боғловчилар бириктирувчи боғловчилар каби умумийлик вазифасини бажариш хусусиятига эга эмас. Шунингдек *аммо, лекин, бироқ* зидловчи боғловчиларда ҳам умумийлик вазифасини бажариш хусусияти йўқ. Масалан: *Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишлар эди, бироқ хўжайин болаларга*

¹³ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 295—296-бетлар; Гаджиева Н. З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.: Наука, 1973, С. 341, 346; Гаджиева Н. З., Серебрянников Б. А., Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. М., 1986, С. 171. 180.

кам ҳақ тўлар эди (А. Қаҳҳор). Бекмирзаев ўғлига шу саволни берди-ю, аммо ҳаёлида бу муаммога ўзи ҳам тузукроқ жавоб излаётган эди (У. Усмонов, «Номус»).

Маълумки, боғланган қўшма гапларда компонентлар сони асосан иккита бўлади. Лекин айрим боғланган қўшма гапларда компонентлар сони уч ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Уларнинг бу хусусиятини ўрганар экан, В. А. Белошапкова бунда маълум қонуният борлигини таъкидлайди. У грамматик формаси бириктирувчи, айирувчи, инкор боғловчилари бўлган боғланган қўшма гап турларини очиқ структурали боғланган қўшма гапларга, зидлов муносабатини ифодалаган турларини ёпиқ структурали боғланган қўшма гапларга ажратади¹⁴. В. А. Белошапкованинг фикрига қўшилган ҳолда, боғланган қўшма гапларни очиқ ва ёпиқ структурали қўшма гапларга ажратиш мумкин.

1. Очиқ структурали боғланган қўшма гапларга шундай гаплар кирадики, уларнинг компонентлари сирасини шу гапнинг грамматик формаси бўлган боғловчи иштирокида давом эттириш мумкин. Очиқ структурали боғланган қўшма гапларга грамматик (синтактик) формаси тенг боғловчилар — *ва, ҳам, ҳамда*, айирув боғловчилари *ё... ё, дам... дам, гоҳ... гоҳ, баъзан... баъзан хоҳ... хоҳ, бир... бир*, бўлган қўшма гаплар киради. Масалан, *Уни гоҳ куз қуёшида оппоқ кўксини тоблаб ётган пахтазорлар олиб кетар, гоҳ қовун капаларда сайраётган беданалар элитар, гоҳ темирчиларнинг узоқ-яқинлардан эшитилиб қоладиган ашулалари яйратар эди* (М. Исмоилий).

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, ҳозирги ўзбек тилида грамматик формаси тенг боғловчилар — *ва, ҳамда* бўлган боғланган қўшма гап компонентлари сирасини давом эттирганда биринчи ва иккинчи компонент бир тенг боғловчи орқали боғланса, кейинги компонент бошқа тенг боғловчи орқали ёки интонация орқали боғланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ва иккинчи компонентларда бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этса, қолган компонентлар орасида бошқа бир тенг боғловчи грамматик форма сифатида иштирок этади. Бу стилистик жиҳатдан равонликни таъминлайди. Масалан: *Бирдан гўмбурлаган овоз эшитилди ва қоронғи осмон ёришиб кетди ҳамда болаларнинг*

¹⁴ Белошапкова В. А. Сложное предложение в современном русском языке М., 1967. С. 62—69.

«ур-рэ» деган овози оламни тўлдирди. Биринчи Май мушакбозлиги бошланди («Ленин учқуни»).

Эски ўзбек тилида очиқ структурали боғланган қўшма гапларда *ва* тенг боғловчисини қўллаш имконияти кенг бўлган, яъни *ва* боғловчиси иштирокида боғланган қўшма гап давом этиб кетаверган. Масалан: *Бу оят меним учун инмиш бўлғай ва меним оатим ботил бўлғай ва мен талуғ аҳл бўлғайман* (Тафсир. 446).

2. Ёпиқ структурали боғланган қўшма гаплар шундай гапларки, уларнинг компонентлари сирасини шу гапнинг грамматик формаси бўлган боғловчи иштирокида давом эттириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай структурали гаплар ёпиқ структурали, яъни фақат икки компонентли боғланган қўшма гаплардир. Ёпиқ структурали боғланган қўшма гапларга синтактик формаси бириктирув вазифасини бажарувчи *-да*, *-у* (*-ю*) юкламалари, зидловчи боғловчилар *-аммо*, *лекин*, *бироқ*, боғловчи вазифасида сўзлар—*эса*, *бўлса*, *фақат*, *илло*, *балки*, яъни боғловчилари ҳамда зидловчи боғловчилари ҳамда зидловчи боғловчиларига вазифадош бўлган *-у* (*-ю*) юкламалари бўлган қўшма гаплар киради. Масалан: *Садафбибини сўраб ялиниб-ёлворганлари хаёлида жонланди-ю, аззойи баданини совуқ тер босди* (О. Ёқубов, «Кўҳна дунё»). *Холмурод билан Давлатёр уларнинг гапларига нафасларини ичларига ютиб қулоқ солдилар, аммо орадаги масофа ва от туёқларининг дукурлаши гапларни аниқ эшитишга имконият бермади* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Шу кунгача назарий адабиётларда боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бириктирувчи, зидловчи, айирувчи, инкор боғловчилари, *бўлса*, *эса* сўзлари ҳамда *-да*, *-у* (*-ю*) юкламалари эканлиги қайд этилиб келинди. Лекин кузатишлар бу абсолют ҳолат эмаслигини кўрсатди. Тилимизда шундай қўшма гаплар мавжудки, улар форма жиҳатидан эргаш гапларга ўхшаса ҳам, аслида боғланган қўшма гаплардир. Бундай гапларнинг грамматик формаси (*-б* *-иб*) равишдош ва *-са* шарт феъли формаси бўлиб, тилимизда кенг қўлланади. Масалан: *«Ҳа ху» дегунча ойнинг оёқлари келиб, тўй кунлари яқинлашди* (Ғ. Ғулом, «Шум бола»). *Жаллодлар даврани кенгайтириб, Анвар икки ракат намоз ўқиди* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»). *Кеча тугагач, шоирни студентлар ўраб олишди. Бири гул берса, бири автограф учун ён дафтарчасини тутқазади* («Ёш ленин-

чи»). *Болани овутолмай ҳамма ҳалак. Биров конфет берса, биров печенье беради* («Гунча»).

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан қуйидаги умумий хулосаларни айтиш мумкин.

1. Ҳар қандай грамматик форма, шу жумладан боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси икки хил маънога — умумий ва хусусий грамматик маънога эга.

2. Бириктирувчи боғловчилар умумийлик вазифасини, эргаштирувчи боғловчилар хусусийлик вазифасини бажаради.

3. Бириктирувчи, айирувчи боғловчилари орқали шаклланган боғланган қўшма гаплар очиқ структурали қўшма гаплардир.

4. Зидловчи боғловчилар, *бўлса, эса* сўзлари, *фақат* боғловчиси, *-у (-ю)* юкламалари ёрдамида шаклланган боғланган қўшма гаплар ёпиқ структурали қўшма гаплардир.

5. Баъзи боғланган қўшма гапларда *-б (-иб)* равишдош ва *-са* шарт феъли формаси грамматик форма сифатида иштирок этади. Бундай қўшма гапларнинг ҳам структураси ёпиқ структура ҳисобланади.

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН ТУЗИЛИШИ

Ўзбек тилида гапларнинг позицион структураси деганда гапда гап бўлақларининг тартиби кўзда тутилади. Гапдаги бўлақларнинг ўрни ўзгариши билан гапнинг мазмунида, оттенкасида ҳам маълум даражада ўзгариш содир бўлади. Гапдаги бўлақларнинг тартиби масаласига, бошқача қилиб айтганда, гапнинг позицион структурасини ўрганишга бағишланган бир қанча ишлар мавжуд бўлиб, уларда асосан содда гаплардаги гап бўлақларининг ўрни ва бу ўриннинг ўзгариши натижасида юзага келадиган грамматик, интонацион ва семантик ҳолатни ўрганиш кўзда тутилади¹⁵.

Қўшма гапларда позицион структура бу қўшма гап компонентларининг жойлашиш ўрнидир. Маълумки, қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмунан ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ҳосил бўлади. Қўшма гап структурасидаги компонентларнинг

¹⁵ Ҳайитметов К. Ҳозирги ўзбек тилида инверсия. ҚД. Тошкент, 1967; Туропова М. Ўзбек шеваларида бўлақларнинг тартиби. ҚД. Тошкент, 1972; Солихўжаева С. Эмоционал гапларнинг ҳосил бўлишида инверсиянинг аҳамияти. Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, 1-сон ва бошқалар.

ўзаро жойлашишида ҳам маълум тартиб бор. Бу, албатта, компонентларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабати билан узвий боғлиқ. Қўшма гапларга бағишланган ишларда компонентларнинг ўзаро тенг ва тобе алоқаси ҳақида гап борса-да¹⁶, бу компонентларнинг жойлашиши, яъни позицион структура компонентлардаги лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатига боғлиқлиги айтилмайди.

Формал грамматикадан маълумки, боғланган қўшма гапларнинг компонентлари ўзаро бириктирувчи, зидловчи, айирувчи ва инкор боғловчиси ҳамда айрим боғловчи вазифасидаги юкламалар, *эса*, *бўлса*, баъзан *фақат* каби сўзлар орқали алоқага киришади¹⁷.

Бириктирувчи боғловчилар *ва*, *ҳам*, *ҳамда* ва шу вазифада келувчи *-да*, *-у(-ю)* юкламалари боғланган қўшма гапни ҳосил қилувчи асосий грамматик воситалардан ҳисобланади. Бу синтактик воситалар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси бир хил эмас. Чунончи, *ва* боғловчиси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларни таҳлил қилайлик. Масалан: *Бу вақтда кўзларим ёш билан тўлган ва овозимда бироз ўзгариш юз берган эди* (С. Айний). Мазкур гапда биринчи компонент, ...«бу вақтда кўзларим ёш билан тўлган» бўлиб, унда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан юзага келган умумий семантика бу компонентнинг гапнинг бошида, яъни биринчи ўринда туришини, иккинчи компонент *эса* иккинчи ўринда туришини тақозо этади. Чунки мантиқий жиҳатдан кўз ёшга тўлгач, овозда, албатта ўзгариш юз бериши табиий. Шунинг учун бу қўшма гапнинг позицион структураси А ва В¹⁸ формуласига мос келади. Бу боғланган қўшма гап сабаб-натижа маъносини ифодалайди. Натижа сабабдан келиб чиқади. Шунинг учун сабаб маъносини ифодаловчи компонент, яъни сабаб семантикасини билдирувчи воқеа олдин, натижа маъносини ифодаловчи

¹⁶ Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958. 21-бет; Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис, Тошкент, 1961, 163-бет. ва б.

¹⁷ Абдураҳмонов Ф. Қўрсатилган асар, 24-78-бетлар; Фуломов А. Ф. Асқарова М. А. Қўрсатилган асар, 164—173-бетлар.

¹⁸ А биринчи компонентнинг белгиси, В иккинчи компонентнинг белгиси.

компонент, яъни натижа семантикали воқеа кейин келади. Бу боғланган қўшма гапни эргашган қўшма гапга трансформация қилинганда фикримизнинг тўғри эканлиги янада ойдинлашади: *Бу вақтда кўзларим ёшга тўлган эди, шунинг учун овозимда бироз ўзгарши юз берган эди.* Бундай конструкциядаги эргашган қўшма гапларда позицион структура $A \rightarrow B$ тарзда, яъни олдин сабаб эргаш гап, кейин натижа маъносини ифодаловчи бош гап келади. Демак, таҳлил этилган боғланган қўшма гапнинг позицион структураси A ва B формуласига эга.

Яна бир мисол: *Рўпарадаги тоғнинг бағридан қора тун кўтарилди ва у ердан йўталган сингари товуш эшитилди* (Ойбек). Бу гапдаги компонентлар лексик составини таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчи компонентнинг грамматик субъекти S — *қора тун* иккинчи компонентнинг грамматик субъекти S — *йўталган сингари товуш*ни юзага келтириб чиқарувчи манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ситуациянинг денотати кетма-кет содир бўлган ҳаракатнинг ифодасидир. Бу гапнинг позицион структурасини A ва B формуласи билан ифодалаш мумкин. Чунки A ситуациянинг содир бўлиши B ситуациянинг содир бўлишини келтириб чиқарган. Гарчи бу гап компонентларида иштирок этган лексик birlikларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантика мантиқан сабаб-натижа маъносини ифодаласа ҳам, бу гапни сабаб эргаш гапли қўшма гапга трансформация қилиб бўлмайди. *Согволдини қидириб кетганлардан бири ярим кечада қайтиб келди ва у келтирган шум хабар бутун қишлоқни оёққа турғизди* (П. Турсун). Бу гапнинг позицион структураси ҳам юқорида таҳлил этилган боғланган қўшма гаплар каби A ва B формуласига мос тушади. Компонентларда иштирок этган лексик birlikларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатлари орқали англашилган умумий семантика мантиқан сабаб натижа маъносини ифодаласа-да, бу гапни сабаб эргаш гапли қўшма гапга трансформация қилиб бўлмайди. Чунки бу гапда эксплицит ифодаланмаган воқеа — пресуппозиция борки, у иккинчи компонент, яъни иккинчи воқеа субъекти S — *у келтирган шум хабардан* англашилиб туради.

Тенг боғланиш йўли билан боғланган, яъни *ва* боғловчиси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг баъзиларида компонентларнинг жойлашиш ўрни эркин бўлиб, у A ва B ёки B ва A шаклида

бўлиши мумкин. Бундай жойланишда компонентларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган маъно бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлмай улар нисбатан мустақил бўлади. Чунки бу маънолар бир-бирига яқин бўлса-да, бири иккинчисини тақозо этмайди. Масалан: *Уларнинг баъзилари юмшоқ қум ўстига чўзилиб баданларини ёқимли баҳор офтобига тоблаб ҳордиқ чиқаришга киришдилар ва баъзилари подалари изидан чўлга қараб кетдилар* (С. Айний). Мазкур мисолда компонентларнинг позицион структураси эркин бўлиб, А ва В формуласига мос келади. Бу гапнинг предикатив конструкцияларида иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан юзага келган маъно нисбатан мустақил. Бу компонентларнинг ўрни алмашган билан гапдан англашилган умумий маънога путур етмайди. Чунки ҳар икки компонент ифодаси бўлган воқеалар бир пайтнинг ўзида рўй берган ва бири иккинчисига боғлиқ эмас.

Грамматик формаси бириктирувчи ҳам боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси А ва В формуласига мос келувчи боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси кабилар. Масалан: *Бу ерда ҳам ишларим жойида, ҳам обрўйим баланд* («Тошкент оқшоми»). Келтирилган мисолда ҳар икки компонентдан англашилган маъно мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлса-да, бироқ иккинчи компонент биринчи компонент тақозоси билан юзага келмаган. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи компонент ифодаси бўлган воқеа биринчи компонент ифодаси бўлган воқеа натижасида ёки таъсирида содир бўлмаган. Бинобарин бу воқеалар ифодаси бўлган компонентларнинг ўрни алмашганда ҳам, қўшма гапнинг умумий маъноси ўзгармайди. Чунинчи, *бу ерда ҳам обрўйим баланд, ҳам ишларим жойида* каби. Бундай позицион структурадаги боғланган қўшма гаплар А ҳам В формуласига мос келади.

Кузатишларнинг кўрсатишича, позицион структураси, А-В формуласига мос келадиган боғланган қўшма гапларда аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда бўлган, яъни мантиқий урғу олган компонент гап бошида — биринчи ўринда келади. Мантиқий урғу олмаган, яъни аҳамияти жиҳатидан кучли бўлмаган компонент иккинчи ўринда келади.

Шундай қилиб, бириктирувчи боғловчилар *ва, ҳам, ҳамда* грамматик формаси бўлган боғланган қўшма

гапларнинг позицион структураси турғун ва эркин бўлиб, $A \rightarrow B$ формуласига мос келувчи боғланган қўшма гапларнинг компонентлари гапда доимий турғун ўринга эга. $A-B$ формуласига мос келувчи боғланган қўшма гаплар компонентларининг ўрни эса эркиндир.

Грамматик формаси боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун позицион структура бўлиб, $A-B$ формуласига мос келади. Масалан: *Қор ёғди-ю, излар босилди* (Мақол). Мазкур гапда иккинчи компонентда ифодаланган воқеа бевосита биринчи компонентда ифодаланган воқеа натижасида содир бўлган, яъни юзага келган. Шунинг учун ҳам бу қўшма гап компонентлари турғун позицион структурага эга. Уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Яна бир мисол: *Эшик тарақлаб очилди-да, остонада узун бўйли сўхтаси совуқ ўрта ёшлардаги бир аёл пайдо бўлди* («Ш. юлдузи»). Бу қўшма гап ҳам юқорида таҳлил этилган мисолдаги каби турғун позицион структурага эга бўлиб, $A \rightarrow B$ формуласига мос келади. Чунки ўз ифодасини топган биринчи воқеа содир бўлгандан сўнгра иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг юзага келишига имконият яратилган. Биринчи воқеа содир бўлмаганда иккинчи воқеа ҳам юзага келмаган бўлар эди.

Қайд этиш лозимки, грамматик формаси бириктирувчи боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси компонентларда ифодаланган воқеаларнинг содир бўлиш пайтига ҳам боғлиқ, бошқача қилиб айтганда, қўшма гап компонентларидан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг содир бўлиш вақтига боғлиқ.

Демак, юқорида баён этилганлардан кўринадики, бириктирувчи боғловчилар *ва, ҳам, ҳамда* грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун ($A \rightarrow B$) ёки эркин ($A-B$) бўлади. Боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси эса доимо турғундир ($A \rightarrow B$).

Ўзбек тилида энг кўп қўлланилувчи боғланган қўшма гаплардан бири грамматик формаси зидловчи боғловчилар *аммо, лекин, бироқ* бўлган боғланган қўшма гаплардир. Бу тур боғланган қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар бошқа тур боғланган қўшма гапларга хос эмас. Чунинчи, бундай

боғланган қўшма гапларнинг компонентларидан бири тасдиқ формада бўлиб, тасдиқни билдирган воқеани ифодаласа, иккинчиси инкор формада бўлиб, инкор воқеани ифодалайди. Ёки ҳар икки компонент ҳам тасдиқ формада бўлиб, тасдиқни билдирган воқеани ифодалайди ё инкор формада бўлиб, инкор билдирган воқеани ифодалайди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам зидлик муносабатини билдиради. Шунга кўра, уларнинг позицион структураси турғун структура бўлиб, $A \rightarrow B$ формуласига мос келади. Масалан: *Каромат, «яна нима даяр экан?» деб бекасининг узунчоқ юзига мўлтираб қаради, ammo бегойим ҳеч нима демади* (М. Исмоилий). Бу гапнинг биринчи компонентида иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган маънога иккинчи компонентда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган маъно зид қўйилган. Бошқача қилиб айтилганда, биринчи компонентда ифодаланган воқеа иккинчи компонентда ифодаланган воқеага зид. Шунингдек «логик урғу» тушган компонент тасдиқ воқеани, иккинчи компонент инкор воқеани ифодалайди. Шунинг учун тасдиқни билдирган воқеа олдинги позицияда, яъни гап бошида, инкорни билдирган воқеа кейинги позицияда келган. Яна бир мисол: *Ана шу саккиз-тўққиз йилдан бери мени кўрганингиз йўқ. Ammo мен сизни тез-тез кўриб турардим* (М. Исмоилий). Келтирилган мисолдаги боғланган қўшма гапнинг позицион структураси ҳам юқоридаги мисолдаги каби $A \rightarrow B$ формуласига мос келади. Бироқ бу қўшма гапнинг биринчи компонентида ифодаланган воқеа инкорни, иккинчи компонентдаги воқеа эса тасдиқни билдиради. Бу гапда «логик урғу» инкор воқеани ифодаловчи компонентга тушган ва у гапда биринчи ўринда келган. Демак, грамматик формаси зидловчи боғловчилар бўлган боғланган қўшма гапларда «логик урғу» тушган компонент биринчи ўринда, яъни аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда бўлган воқеа ифодаси бўлган компонент олдинги позицияда, аҳамияти жиҳатидан иккинчи даражали бўлган воқеа ифодаланган компонент эса кейинги позицияда келади. Гапнинг грамматик формаси иккинчи компонент бошида келади.

Зидловчи боғловчи вазифасида келган *-у (-ю)* юкламаси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси ҳам юқоридагидек зид-

ловчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси кабидир. Фақат бу тип боғланган қўшма гапларнинг фарқи шундаки, буларда грамматик форма биринчи компонент охирига қўшилиб келади.

Грамматик формаси боғловчи вазифасида келган *бўлса, эса* сўзлари бўлган¹⁹ боғланган қўшма гаплар турғун позицион структурага эга бўлиб, $A \Rightarrow B$ формуласига мос келади. Масалан: *Ҳамма кулиб, чақ-чақлашиб ўтирар, Маҳкам бўлса бир чеккада ўз хаёллари билан банд эди* (П. Қодиров). Мазкур гапнинг предикатив конструкцияларида иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий маъносидан иккинчи компонентда ифодаланган воқеа субъектив S — *Маҳкам* биринчи компонент ифодаси бўлган воқеа субъекти S — *ҳаммага* тегишли, унинг бир қисми эканлиги англашилиб туради. Бунда аҳамияти жиҳатидан биринчи даражали бўлган, яъни «логик урғу» олган биринчи компонент олдинги позицияда келган ва умумийлик характериға эга. Шунинг учун ҳам бундай боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун бўлиб, уларнинг (компонентларнинг) ўрнини алмаштириб бўлмайди. Яна бир мисол: *Чотқолга борганларидан кейин Исмоил колхозга чўпон бўлиб ишга киради, Саида эса унга кўмаклашади* (Ч. Айтматов). Бу гапнинг биринчи компонентда ифодаланган воқеага иккинчи компонентда ифодаланган воқеа бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган. Бунда иккинчи компонент ифодаси бўлган воқеанинг субъекти S_1 — *Саида* биринчи компонентдаги биринчи пропозиция (*Чотқолга борганларидан кейин*)нинг эксплицит ифодаланмаган субъекти S_2 — *уларнинг бир қисми*. Демак, бу боғланган қўшма гапнинг позицион структураси турғун. Компонентларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди.

Шуни қайд этиш керакки, бундай боғланган қўшма гапларда грамматик форма (*бўлса, эса*) «логик урғу» олган бўлақдан кейин келади.

Шундай боғланган қўшма гаплар ҳам борки, уларнинг компонентлари иккидан ортиқ бўлиб, буларда биринчи ва иккинчи компонентда грамматик форма сифатида *бўлса* сўзи қўлланса, учинчи компонентда *эса* сўзи грамматик форма сифатида қўлланади, бошқача қилиб

¹⁹ Абдурахмонов Ф. Кўрсатилган асар, 62-бет; Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Кўрсатилган асар, 165-бет.

айтганда, биринчи ва иккинчи компонент бўлса сўзи орқали, иккинчи ва учинчи компонент эса сўзи ёрдамида боғланган. Масалан: *Тоғ орасига туманли қиш ҳам кириб келди. Уруш бўлса кундан-кунга кучайиб, яқин орада тўхтамайдиғанга ўхшарди. Фронтга эса тобора кўпроқ одам жўнатишмоқда эди* (Ч. Айтматов). Мазкур конструкциянинг позицион структурасини $A \rightarrow B \rightarrow C$ формуласи билан ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб, грамматик формаси бўлса, эса сўзлари бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун бўлиб, уларнинг компонентлари ўрнини алмаштириб бўлмайди. Кўп компонентли боғланган қўшма гапларда эса компонентлар занжирли боғланишга эга. Булар ҳам турғун позицион структурага эга.

Айирув боғловчилари *гоҳ...*, *гоҳ...*, *баъзан...*, *баъзан...*, *дам...*, *дам...*, *ё...*, *ё...*, *хоҳ...*, *хоҳ...*, *бир...*, *бир...* кабилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар кетма-кет содир бўлган воқеаларнинг ифодаси бўлиб, қайси воқеа олдин содир бўлган бўлса, шунини ифодаловчи компонент олдинги ўринда келади. Лекин бундай гапларнинг компонентлари ўрни турғун эмас. Ифода мақсадига кўра ўрни алмашиниб туриши ҳам мумкин. Бундай гапларни $A-B$ формуласи билан ифодалаш мумкин. Масалан: *Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим қистайди* (Ойбек). Мазкур гапнинг компонентлари кетма-кет содир бўлган воқеалар ифодаси бўлиб, бунда биринчи компонентда ифодаланган *дам жаҳлим чиқади* ифода мақсадига кўра аҳамиятлироқ. Шунинг учун у олдинги позицияда — ўринда келган. Аммо бу компонентларнинг ўрни алмаштирилса ҳам умумий семантикада ўзгариш бўлмайди. Яна бир мисол: *Баъзан шўх музика янграйди, баъзан зўр қаҳ-қаҳа оламни бузади* (П. Қодиров). Келтирилган боғланган қўшма гапда ҳам юқорида таҳлил этилган гапдагидек — ўхшаш ҳолатни кўриш мумкин.

Айирувчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларда ҳам ҳар икки компонент учун умумий бўлган бўлак ёки гап биринчи ўринда, яъни гап бошида келиб, ҳар икки компонентни ҳам бир умумий маъно остига бирлаштиради. Масалан: *Катта ҳовуздаги сувда кўланкалар ва шуълалар жим-жима ўйнашади, гоҳ кўланкалар ёниб кетади, гоҳ шуълалар кўланкаларни ютади* (Ойбек). Ушбу гапда *катта ҳовуздаги сувда кўланкалар ва шуълалар жим-жима ўйнашади* иккинчи ва учинчи компонентлар учун умумий бў-

либ, унинг боғланган қўшма гап позицион структурасидаги ўрни турғун, у доимо биринчи позицияда келади. Унинг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Қолган компонентларнинг гапдаги ўрни эркин бўлиб, уларнинг ўрни алмашганда гап семантикаси ўзгармайди. Бошқача қилиб айтганда, келтирилган мисолда уч воқеа ифодаланган. Биринчи воқеа — қолган икки воқеанинг умумлашмаси. Қолган икки воқеа эса биринчи воқеани тўлдириб, изоҳлаб, конкретлаштириб келган. Бу боғланган қўшма гапни $O^2 \rightarrow (A-B)$ формуласи билан ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб, айирувчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси эркин. Компонентлар учун умумий бўлак ёки гап иштирок этганда эса бу умумий бўлак ёки гапнинг гапдаги ўрни доимий. Гап бошида, биринчи позицияда келади.

Боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси таҳлили юзасидан хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Грамматик формаси бириктирувчи боғловчилар *ва, ҳам, ҳамда* бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун ($A \rightarrow B$) ва эркин ($A-B$) бўлади. Турғун ($A \rightarrow B$) позицион структурадаги бундай боғланган қўшма гапларнинг компонентлари гапда доимий ўз ўрнига эга бўлиб, уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Чунки иккинчи компонент бевосита биринчи компонентга боғлиқ ҳолда юзага келади. Эркин ($A-B$) позицион структурадаги боғланган қўшма гаплар компонентларининг гапдаги ўрни эркин. Улар ўз ўрнини алмаштиришлари мумкин.

2. Боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари, ҳамда *бўлса, эса* сўзлари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси турғун, яъни $A \rightarrow B$ структурадир. Бундай боғланган қўшма гапларда B воқеа A ситуация натижасида содир бўлади, яъни иккинчи компонент биринчи компонентга бевосита боғлиқ бўлади. Шунга кўра, уларнинг гапдаги ўрни турғундир.

3. Зидловчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси ҳам турғун, яъни $A \rightarrow B$ дир. Бундай гапларда биринчи компонент ифодалаган воқеа ҳамма вақт иккинчи компонент ифодаси бўлган воқеага зиддир. Шунинг учун ҳам уларнинг гапдаги ўрни турғун. Компонентлар ўрнини алмаштириб бўлмайди.

4. Айирувчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг позицион структураси шу гап компонентларида ифодаланган воқеаларнинг содир бўлиш вақтига боғлиқ. Чунки бундай қўшма гаплар аслида кетма-кет содир бўлган воқеаларни ифодалайдди. Шунга кўра, олдин содир бўлган воқеа ифодаси бўлган компонент олдинги позицияда, кейин содир бўлган воқеа кейинги позицияда келади, яъни А-В бўлади. Аммо буларда ҳам компонентлар ўрни алмашса, гап семантикаси ёки структурасида ўзгариш юз бермайди. Бундай боғланган қўшма гаплар ҳам кўпинча бир умумий бўлакка ёки бир умумий гапга бирлашади $O^o \leftarrow (A-B)$ ҳамда $O_2 \leftarrow (A-B)$ бўлади.

5. Боғланган қўшма гаплар икки хил конструкцияга эга: очиқ конструкция ва ёпиқ конструкция. Очиқ конструкцияли боғланган қўшма гаплар иккидан ортиқ компонентга эга бўладилар. Бундай конструкциядаги гапларга инкор ва айирувчи боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар киради. Ёпиқ конструкциядаги боғланган қўшма гаплар фақат икки компонентдан иборат бўлиб, бошқа компонентни давом эттириб бўлмайди. Бундай боғланган қўшма гапларга бириктирувчи боғловчилар, боғловчи вазифасидаги *-у* (*-ю*), *-да* юкламалари ва *бўлса*, *эса* сўзлари ҳамда зидловчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар киради.

6. Боғланган қўшма гапларнинг компонентлари гапда шу компонентлар ифодалаган воқеаларнинг қайси воқеа натижасида ёки қайси воқеа орқали юзага келишига, содир бўлиш пайти, воқеаларнинг аҳамиятига кўра жойлашади.

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

Гапнинг, шунингдек, боғланган қўшма гапнинг семантик структурасини тушунишда коммуникация жараёнида сўзловчининг, яъни субъектнинг роли билан боғлиқ семантикани таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Буни Ш. Балли фарқлаган бўлиб, унинг фикрича, ҳар бир гапда икки хил мазмун бор. Улардан бири модус — (субъектив мазмун) фикрловчи субъектнинг айна объектив мазмунга нисбатан тутган позициясининг ифодаси, иккинчиси диктум (объектив мазмун) дир²⁰.

²⁰ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Пер. с франц. М., 1965. С. 43—48.

Гапда ифодаланган ҳамма фикр ҳам эксплицит тарзда намоён бўлавермайди. Кўп ҳолларда фикр имплицит (яширин) тарзда ифодаланadi. Гапда ифодаланган имплицит (яширин) фикр гап қурилишида иштирок этган реал лексик составдан англашилган маъноларни солиштириш орқали аниқланади. Бошиқача қилиб айтганда, имплицит фикр реал ташқи структура орқали юзага чиқмайди, балки гапнинг ички (яширин) структураси орқали тасаввур этилади. Ички ва ташқи синтаксис ҳақидаги фоя Ю. Д. Апресян ва В. Г. Гак²¹ томонидан илгарини сурилган.

Шунини айтиш керакки, имплицит маъно боғланган қўшма гапнинг семантик структурасида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, *Шайх мушрифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди* (О. Ёқубов, «Кўҳна дунё») гапидаги имплицит маънони шундай бериш мумкин. *Шайх мушрифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди, чунки қаттиқ дили огриган эди ёки Шайх мушрифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин қаттиқ ранжигани учун бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди* каби.

Кўринадики, бундай кенгайтирилган конструкция гапда яширинга имплицит маънони аниқлашга ёрдам беради. Демак, боғланган қўшма гапнинг семантик структурасида имплицит маънони аниқлаш шу тип қўшма гапнинг семантик-синтактик структурасидаги кўпгина номаълум, мунозарали томонларни очишга ёрдам беради.

БИРКТИРУВЧИ БОГЛОВЧИЛИ БОГЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

Формал грамматикада боғланган қўшма гап компонентларнинг ўзаро бирикувида бириктирувчи боғловчилар — *ва, ҳам, ҳамда* муҳим грамматик бирлик сифатида иштирок этиши қайд этилади²². Шунингдек, қўш-

²¹ Апресян Ю. Д. Лексическая семантика, синонимические средства языка. М., 1974; Гак В. Г. К проблеме синтаксической семантики интерпретации глубинных и поверхностных структур. — В кн.: Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. М., 1969. С. 77—86.

²² Русская грамматика. Синтаксис. М., 1980, Т. 2, С. 462; Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970. С. 675—676; Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1958, 51-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 106-бет.

ма гапнинг тузилиши ва у ифодалаган маъно асосан унда иштирок этган грамматик воситалар *ва, ҳам, ҳамда* га боғлиқлиги таъкидланади²³.

Бироқ боғланган қўшма гап семантикасини ўрганиш қўшма гап таркибида қандай грамматик воситанинг қўлланиши гап компонентларида, яъни предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикасига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Дарҳақиқат, диалектик материализмдан маълумки, шакл мазмунни белгиламайди, аксинча, мазмун шаклни белгилайди. Буни грамматик формаси бириктирувчи боғловчилар бўлган боғланган қўшма гапларнинг таҳлилида кўриш мумкин.

ГРАММАТИК ФОРМАСИ ВА БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Анъанавий грамматикадан маълумки, *ва* боғловчиси икки сўз ёки икки содда гапни ўзаро тенгланаш характеридаги синтактик алоқани ифодалаш учун хизмат қилади²⁴. Бунда *ва* боғловчиси орқали алоқага киришган ҳар икки компонент тенг модуснинг ёки тенг воқеанинг ифодаси бўлган сўз ёки гаплардан, яъни предикатив конструкциялардан иборат бўлади. Бундай предикатив конструкциялар, яъни боғланган қўшма гаплар бир неча моделга эга²⁵.

1. K_1 ва K_2 модели²⁶даги боғланган қўшма гапларнинг компонентлари тенг мавқеда бўлиб, бири иккинчисига мантқан тобе ёки боғлиқ бўлмайди. Бу компонентлар ўзаро тенгланаш характеридаги синтактик алоқага киришганлиги сабабли, уларнинг ўринлари алмашганда ҳам, гапнинг умумий семантикасида ўзгариш юз бер-

²³ Абдурахмонов Ф. Ўша асар, 51—52-бетлар.

²⁴ Русская грамматика. Синтаксис М., 1980, Т. 2, С. 462; Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, Т. 2, С. 675, 676; Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 51-бет; Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 106-бет.

²⁵ Биз бу ўринда гап модели тушунчаси ва унинг характеристикаси ҳақида тўхталиб ўтирмадик. — Бу ҳақда қаранг: Москальская О. И. Проблемы системного, описания синтаксиса. М., Высшая школа, 1974, С. 27; Гульга Е. В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке, М., Высшая школа, 1971, С. 72; Белашапкова В. А. Современный русский язык. Синтаксис, М., 1977, С. 173.

²⁶ Бунда K компонентнинг рамзидир.

майди. Масалан: *Карим ўқиди ва Салим ёзди*. Бу гапнинг ҳар бир компоненти формал грамматика нуқтаи назаридан қараганда, икки мустақил, бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган содда гаплардан иборат. Лекин бу гапни синтактик семантика нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, бундаги ҳар икки пропозиция учун умумий бўлган, лекин эксплицит ифодаланмаган пресуппозиция — *билим олиш* жараёни кетаяётганлиги, мавжудлиги аён бўлади. Демак, *Карим ўқиди ва Салим ёзди* воқеасининг ифодаси бўлган бу боғланган қўшма гап компонентларини бир умумий пресуппозиция бирлаштириб турибди. Аммо бу гапдаги ҳар бир компонентда ифодаланган воқеа бири иккинчисини тақозо этмайди. Уларнинг ҳар бири ўзича мустақил, тенг ҳуқуққа эга. Шунингдек, улар айни бир вақтда содир бўлган. Шунинг учун ҳам бу гапда *ва* боғловчисининг қўлланиши тўғри. Чунки бунда *ва* боғловчисининг маъноси предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий маънога мос тушади. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар компонентларидаги предикатлар семантик жиҳатдан бир уяга мансуб феъллар орқали ифодаланadi. Бундай типдаги боғланган қўшма гаплар $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келувчи гаплардир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бундай қўшма гап компонентларида субъект ҳам, предикат ҳам тўлиқ ифодаланadi ҳамда предикатив конструкцияларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил — ё тасдиқ ёки инкор формада бўлади.

Вафосизда ҳаё йўқ ва ҳаёсизда вафо йўқ (Навий). Бу қўшма гапда ҳар икки тенг пропозиция тенглиниш характеридаги синтактик алоқага киришган ва компонентларнинг предикатлари бир хил инкор формада. Бу боғланган қўшма гап ҳам $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келади.

Яна бир мисол: *Чироқ ўннга қайрилиб ғойиб бўлди-ю, ҳаял ўтмай яқинроқдан кўзни қамаштирадиган ёғду сочиб чиқди ва босиқчи мотор товуши эшитилди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). Бу гапнинг ҳар икки компонентда ифодаланган пропозициялар тасдиқ формада ва бир пресуппозициянинг субъектлари бир модуснинг тенг белгилари асосида юзага келган воқеаларнинг ифодаси бўлган компонентлар *ва* боғловчиси орқали тенг-линиш характеридаги синтактик алоқага киришган. Шунинг учун ҳам бу гапнинг грамматик формаси *ва* боғ-

ловчиси бўлиб, унинг формуласи $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ дир.

2. K_1 -ва K_2 моделидаги боғланган қўшма гапларнинг иккинчи компонентни мантиқан биринчи компонентга тобе, яъни биринчи компонент орқали юзага келган. Масалан: *Ҳаво булут бўлди ва ёмғир ёғди* гапни таҳлил қилайлик. Бу гапда ўз ифодасини топган икки воқеа, яъни икки пропозиция — *ҳавонинг булут бўлиши* ҳамда *ёмғирнинг ёғиши* мавжуд. Аммо бу воқеаларнинг содир бўлиши бир-бири билан узвий боғлиқ, яъни *ёмғир сўзининг* ифодаси бўлган предмет *булут* сўзининг ифодаси бўлган предмет таркибига киради. *Ёмғирнинг ёғиши ҳавонинг булут бўлганлиги* туфайли содир бўлади. Демак, бу гапда ўз ифодасини топган биринчи воқеа иккинчи воқеанинг содир бўлишини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи пропозициянинг юзага келишида биринчи пропозиция асос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу қўшма гапнинг компонентлари семантик жиҳатдан, яъни мантиқан иккинчи компонент биринчига тобе. Бинобарин, бу боғланган қўшма гапнинг грамматик формаси ва боғловчиси бўлиши мантиқан тўғри эмас. Лекин биринчи компонентдаги субъект S — *булут* ҳақидаги пресуппозиция, яъни *ҳаво булут бўлганда* ҳамма вақт ҳам *ёмғир ёғавермаслиги* (умуман ёғингарчилик бўлмаслиги ёки қор ёғиши мумкинлиги), шунингдек, булут ёмғир ёғишининг сабабчиси эмас, балки унинг манбаи эканлиги олдиндан маълум. Бу ўринда сўзловчи диққати иккинчи компонент ифодаси бўлган воқеанинг содир бўлиш сабабига эмас, ҳар икки воқеанинг кетма-кет содир бўлишига қаратилган. Шунинг учун ҳам бу қўшма гап компонентлари ва боғловчиси орқали боғланган. Демак, бу гапда ва боғловчисининг қўлланилишини шу гапда иштирок этган лексик birlikларнинг грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикаси тақозо этган. Бинобарин, бундай моделдаги боғланган қўшма гапларни $(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ формуласи билан ифодалаш мумкин. Бунда A — биринчи компонент, $(S_1 + P_2)$ шу компонент субъекти ва предикати; B — иккинчи компонент, $(S_2 + P_2)$ — иккинчи компонент субъекти ва предикати; грамматик тенглик ва мантиқий тобелик белгиси. Бу моделдаги боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки компоненти предикатлари ё тасдиқ формада, ёки инкор формада бўлади. Қайд этиш керакки, бундай боғланган қўшма гапларда ифодаланган воқеалар кетма-кет, яъни

олдин биринчи воқеа, кейин иккинчи воқеа содир бўлади.

Яна бир мисол: *Шамол турди ва ҳаво совий бошлади* («Совет Ўзбекистони»). Бу қўшма гапда ҳам сўзловчи диққати ҳар икки воқеанинг кетма-кет содир бўлишига қаратилган, бинобарин, бу гап компонентлари ва боғловчиси орқали боғланишини ҳам лексик бирликларнинг грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикаси, яъни шамол тўғрисидаги пресуппозиция тақозо этади. Чунки *шамол* ҳаводаги ҳароратнинг ўзгариши — ё исниши ёки совийши натижасида юзага келади. Албатта, *шамол* тургач, *ҳаво* ё исийди ёки совийди: Келтирилган мисолда иккинчи компонент мантиқан биринчи компонентга тобе. Лекин грамматик жиҳатдан эса иккинчи компонент биринчи компонентни изоҳлаб, унинг маъносини конкретлаштиряпти. Шунинг учун ҳам бу гапнинг грамматик формаси ва боғловчиси бўлиши грамматик жиҳатдан тўғри. Бу гапнинг ҳам формуласи $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ дир. Шунингдек, *Ғамхонада қашшоқлик кулди ва оила тутдай тўкилди* (Ҳ. Олимжон, «Зайнаб ва Омон») мисолни таҳлил қилайлик. Бу қўшма гапнинг биринчи компоненти ифодаси бўлган воқеа — *қашшоқликнинг кулиши* оқибати иккинчи компоненти ифодаси бўлган воқеа — *оиланинг тутдай тўкилиши* содир бўлган, бироқ сўзловчи диққати асосан оиланинг тутдай тўкилиши сабабига эмас, балки унинг ўзига қаратилган. Шунинг учун ҳам бу воқеалар белгиси бўлган қўшма гапнинг грамматик формаси ва боғловчиси дир. Бу гап ҳам $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келади;

3. (K_1 ва K_2) моделидаги боғланган қўшма гапларда воқеалар бир субъект томонидан содир этилади. Бошқача қилиб айтганда, воқеани юзага келтирувчи субъект битта бўлади. Масалан: *Комила уни ўтиришга таклиф этди ва ўзи колхозчилар билан суҳбат бошлади* (Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар»). Бу боғланган қўшма гапда ифодаланган икки воқеанинг содир бўлиши ўзаро боғлиқ бўлса-да, бири иккинчисининг юзага келишини тақозо этмайди. Бу бир субъект томонидан кетма-кет содир этилган воқеалар дир. Бу воқеалар ифодаси бўлган қўшма гап компонентларининг, яъни ҳар икки содда гапнинг ўз субъекти бўлса-да, бу грамматик субъект — эгадир, яъни биринчи компонентдаги субъект — *Комиланинг ўринбосари*, шунинг учун бу воқеаларни юзага чиқарувчи субъект — *Комила* битта.

Демак, бу гапда бир субъект томонидан кетма-кет содир этилган икки воқеа ифодаланган. Шу сабабли семантик жиҳатдан бу гап боғланган қўшма гап эмас. Балки уюшиқ кесимли (предикатли) содда гапдир. Буни иккинчи компонентдаги субъект S_1 — ўзини тушириб қолдирилганда аниқ кўриш мумкин. *Комила уни ўтиришга таклиф этди ва колхозчилар билан суҳбат бошлади*. Кўринадики, иккинчи компонент субъекти S_2 — ўзи иккинчи даражали субъект бўлиб, тушириб қолдирилса ҳам гапнинг мазмунига путуретмайди. Фикримизча, бундай гаплар уюшиқ кесимли содда гаплардир²⁷. Лекин қуйидаги мисолда ўзгача ҳолат кўзга ташланади. *Тожибой қизил алвон ёпилган стол ёнига чиқди ва унинг овози залда гулдиради* (П. Турсун. «Ўқитувчи»). Бу гапда ифодаланган воқеалар шу воқеаларни юзага келтирган асосий субъект — Тожибой томонидан содир этилган. Шунинг учун ҳам бу воқеа кетма-кет содир бўлган. Бу воқеаларнинг ифодаси бўлган қўшма гап компонентларининг ўз субъектлари мавжуд. Биринчи компонент субъекти S_1 — *Тожибой*, иккинчи компонент субъекти S_2 — *овози сўзи* ифодалаган предмет биринчи компонент субъекти S_1 — Тожибойга тегишли. Шунинг учун ҳам S_1 Тожибой асос субъект ҳисобланади. Бу гап А
$$\frac{(S_1 + P_1)}{S} = (S_2 + P_2)$$
 формуласига мос келади.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай боғланган қўшма гапларда асос субъект кўпинча биринчи компонентда ифодаланади. Аммо, баъзан асос субъект эксплицит ифодаланмаслиги мумкин. У қўшма гап иккинчи компонентининг ифодаси бўлган воқеанинг субъекти орқали англашилган пресуппозициялар орқали аниқланади. Масалан: *Кўп ўтмасдан, нарироқда эшик ғижирлади ва чолнинг овози эшитилди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Бу гапда воқеаларни юзага келтирувчи асос субъект S — *чолдир*. Бу гапда эксплицит ифодаланмаган бир қанча пресуппозициялар — *чолнинг эшик олдига келиши, уни ғижирлатиб очиши ва овоз чиқариши* мавжуд. Бу иккинчи компонентдаги чолнинг овози атрибутив бирикмасидан аёндыр. Демак, бу гапда ҳам бир асос субъект томонидан кетма-кет юзага келтирилган икки воқеа ифодаси бўлган компонентлар *ва* боғловчиси орқали боғланган. Бундай гаплар ҳам А
$$\frac{(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)}{S}$$
 формуласига мос келади.

²⁷ Бу ҳақда қаранг: Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар. Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 3-сон, 21-бет.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай қўшма гапларнинг ҳар икки предикатив конструкциялари ё тасдиқ, ё инкор формада бўлади.

4) S (K_1 ва K_2) моделидаги қўшма гапларнинг иккинчи компоненти мантиқан биринчи компонентга тобе бўлади, яъни иккинчи компонент биринчи компонент орқали юзага келади. Бунда ҳар икки компонентни юзага келтирувчи асос субъект битта бўлади. Масалан: *Булар шу ҳаёл билан китобни мenden олиб йўқотишди ва мен ўқитишдан маҳрум бўлиб қолдим* (С. Айний). Бу қўшма гапда ўз ифодасини топган икки воқеа бири бири билан узвий боғлиқ бўлиб, биринчи воқеанинг содир бўлиши иккинчи воқеанинг юзага келишини тақозо этади, яъни *менинг ўқитишдан маҳрум бўлиб қолишим уларнинг китобни олиб йўқотишлари* сабабли содир бўлган ва у сабаб-натига мазмунини ифодалайди. Демак, биринчи воқеа ифодаси бўлган биринчи компонентга иккинчи ситуация ифодаси бўлган иккинчи компонент тобе. Бинобарин, бу гапда компонентлар боғланиши мантиқан тобе боғланиш. Аммо бу ўринда сўзловчи диққати асосан иккинчи компонентда ифодаланган воқеага қаратилган, яъни мантиқий урғу иккинчи компонентга тушган. Бундан ташқари ҳар бир воқеалар ифодаси бўлган қўшма гап компонентларининг, яъни ҳар икки содда гапнинг ўз субъектлари бор. Бу воқеаларни юзага келтирувчи асос субъект биринчи компонентда ифодаланган воқеа субъекти *улардир*. Демак, бу гапда ифодаланган биринчи воқеа субъект S — *улар* томонидан содир этилган бўлса-да, иккинчи воқеанинг содир бўлишига ҳам асос бўлган ва бу воқеалар кетма-кет содир бўлган. Шунинг учун ҳам бу қўшма гапнинг компонентлари *ва* боғловчиси орқали боғланган. Демак, бу гапнинг грамматик формаси *ва* боғловчисидир. Аммо бу гапда носинтактик семантика, яъни синтактик форма маъносини ифодаловчи лексик воситалар ҳам бор. Бу биринчи компонентдаги *китоб* сўзи билан иккинчи компонентдаги *ўқиш* сўзи бўлиб, улар шу боғланган қўшма гапнинг семантикасини ифодалашда таянч сўзлар — анафорик бўлак ҳисобланади. Чунки *китоб* ва *ўқиш* сўзларининг семантикаси бир-бирига яқиндир. Бундай тип боғланган қўшма гаплар $A(S_1 + P_1) \Rightarrow B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келади.

Яна бир мисол: *Отнинг ёлига ёпишиб қорнига тенди ва уни қирга томон олиб кетди* (П. Турсун. «Ўқитувчи»). Бу гапда ифодаланган воқеани юзага чиқарувчи

асос субъект S — y гапда эксплицит ифодаланмаган. Бироқ биринчи компонентнинг предикати *тенди* сўзининг шахс формаси субъект S — y нинг грамматик кўрсаткичидир. Демак, бу гапда ҳам бир асос субъект томонидан юзага келтирилган воқеа иккинчи воқеани келтириб чиқарган, яъни воқеалар ифодаси бўлган компонентлар мантиқан иккинчиси биринчисига тобе ва улар сабаб-натижа мазмунини билдиради. Бироқ мантиқий урғу асосан иккинчи компонентга тушган ва бу икки воқеа кетма-кет содир бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу гапнинг грамматик формаси *ва* боғловчиси бўлганлиги тўғри. Бу гапда компонентларни мантиқан боғловчи яна бир синтактик форма маъносини ифодаловчи лексик восита борки, бу *от* сўзидир. Бу сўз шу қўшма гап семантикасини ифодаловчи таянч сўз (бундай сўзларни С. А. Шувалова анафорик элементлар деб атайди)* бўлиб, у биринчи компонентда атрибут, иккинчи компонентда эса субъект вазифасида келган.

Бу гап ҳам
$$\frac{A(S_1 + P_1) \xrightarrow{S} B(S_2 + P_1)}{S}$$
 формуласига мос

келади.

Бундай моделдаги гапларнинг ҳам предикатлари ё тасдиқ, ёки инкор формада бўлади.

Шундай қилиб, грамматик формаси *ва* боғловчиси бўлган қўшма гаплар тўрт хил моделга эга бўлиб, булардан биринчи ва учинчи моделдаги боғланган қўшма гапларда компонентлар грамматик жиҳатдан ҳам; семантик жиҳатдан ҳам тенг алоқага киришади. Иккинчи ва тўртинчи моделдаги боғланган қўшма гаплар эса грамматик жиҳатдан тенг алоқада бўлса ҳам, мантиқан тобе бўлади.

Ҳам ва *ҳамда* боғловчилари ҳам *ва* каби бириктирувчи боғловчи бўлиб, икки сўз ёки икки содда гапни тенгланиш характеридаги синтактик алоқага киритади. Бироқ грамматик формаси *ҳам*, *ҳамда* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар грамматик формаси *ва* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларга нисбатан тилимизда ҳам қўлланади²⁸ ҳамда уларга нисбатан семантик томондан бирмунча фарқланади. Юқорида айтилганидек, *ва* боғловчиси икки ситуацияни тенглик

* Шувалова С. А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М., Изд-во МГУ, 1990, С. 16.

²⁸ Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1958, 52-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 169-бет.

(=) ва тенглик ҳамда мантиқий тобелик ($\overset{=}{\rightleftharpoons}$)

йўли билан боғлайди. Аммо *ҳам* ва *ҳамда* боғловчилари иштирок этган боғланган қўшма гапларни таҳлил этилганда, ўзгача ҳолатни кўриш мумкин, яъни анъанавий грамматикада қайд этилганидек, *ҳам* ва *ҳамда* боғловчилари боғланган қўшма гапларда *ва* боғловчиси каби грамматик форма сифатида жуда кам, шунда *ҳам* стилистик талабга кўра (агар қўшма гапнинг бирор компонентида *ва* боғловчиси иштирок этган бўлса) қўлланади. Чунки *ҳам*, *ҳамда* боғловчилари жамлов-бириктирув маъноларини ифодалайди. Бунда жамлов маъноси етакчи маъно бўлгани сабабли бириктирувчи грамматик форма сифатида юқорида қайд этилганидек, кам қўлланади. Масалан: *Акаскин қиз билан рус тилида гаплашар ҳам Комила унинг фикрларини жуда тез англаар ва амалга оширишга тиришар эди* (Ойбек). Бу гапда *ҳам* боғловчиси, айни традицион грамматикада қайд этилганидек, шу қўшма гапнинг грамматик формасидир. Буни *ҳам* боғловчиси ўрнига *ва* боғловчисини қўллаш билан аниқланса ҳам бўлади: *Акаскин қиз билан рус тилида гаплашар ва Комила унинг фикрларини жуда тез англаар ва амалга оширишга тиришар эди*. Бундай трансформацияда гапнинг маъносига ҳеч қандай путур етмаса-да, стили ғализлашади. Сабаби иккинчи компонентда *ва* боғловчиси қўлланган. Шунинг учун ҳам бу гапда *ҳам* боғловчисининг қўлланиши ўринли. Бундай гапларни $A=B$ формуласи билан ифодалаш мумкин. Яна бир мисол. *Дарё томондан гуриллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебратар ҳамда сарғайиб бораётган арпалар ундан мавж урар эди* (А. Қаҳҳор). Бу қўшма гапда *ҳамда* боғловчиси *ва* боғловчиси каби икки ситуациянинг ифодаси бўлган икки содда гапни тенглик йўли билан боғлаган. Чунки бу гапнинг биринчи компонентининг предикати уюшган кесим билан ифодаланган ва стилистик талабга кўра бу қўшма гапда *ҳамда* боғловчиси қўлланган. Бу гап ҳам $A=B$ формуласига мос келади. Бироқ қолган ҳолатларда *ҳам* боғловчиси боғланган қўшма гапларнинг грамматик (синтактик) формаси вазифасида кела олмайди. У боғловчисиз қўшма гап ва уюшган содда гапларда экспрессивликни (таъкид ва мужассамлик) совокупность (ёки биргалик) маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Фикримизнинг исботи сифатида бир неча қўшма гапни таҳлил қилайлик. Масалан: *...дадаси Маҳмуд ака, онаси Уғилбиби уни гапга ҳам солмайди,*

бунга вақтлари ҳам йўқ (Шухрат). Бу боғловчисиз боғланган қўшма гап бўлиб, бунда *ҳам* боғловчиси экспрессивликни (таъкидни) оширувчи восита сифатида иштирок этган. Чунки бу қўшма гапнинг ҳар икки компонентида *ҳам* боғловчиси иштирок этгани ҳолда боғловчили боғланган қўшма гапга трансформация қилганимизда гапнинг мазмунига путур етмайди. Чунончи, *...дадаси Маҳмуд ака, онаси Ўғилбиби уни гапга ҳам солмайди ва бунга вақтлари ҳам йўқ*. Агар бу қўшма гапнинг ҳар икки компонентидаги *ҳам* боғловчилари тушириб қолдирилса, яъни *...дадаси Маҳмуд ака, онаси Ўғилбиби уни гапга солишмайди ва бунга вақтлари йўқ* деб трансформация қилинса, гап қуруқ, стилистик бўёқсиз, ғализ бўлиб қолади. Маълумки, тилда иқтисодий ҳодиса мавжуд. Шунга биноан ҳар икки компонентида *ҳам* боғловчиси қўлланган қўшма гапларда *ва* боғловчиси қўлланмайди. Бундай гаплар боғловчисиз боғланган қўшма гаплар бўлиб, уларнинг компонентлари асосан интонация орқали боғланади. Шунинг учун бундай гапларни боғловчисиз боғланган қўшма гаплар таркибида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. *Ҳам* боғловчиси иштирок этган яна шундай гаплар ҳам борки, уларни шу кунгача анъанавий грамматикада боғловчили боғланган қўшма гаплар таркибида ўрганиб келинди. Булар уюшиқ содда гаплар²⁹ бўлиб, улар семантик ва синтактик жиҳатдан боғловчили боғланган қўшма гапларга мос келмайди. Масалан: *У ҳам йиғлар, бу ҳам йиғлар эди* (М. Исмоилий). Бу гап уюшиқ содда гап бўлиб *ҳам* боғловчиси бунда фақат экспрессивликни оширувчи, яъни таъкидни кўпайтирувчи восита сифатида иштирок этган, холос, Бу гап, Р. Сайфуллаева таъкидлагандек, « $\{(S_1 \leftarrow W_1) (S_2 \leftarrow W_2)\}$ P структурали ҳодисадир»³⁰.

Демак, *ҳам*, *ҳамда* боғловчилари фақат *ва* боғловчисига эквивалент бўла оладиган ҳолатлардагина боғланган қўшма гапларда грамматик форма сифатида иштирок эта олади. Қолган ҳолатларда эса (боғловчисиз боғланган қўшма гапларда ва уюшган содда гапларда) экспрессивликни (таъкидни, биргалик маъносини) оширувчи восита сифатида қўлланади.

-да ва *-у(-ю)* юкламалари қўлланган боғловчили қўшма гаплар. Бу юкламаларнинг баъзан бириктирувчи

²⁹ Қаранг: Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1988, 3-сон, 21-бет.

³⁰ Уша асар, ўша бет.

боғловчи *ва* вазифасида қўлланиши қўшма гапларни формал тадқиқ этган муаллифлар томонидан қайд этилган³¹. Дарҳақиқат, *-да* ва *-у(-ю)* юкламалари боғланган қўшма гап компонентларининг ўзаро тенглик йўли билан боғлайди. Аслида *-да* юкламасини (боғланган қўшма гаплар таркибида қўлланганда) *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Чунки *ва* боғловчиси ҳам, *-да* юкламаси ҳам кетма-кет содир бўлган ситуацияларнинг ифодаси булган боғловчили боғланган қўшма гап таркибида келиб, компонентларни тенглик йўли билан боғлайди. Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этайлик. *Лениннинг буюк ҳаёти олдида Ҳикматнинг расомлик таланти, уқуви зарраларнинг зарраси бўлиб кўринарди-да, уни яна ваҳиманамо бир ҳаяжон босиб келарди* (Шухрат). Бунда *-да* юкламаси ўрнига *ва* боғловчисини қўйиб кўрайлик: *Лениннинг буюк ҳаёти олдида Ҳикматнинг расомлик таланти, уқуви зарраларнинг зарраси бўлиб кўринарди ва уни яна ваҳиманамо бир ҳаяжон босиб келарди*. Кўринадики, *-да* юкламаси ўрнида *ва* боғловчиси қўлланганда, гапнинг структурасида ҳам, семантикасида ҳам ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Шунингдек, бу боғловчили қўшма гап ифодаси бўлган икки воқеанинг бири, яъни иккинчиси биринчисига мантиқан тобе, бошқача қилиб айтганда, «Лениннинг ҳаёти буюк» пропозицияси асосий пропозиция бўлиб қолган пропозицияларни юзага чиқишини тақозо этади. Демак, гап

$$\frac{A(S + P) \rightarrow B(S + P)}{S} \quad \text{формуласига мос келади.}$$

Шунинг учун ҳам бу гапнинг грамматик (синтактик) формаси *-да* юкламаси бўлиб, *у* *ва* боғловчисининг эквивалентидир. Яна бир мисол: *Енгил оёқ товуши эшитилди-да, бир табақали эски эшик аста очилди* (С. Аҳмад) ёки *Машина ғийқ-этиб тўхтади-да, семиз бир киши тушиб келди* («Ш. Ю»). Бу ҳар икки гапда ҳам *-да* юкламаси ўрнида *ва* боғловчисини қўллаш мумкин. Бунда гапнинг структурасида ҳам, семантикасида ҳам ўзгариш содир бўлмайди. Аммо *-да* юкламасига хос бўлган экспрессив (таъкид) маъно *ва* боғловчисига хос эмас. *Ва* боғловчиси оддий хабар маъноси ифодаланган боғловчили боғланган қўшма гапларнинг грамматик (синтактик) формасидир. Юқорида келтирилган мисол-

³¹ Абдураҳмонов Ф. Кўрсатилган асар; Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар.

ларда эса фақат оддий хабар маъносигина эмас, экспрес-сивлик (таъкид) маъноси ҳам ифодаланган. Шунга кўра бу боғловчили боғланган қўшма гапларнинг грамматик (синтактик) формаси *-да* юкламаси бўлиши табиий бир

ҳол ва уларнинг синтактик-семантик структураси $\frac{A \equiv B}{S}$ формуласига мос тушади. Чунки биринчи боғланган қўшма гапдаги кетма-кет содир этилган ҳар икки воқеанинг асос субъекти ёш аёл кишидир. Бу биринчи компонентдаги *енгил оёқ товуши* бирикмасидан англашилган пресуппозиция орқали белгиланади. Иккинчи боғланган қўшма гапда ифодаланган воқеалар ҳам кетма-кет содир этилган бўлиб, буларнинг асос субъекти иккинчи воқеанинг субъектидир, яъни бу қўшма гапнинг иккинчи компонентининг субъекти асос субъект ҳисобланади. Демак *-да* юкламаси грамматик (синтактик) формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг синтактик-семантик структураси грамматик (синтактик) формаси *ва* боғловчиси бўлган 3- ва 4- моделдаги боғланган қўшма гапларнинг синтактик-семантик структура-сига мос келади. Фақат бундай гапларда экспрессивлик кучлироқ бўлади.

-у (-ю) юкламаси боғланган қўшма гапларда грамматик (синтактик) форма сифатида иштирок этганда *-да* юкламасидек фақат *ва* боғловчисининг эквиваленти бўлиб келмайди. Балки зидловчи боғловчилар (*лекин, бироқ, аммо*)нинг ҳам эквиваленти сифатида зид муносабатдаги боғланган қўшма гапларнинг компонентларини ўзаро боғлайди (Унинг бу вазифасини зидлов муносабати ифодаланган боғланган қўшма гапларнинг синтактик структураси қисмида кўриб чиқамиз). Бундан ташқари, икки кетма-кет воқеанинг содир бўлишидаги вақтнинг (моментнинг) ниҳоятда қисқа бўлишини ифодалашда ҳам *-ю* юкламаси грамматик (синтактик) восита сифатида қўлланади. Бошқача қилиб айтганда, икки воқеанинг ниҳоятда қисқа вақт ичида кетма-кет содир бўлишини ифодалаган боғланган қўшма гапларнинг компонентларини тенглик йўли билан боғлайди.

Ва боғловчисининг эквиваленти бўлган *-у(-ю)* юкламаси ҳам *-да* юкламаси каби экспрессивликни ошириш вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун ҳам грамматик (синтактик) формаси *-у(-ю)* юкламаси бўлган боғланган қўшма гаплар кўпроқ бадий адабиётда ва сўзлашув нутқида қўлланади. Масалан: *Кейин бирдан ўзининг алаҳсираш гапини пайқади-ю, юраги орқасига тортди* (У. Усмонов). Бу боғловчили боғланган қўшма

гапта -ю юкламаси ва боғловчисининг эквиваленти сифатида икки кетма-кет воқеани ифодалаган қўшма гап компонентларини ўзаро тенглик йўли билан боғлаган. Чунки -ю юкламаси ўрнида ва боғловчиси қўлланса ҳам гапнинг синтактик-семантик структураси ўзгармайди, фақат экспрессивлик йўқолиб, қўшма гапта ифодаланган маъно оддий хабарга айланиб қолади. Кейин бирдан ўзининг алаҳсираганини пайқади ва юраги орқасига тортди. Бу боғланган қўшма гап кетма-кет юзага келган ва бири-иккинчиси билан узвий боғланган воқеаларни ифодалаган. Бунда биринчи воқеа иккинчи воқеанинг юзага чиқишини тақозо этган. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи воқеанинг содир бўлишига биринчи воқеа сабабчи. Демак, бу воқеаларнинг ифодаси бўлган боғланган қўшма гап компонентлари мантиқан тобе. Бироқ бунда сўзловчининг диққати иккинчи воқеанинг келиб чиқиш сабабига эмас, асосан унинг ўзига ва шу билан бирга бу воқеалар содир бўлиш вақти ниҳоятда оз эканлигига қаратилган. Бунда асос субъект биринчи воқеа субъекти эксплицит ифодаланмаган у ҳар икки воқеани юзага чиқарган. Шунинг учун ҳам бу воқеалар ифодаси бўлган боғланган қўшма гапнинг грамматик (синтак-

тик) формаси -ю юкламасидир. Бу гап $\frac{A(S+P) \rightarrow B(S+P)}{S}$ формуласига мос келади.

Яна бир мисол: *Шу пайт тўсатдан кўча эшиги очилди-ю, Зуннунхўжа ҳаллослаганча кириб келди* (А. Қаҳҳор). Бу боғланган қўшма гапта ҳам кетма-кет содир бўлган икки воқеа ифодаланган бўлиб, бу воқеаларни юзага чиқарувчи асос субъект иккинчи воқеа субъекти *Зуннунхўжа*дир. Бу гапта ифодаланган воқеаларнинг кетма-кет юзага келишида вақт ўлчови ниҳоятда оз. Бинобарин бу гап компонентларида ифодаланган предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик birlikларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикаси -ю юкламасини шу қўшма гапнинг грамматик формаси сифатида қўлланишини тақозо этган ва бу гап $\frac{A(S+P_1) \rightarrow B(S_2+P_2)}{S}$ формуласига мос келади.

Баъзан -ю юкламаси боғланган қўшма гапларда грамматик (синтактик) форма вазифасида келиши билан бирга, қўшма гап компонентларида ифодаланган пропозициялардан ташқари бошқа пропозицияларнинг ҳам мавжудлигига ишора қилади. Масалан: *Партия қўли-*

миздан етаклади-ю, биз энгиб чиқдик (А. Қаҳҳор). Маълумки, бу боғланган қўшма гапда иккинчи компонент мантиқан биринчи компонентга боғлиқ, яъни тобе. Шунинг учун ҳам бу -ю юкламаси икки қарама-қарши пропозицияга ишора қилмоқда: партия қўлимиздан етакламаса, биз энга олмас эдик; биз энгишга ҳаракат қилдик. Агар бу гапни сабаб эргаш гапли қўшма гапга трансформация қилсак, буни яққол кўриш мумкин. *Партия қўлимиздан етаклади, шунинг учун ҳам биз энгиб чиқдик*. Бу гапда ҳам юкламаси «икки консунтлар ифодалаётган пропозициядан ташқари яна бошқа пропозиция мавжудлигига, яъни биз энгишга ҳаракат қилдик, лекин партиянинг раҳбарлигисиз энга олмадик пресуппозициялари мавжудлигига ишора қилмоқда»³². Демак, эргаш гапли қўшма гапдаги ҳам юкламасининг бу вазифасини боғловчили боғланган қўшма гапларда -ю юкламаси бажарар экан.

Компонентлари бири иккинчисига мантиқан тобе бўлмаган мустақил содда гаплардан тузилган боғланган қўшма гапларда -ю юкламаси ва боғловчисининг эквиваленти сифатида грамматик форма вазифасини бажаради. Масалан: *...тўрдаги икки тавақали оғир ўймақор эшик ғичирлаб очилди-ю, ҳамма бошлар баб-баравар ўша томонга қаради*.

Шуни қайд этиш керакки, юқорида келтирилган мисолларда қўшма гап компонентларида ифодаланган воқеалар кетма-кет содир бўлиши, яъни пайт муносабати ифодаланган бўлса-да, уларни пайт эргаш гапли қўшма гапга трансформация қилиб бўлмайди. *Аммо Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз ўнги хираланди* (М. Исмоилий) қўшма гапда ифодаланган воқеалар бири иккинчисига мантиқан тобе. Биринчи компонентда ифодаланган воқеа иккинчи воқеанинг содир бўлишини тақозо этган. Бу жиҳатдан ёндашилса, бу қўшма гапни сабаб-натижа муносабатини ифодалаган эргаш гапли қўшма гапга трансформация қилиш лозим эди. Бироқ бу ўринда сўзловчи диққати воқеаларнинг сабаб-натижасига эмас, уларнинг содир бўлиш моментига қаратилган. Шунинг учун ҳам бу қўшма гапни пайт эргаш гапга трансформация қилиш мумкин: *Ғуломжон Ҳаётни кўриши билан юраги шиғиллаб, кўз ўнги хираланди*. Демак, бундай гапларда -ю юкламасининг грам-

³² Нурмонов А. Қўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси. Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 6-сон, 43-бет.

матик форма сифатида иштирок этиши жуда ўринли. Чунки буни шу гаптаги предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикаси тақозо этади. Бу гапнинг асос субъекти Фуломжон бўлиб, у биринчи воқеа ифодаси бўлган содда гапнинг субъектидир. Бу кейинги воқеалар ифодаси бўлган содда гапларнинг субъектлари аслида асос субъектга тегишли. Шунинг учун ҳам бу тип гапларнинг формуласи

$$\frac{A(S + P)}{S} \xrightarrow{S} B(S + P)$$

бўлади. Яна бир мисол:

Сўнг кўзи шифтдаги дўппидеккина туйнукка, ғадир-будир девор тоқчасида милтираб турган мойчироққа тушди, тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди (О. Ёқубов). Бу боғланган қўшма гапта ҳам сўзловчининг диққати асосан предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатларидан англашилган умумий семантикага, яъни воқеаларнинг кетма-кет содир бўлиш пайтига қаратилган. Шу биринчи воқеа натижасида иккинчи воқеанинг жуда тез, деярли айна бир моментда юзага чиқиши асосий семантикадир. Шунинг учун ҳам бу гапни сабаб эргаш гапли қўшма гапта эмас, пайт эргаш гапли қўшма гапта трансформация қилиш мумкин: *...сўнг кўзи шифтдаги дўппидеккина туйнукка, ғадир-будир девор тоқчасида милтираб турган мойчироққа тушиши билан юраги орқасига тортиб кетди*. Демак, бу қўшма гапнинг грамматик (синтактик) формаси -ю юклагаси бўлишини предикатив конструкциялар лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантика тақозо этади. Аммо бу гапта ифодаланган воқеаларнинг иккинчиси биринчисига мантқан тобе. Бу воқеаларни содир этган асос субъект иккала компонентда ҳам эксплицит ифодаланмаган. Уни иккала компонент субъектидан англаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу

$$\text{гап } \frac{A(S + P)}{S} \xrightarrow{S} B_2(S + P)$$

формуласига мос келади.

Яна бир мисол: *...тўрдаги икки тавақали оғир ўймакор эшик аста ғижирлаб очилди-ю, ҳамма бошлар баб-баравар ўша томонга ўгирилди* (О. Ёқубов). Бу гапта ниҳоятда кам вақт оралиғида, деярли бир моментда кетма-кет бажарилган икки мустақил, бири-иккинчисига тобе бўлмаган воқеа ифодаси бўлган компонентлар -ю юклагаси орқали ўзаро тенглик йўли билан боғланган ва у $A=B$ формуласи билан белгиланади. Бунда -ю юклага-

си ўрнида *ва* боғловчисини қўллаш ҳам мумкин. Бироқ *-ю* юкламаси ифодалаган экспрессив маъно, яъни икки ситуациянинг ниҳоятда кам вақт оралиғида деярли бир моментда кетма-кет юзага келиши маъноси ифодаланмай қолади: *-ю* юкламаси ифодалаган бу маънони шу гапни трансформация қилиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин *...тўрдаги икки тавақали оғир ўймакор эшик аста ғичирлаб очилиши билан ҳамма бошлар баб-баравар ўша томонга ўгирилди*. Аммо *ва* боғловчиси грамматик формаси бўлган бундай боғловчили боғланган, яъни компонентларни мантиқан тобе бўлмаган мустақил содда гаплардан иборат бўлган қўшма гапларни пайт эргаш гапга трансформация қилиб бўлмайди. Яна бир мисол: *...Кейин сочлари бутунлай оқариб кетган жабрдийда бошини Рихсининг бешигига шилқ этиб қўярди-ю, ўша заҳоти кўзи илиниб кетарди* (У. Усмонов). Бу гапда ҳам *-ю* юкламаси деярли бир моментда кетма-кет содир бўлган воқеа ифодаси бўлган икки содда гапни тенглик йўли билан ўзаро боғлаб келган. Бу гапни *...кейин сочлари бутунлай оқариб кетган жабрдийда бошини Рихсининг бешигига шилқ этиб қўйиши билан ўша заҳоти кўзи илиниб кетарди*, деб пайт эргаш гапга трансформация қилинганда, *-ю* юкламасининг юқорида айтилганидек, ҳам грамматик форма вазифасини, ҳам экспрессивликни оширувчи восита вазифасини бажариб келаётганлиги маълум бўлади. Бундай типдаги боғланган қўшма гаплар компонентларининг ифодаси бўлган воқеалар мантиқан бир-бирига тобе бўлмаса-да, яъни мустақил бўлсалар-да, уларнинг ифодаси бўлган компонентларни семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, бу ҳар икки компонент учун умумий бўлган пресуппозиция мавжудлиги кўринади. Чунончи, юқоридаги мисолда *у ниҳоятда чарчаган* пресуппозицияси мавжудлиги кўринади. Демак, бу мисолда *...бошини Рихсининг бешигига шилқ этиб қўярди-ю, ўша заҳоти кўзи илиниб кетарди* воқеаларининг ифодаси бўлган бу қўшма гап компонентларини бир пресуппозиция бирлаштирган. Лекин у эксплицит ифодаланмаган. Аммо ҳар бир компонентда ифодаланган воқеалар мустақил, бири иккинчисига тобе эмас. Шунинг учун ҳам бу боғланган қўшма гапнинг грамматик формаси сифатида *-ю* юкламаси қўлланиши ўринли. Бундай типдаги боғланган қўшма гаплар $A(S + P) = B(S + P)$ формуласига мос тушади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, грамматик формаси *-да, -у(-ю)* юкламалари (*-у (-ю)* юкламаси *ва*

боғловчисининг эквиваленти сифатида келганда) бўлган боғланган қўшма гап компонентларининг предикатлари ё тасдиқ, ё инкор формада бўлади.

Демак, *-да, -у (-ю)* юкламалар боғланган қўшма гапларда *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида икки компонентни ўзаро тенглик йўли билан боғлайди ва шу билан бирга экспрессивликни (таъкид ва ниҳоятда тез маъноларини) ифодалайди. Бундай гаплар асосан бадий адабиёт ва сўзлашув нутқида қўлланади. Грамматик формаси *ва* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар эса кўпроқ расмий стилда муаллиф нутқида қўлланади.

Шундай қилиб, боғловчили боғланган қўшма гапларнинг синтактик-семантик таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. *Ва* боғловчиси бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг асосий грамматик формасидир.

2. Бундай қўшма гаплар тўрт хил моделда бўлади:

а) K_1 ва K_2 моделидаги боғланган қўшма гаплар

айни бир пайтда содир бўлган, бири иккинчисига мантиқан тобе бўлмаган воқеалар ифодасидир. Улар $A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келади;

б) K_1 ва K_2 моделидаги боғланган қўшма гапларда иккинчи компонент мантиқан биринчи компонентга тобе бўлади. Бундай гаплар $A(S_1 + P_1) \Rightarrow B(S_2 + P_2)$ формуласига мос келади;

в) K_1 ва K_2 моделидаги боғланган қўшма гаплар компонентларида бири иккинчисига мантиқан тобе бўлмаган бир субъект томонидан содир этилган воқеалар

ифодаланади. Бу моделдаги гаплар $\frac{A(S_1 + P_1) = B(S_2 + P_2)}{S}$ формуласига мос келади;

г) K_1 ва K_2 моделидаги боғланган қўшма гаплар бир субъект томонидан содир этилган, иккинчиси биринчисига мантиқан тобе бўлган икки воқеанинг ифодасидир. Буларнинг формуласи $A(S_1 + P_1) \Rightarrow B(S_2 + P_2)$ бўлади.

3. *Ҳам, ҳамда* боғловчилари *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида асосан стилистик талабга кўра боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлиб келади. У асосан K_1 ва K_2 моделидаги боғланган қўш-

ма гапларнинг грамматик формаси бўлиб келади ва бундай боғланган қўшма гаплар $A(S + P) = B(S + P)$ формуласида бўлади.

4. *-да* юкламаси ва боғловчисининг эквиваленти сифатида $\frac{A(S + P) = B(S - P)}{S}$ ва $\frac{A(S + P) \rightleftharpoons B(S - E)}{S}$

формуласига мос келувчи синтактик-семантик структурадаги боғланган қўшма гапнинг грамматик формаси бўлиб келади. Фақат бундай гапларда экспрессивлик (таъкид) кучли бўлади.

5. *-у (-ю)* юкламаси бириктирувчи боғловчили қўшма гапларда ва боғловчисининг эквиваленти сифатида $A(S + P) B(S + P)$ ва $\frac{A(S + P) \rightleftharpoons B(S + P)}{S}$ фор-

муласига мос келувчи боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлиб келади. Баъзи боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси сифатида келганда, пресуппозициянинг актуализатори ҳам бўла олади. Шунингдек, бундай қўшма гапнинг экспрессивлигини оширувчи восита вазифасини ҳам бажаради.

6. *-да, -у(-ю), -ку* юкламаси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар кўпроқ бадий адабиётда ва сўзлашув нутқида қўлланади. Грамматик формаси ва боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар асосан расмий стилда ва муаллиф ремаркасида қўлланади.

ЗИДЛОВЧИ БОҒЛОВЧИЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гап компонентлари, анъанавий грамматикада таъкидланишича, зидловчи боғловчилар *-аммо, лекин, бироқ* боғловчилари ҳамда шу вазифада келувчи *-у(-ю), -да* юкламалари орқали ўзаро боғланади³³.

Дарҳақиқат, зидловчи боғловчили боғланган қўшма гап компонентлари ўз семантикасига мос келувчи грамматик формани талаб этади ва бу форма вазифасида, юқорида таъкидланганидек, *аммо, лекин, бироқ* боғловчилари ва шу функцияда қўлланувчи *-у(ю), -да* юкламалари келади. Демак, зидловчи боғловчили қўшма гап компонентларининг семантикаси шу боғланган қўшма гап грамматик формаси сифатида *аммо, лекин, бироқ* боғловчилари ва *-у(-ю), -да* юкламалари келишини тақозо этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар тили-

³³ Абдураҳмонов Ф. Кўрсатилган асар, 26-бет; Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 169-бет.

мизда энг кўп қўлланар экан. Ундан кейин грамматик формаси *аммо* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар қўлланар экан. Грамматик формаси *бироқ* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар нисбатан кам қўлланар экан.

Кўринадики, грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар грамматик формаси бошқа зидловчи боғловчилар бўлган боғланган қўшма гапларга нисбатан энг кўп қўлланар экан. Шунга кўра зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларни уч гуруҳга бўлиб таҳлил этамиз: 1) грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг синтактик семантикаси; 2) грамматик формаси *аммо* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг синтактик семантикаси; 3) грамматик формаси *бироқ* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг синтактик семантикаси.

ГРАММАТИК ФОРМАСИ *ЛЕКИН* БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Лекин боғловчиси ўз мазмун эътиборига кўра икки сўз ёки икки гапни ўзаро зидлаш³⁴ йўли билан боғлайди, яъни икки бир-бирига қарама-қарши бўлган модус ёки воқеа ифодаси бўлган сўз ва гаплар (предикатив конструкциялар)ни боғлайди.

Грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар бир қанча моделга эга.

1. *Т. лекин И.* Бундай моделдаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти, яъни биринчи предикатив конструкцияси тасдиқ формасида, иккинчи предикатив конструкцияси эса инкор формада бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи компонентда ифодаланган воқеа тасдиқ маънода, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа эса инкор маънода бўлади. Бу воқеалар ифодалаган зид маъно, яъни зид семантика шу воқеалар ифодаси бўлган предикатив бирликларнинг ўзаро муносабати орқали юзага чиқади. Бу моделдаги боғланган қўшма гапларни $A(S+P_T)$ *лекин* $B(S+P_n)$ фор-

муласи билан ифодалаш мумкин. Масалан: *Улар бўл-*

³⁴ Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 290—307-бетлар; Гаджиева Н. З., Серебренников Б. А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. М., 1986, С. 178.

гувчи катта синовларга тайёргарлик кўрардилар гўё, лекин бу нарса ҳеч қачон ошкора айтилмасди («Ёш ленинчи»). Бу қўшма гапда биринчи воқеа ифодаси бўлган биринчи компонентнинг субъекти Улар предикат Р — бўлгувси катта синовларга тайёргарлик кўрардилар тасдиқ формада. Иккинчи воқеанинг ифодаси бўлган иккинчи компонентнинг субъекти S — бу нарса предикати Р — ҳеч қачон ошкора айтилмасди инкор формада. Бунда инкор маъно—шу инкор формаси орқали берилган. Бинобарин, бу қўшма гап предикатив конструкциялари иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва синтактик муносабатларидан юзага келган умумий семантика шу гапнинг грамматик формаси сифатида лекин боғловчисининг келишини тақозо этади ва бу гап $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_n)$ формуласига



мос келади.

Кўринадики, бу гап компонентларини формал грамматик томондан ўзаро боғлаб турувчи, унинг синтактик формасини ҳосил қилувчи асосий восита, яъни грамматик форма лекин боғловчисидир.

Шуни қайд этиш лозимки, қўшма гап компонентларини фақат грамматик форма боғлайди, дейиш масалага бир томонлама ёндашиш бўлур эди. Қўшма гап компонентлари формал томондан грамматик форма орқали боғланса, мантиқ томондан анафорик бўлак, ёки таянч сўз орқали³⁵ боғланади. Бу биринчи компонентда мантиқий ургу олган бўлак бўлиб (қандай бўлак вазифасида келишидан қатъи назар), иккинчи компонентда асосан бош, баъзан эса иккинчи даражали бўлак вазифасида келади ва бунда ҳам мантиқий ургу олади. Биринчи компонентда мантиқий ургу олган бўлак, яъни анафорик бўлак иккинчи компонентда айнан такрорланиши ҳам, айнан такрорланмаслиги ҳам мумкин. Бунда унинг ўрнига синтактик синоними қўлланади. Чунончи, юқорида келтирилган гапнинг биринчи компонентда анафорик бўлак — тайёргарлик кўрардилар тасдиқ формадаги феълдан ифодаланган кесим вазифасида келган. Иккинчи компонентда эса шу анафорик бўлак ифодаланган жараён номининг синтактик синоними бу нарса — бош бўлак, эга вазифасида, яъни

³⁵ Шувалова С. А. О соотносённости смысловых отношений и союзных средств в сложносочинённом предложении. — В кн.: Сложное предложение в конструктивно-семантическом аспекте. Калинин, 1984, С. 44.

иккинчи компонентнинг грамматик субъекти вазифасида келган. Унинг предикати P — *ҳеч қачон ошкора айтилмасди* шу жараёни очиқ айтилишини инкор қилган. Бу зид маъно муносабатини келтириб чиқарган ва шунга мос равишда *лекин* зидловчи боғловчисини талаб қилган. Яна бир мисол: *У бу ердан қочиб кетишни истарди, лекин оёқлари унга итоат этмасди* (У. Ҳошимов. «Икки эшик ораси»). Бу гапда биринчи воқеа ифодаси бўлган компонентнинг субъекти S — *у* предикати P — *бу ердан қочиб кетишни истарди* тасдиқ формада. Иккинчи воқеа ифодаси бўлган компонентнинг субъекти S — *оёқлари*, предикати P — *унга итоат этмасди* инкор формада. Кўринадики, бу қўшма гап компонентлари формал жиҳатидан бири иккинчисига зид. Семантик жиҳатдан ҳам ҳар икки компонентда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва синтактик муносабатларидан юзага келган умумий маъно зид. Бунда иккинчи гапнинг субъекти S — *оёқлари* биринчи гапнинг субъекти S — *у*нинг бўлагидир. Шунингдек, биринчи гапнинг объекти, яъни тўлдирувчи *қочиб кетишни* анафорик бўлак. *У* бевосита шу жараёни юзага чиқарувчи восита *оёқлари* билан мантиқий боғлиқ. Биринчи гапнинг объекти O — *қочиб кетишни* субъект S — *у* томонидан тасдиқланади. Аммо биринчи гапнинг субъекти S — унинг бўлаги бўлган иккинчи гапнинг субъекти S — *оёқлари* буни инкор этади, натижада мантиқий зид муносабат юзага келади. Бу зид муносабат эса ўзига мос бўлган грамматик форма, яъни *лекин* зидловчи боғловчисини талаб қилади. Бу гап ҳам $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_n)$ формуласига мос келади.

Грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг T . *лекин* I . моделида инкор фақат *-ма* формаси билангина эмас, балки *эмас*, *йўқ* сўзлари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *Отам «Мирзо» ва «Фулом» тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган, лекин булар бир ерга тўпланиб чиққан эмас* (Ғ. Фулом). Мазкур гапда биринчи гап предикати P — *ёзган* тасдиқ формада, иккинчи гап предикати P — *бир ерга тўпланиб чиққан эмас* инкор формада. Бунда инкор *эмас* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланган. Бу қўшма гап компонентлари семантик жиҳатдан биринчи компонентдаги *шеърлари* ва иккинчи компонентдаги *булар* анафорик бўлаклари орқали боғланган. Биринчи гапдаги анафорик бўлак *шеърлари* тўлдирувчи, яъни объект бўлиб, у шу гапнинг субъекти S — *отам*, томо-

нидан тасдиқланган, иккинчи гапнинг субъекти S — булар биринчи гапнинг объекти O — шеърларнинг синтактик синоними инкор этилади.

Демак, биринчи компонентдаги тасдиқ маънога иккинчи компонентдаги инкор маъно зид. Бу зид маъно ўзига хос грамматик формани — *лекин* зидловчи боғловчисини талаб қилган. Бу гапнинг формуласи $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_{II})$ бўлади.

Қўлдош сузишни билиб қўйишга аҳд қилди, лекин сузишга қулай ер йўқ (Шухрат). Ушбу гапда ҳам биринчи компонентда ифодаланган воқеа тасдиқ маънода, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа инкор маънода, инкор йўқ сўзи орқали ифодаланган. Шаклий жиҳатдан биринчи компонент иккинчи компонентга зид, семантик жиҳатдан ҳам ҳар икки компонент ифодалаган маъно зид, яъни улар зид маъно муносабатларини ифодалайди. Чунки семантик жиҳатдан уларни бир анафорик бўлак — *сузиш* боғлаб турибди. Биринчи компонентда анафорик бўлак *сузишни* воситасиз тўлдирувчи — объект вазифасида келган ва субъект S — *Қўлдош* томонидан тасдиқланган. Иккинчи компонентда анафорик бўлак — *сузишга* воситали тўлдирувчи — объект вазифасида келган ва у бевосита мантиқан боғлиқ бўлган субъект S — *ер* инкор қилинган. Бунинг натижасида мантиқан зид маъно муносабати юзага келган. Бу эса ўзига мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини талаб қилган. Бундай гаплар ҳам $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_{II})$ формуласига мос келади.

Яна шундай боғловчили боғланган қўшма гаплар борки, уларнинг биринчи компоненти тасдиқ формада, иккинчи компоненти эса риторик сўроқ бўлиб инкор маънони ифодалайди. Инкор маънонинг риторик сўроқ орқали берилиши гапнинг экспрессивлигини оширади ва инкорни кучайтиради. Масалан: *Лоақал бирор дақиқага бўлса ҳам унинг олдига бирам боргим келардики, лекин бу Абубакир деганингиз менга рухсат берармиди* (Ч. Айтматов). Келтирилган мисолда биринчи гап тасдиқ формада. Иккинчи гап эса инкор маънодаги риторик сўроқ гап формасида. Бунда аслида «бу Абубакир деганингиз менга рухсат бермайди», деган маъно, яъни пресуппозиция ифодаланган. Бу маъно *-ми* сўроқ юкласи орқали берилган. Бу гапнинг экспрессив-эмоционаллигини, таъсир кучини оширишга ёрдам берган. Де-

мак, бу боғланган қўшма гапнинг ҳар икки предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва синтактик муносабатларидан англашилган умумий семантикаси зид маъно муносабатини ифодалайди. Энди семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда, бу (зид маъно муносабати) шу билан изоҳланадики, биринчи, гапда анафорик бўлак имплицит. Уни шу гап кесмининг маъно ташувчи қисми «боргим» даги *-им* эгалик қўшимчасидан аниқлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шу гап кесмининг маъно ташувчи қисмидаги *-им* эгалик формаси имплицит анафорик бўлак — *менингни*нг актуализаторидир.

Демак, биринчи гапдаги анафорик бўлак *менингни*дир. У иккинчи гапда анафорик бўлак, яъни воситали тўлдирувчи (объект *O* — *менга*) вазифасида келган. Биринчи гапдаги анафорик бўлак *менингни* шу гапнинг логик субъекти, яъни агенси ҳамдир. Биринчи гапда логик субъект — агент *S* — *менингни* томонидан бажарилиши лозим бўлган иш-ҳаракат тасдиқни билдиради. Аммо бу иш-ҳаракатнинг амалга оширилиши иккинчи гапнинг логик субъекти *S* — *Абубакир* томонидан инкор қилинади. Бошқача қилиб айтганда, бу боғланган қўшма гапнинг умумий мазмунидан биринчи гапдан англашилган предикативликка иккинчи гапдан англашилган предикативлик тўсқинлик қилиши англашилади ва зид маъно муносабатини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бу гапни $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_{п.сўр.})$ формуласи орқали ифодалаш мумкин. Яна бир мисол: *Аввалига мева кўчатлари ўтказмоқчи бўлади, лекин мева кўчатини унга ким беради* (Шуҳрат). Бу гапнинг биринчи компоненти тасдиқ форма ва тасдиқ маънодаги воқеани, иккинчи компонент эса сўроқ формада, лекин инкор маънодаги воқеани ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи компонент риторик сўроқ гап. Унинг грамматик формаси *ким* сўроқ олмоши. У (риторик сўроқ гап — *С. С.*) инкор маънодаги «мева кўчатини унга ҳеч ким бермайди» деган пресуппозицияни ифодалайди. Демак, бу боғланган қўшма гапнинг умумий мазмунидан биринчи гапдан англашилган предикативликка иккинчи гапдан англашилган предикативлик тўсқинлик қилиши англашилади ва зид маъно муносабатини юзага келтиради. Компонентларнинг зид маъно муносабати ўзига мос равишда грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини талаб қилади. Демак, грамматик жиҳатдан компонентларни ўзаро зидловчи боғловчи *лекин* боғлайди. Семантик жиҳатдан эса ҳар икки компонентни

анафорик бўлак — иккала компонентда ҳам тўлдирувчи, яъни объект вазифасида келган «мева кўчатини» бирикмаси боғлайди. Биринчи компонентда анафорик бўлак, яъни объект *О* — *мева кўчатини* имплицит субъект *S* — *у* томонидан тасдиқланади, иккинчи компонентда анафорик бўлак, яъни объект *О* — *мева кўчатини* пресуппозиция субъект *S* — *ҳеч ким* томонидан инкор этилади. Натижада зид маъно муносабати келиб чиқади. Бу боғланган қўшма гап $A(S+P_T)$ лекин

$B(S+P_{п. сур.})$ формуласига мос келади.

Т. лекин И. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг асосан биринчи компонентда, баъзан иккинчи компонентда ҳам *-у (-ю), -ку* юкламалари иштирок этади ва ўзи иштирок этган компонентнинг экспрессивлигини оширади. Масалан: *Қолхозда ишларим бошдан ошиб ётибди-ю, лекин келмасликка иложим йўқ* (Ойбек): *Ов-ку яхши бўлгану, лекин балиқни сотадиган жой йўқ* («Муштум»). *Васиятнома шундай ҳам тиклангани маълум бўлгани рост, лекин бундан боланинг хабари йўқ-ку!* (Ҳ. Умарбеков).

2. И. лекин Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компонентда ифодаланган воқеа инкор маънодаги воқеани, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа тасдиқ маънодаги воқеани ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, биринчи предикатив конструкция инкор формада, иккинчи предикатив конструкция эса тасдиқ формада бўлади. Бу икки хил предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва семантик муносабатидан юзага келган умумий семантикаси зид маъно муносабатини англатади ва бу зид маъно муносабати шундай моделдаги боғланган қўшма гапнинг грамматик формаси *лекин* зидловчи боғловчиси бўлишини тақозо этади ва у $A(S+P_{п.})$ лекин $B(S+P_T)$ формуласига мос кел

лади. Масалан: *Мен у билан гаплашмадим, лекин унинг кўзлари баъзи-баъзида узун киприклари остидан менга боқарди* (И. Раҳим). Мазкур боғланган қўшма гапнинг биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* — *Мен*, предикати *P* — *у билан гаплашмадим* — инкор формада. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* — *унинг кўзлари* предикати *P* — *баъзи-баъзида узун киприклари остидан менга боқарди* тасдиқ формада. Бунда биринчи компонентда ифодаланган инкор маъно *-ма* аффикси орқали берилган. *-Кўрнн-*

дики, бу гап икки бир-бирига зид ситуациялар ифодасидир. Бошқача қилиб айтганда, биринчи компонент семантикаси иккинчи компонент семантикасига зид ва компонентлар шу семантикага мос грамматик форма *лекин* боғловчиси орқали боғланган. Семантик жиҳатдан эса буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Бу гапни семантик жиҳатдан боғловчи анафорик бўлак биринчи компонентда объект $O — у билан$, иккинчи компонентда эса логик субъект $S — унинг$ дир. Биринчи компонентдаги объект $O — у билан$ шу гапнинг пресуппозицияси «у мен билан гаплашмади»да субъект $S — у$ вазифасида келади. Иккинчи компонентнинг логик субъекти ҳам пресуппозициянинг субъекти $S — у$ нинг айнан ўзи. Грамматик субъекти $S — кўзлари$ эса логик субъект $S — у$ га тегишли. Демак, биринчи компонентнинг пресуппозициясидаги субъект $S — у$ пресуппозиция предикатидан англашилган маънони инкор этади. Иккинчи компонентда эса логик субъект $S — унинг$ шу гап предикатидан англашилган маънони тасдиқлайди. Натижада компонентлараро зид маъно муносабати юзага келади. Демак, бу боғланган қўшма гапнинг умумий семантикасидан зид маъно англашилади ва у $A(S + P_n)$ лекин $B(S + P_r)$ формуласига мос келади:

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу гап зид маъно муносабатидан ташқари тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам англатади. Чунки бу гапни тўсиқсиз эргаш гапга трансформация қилиш мумкин. *Мен у билан гаплашмасам ҳам, унинг кўзлари баъзи-баъзида узун кийриклари остидан менга боқарди.* Аммо бундай ҳолат *лекин* зидловчи боғловчили қўшма гапларнинг *Т. лекин И.* модели турида учрамайди.

Боғланган қўшма гапларнинг *И. лекин Т.* моделида инкор *-ма* аффикси, *эмас*, *йўқ* сўзлари орқали ифодаланади. Инкор *-ма* аффикси орқали ифодаланган бу моделдаги боғланган қўшма гап семантикаси зид маъно муносабати билан бирга тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам англатади. Бунда баъзан шу маънони юзага чиқарувчи актуализатори ҳам эксплицит ифодаланиши мумкин. Масалан: *Унинг бу хатти-ҳаракати менга ёқмади, лекин шунга қарамай, ҳозир машинани бошқариб бораётганимдан хурсанд эдим* («Ш. Ю.») Бу гапда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг грамматик субъекти $S — унинг$ бу хатти-ҳаракати, предикати $P — менга ёқмади$ инкор формада. Инкор *-ма* аффикси орқали ифодаланган. Иккинчи компонент ифодаси бўлган

гапта субъект S — мен. У имплицит. Предикат P — шунга қарамай, ҳозир машинани бошқариб бораётганимдан хурсанд эдим — аниқлик майлида тасдиқ формада. Қўринадики, бу гап формаси жиҳатдан бири иккинчисига зид ва зид маъно муносабатини ифодалайди. Семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг логик субъекти S — Мен. У гапта анафорик бўлак бўлиб объект O — менга вазифасида келган ва грамматик субъект S — бу хатти-ҳаракатини инкор қилган. Буни шу гапнинг пресуппозицияси Мен унинг бу хатти-ҳаракатини ёқтирмадимдан ҳам аниқлаш мумкин. Иккинчи компонентда ифодаланган гапта ҳам логик субъект имплицит S — мен бўлиб, предикатдан англашилган маънони тасдиқлайди. У айни чоғда анафорик бўлак вазифасида ҳам келиб, компонентларни семантик жиҳатдан боғлаган. Натижада компонентлараро зид маъно муносабати юзага келган ва грамматик форма сифатида лекин зидловчи боғловчисини қабул қилган ва $A(S+P_n)$ лекин $B(S+P_T)$

формуласига мос келади. Бу гап айни чоғда кучсиз бўлса-да тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам ифодалайди. Буни шу маъно актуализатори шунга қарамасдан ҳам кўрсатиб турибди. Бу гап тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга осонгина трансформация қилинади. Унинг бу хатти-ҳаракати менга ёқмаса ҳам, ҳозир машинани бошқариб бораётганимдан хурсанд эдим. Қўринадики, *И. лекин Т.* моделидаги боғловчили боғланган қўшма гапларда фақат зид маъно муносабатининг ифодаланиши абсолют ҳолат эмас. Баъзи ҳолларда зид маъно муносабати билан бирга айни пайтда тўсиқсизлик маъно муносабати ҳам ифодаланиши мумкин. Буни шу гаптаги актуализатор шунга қарамайдан билиш мумкин. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда уларнинг грамматик формалари тўсиқсизлик маъносини ифодалагани учун актуализатор шунга қарамасдан қўллаб бўлмайди.

Инкор эмас, йўқ сўзлари орқали ифодаланган *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда фақат зид маъно муносабати ифодаланади. Масалан: *Демак, иккала соҳил ҳам унчалик баланд эмас, лекин бу ҳолат Будапештга етмасдан бузилади* (Шухрат). Келтирилган мисолда инкор форма эмас сўзи орқали ифодаланган, у биринчи компонентнинг предикати кўрсаткичи сифатида от кесим таркибида келган. Биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — соҳил, предикати P — унчалик баланд эмас — инкор формада, иккинчи ком-

понентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *бу ҳолат*, предикати P — *Будапештга етмасдан бузилади* — тасдиқ формада. Демак, бу боғланган қўшма гап компонентлари формаси жиҳатидан бири иккинчисига зид ва бу гап зид маъно муносабатини ифодалайди. Семантик жиҳатдан компонентлар анафорик бўлак иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *бу ҳолат* орқали боғланган. Анафорик бўлак *бу ҳолат* биринчи компонентда ифодаланган воқеа белгиси бўлиб, иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти вазифасида келган ва у шу гап предикати P — *бузилади* томонидан инкор этилган. Демак, бу гап зид маъно муносабатини ифодалайди ҳамда шу маънога мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилган.

Яна бир мисол: *Қор йўқ, лекин эрталаб яланғоч дарахтларда ва томларда қалингина қиров йилтирайди* (Ойбек).

Мазкур мисолда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *қор*, предикат P — *йўқ* от кесим, инкорни билдиради. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *қалингина қиров*, предикати P — *эрталаб яланғоч дарахтларда ва томларда йилтирайди* феълнинг аниқлик майлида, тасдиқ формада. Кўринадики, бу қўшма гапнинг компонентлари бир-бирига зид—бири инкорни, иккинчиси тасдиқни билдиради. Семантик жиҳатдан компонентлар анафорик бўлаклар — *қор* ва *қиров* сўзлари орқали боғланган. Қиров *қор* бўлмаса ҳам форма ва мазмун жиҳатидан унга яқин предмет. Биринчи компонентда ифодаланган гапда субъект S — *қор* инкор қилиняпти, иккинчи компонентда ифодаланган гапда субъект S — *қиров йилтирайди* тасдиқланияпти. Бу зид маъно муносабатини юзага келтирган ва қўшма гап шунга мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилган. Юқорида таҳлил қилинган ҳар икки мисол ҳам $A(S+P_n)$ лекин $B(S+P_r)$ формуласига мос келади.

-у (-ю), -ку юкламалари *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда зидлик маъносини янада бўрттириб кўрсатишга, яъни экспрессивликни оширишга хизмат қилади. Бу юкламалар асосан биринчи компонент предикатига қўшилиб, *лекин* боғловчисидан олдин келади ва шу компонентда ифодаланган семантикани таъкидлаш билан бирга умуман бутун қўшма гапдан англашилган зидлик маъносини бўрттириб келади. -*да*

юкламаси эса иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг кесимига қўшилиб келади ва гапнинг умумий маъносини бўрттириб-таъкидлаб келади. Масалан: *У батальонда снайпер деб ҳисобланмас эди-ю, лекин отишда яхши бир снайпер каби маҳоратга эгаллигини ўзи биларди* (Ойбек). *Биламан, ҳеч иш чиқмайди-ю, лекин вақт бекорга кетади-да, мулла ака, вақтга ачинаман* (Ҳ. Умарбеков). *Козимбек кўнмаётибди-ку, лекин барибир кузда тўй қиламиз* (А. Қаҳҳор).

Шуни таъкидлаш керакки, *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларни таҳлил қилганимизда компонентларидан бирида риторик сўроқ гаплар иштирок этган ҳолатни учратмадик.

3. *Т. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда ҳар икки компонентда ифодаланган гаплар тасдиқ формада бўлса-да, улар бир-бирига зид бўлган воқеаларни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, боғланган қўшма гап предикатив конструкцияларидан англашилган умумий семантика бир-бирига зид бўлади. Масалан: *Султон истаган алломалар орасида Абу Али Ибн Сино билан устод Масиҳий ҳам бор, лекин улар Султон тилагини рад этиб, Журжон томон бош олиб кетишга аҳд қилишган* (О. Ёқубов). Келтирилган мисолда ҳар икки компонентда ифодаланган гаплар тасдиқ формада бўлса-да, бу қўшма гапнинг семантикаси зид маъно муносабатини ифодалайди. Чунки бу гапда иккинчи компонентда ифодаланган гапдаги *улар Султон тилагини рад этиб* равишдош оборотидаги иккинчи даражали предикат *рад этиб* бирикмасидаги *рад* лексемасининг асосий семаси инкорни билдиради. Бу гапнинг пресуппозицияси *улар Султон тилагини қабул қилишмади ва Фазнага боришни истамайди* бўлиб, унинг (пресуппозициянинг — *С. С.*) субъекти *S* — *улар*, предикатлари *P* — *Султон тилагини қабул қилишмади*, исташмади — инкор формада. Кўринадики, бу боғланган қўшма гап компонентларида ифодаланган гаплар тасдиқ формада, уларнинг пресуппозициялари инкор формада. Шунинг учун бундай боғланган қўшма гапларнинг семантикаси зид маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос равишда грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилади. Бундай қўшма гаплар $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_T)$ формуласига мос келади.

Одатда бундай моделдаги боғланган қўшма гап компонентларининг таркибида бир-бирига зид маънодаги сўзлар иштирок этади, ёки компонентлар предикатлари

антоним сўзлар билан ифодаланеди. Масалан: 1. *Мад-раса диний мактаб, лекин риёзиёт, илму ҳикмат, ҳандаса, кимё деган фанлар ҳам ўқитилади* (М. Исмоилий). 2. *Кўплар уни таркидунё қилган бир девона деб ҳисоблар эди, лекин ҳар бир қараганда ғариб кўринган бу чол фақат табобатда эмас, бошқа илмлар бобида ҳам тенгсиз эди* (О. Ёқубов).

Биринчи мисолни таҳлил қилайлик. Бу боғланган қўшма гапда биринчи компонентдаги *диний сўзига* иккинчи компонентдаги *риёзиёт, илму ҳикмат, ҳандаса, кимё* сўзлари қарама-қарши. Худди шу сўзлар гапнинг анафорик бўлаги бўлиб, компонентларни семантик жиҳатдан ҳам узвий боғлайди. Бу гап компонентлари ўзаро зид маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини талаб этади.

Иккинчи мисолдаги боғланган қўшма гапнинг биринчи компонентининг предикатига *Р — уни таркидунё қилган бир девона деб ҳисоблар эди* нинг маъносига иккинчи компонент предикати *Р — фақат табобатда эмас, бошқа илмлар бобида ҳам тенгсиз эди* нинг маъноси қарама-қарши. Бундай конструкцияларни синтактик антонимия деб аташ жоиз бўлар эди. Бу гапнинг анафорик бўлаклари биринчи компонентда объект *О — уни* вазифасида, иккинчи компонентда субъект *С — бу чол* вазифасида келиб, компонентларни семантик жиҳатдан узвий боғлаган. Демак, бу гап зид маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилган. Бу боғланган қўшма гаплар ҳам $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_T)$ формуласига мос келади.

Айрим ҳолларда *Т. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компонентда ифодаланган воқеадан иккинчи компонентда ифодаланган воқеа баъзи томони билан устун ёки ортиқ бўлади. Бу устунлик икки воқеани бир-бирига зид қўяди. Шунинг учун ҳам бу воқеалар ифодаси бўлган гаплар ҳам зид маъно муносабатини ифодалайди ва ўзаро грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчиси билан боғланади. Масалан: *Биз бир ҳафтадан бери бу беқиёс ўлкани сайр қилиб юрибмиз, нималарни кўрмадик! Лекин бугунги воқеа ҳаммасидан ўтиб тушди* (Шухрат).

Таъкид жоизки, бундай боғланган қўшма гаплар зид маъно муносабати билан бирга қиёс маъносини ҳам ифодалайди. Чунончи, юқоридаги мисодимизда биринчи компонентдаги *нималарни кўрмадик* конструкциясининг

пресуппозицияси жуда ажойиб нарсаларни кўрдикка иккинчи компонентда бугунги воқеа қиёс қилинган ва унинг олдингисидан ортиқлиги таъкидланган. Яна мисол келтирамиз: *Чакалақзорда бир-бирига суяниб, ғуж бўлиб ётган ҳинд маҳбуслари қорамтир қўлларини кўкка чўзиб, уввос тортиб йиғлашди, лекин пастга қараб от сурган Қултегин навкарларининг ғолибона ҳайқириғи маҳбуслар нолишини кўмиб юборди* (О. Ёқубов) мазкур мисолда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *Чакалақзорда бир-бирига суяниб ғуж бўлиб ётган ҳинд маҳбуслари*, предикати P — *қорамтир қўлларини кўкка чўзиб уввос тортиб йиғлашди*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *пастга қараб от сурган Қултегин навкарларининг ғолибона ҳайқириғи*, предикати P — *маҳбуслар нолишини кўмиб юборди*. Кўринадики, биринчи гап предикати P — *уввос тортиб йиғлашди* дан иккинчи гап субъекти S — *навкарларнинг ғолибона ҳайқириғи* жуда кучли даражада эканлиги маъноси англашилади. Бу компонентлараро зид ва қиёс маъно муносабатларини келтириб чиқарган. Бу маъно муносабатини семантик жиҳатдан анафорик бўлақлар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бу гапда бир неча анафорик бўлақ мавжуд. 1) Биринчи компонент субъекти S — *маҳбусларга* иккинчи компонент субъекти S — *навкорларнинг* антоним; 2) иккинчи компонент предикати P — *уввос тортиб йиғлашди* нинг синтактик синоними *маҳбуслар нолишини* иккинчи компонентда объект вазифасида келган; 3) биринчи компонент предикати P — *уввос тортиб йиғлашди* га иккинчи компонент объекти *навкарларнинг ғолибона ҳайқириғи* синтактик антоним. Демак, бу гапда зид маъно муносабати устун. Шунинг учун ҳам бу гап *лекин* зидловчи боғловчисини грамматик форма сифатида қабул қилган. Бинобарин бу гап ҳам $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_T)$

формуласига мос келади.

-ку, -я юкламалари бундай қўшма гапларнинг биринчи компонентига қўшилиб келади ва шу компонентларнинг экспрессивлигини оширади, шу компонентда ифодаланган маънони таъкидлайди. Масалан: *Раҳмат. Бу иш яхши бўлдику-я, лекин имтиҳонга тайёрланишдан анча қолиб кетдим* (С. Назир). *...бу гаплар ҳам совуқчилик солса солар-ку, лекин менинг колхозга кириш ниятим совуқликни аллақачон солиб қўйган* (А. Қаҳҳор).

И. лекин И. моделидаги боғланган қўшма гап компонентларида ифодаланган ҳар икки гап ҳам инкор

формада бўлса-да, икки бир-бирига зид бўлган воқеаларни ифодалайди, яъни биринчи компонентда ифодаланган гапдан англашилган маънога иккинчи компонентда ифодаланган гапдан англашилган маъно зид бўлади. Масалан: *Бир оёғи йўқ, лекин ёғоч оёқда юргани билинмайди* (Шуҳрат). Бу боғланган қўшма гапнинг биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — бир оёғи предикати P—*йўқ*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S—*унинг*, предикати P—*ёғоч оёқда юргани билинмайди*, феълнинг аниқлик майлида, инкор формада. Иккинчи гаптаги *ёғоч оёқ* бирикмаси «унинг бир оёғи ёғоч оёқ, ёғоч оёқда юриш қийин» пресуппозицияларига ишора. Демак, ҳар икки компонентда ифодаланган гаплар инкор формада бўлса ҳам, иккинчи компонентнинг пресуппозициялари тасдиқ формада. Шунинг учун ҳам бу боғланган қўшма гап зид маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос равишда грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилган. Бундай гаплар $A(S+P_{II})$ лекин $B(S+P_{II})$ формуласига мос кел

←————→

лади.

Яна бир мисол: *Офтоб ҳали чиқмаган, лекин юлдузлар кўринмайди* (С. Айний). Бу қўшма гапнинг биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S—*офтоб*, предикати P — *чиқмаган* инкор формада. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *юлдузлар*, предикати P — *кўринмайди*. Феълнинг аниқлик майлида, инкор формада. Биринчи компонентдаги *ҳали* сўзи қоронғулик мавжудлиги пресуппозициясига ишора. Пресуппозиция субъекти S — *қоронғулик*, предикати P — *мавжуд* тасдиқни билдиради. Демак, қўшма гап компонентлари инкор формада бўлса-да, пресуппозиция тасдиқни билдиради. Шу сабабли бу гап зид маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос грамматик форма *лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилган. Бу гап ҳам $A(S+P_{II})$ лекин $B(S+P_{II})$ формуласига мос

←————→

келади.

Кўринадики, *И. лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гапларда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг бирор пресуппозицияси тасдиқ воқеани ифодалаб, тасдиқ формада бўлади. Иккинчи компонентда ифодаланган гап эса шу пресуппозицияга зид бўлади. Шунинг учун ҳам бундай гапларнинг грамматик формаси *лекин* зидловчи боғловчиси бўлади.

И. лекин И. моделидаги гапларда инкор -ма аффикси, эмас тўлиқсиз феъли ва йўқ сўзи орқали ифодаланади. Шунинг қайд этиш керакки, ҳар икки компонентда ҳам инкор айнан бир хил формада фақат -ма аффикси орқали берилиши мумкин. Қолган ҳолатларда қайси компонентда бўлишидан қатъи назар инкор эмас тўлиқсиз феъли ҳамда -ма аффикси ёки йўқ сўзи ҳамда -ма аффикси орқали ифодаланади. Масалан: *Уни ёлғиз қолдириш мумкин эмас, лекин сен кўпам сиқилаверма* (У. Ҳошимов). *Қўлимда пулим йўқ, лекин бундан ташвиш қилмайман* («Ш. Ю.»). *Урмон қўй суруви эмас, тарқалиб кетмайди, лекин ташвиши ундан оз эмас* («Сов. Ўзб.»). *Рост, Бухорои шарифда чин Ибн Синони кўрганлар ва билганлар бўлгани учун ўзини Ибн Сино деб аташга журъат этмади, лекин бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди* (О. Ёқубов).

Таъкид жонски, биринчи компонентда инкор йўқ сўзи билан ифодаланган *И. лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гапларнинг иккинчи компоненти инкор маънодаги риторик сўроқ гап ёки инкор формадаги фразеологик ибора (мақоллар) бўлади. Бундай гапларнинг биринчи компонентида кўпинча -ку юкламаси келиб, шу компонентда ифодаланган маънога экспрессив маъно қўшади ёхуд уни таъкидлаб келади. Масалан: *Мен ўз кўзим билан кўрганам йўғ-у, лекин шамол бўлмаса дарахт бекорга қимирламайди* (У. Усмонов). *Овулда туғишган қариндошларим йўқ-ку, лекин элиндан яқин туғишганинг бўларканми* (Ч. Айтматов).

Шундай қилиб, зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг асосий грамматик воситаларидан бири *лекин* боғловчиси бўлиб, у тўрт хил моделдаги боғланган қўшма гапларда етакчи грамматик форма бўлиб келади. Бундан ташқари, *лекин* боғловчиси ва боғловчиси билан бириккан ҳолда зид маъно муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гапларда грамматик форма сифатида иштирок этади. Бундай боғланган қўшма гаплар эски ўзбек тилида кең қўлланган. Ҳозирги пайтда эса асосан тарихий романларда ва шеърингда учрайди. Грамматик формаси ва *лекин* жуфт боғловчили боғланган қўшма гаплар зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг *Т. лекин И.* ва *И. лекин Т.* моделидаги қўшма гапларга мос келади. 1. *Т. лекин И.* моделидаги грамматик формаси ва *лекин* бўлган боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти ҳар вақтдагидек тасдиқ формада, иккинчи компоненти эса инкор формада бўлади. Масалан: *Улимдан хабарим бор*

ва лекин бундан хабарим йўқ, бегим (Ойбек). Келтирилган мисолда биринчи компонентда ифодаланган гап тасдиқ формада, иккинчи компонентда ифодаланган гап эса инкор формада. Бу формал жиҳатдан зидлик муносабатини келтириб чиқаради. Семантик жиҳатдан эса ҳар икки компонентда ҳам анафорик бўлак грамматик субъект *S* — *хабардир*. Биринчи гапда у тасдиқланяпти, иккинчи гапда эса инкор этиляпти. У имплицит логик субъект *S* — *менинг* томонидан бошқарилган. Демак, семантик жиҳатдан ҳам бу гап зид маъно муносабатини ифодалайди ва грамматик форма *ва лекин* зидловчи боғловчисини қабул қилади. Бунда *ва* зидлик маъносини кучайтирувчи таъкидловчи восита. Бундай гаплар *Т. лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гаплар каби $A(S+P_T)$ лекин $B(S+P_n)$ формуласига мос келади. Қайд этиш лозимки, бундай моделдаги грамматик формаси *ва лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар фразеологик бирикмаларга айланиш ҳолатига келиб қолган; 2) *И. лекин Т.* моделига мос келувчи грамматик формаси *ва лекин* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти инкор формада, иккинчи компоненти тасдиқ формада бўлади. Масалан: *Фақир сиз офтоби оламнинг саломатлигидан бошқа тилагим йўқдур, олампаоҳ ва лекин одамнинг саломатлиги ёлғиз унинг жисмига эмас, руҳига ҳам боғлиқдур, валинеъмат!* (О. Ёқубов). Бу қўшма гапда биринчи компонент инкор формада, иккинчи компонент тасдиқ формада. Бунда инкор *йўқ* сўзи орқали ифодаланган. Бу ҳолат зид маъно муносабатини келтириб чиқаради. Семантик жиҳатдан бу гап компонентлари анафорик бўлак — *саломатлик* орқали боғланган. Биринчи гапда анафорик бўлак объект *О* — *саломатлигидан бошқа* иккинчи гапда эса у субъект *S* — *саломатлиги* вазифасида келган. Бунда *бошқа* сўзи *сизга фақат саломатлик тилайман* пресуппозициясига ишора. Кўринадики, бу боғланган қўшма гап компонентлари семантик жиҳатдан бири иккинчисига зид эмас. Гарчи бу гап форма жиҳатидан икки компонент бир-бирига зид бўлса-да, семантик жиҳатдан бир эмас. Аксинча, бунда қиёс муносабати ифодаланган. Чунончи, уни (шу гапни — *С. С.*) форма жиҳатидан қиёсни билдирган гапга трансформация қилайлик: *Фақир сиз офтоби оламнинг саломатлигидан бошқа тилагим йўқдур, олампаоҳ, одамнинг саломатлиги эса ёлғиз унинг жисмига эмас, руҳига ҳам боғлиқдир, валинеъмат*. Демак, бу гап форма жиҳатидан зид, семантик жиҳатдан қиёс муносаба-

тини билдиради. Шунинг учун бу гапнинг грамматик формаси эса боғловчиси бўлиши гапнинг семантикасига кўра тўғри бўлар эди. Бироқ ёзувчи гапнинг экспрессивлигини, таъсир кучини ошириш ҳамда асарнинг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда *ва лекин* боғловчисини қўллаган. Бу гап $A(S+P_{п})$ ва лекин $B(S+P_{т})$ форму-

ласига мос келади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бундай грамматик формадаги (*ва лекин* — С. С.) боғланган қўшма гап компонентларида бир-бирига зид ҳолда кетма-кет юз берган воқеалар ифодаланади. Шу билан бирга *ва* боғловчиси маълум даражада зидлик маъносининг экспрессивлигини оширишга ёрдам беради.

ГРАММАТИК ФОРМАСИ АММО БОҒЛОВЧИСИ БУЛГАН БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Аммо боғловчиси *лекин* боғловчиси каби икки сўз ёки икки гапни ўзаро зидлаш йўли билан боғлайди. Бошқача қилиб айтганда, бир-бирига қарама-қарши модус ёки воқеа ифодаси бўлган сўз ёки гап (предикатив конструкциялар)ни ўзаро боғлайди. Грамматик формаси *аммо* боғловчиси билан боғланган қўшма гаплар ҳам грамматик формаси *лекин* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар каби тўрт моделга эга.

1. *Т. аммо И.* Бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар *Т. лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гаплардек биринчи компонентида ифодаланган гап тасдиқ формада, иккинчи компонентида ифодаланган гап эса инкор формада бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи гапда ифодаланган воқеа тасдиқни, иккинчи гапда ифодаланган воқеа инкорни билдиради ва зид маъно муносабатини ифодалайди. Боғланган қўшма гапларнинг бундай моделида ҳам инкор *-ма* аффикси, *эмас* тўлиқсиз феъли ҳамда *йўқ* сўзи орқали ифодаланади. Масалан: *Аслида донишманд кишилар қашшоқлар орасида етишади, аммо афсуски, қашшоқлар ўқиши учун имкон топа олмайдилар* (С. Айний). Мазкур мисолда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* — *донишманд кишилар*, предикати *P* — *қашшоқлар орасида етишадилар*, феълнинг аниқлик майлида, тасдиқ формада. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* — *қашшоқлар*, предикати *P* — *ўқиши учун имкон топа олмайдилар*, феълнинг аниқлик майлида, инкор формада. Бунда инкор *-ма* аффикси орқа-

ли ифодаланган. Кўринадики, бу гапда формал жиҳатдан компонентлар ўзаро зид. Семантик жиҳатдан ҳам бу гап компонентлари ўзаро зид маъно муносабатида. Чунки бу гапда анафорик бўлак *қашшоқлар*. Биринчи гапнинг субъекти S — *донишманд кишилар* анафорик бўлак объект O — *қашшоқлар* ораеида бўлиши тасдиқланган. Иккинчи гапда эса анафорик бўлак субъект — *қашшоқлар* бўлиб уларнинг ўқиши инкор этилган. Шу билан бирга семантик жиҳатдан *донишманд* сўзи билан *ўқиш* сўзи бир-бирига яқин. Шундай қилиб, бу гапда зид маъно муносабати юзага келган ва бу маъно ўзига мос *аммо* зидловчи боғловчисини қабул қилган. Бу гап $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_{\Pi})$ формуласига мос келади.

Шуни айтиш керакки, бу гапда *лекин* зидловчи боғловчисини ҳам қўллаш мумкин. Бунда гапнинг семантикасига ҳам, формуласига ҳам путур етмайди.

Т. аммо И. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг шундай тури ҳам борки, унда иккинчи компонентнинг предикати от кесим билан ифодаланган бўлиб, инкор форма — *сиз* аффикси шу от кесимга қўшилади. Бундай инкор формали боғланган қўшма гаплар *Т. лекин И.* моделида учрамади. Масалан: *Кундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар. Аммо кеча ҳам кундуз сингари мурувватсиз* (М. Исмоилий). Мазкур гапнинг биринчи компонентида ўз ифодасини топган воқеа тасдиқни, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа эса инкорни билдиради. Яъни, биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *одамлар*, предикати P — *кечадан роҳат кутадилар*, иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *кеча*, предикати P — *кундуз сингари мурувватсиз*. Кўринадики, ҳар икки компонент ҳам форма, ҳам маъно жиҳатдан зид, яъни биринчи гапдан англашилган маънони иккинчи гапдан англашилган маъно инкор этади ва зид маъно муносабати вужудга келади. Бу гап мантиқан икки анафорик бўлак — *кундуз* ва *кеча* сўзлари орқали боғланали. Семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда қўшма гапнинг биринчи компонентида уч пропозиция — *кундузлари иссиқдир*³⁶, *иссиқ одамларни беҳол қилади*, *одамлар кечадан роҳат кутадилар* ва бир пресуппозиция *кечалари салқин бўлади* мавжуд эканлиги, иккинчи компонентда эса икки пропозиция — *кеча ҳам мурувватсиз*,

³⁶ «Кундузлари иссиқдир» пропозицияси аслида асар пресуппозициядир. Бу ҳақда *қаранг*: Новое в зарубежной литературе. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. Москва: Прогресс. 1988, С. 82.

кундуз ҳам мурувватсиз ва бир пресуппозиция — *кеча ҳам иссиқ* мавжудлиги қўшилади. Бунда биринчи гапнинг пресуппозицияси — *кечалари салқин бўладига* иккинчи гапнинг пресуппозицияси — *кечаси ҳам иссиқ* зид. Демак, бу гап семантик жиҳатдан ўзига мос грамматик форма *аммо* зидловчи боғловчисини қабул қилади ва $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_n)$ формуласига мос кела-

ди. *Т. аммо И.* моделида ҳам *Т. лекин И.* моделидаги каби инкор *-ми* юкламаси ёрдамида ҳосил бўлган риторик сўроқ орқали ифодаланган боғланган қўшма гаплар мавжуд. Масалан: *натта келинлар-ку нега оч қолганини тушунишадик-куя, аммо болалар бунинг фарқига етармиди* («Шарқ юлдузи»). Мазкур мисолда биринчи компонент тасдиқ формада ва тасдиқни билдиради, иккинчи компонент эса риторик сўроқ бўлиб, инкор маънони, яъни *болалар бунинг фарқига етмайдилар* пресуппозициясини англатади. Бу *-ми* юкламаси орқали берилган. Бошқача қилиб айтганда, *-ми* шу пресуппозициянинг актуализаторидир. Қўринадики, биринчи компонент пресуппозициясидан англашилган маънога зид. Бу ўринда иккинчи компонентнинг риторик сўроқ формасида қўлланиши гапнинг экспрессив-эмоционаллигини, таъсир кучини оширишга ёрдам берган. Бинобарин бу гап компонентлари форма жиҳатидан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам бир-бирига зид ва у *аммо* боғловчисини грамматик форма сифатида қабул қилган. Шунинг учун ҳам бу гап $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_n)$ формуласига мос келади.

Шуни қайд этиш лозимки, боғланган қўшма гапларда иккинчи компонент фақат *-ми* юкламаси орқали ҳосил бўлган риторик сўроқ гаплар эмас, балки грамматик формаси *нима, не* сўроқ олмошлари бўлган риторик сўроқ гаплар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: *Ўғлимни чиқазиб оламан деб ўзини роса ўтгаям, чўққаям урди, аммо энди бундан нима фойда!* («Тошкент оқшоми»). Қўринадики, бу гапнинг иккинчи компоненти *нима* олмоши ёрдамида ҳосил бўлган риторик сўроқ гап. *Нима* инкор маънони ифодаловчи (энди бундан фойда йўқ) пресуппозициясининг актуализаторидир. Демак, бу гапнинг компонентлари ҳам грамматик жиҳатдан, ҳам семантик жиҳатдан ўзаро зид. Бинобарин, бу зидлик гапнинг грамматик формаси *аммо* боғловчиси бўлишини тақозо этади ва бу гап ҳам юқорида қайд этилган форму-

лага мос келади. Маълумки, *нима* олмоши эски ўзбек тилида қисқарган *не* формада қўлланган. Шунинг учун ҳам эски ўзбек тилида боғланган қўшма гапларнинг иккинчи компонентда *не* олмоши орқали ҳосил бўлган риторик сўроқ гаплар қўлланган. Бу нарса ҳозирги пайтда тарихий мавзудаги бадиий асарларда ҳам учрайди. Масалан: *Исфаҳон ёнида бир форни макон қилиб, кўксини заҳға бериб, зоҳидлик қилиб ётибди, аммо бундан не фойда?* (О. Ёқубов). *Айтмасанг ҳам англадим бунди. Ўзинг билган Шокалон айтди. Аммо не чора, бегим?* (О. Ёқубов). Келтирилган мисолларда биринчи компонентлар тасдиқ маънода ва тасдиқ формада, иккинчи компонентлар эса *не* олмоши орқали ифодаланган риторик сўроқ гап формасида, *не* шу риторик сўроқ гаплар пресуппозицияларининг актуализатори. Бу гапларнинг биринчи компонентлари иккинчи компонентнинг пресуппозицияларига формал жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам зид. Шунинг учун ҳам бу гапларнинг грамматик (синтактик) формаси *аммо* боғловчиси бўлиб, улар $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_{\Pi})$ формуласига

мос келади.

Т. аммо -И. моделидаги боғланган қўшма гапларда инкор яна *на... на* боғловчилари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Бу ерга олиб келгунча эса етти иқлим ҳақимларига кўрсатганлар, аммо ҳеч бир табиб, на Чин, на Ҳинд ва на Рум ҳақимлари шўрликнинг жонига оро кирганлар, дардига даво топганлар* (Л. Қаюмов). *Шу кўрпачада ўтириб амирга ҳамма сирни сўзлаб берган эди. Аммо амир бу одамнинг на сўзига инонди ўшанда, на тўккан обидайдасига!* (О. Ёқубов). Бу боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти тасдиқ маъно ва тасдиқ формада, иккинчи компоненти эса инкор маъно ва инкор формада, инкор *на ... на* боғловчилари орқали ифодаланган. Бу гап компонентлари ҳам грамматик жиҳатдан, ҳам семантик жиҳатдан зид маъно муносабатини ифодалайди. Бу нарса бу гапларнинг грамматик формаси—*аммо* боғловчисини тақозо этади. Бинобарин бу боғланган қўшма гаплар $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_{\Pi})$ формуласи билан ифодаланади.

Т. аммо И. моделидаги боғланган қўшма гап таркибида *-у (-ю), -ку, -я, -да* юкламалари иштирок этиб, у қайси компонент таркибида иштирок этган бўлса, шу компонент семантикасини таъкидлаб, кучайтириб келади. *-у (-ю), -ку, -я* юкламалари асосан биринчи компо-

нент предикатига қўшилиб келади ва зидлик маъносини янада кучайтиради. -да юкламаси иккинчи компонент предикатига қўшилиб, шу компонент ифодалаган маънонинг экспрессивлигини оширади. Масалан: *Унга бошқача назар билан, пинҳона қарай бошлаганимни у сезди-ми-йўқми, аниқ билмайман-у, аммо у ҳам энди бизни-кига илгаригидай ҳадеб чиқавермас, мен боримда ўзини олиб қочар эди* (Ҳ. Усмонов). *У жуда кўп ўқирди-ю, аммо ўзлаштириши қийин эди* («Ёш ленинчи»). *Биз ўзимизникини териб олармиз-ку, аммо гап бунда эмас* (Ойбек). *Ҳаммаси ҳам майли-я, аммо бу ниятингга осонликча эриша олармикансан?* (С. Аҳмад). *Камол, мен ўз ўрнимни сенга бериб, сенинг аравангда сув ташийверардим-у, аммо сен бунга кўнмайсан-да* (Ч. Айтматов).

И. аммо Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар каби биринчи компонентда ўз ифодасини топган воқеа инкор воқеани, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа тасдиқ воқеани билдиради, бошқача қилиб айтганда, биринчи предикатив конструкция инкор формада, иккинчи предикатив конструкция тасдиқ формада бўлади. Шу сабабли бу предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатлари орқали англашилган зид маъно бундай моделдаги боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси *аммо* боғловчиси бўлишини талаб қилади. Бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар $A(S+P_n)$ аммо $B(S+P_r)$ формуласига мос келади. Маса-

лан: *Йўқ, бари-бир мен истаган жойгача етишмади, аммо шу ердан ҳам туянусха қоя баралла кўриниб турарди* (Ҳ. Усмонов). Мазкур гапнинг биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* улар эксплицит ифодаланмаган, предикати *P* — *барил-бир мен истаган жойгача етишмади* — инкор формада. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S* — *туянусха қоя*, предикати *P* — *шу жойдан ҳам баралла кўриниб турарди* — тасдиқ формада. Бу гапда инкор -*ма* аффикс орқали ифодаланган. Кўринадики, компонентлар грамматик жиҳатдан ўзаро зид муносабатда. Семантик жиҳатдан эса биринчи компонент предикатидан англашилган маънони шу гапнинг имплицит субъекти *S* — *улар* инкор этади. Иккинчи компонент предикатидан англашилган маъно субъект *S* — *туяқушнусха қоя* тасдиқлайди. Компонентлар семантик жиҳатдан анафорик бўлаклар — *мен истаган жойгача* ва *шу ердан ҳам* орқали боғлана-

ди. Демак, компонентлар мазмуний жиҳатдан ҳам зид маъно муносабатида. Бу шу гапнинг грамматик формаси аммо боғловчиси бўлишини тақозо этади ва $A(S+P_{\text{п}})$ аммо $B(S+P_{\text{т}})$ формуласига мос келади.

Яна бир мисол: *Мен уни кўрмадим, аммо у мени узоқдан кўриб турган экан, чақириб қолди* («Табассум» радио журналидан). Бу боғланган қўшма гап биринчи компонентининг субъекти *С* — *мен*, предикати *Р* — *уни кўрмадим* инкор формада. Инкор *-ма* аффикси орқали ифодаланган. Иккинчи компонент субъекти *у*, предикати *Р* — *мени узоқдан кўриб турган экан, чақириб қолди* тасдиқ формада: Бу гап компонентлари грамматик жиҳатдан зид эканлигини кўрсатмоқда. Бу гап компонентлари семантик жиҳатдан ҳам зид маънолар муносабатида. Чунки биринчи компонент предикатидан англашилган маънони субъект *С* *-мен* инкор этади. Иккинчи компонент предикатидан англашилган маънони эса субъект *-у* тасдиқлайди. Бу гап компонентлари семантик жиҳатдан анафорик бўлаклар — *кўрмадим* ва *кўриб турган экан* орқали боғланган. Демак, бу гапнинг грамматик формаси аммо боғловчиси бўлишини унинг семантикаси, яъни компонентларнинг зид маъно муносабати тақозо этган ва $у A(S+P_{\text{п}})$ аммо $B(S+P_{\text{т}})$

формуласига мос келади.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплардан фарқли ўлароқ бу моделда, яъни *И. аммо Т.* да инкор фақат *-ма* аффикси орқали ифодаланиши кузатилди. Инкорнинг *йўқ, эмас, -сиз* каби грамматик формалар орқали ифодаланиш ҳолатлари бу моделдаги боғланган қўшма гаплар учун тўпланган материалларда учрамади.

И. аммо Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг таркибида *-у (-ю)* юкламаси (биринчи компонент кесимига қўшилиб) келиб, шу гапдан англашилган зид маънони кучайтириб, гапнинг экспрессивлигини оширади. Масалан: *Унинг нима деганини ҳеч ким эшитмади-ю, аммо Ҳосиятнинг чиройи очилиб, иккинчи танаффусдаёқ ўртоқлари билан қўшилиб йўнаб кетди* (Ҳ. Усмонов).

Т. аммо Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки компонентда ифодаланган гаплар тасдиқ формада бўлса-да, уларда ўз ифодасини топган воқеалар бир-бирига зид воқеалардир. Бинобарин бу воқеаларнинг ифодаси бўлган гап предикатив конструкцияларидан англашилган умумий семантика зид маъно му-

носабатини ифодалайди ва грамматик форма сифатида аммо боғловчисини қабул қилади. Масалан: *Мана, ҳозир ҳам кўчада Зулҳуморни етаклаб келяпти-ю, аммо бутун хаёли қизчасининг боя айтган гапида* (Ҳ. Усмонов). Бу гапнинг биринчи компонентида логик субъект S — *у* грамматик имплицитдир. Предикат P — *мана, ҳозир ҳам кўчада Зулҳуморни етаклаб келяпти-ю*. Иккинчи компонентда грамматик субъект S — *бутун хаёли*, предикат P — *қизчасининг боя айтган гапида*. Бу компонентдаги грамматик субъект S — *бутун хаёли* биринчи компонентдаги логик субъект S — *у* га тегишли. Кўринадики, биринчи компонентда логик субъект S — Унинг физик ҳолати ифодаланган. Иккинчи компонентда эса логик субъект — Унинг психик ҳолати ифодаланган. Аммо бу ҳолатлар бири иккинчисига номутаносиб, бошқача қилиб айтганда, субъектнинг физик ҳолатига психик ҳолати (вид. Демак, бу гап زيد маъно муносабатини ифодалайди ва шунга мос равишда аммо боғловчисини грамматик форма сифатида қабул қилган. Бу гап $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_T)$ формуласига мос келади.

↔

Манзура опам бўлса мен турган хонада ўтирганча тикиши-чатишлари билан бандлар-у, аммо фикри-хаёллари нариги уйда (Ҳ. Усмонов). Бу гапда ҳам худди юқорида келтирилган мисолдаги ҳолатни кўриш мумкин. Бу гап ҳам $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_T)$ формуласига мос

↔

келади. Баъзан *Т. аммо Т.* моделидаги қўшма гапларнинг семантикаси бир неча маъно муносабатини ҳам ифодалаш мумкин. Масалан: *Бировлар шахмат суради, бировлар зериккандан карта ўйнайди, бировлар жуфт-жуфт бўлиб келганча беғам бир кайфиятда ундан-бундан суҳбатлашиб ётади, аммо кўпчилик газета ва китоб ўқийди* (Ҳ. Усмонов). Келтирилган мисолнинг ҳар икки компоненти ҳам тасдиқ формада. Биринчи компонент уч содда гапдан ташкил топган. Биринчи гапнинг субъекти S — *бировлар*, предикати P — *шахмат суради*, иккинчи гапнинг субъекти S — *бировлар*, предикати P — *зериккандан карта ўйнайди*, учинчи гапнинг субъекти S — *бировлар*, предикати P — *жуфт-жуфт бўлиб олганча беғам бир кайфиятда ундан-бундан суҳбатлашиб ётади*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапда субъект — S — *кўпчилик*, предикат P — *газета ва китоб ўқийди*. Бунда биринчи компонентда ифодаланган гаплар субъектларнинг миқдорий суммаси иккинчи компонентда ифодаланган гап субъектининг миқдоридан кам,

бошқача қилиб айтганда, иккинчи компонент субъекти биринчи компонентда ифодаланган гаплар субъектларига нисбатан микдорий устунликка эга. Бу субъектларнинг микдорий номутаносиблиги зидлик маъно муносабатини юзага келтирган ва бу гапнинг грамматик формаси сифатида аммо боғловчиси бўлишини тақозо этган. *Т. аммо Т.* моделидаги аксарият қўшма гапларда зидлов маъно муносабати билан бирга қиёс маъно муносабати ҳам мавжуд бўлади. Чунончи, юқоридаги мисолда ҳам зид маъно муносабати билан бирга қиёс маъноси ҳам мавжуд, бироқ бунда зид маъно етакчи маънодир. Шунинг учун бу гап $A(S+P_T)$ аммо

$B(S+P_T)$ формуласига мос келади. Яна бир мисол: *Осмон кенг, уфқ поёнсиз, денгиз чуқур, табиат саҳий, аммо мана шу фазилатларнинг ҳаммаси биргина она қалбида мужассам* (Ҳ. Фулом). Мазкур гапни семантик жиҳатдан таҳлил қилинганда аммо боғловчисининг уч вазифани бажариши маълум бўлади. Бу гапда аммо боғловчиси биринчи навбадда иккинчи компонент семантикасини кучайтирувчи, бўрттириб кўрсатувчи восита сифатида юклама вазифасини бажарган. Буни шу гапни аммо боғловчисиз қўллаш яъни боғловчисиз қўшма гапга трансформация қилиш орқали аниқлаш мумкин: *Осмон кенг уфқ поёнсиз, денгиз чуқур, табиат саҳий, мана шу фазилатларнинг ҳаммаси биргина она қалбида мужассам.*

Келтирилган гап семантик жиҳатдан қиёс ва зид маъно муносабатини ифодалайди. Биринчи компонент тўртта содда йиғиқ гапдан ташкил топган бўлиб, субъектлари S — *осмон*, S — *уфқ*, S — *денгиз*, S — *табиат* ҳақидаги ҳукмларга (P — *кенг*, P — *поёнсиз*, P — *чуқур*, P — *саҳий*) иккинчи компонентнинг логик субъекти S — *она* ҳақидаги ҳукм қиёсланган. Шу билан бирга бу маъно муносабатига зид маъно муносабати ҳам уйғунлашган. Чунки биринчи компонент субъектлари ҳақидаги ҳукмларнинг ҳажм ва кўлами иккинчи компонент логик субъекти S — *онанинг қалби* ҳажми ва кўламига мантқан зид. Бу предикатив бирликларнинг синтактик антонимияси орқали юзага чиққан ва бу гап $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_T)$ формуласига мос келади.

Кўринадики, *Т. аммо Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда зид маъно муносабатининг ифодаланиши ҳамда аммо боғловчисининг фақат шу маъно муносабатини ифодаловчи гапларнинггина грамматик форма-

си бўлиб келиши мутлоқ ҳолат эмас. Демак, у маъно кучайтирувчи восита сифатида ҳам қўлланиши ва қиёс маъно муносабатини ифодаловчи гапларнинг ҳам грамматик формаси бўлиб келиш хусусиятига ҳам эга.

Т. аммо Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг предикатлари кўпинча бир-бирига зид маънодаги сўзлар билан ёки антоним сўзлар билан ифодаланади. Масалан: *Одамлар бир уйқуни олган, аммо оқшомда учрашган икки соя ҳамон кўчама-кўча, қадам-бақадам юрибди* (Ҳ. Шамс). Келтирилган мисолнинг иккинчи компонентдаги ҳамон сўзи икки соя ухламаган пресуппозициясининг актуализаторидир. Биринчи компонентда ифодаланган пропозициянинг предикати Р — *бир уйқуни олган* шу пресуппозициянинг предикати Р — *ухлашмаганга* қарама-қарши. Демак, бу гап семантик жиҳатдан зид маъно муносабатини ифодалайди. Шунинг учун ҳам аммо боғловчиси бу гапнинг грамматик формаси бўлиб келиши табиий. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. *Заводчилар, бойлар, шаҳар катталари ишчиларнинг талабларини қондиришга ваъда қилдилар, аммо орадан уч кун ўтмай ҳоким билан полиция қамоқ бошлаб юборди* (М. Исмоилий). *Ёмғир тинди, аммо жўякларда сув ҳали ҳам шилдирамоқда эди* (С. Назар). *Урушдан фақат бойлар манфаат топади, аммо камбағаллар хонавайрон бўлди* (М. Иброҳимов). *Майли биз ҳалок бўлайлик, аммо халқимиз мангу яшасин* (Уйғун). Бу мисоллар ҳам $A(S+P_T)$ аммо $B(S+P_T)$

формуласига мос келади.

Т. аммо Т. моделидаги қўшма гапларнинг таркибид асосан биринчи компонент охирида *-ку, -у (-ю)* юкламалари келиб шу гапдан аёнлашилган маънони таъкидлаб кучайтириб келади. Масалан: *ўзи тузук оиладан, ака-ука, опа-сингиллари кўп-у, аммо ҳаммалари тиниб-тинчиб кетган хонадон экан* (Ҳ. Усмонов). *Душман ўқи ярадор қилган оғриқни писанд қилмай, яна жангга кириб кетар эди-ю, аммо сенинг қалбинг яраланиб қоларди, она!* (С. Аҳмад).

И. аммо И. моделидаги боғланган қўшма гаплар грамматик формаси аммо зидловчи боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг бошқа моделларига нисбатан кам қўлланади. Бундай моделдаги боғланган қўшма гапларнинг *И. лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гаплар каби ҳар икки компонентлари ҳам инкор формада бўлса-да, зид маъно муносабатини ифодалайди. Яъни биринчи компонентда ифодаланган гапнинг

маъносига иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг маъноси зид. Масалан: *Эртаю кеч меҳнатдан бўшамайди булар ҳам, аммо унумда эса барака йўқ* (Ҳ. Усмонов).

Мазкур гапнинг биринчи компонентида ифодаланган гапнинг субъекти S — *булар ҳам*, предикати P — *эртадан кечгача меҳнатдан бўшамайди*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти S — *унумда*, предикати P — *барака йўқ*. Эрта-ю кеч ишлагач, унумнинг баракали бўлиши мантиқий жиҳатдан тўғри. Бу ерда зид маъно муносабатини юзага келтирган нарса мантиққа зид равишда бараканинг йўқлиги. Демак, биринчи компонентнинг умумий семантикасидаан англашялган «унум» ҳам баракали бўлади пресуппозициясига иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг семантикаси зид. Бинобарин бу гапнинг грамматик формаси аммо боғловчиси бўлиши мазмуний жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам тўғри ва бу гап $A(S + P_n)$ аммо $B(S + P_n)$ формуласига мос келади.

Таъкидлаш лозимки, бундай моделдаги боғланган қўшма гапларда инкор асосан *-ма* инкор формаси ҳамда *йўқ* сўзи орқали ифодаланади. Баъзи ҳоллардагина иккинчи компонент риторик сўроқ формасида бўлиши мумкин. *Ҳаёт жавоб қилмади, аммо нималар ўйлаганини, кўнглида нималар борлигини Фуломжон қаердан билади?* (М. Исмоилий). *Қиз боланинг уйланган эркак киши билан учрашувви яхши эмас, аммо кишиларнинг бир-бири билан сўзлашувини қандай ман этиб бўлади* («Ш. Ю»).

Аммо-лекин жуфт зидловчи боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар грамматик формаси *лекин, ва, аммо* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар каби тўрт хил моделда: *Т. аммо-лекин И.; И. аммо-лекин Т.; Т. аммо-лекин Т.; И. аммо-лекин И.* бўлади. Бундай гапларда грамматик формаси *лекин, аммо* боғловчилари билан боғланган қўшма гапларга нисбатан зидлик маъноси кескинроқ ва кучлироқ бўлади, яъни бу икки боғловчи жуфт ҳолда келганда иккинчи компонентнинг маъносини таъкидлаб кучайтиради ва унинг экспрессивлигини оширади. Бундай гапларнинг семантикаси фақат зид маъно ифодалайди. Масалан: *Қорабулоқдан икки тоғи бўлими бунда истиқомат этадур,— деди маҳдум қозига қараб, аммо-лекин алардин «ҳолинг нечук» дегувчи йўқ* (М. Исмоилий). *Мен баҳо бермоқчи эмасман, ука, аммо-лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз!* (А. Мухтор).

Т. аммо-лекин И. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти тасдиқ, иккинчи компоненти эса инкор формада, *И. аммо-лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда бунинг акси, яъни биринчи компонент инкор, иккинчи компонент эса тасдиқ формада бўлади. Бу шу моделдаги боғланган қўшма гаплар семантикасида зид маъно муносабатини юзага келтиради. Бундай моделлардаги боғланган қўшма гапларда инкор эмас ва йўқ сўзлари орқали ифодаланadi. Масалан: *Халқ халқ бўлиб бировни алдаган эмас, аммо-лекин, халқни алдаганлар бўлган* (М. Исмоилий). Бундай типдаги боғланган қўшма гаплар $A(S+P_{\text{п}})$ аммо-лекин $B(S+P_{\text{т}})$ формуласига мос келади.

Сиз боринг демоқчи эмасман, аммо-лекин ўзим, албатта, бораман (Ас. Мухтор). Бу хил моделдаги боғланган қўшма гаплар $A(S+P_{\text{п}})$ аммо-лекин $B(S+P_{\text{т}})$ формуласига мос келади.

Т. аммо-лекин Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки компоненти тасдиқ формада. Бундай гапларда зид маъно компонентлардаги антоним сўзлар ёки синтактик антонимия орқали юзага чиқади. Масалан: *Сен билан бизнинг чоригимиз эски бўлса ҳам, назаримиз тўқ, аммо-лекин улар ҳаммиша ёғ ичида яшасалар ҳам, ўлгудай очкўз бўладилар* (Ҳ. Шамс). Бу гапда ҳар икки компонент ҳам тасдиқ формада. Бунда зид маъно предикатив бирликлардаги антоним сўзлар (*тўқ ва очкўз*) ҳамда синтактик антонимия (*чоригимиз эски бўлса ҳам ва ёғ ичида яшасалар ҳам*) орқали ҳосил бўлган яъни биринчи компонентда тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап ифодаланган бўлиб, унинг эргаш гапининг субъекти S — *сен билан бизнинг чоригимиз*, предикати P — *эски бўлса ҳам*, бош гапининг субъекти S — *назаримиз*, предикати P — *тўқ*. Иккинчи компонентда тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап эргаш гапининг субъекти S — *улар*, предикати P — *ёғ ичида яшасалар ҳам*, бош гапининг субъекти S — *Улар* (имплицит), предикати P — *ўлгудай очкўз бўладилар*. Қўринадики, бу боғланган қўшма гап компонентлари бири иккинчисини инкор этади ва зид маъно муносабатини ҳосил қилади. Бу маъно муносабати шу гапнинг грамматик формаси сифатида *аммо-лекин* боғловчисини қабул этади. Бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар $A(S+P_{\text{т}})$ аммо-лекин $B(S+P_{\text{т}})$ формуласига мос келади.

Таъкид жоизки, биз тўплаган маълумотларда грамматик формаси *аммо-лекин* боғловчилари бўлган *И. аммо-лекин И.* моделидаги боғланган қўшма гаплар учрамади.

ГРАММАТИК ФОРМАСИ *БИРОҚ* БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Бироқ боғловчиси *лекин* ва *аммо* боғловчилари каби боғланган қўшма гапларда икки бир-бирига қарама-қарши бўлган воқеаларнинг ифодаси бўлган гапларни, яъни предикатив бирликларни ўзаро зидлик йўли билан боғлайди.

Грамматик формаси *бироқ* боғловчиси бўлган бундай боғланган қўшма гаплар грамматик формалари *лекин*, *аммо* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар сингари тўрт хил моделга эга.

Т. бироқ И. моделидаги боғланган қўшма гаплар *Т. лекин И.* ва *Т. аммо И.* моделига ўхшашдир, яъни биринчи компонент тасдиқ формада, иккинчи компонент инкор формада, яъни биринчи компонент ифодаси бўлган воқеа тасдиқни, иккинчи компонент ифодаси бўлган воқеа инкорни билдиради. Улар ўртасидаги муносабат зид муносабат бўлиб, бу воқеаларнинг ифодаси бўлган гапда бу муносабат зидловчи боғловчи *бироқ* орқали ифодаланган. Бошқача қилиб айтганда, бу муносабат шу гап компонентларини ўзаро боғлашда грамматик форма сифатида *бироқ* боғловчисини қўллашни тақозо этади. Масалан: *Сўнгра хаёл сура бошлади, бироқ ўйлари ҳам димоғини чоғ этмади.* Мазкур мисолда биринчи компонентнинг субъекти *S — у* бўлиб, у имплицит, предикат *P — сўнгра хаёл сура бошлади.* Иккинчи компонентнинг субъекти *S — ўйлари*, предикати *P — димоғини чоғ этмади.* Кўринадики, бу боғланган қўшма гап грамматик жиҳатдан зид муносабатда. Мазмуний жиҳатдан ҳам зид маъно муносабатини ифодалайди. Чунки бу қўшма гапнинг логик субъекти *S — у.* Иккинчи компонентдаги бир неча пресуппозициясининг актуаллизатори: *у хафа эди; хафалигини ёзиш учун хаёл сура бошлади.* Иккинчи компонент семантикаси шу пресуппозиция семантикасига зид. Бу гап компонентларини анафорик бўлаклар *хаёл* ва *ўйлари* мазмуний жиҳатдан ўзаро боғлайди. Демак, бу гап мазмуний жиҳатдан зид маъно муносабатини ифодалайди ва шу маънога мос равишда *бироқ* зидловчи боғловчисининг грамматик формаси сифатида келишини талаб қилади. Бундай гаплар $A(S+P_T)$ *бироқ* $B(S+P_n)$ формуласига мос келади.

Т. бироқ И. моделидаги боғланган қўшма гапларда инкор маънони ифодалашда *-ма* инкор аффикси, *эмас* тўлиқсиз феъли ва *йўқ* сўзи қўлланади. Бу грамматик кўрсаткичлар шу моделда зид маъно муносабатини юзага келтирувчи воситалардир. Масалан: *Яна гулхан ловуллаб ёнади, бироқ гулхан ёнида Райҳона эмас, Ибн Сино (О. Ёқубов). Маккажўҳори бир эмас, икки марта, уч марта думбул бўлди, бироқ Жайноғимиз қайтиб келгани йўқ* (Ч. Айтматов) ва ҳ. к.

Баъзи ҳолларда иккинчи компонентда инкор маънони ифодалашда риторик сўроқ гаплар келиб, зидлик маъносини янада кучайтиради. Масалан: *Келинимнинг елкасига бошимни қўйдим, бироқ қани уйқу келса, ухлаб бўлармиди?* («Ш. Ю»). Бу гапда биринчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S — мен* (— имплицит), предикат *P — келинимнинг елкасига бошимни қўйдим*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг субъекти *S — уйқу*, предикати *P — қани келса, ухлаб бўлармиди*. Кўринадики, грамматик жиҳатдан бу гапда зидлик сезилмайди. Мазмуний жиҳатдан эса бу гап зид маъно муносабатини билдиради. Чунки иккинчи компонент пресуппозицияси «уйқу келмади ва ухлаб бўлмади»га биринчи компонент шакл ва мазмун жиҳатидан зид. Шунинг учун ҳам бу зид маъно шу гапнинг грамматик формаси *бироқ* зидловчи боғловчиси бўлишини тақозо этган. Бундай типдаги гаплар ҳам $A(S+P_T)$, *бироқ B(S+P_n)* формуласига мос келади.

-у (-ю), -ку, -я юкламалари *Т. бироқ И.* моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти таркибида келиб, шу компонент ифодалаган семантикани кучайтириб келади. Масалан: *Болагимда уларнинг кўпини кўрганману, бироқ ўша «Дедушка» деганимиз ҳали кўз ўнгимдан кетмайди* (Ҳ. Усмонов). *Менинг-ку, албатта, жонимни олади-я, бироқ унинг ўзи ҳам тинчмайди, ахир* (Ч. Айтматов).

И. бироқ Т. моделидаги боғланган қўшма гаплар ҳам *И. лекин Т., И. аммо Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларнинг айнан ўзидир. Бу моделдаги боғланган қўшма гапларда ҳам биринчи компонентда ифодаланган гап инкор воқеани, иккинчи компонентда ифодаланган гап тасдиқ воқеани билдиради. Бу воқеалар ўртасидаги муносабат зид муносабат бўлганлиги учун уларнинг ифодаси бўлган гаплар ҳам ўзаро зид муносабатда бўлади ва бу зид муносабат грамматик форма сифатида зидловчи боғловчи *бироқ*ни қабул қилади. Зид

муносабатни юзага келтирувчи восита биринчи компонентдаги инкор формалардир. Бундай моделдаги боғланган қўшма гапларда инкор асосан *-ма* инкор аффикси ва *йўқ* сўзи орқали ифодаланади. Масалан: *Ҳали кун чиқмаган, бироқ ҳовлидаги чинор ва садалар нафис лоларанг шуълага чулғанган, офтобни соғинган қушларнинг куйи авжига чиққан* (О. Ёқубов). Мазкур боғланган қўшма гапда биринчи компонентнинг субъекти *S* — *кун*, предикати *P* — *ҳали чиқмаган*. Бунда инкор *-ма* аффикси орқали ифодаланган. Иккинчи компонент бир хил тасдиқ формадаги икки содда гапдан ташкил топган бўлиб, биринчисининг субъекти *S* — *чинор ва садалар*, предикати *P* — *нафис лоларанг шуълага чулғанган*, иккинчисининг субъекти *S* — *офтобни соғинган қушларнинг куйи*, предикати *P* — *авжига чиққау*. Кўринадики, бу гап компонентлари грамматик жиҳатдан ўзаро зид муносабатда. Мазмуний жиҳатдан эса бу боғланган қўшма гап зид ва тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайди. Чунки, биринчидан, гап компонентлари анафорик бўлаклар — биринчи компонентда субъект *S* — *кун*, иккинчи компонентда объектлар *шуъла ва офтоб* билан мазмуний жиҳатдан узвий боғланган. Иккинчидан, биринчи компонент субъекти *S* — *кун* — офтобнинг чиққанлиги инкор қилинади. Иккинчи компонентдаги объектлар *O* — *шуъла ва офтоб* тасдиқланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи компонентда ифодаланган воқеа инкор воқеани, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа тасдиқ воқеани ифодалайди. Бу шубҳасиз, шу воқеалар ифодаси бўлган гаплар семантикаси зид маъно муносабатини ифодалашини кўрсатади. Демак, бу боғланган қўшма гап ўзи ифодалаган зид маънога мос равишда зидловчи боғловчи *бироқ*ни грамматик форма сифатида қабул қилган. Лекин бу боғланган қўшма гап зид маъно муносабати билан бирга тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам ифодалайди. Чунки, биринчи компонентда ифодаланган инкор воқеа иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг юзага чиқишига тўсқинлик қила олмаган. Шунинг учун ҳам бу гапни тўсиқсизлик эргаш гапли қўшма гапга осонгина трансформация қилиш мумкин: *Ҳали кун чиқмаган бўлса ҳам (чиқмаганига қарамай) чинор ва садалар нафис лоларанг шуълага чулғанган, офтобни соғинган қушларнинг куйи авжига чиққан*. Шундай қилиб, бу гап $A(S+P_{II})$ бироқ

$B(S+P_{I})$ формуласига мос келади.

Таъкидлаш керакки, *И. бироқ. Т.* моделидаги боғ-

ланган қўшма гапларнинг мазмуний жиҳатдан фақат зид маъно муносабатини ифодалашини *И. лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплардагидек ягона ҳолат эмас. Кузатишлар бундай моделдаги боғланган қўшма гапларда зид маъно муносабати билан бирга айни пайтда тўсиқсизлик маъно муносабати ҳам ифодаланиши мумкин эканлигини кўрсатди. Буни юқоридаги мисол таҳлилида ҳам кўрдик. Бундай хусусият фақат *И. аммо Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда йўқ.

И. бироқ Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти таркибида *-у, -ку, -я* юкламалари келиб, гапдаги зидлик маъно муносабатини янада кучайтиради. Масалан: *Сен ҳам бориб бу улғушда бир топқир терлаб келсанг чакки бўлмасди-я, бироқ бу ерда юмуш қалашиб ётибди.*

Қайд этиш лозимки, далилий маълумотларнинг кўрсатишича, *Т. бироқ И.* моделидаги боғланган қўшма гапларга нисбатан *И. бироқ Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар ўзбек тилида кам қўлланар экан.

Т. бироқ Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки компонентида ифодаланган гаплар тасдиқ формада бўлса-да, уларнинг ифодаси бўлган воқеалар зид воқеалардир. Бу воқеаларнинг ифодаси бўлган гап предикатив конструкцияларининг ўзаро муносабатидан англашилган умумий семантика ҳам зид маъно муносабатини ифодалайди ва грамматик форма сифатида *бироқ* боғловчисини қабул қилади. Бундай ҳолатни *Т. лекин Т.* ва *Т. аммо Т.* моделида ҳам кўрдик. Бунда зидлик маъно муносабатини юзага келтиришда ҳар икки компонентдаги антоним сўзлар, синтактик антонимия муҳим роль ўйнайди. Масалан: *Кўрбоши қаттиқ жеркиб полвонни тўхтатмоқчи бўлди, бироқ полвон давом эди (А. Қ.) Узи ҳам улғайиб, яхши-ёмонни тушунадиган бўлиб қолди, бироқ мен учун ҳали ҳам у темирқанот полапонга ўхшайди («Ш. Ю.»).*

Т. бироқ Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг *Т. лекин Т.* ва *Т. аммо Т.* моделларидаги боғланган қўшма гаплардан фарқли томони шундаки, бу моделдаги боғланган қўшма гаплар, зид маъно муносабатидан ташқари, айни вақтда тўсиқсизлик ҳамда қиёс маъноларини ҳам ифодалайди. Масалан: *Ётиш вақти ҳам бўлди, Зайнаб она Саодатга диққат билан қараганча ҳамон наमत устида ўтирарди («Ш. Ю.»).* *Сабҳу ҳам уй-рўзгор ишларининг кўзини биладиган қўл-оёғи чаққон йигит, бироқ Садафбиби остонани ҳатлаб ўтган ҳамон ҳамма нарса ўзгарди (О. Ёқубов).* Мазкур гап-

лардан бирини, чунончи биринчи гапни таҳлил қилайлик. Бу гапнинг ҳар икки компоненти ҳам тасдиқ формада. Формал-грамматик жиҳатдан зидлик йўқ. Мазмуний жиҳатдан эса компонентлар зидлик ва айни вақтда тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайди. Чунки биринчи компонентнинг субъект S (айни чоғда анафорик бўлак) *ётиш вақти* тасдиқлаган. Иккинчи компонентда эса предикат P — (айни чоғда анафорик бўлак) *ўтирарди* тасдиқ формада ва у мазмунан биринчи компонентдаги анафорик бўлакка зид. Шу билан бирга биринчи компонентда ифодаланган воқеа иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг содир бўлишига тўсиқ бўла олмайди. Буни шу гапни трансформация қилиш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Чунончи, *ётиш вақти бўлса ҳамки, Зайнаб опа Саодатга диққат билан қараганича ҳамон наमत устида ўтирарди, ёки ётиш вақти бўлган бўлса ҳам, Зайнаб опа Саодатга диққат билан қараганича ҳамон наमत устида ўтирарди.* Кўринадики, бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан фақат зидлик маъно муносабатини ифодалаб қолмай, айни вақтда тўсиқсизлик ва қиёс маъноларини ҳам ифодалайди ва $A(S+P_T)$ бироқ $B(S+P_T)$ форму-

ласига мос келади.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш керакки, далилий маълумотларнинг кўрсатишича, грамматик формаси бироқ зидловчи боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларда *И. бироқ И.* моделида боғланган қўшма гаплар учрамайди.

Семантик жиҳатдан зид маъно муносабатини ифодаловчи грамматик формаси *-у (-ю), -ку* юкламалари бўлган боғланган қўшма гаплар ҳақида:

Маълумки, *-у (-ю), -ку* юкламалари боғланган қўшма гапларда бир неча вазифани бажаради: 1) бириктирувчи боғловчили қўшма гапларда кетма-кетлик маъно муносабатини ифодалашда ва боғловчиси вазифасида келади; 2) боғланган қўшма гап предикатларига (асосан биринчи компонент кесимига) қўшилиб келиб гапнинг (кўпинча шу компонентнинг) экспрессивлигини оширишга хизмат қилади; 3) зид ва қиёс маъно муносабатларини ифодаловчи боғланган қўшма гапларда асосий грамматик форма сифатида боғловчилар вазифасида келади.

-у (-ю), -ку юкламаларининг мазмуний жиҳатдан зидлик маъно муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гапларда зидловчи боғловчилар вазифасида қўлла-

ниши кўпчилик адабиётларда қайд этилган³⁷. Дарҳақиқат, *-у (-ю)* юкламаси зидлик маъно муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси сифатида келиб, *лекин, аммо, бироқ* зидловчи боғловчиларнинг вазифасини бажаради. Грамматик формаси *-у (-ю)* юкламалари бўлган боғланган қўшма гаплар грамматик формаси *лекин, аммо, бироқ* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплардан шуниси билан фарқланадики, бундай боғланган қўшма гаплар фақат икки хил — *Т. -у(-ю) И.* ва *Т. -у(-ю) Т.* моделда бўлади:

Т. -у(-ю) И. моделидаги боғланган қўшма гаплар *Т. лекин И., Т. аммо И.* ва *Т. бироқ И.* моделидаги боғланган қўшма гаплар каби биринчи компоненти тасдиқ формада, иккинчи компоненти эса инкор формада бўлади. Бундай гапларда инкор *-ма* аффикси, *эмас* ва *йўқ* сўзлари орқали ифодаланади. Масалан: *Қамбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, эгни бут бўлмайди* (Ойбек).

Таъкидлаш лозимки, бундай моделдаги боғланган қўшма гапларнинг грамматик формасида бирорта зидловчи боғловчи бўлган. Тилдаги иқтисодий ҳодиса туфайли бу боғловчилар редукияга учраб, уларнинг вазифаси биринчи компонентнинг кесими таркибида келган *-у(-ю), -ку* юкламаси зиммасига тушган. Чунончи, юқорида келтирилган мисолимизни таҳлил қилайлик. Биринчи компонент тасдиқ формада, кесими таркибида *-ку* юкламаси мавжуд. Иккинчи компонент инкор формада. Бу гаплар форма жиҳатидан зид. Мазмуний жиҳатдан эса зидлик маъно муносабатини юзага келтирувчи форма *-ма* аффиксидир. Шу билан бирга предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик birlikларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатлари зид маъно муносабатини ҳосил қилувчи асосий воситалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу маъно муносабати ўзига хос грамматик форма — бирорта зидловчи боғловчини қабул қилади. Аммо бу гапда тилдаги иқтисодий ҳодиса туфайли зидловчи боғловчининг вазифаси биринчи компонентдаги *-ку* юкламасига кўчган ва у шу гапнинг грамматик формасига айланган. Бундай гаплар $A(S+P_T) -у(-ю) B(S+P_n)$ формуласига мос келади.

³⁷ Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958. 61-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1961.

Т. -у (-ю) Т. моделидаги боғланган қўшма гапларда ҳар икки компонент ҳам тасдиқ формада бўлади. Бироқ уларнинг семантикаси зид маъно муносабатини ифода-лайди. Масалан: *Ўт қўйиб занғарларни қовурардим-у, бино увал* (Шухрат).

Бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар *Т. лекин Т., Т. бироқ Т.* моделларидаги каби зид маъно муноса-бати билан бирга айни пайтда тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам ифода-лайди. Масалан: *Машина хўп яхши нарса-ю, ўзига яраша унинг ҳам нағмалари бор* (С. Аҳмад). Бу гапда форма жиҳатидан зидлик йўқ. Мазмуний жиҳатдан эса зидлик мавжуд. Бунда зидлик анафорик бўлақлар (кўп яхши нарса ва нағмалари бор)нинг син-тактик антонимияси орқали юзага чиққан, яъни бирин-чи компонент субъекти *S* — *машина*, предикати *P* — *хўп яхши нарса-ю* — га иккинчи компонент субъекти *S* — *унинг ҳам*, предикати *P* — *ўзига яраша нағмалари бор* мазмуний жиҳатдан зид ва грамматик форма сифатида *-ю* юкламасини қабул қилган. Шу билан бирга бу гап айни чоғда тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам ифо-далайди. Буни шу гапни трансформация қилиш орқали ҳам аниқлаш мумкин, яъни: *Машина хўп яхши нарса бўлгани билан (бўлса-да, бўлса ҳам) ўзига яраша унинг ҳам нағмалари бор.* Кўринадики, бундай моделдаги боғ-ланган қўшма гаплар ҳамма вақт ҳам фақат бир хил маъно муносабатини ифода-лайди. Демак, бундай мо-делдаги боғланган қўшма гапларда $A(S+P_T) -у(-ю)$ $B(S+P_T)$ формуласига мос келади.

Аниқ далилларнинг кўрсатишича, тилимизда шундай қўшма гаплар борки, улар формал жиҳатдан боғланган қўшма гапларга ўхшаса-да, аслида боғловчисиз қўшма гаплардир. Бундай қўшма гаплар қиёс маъно муноса-батини ифодалаган қўшма гаплар бўлиб, уларнинг биринчи компоненти охирида келган *-ку, -у (-ю)* юклама-лари шу гапларнинг асосий грамматик формаси бўл-май, гапга қўшимча эмоционал-экспрессив маъно бе-рувчи воситадир, холос. Бундай гапларда қиёс маъно муносабати шу гапларнинг предикатинг конструкцияла-рида иштирок этган лексик бирликларнинг ўзаро маз-муний муносабати икки ҳолатда юзага келади: а) ҳар икки компонент таркибида *бир, нима, қайда, бошқа* сўзлари иштирок этиб, биринчи предикация семантика-сига иккинчи предикация семантикаси қиёсланади. Би-ринчи предикация охирида келган *-ку, -у(-ю)* юклама-лари шу предикация маъносини—семантикасини кучай-тиради, унга қўшимча экспрессив маъно беради. Маса-

лан: -Э, э, акиллай берасан-да, Сафар!— деди бўқоқ,— биз нима деяпмиз-ку, сен нима деяпсан! (А. Қодирий). На чора? Ахир ўзинг ато қилган ақл-заковат қайда-ю, бани башар ҳаётидаги бу тубанлик ва бу разолат қайда! (О. Ёқубов). Қиёсланг: биз нима деяпмиз, сен нима деяпсан ёки Ахир ўзинг ато қилган ақл-заковат қайда, бани башар ҳаётидаги бу-тубанлик ва разолат қайда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин; б) қўшма гап компонентларида иштирок этган лексик бирликлар семантик жиҳатдан синтактик антонимияни ҳосил қилади ва шу йўл билан биринчи предикация семантикасига иккинчи предикация семантикаси қиёсланади. Бунда ҳам *-ку, -у (-ю)* юкламалари қўшимча экспрессив маъно берувчи восита сифатида иштирок этади. Масалан: *Гап кўп-у, кўмир оз* (Мақол). *У қиличдан қилич бўлиб туғилган эмиш-у, биз ошпичоқ бўлиб* (О. Ёқубов). *Ҳаммаси ҳам майли эди-ю, шуниси қаддимни букиб кетди* (У. Усмонов). Қиёсланг: *Гап кўп, кўмир оз. Ҳаммаси ҳам майли эди, шуниси қаддимни букиб кетди* ва ҳ. к.

Шундай қилиб, семантик жиҳатдан зид маъно муносабати ифодаловчи грамматик формаси зидловчи боғловчи бўлган боғланган қўшма гаплар таҳлили юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Боғланган қўшма гаплар таркибида грамматик форма сифатида қўлланиш доирасига кўра зидловчи боғловчилар тартиби шундай белгиланади: *лекин, аммо, бироқ*.

2. Ҳар бир зидловчи боғловчи грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар тўрт хил (грамматик формаси *бироқ* зидловчи боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар уч хил) моделга эга: *Т. лекин И., И. лекин Т., Т. лекин Т., И. лекин И.; Т. аммо И., И. аммо Т., Т. аммо Т., И. аммо И.; Т. бироқ И., И. бироқ Т. Т. бироқ Т.*

3. *Т. лекин И., И. лекин Т., Т. аммо И., И. аммо Т., Т. бироқ И., И. бироқ Т.* моделларидаги боғланган қўшма гаплар семантикаси зидлик маъно муносабати ифодалайди ва бу моделдаги қўшма гапларда зидлик маъно муносабати инкор формалар орқали юзага чиқади.

4. *Т. лекин Т., Т. аммо Т., Т. бироқ Т.* моделларидаги боғланган қўшма гапларда зид маъно муносабати предикатив бирликлардаги антоним сўзлар ва синтактик антонимия орқали ҳосил бўлади.

5. *Т. лекин Т., Т. аммо Т.* моделларидаги боғланган қўшма гаплар семантикаси зид маъно муносабатини ҳамда зид ва айни пайтда қиёс маъно муносабатини ифодалайди.

6. *Т. бироқ Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар зид маъно муносабатини, зид ва айни пайтда тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайди.

7. *И. лекин И.* ва *И. аммо И.* моделларидаги боғланган қўшма гаплар семантикаси асосан зид маъно муносабатини ифодалайди. Бундай моделдаги боғланган қўшма гапларда зид маъно бирор компонентдан англашилган пресуппозицияга нисбатан ҳосил бўлади. Бунда пресуппозиция албатта тасдиқ формада бўлади.

8. Грамматик формаси *ва лекин* жуфт боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар фақат икки хил моделда бўлади: *Т. ва лекин И., И. ва лекин Т.* ва мазмуний жиҳатдан кескин зид маъно муносабатини ифодалайди.

9. Грамматик формаси *аммо-лекин* жуфт боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар уч хил моделда бўлади. Уларнинг семантикаси асосан зид маъно муносабатини ифодалайди. *Т. аммо-лекин Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар эса зид ва айни пайтда тўсиқсизлик маъно муносабатини ифодалайди. Боғловчининг жуфт ҳолда қўлланиши зидлик маъносининг экспрессивлигини оширади.

10. Ҳар қандай моделдаги боғланган қўшма гап компонентлари таркибида келган *-у(-ю), -ку, -да* юкламалари гапнинг экспрессивлигини ошириш учун хизмат қилади.

11. Грамматик формаси зидловчи боғловчилар вази-фасида келган *-у(-ю) -ку* юкламалари бўлган боғланган қўшма гаплар фақат икки хил моделда бўлади: *Т. -у (-ю) И.* ва *Т. -у (-ю) Т.*

12. *Т. -у (-ю) И.* ва *Т. у(-ю) Т.* моделларидаги боғланган қўшма гаплар семантикаси асосан зид маъно муносабатини ифодалайди. *Т. -у(-ю) Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар зид ва зид ҳамда тўсиқсизлик маъно муносабатини ифодалайди.

13. Қиёс маъно муносабатини ифодаловчи қўшма гапларда *-ку, -у(-ю)* асосий грамматик форма эмас, балки қўшимча экспрессив маъно ифодаловчи ёрдамчи воситадир. Бундай қўшма гаплар эса боғланган қўшма гап эмас, улар боғловчисиз боғланган қўшма гаплардир.

14. Ҳар қандай боғланган қўшма гаплар компонентлари семантик жиҳатдан анафорик бўлак орқали, грамматик жиҳатдан эса грамматик формалар орқали ўзаро муносабатга киришади.

ГРАММАТИК ФОРМАСИ БЎЛСА, ЭСА СЎЗЛАРИ БУЛГАН БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғловчи вазифасида қўлланувчи *бўлса*, эса феъллари³⁸ айрим боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси сифатида келиб, қўшма гап компонентларини семантик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам ўзаро боғлайди³⁹. *Бўлса* асосан оғзаки нутқда, эса ёзма нутқда кенг қўлланади. Бундай гапларда грамматик форманинг пбзицион ҳолати грамматик формаси бошқа боғловчилар, жумладан, *ва*, *ҳам*, *лекин*, *аммо*, *биноқ* бўлган боғланган қўшма гаплардан фарқ қилади. Грамматик формаси *ва*, *ҳам*, *лекин*, *аммо*, *биноқ* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гапларда грамматик форма икки компонент орасида ёки иккинчи компонент бошида келса, грамматик формаси *бўлса*, эса сўзлари бўлган боғланган қўшма гапларда грамматик форма иккинчи компонентнинг субъекти; кўпинча агенсдан кейин келади ва гапнинг семантик ядроси бўлган иккинчи компонент семантикасининг бевосита биринчи гап семантикасига боғланишини ҳамда умуман қўшма гапда ифодаланган умумий семантикани юзага келишини таъминлайди. Чунки бундай гапларда *бўлса*, эса сўзларини тушириб қолдирилса, бу гап боғловчисиз боғланган қўшма гапга айланади ёки парцеляция ҳодисаси юз бериб семантик жиҳатдан боғлиқлигини фақат контекст орқалигина аниқлаш мумкин бўлган икки мустақил гапга айланади. Қиёсланг: *Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган, Маликул Шароб бўлса эски қадрдонини йўқотиб қўйганидан пинҳона эзилиб юрар эди* (О. Ёқубов). *Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган. Маликул Шароб эски қадрдонини йўқотиб қўйганидан эзилиб юрарди.*

Таъкид жоизки, *бўлса*, эса сўзлари боғланган қўшма гап компонентларини грамматик ва мазмуний жиҳатдан боғлаш билан бирга гап компонентлари айниқса, иккин-

³⁸ Бундан кейин бу феълларни шартли равишда боғловчилар деб атаёмиз.

³⁹ Абдураҳмонов Ф. А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 62-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. II. Синтаксис, Тошкент, 1961. 169-бет.

чи компонент субъектига — агенсга мантиқий урғу беради, уни ажратиб кўрсатади.

Бундай гапларнинг семантик жиҳатдан таҳлили шуни кўрсатадики, улар бир пайтда ёки кетма-кет содир бўлган воқеалар тасвиринигина эмас, балки аynи пайтда қиёс, изоҳ, зидлик каби маъно муносабатларини ҳам ифодалайди.

Грамматик формаси *бўлса* сўзи бўлган боғланган қўшма гаплар асосан *Т. бўлса Т.* моделида бўлади. Жуда кам ҳоллардагина, шунда ҳам семантик жиҳатдан қиёс маъно муносабатини ифодалаган гапларгина *И. бўлса Т.* ёки *Т. бўлса И.* моделида келиши мумкин.

Т. бўлса Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки предикатив бирликлари ҳам тасдиқ формада бўлади. Бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан икки хил маъно муносабатини ифодалайди.

1) Мазмуний жиҳатдан изоҳ маъно муносабатини ифодалайди. Уларнинг предикатив бирликларида иштирок этган лексик бирликларда маъно мутаносиблиги мавжуд бўлади, компонент кесимлари кўпинча, синоним сўзлар билан ифодаланади ёки предикатларда синтактик синонимия мавжуд бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мазмуний жиҳатдан изоҳ маъносини предикатлардаги синтактик синонимия юзага келтиради. Бу эса шу гапнинг грамматик формаси *бўлса* сўзи бўлишини тақозо этади. Бундай гаплар $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$

формуласига мос келади. Масалан: *Унинг гавдаси жуда катта, товуши бўлса жуда баланд эди* (С. Айний). *Аравангиз синиқ, отингиз бўлса қари* (Ойбек). Келтирилган мисолларни таҳлил қилинганда кўринадикки, уларнинг предикатларида синтактик синонимия мавжуд.

Бундай гаплар кўп ҳолларда тенг боғловчили боғланган қўшма гапларга мос келади. Қиёсланг: *Аравангиз синиқ ва отингиз қари*. Лекин бу қуруқ информация бўлганлиги учун нутқда бундай форма кам қўлланади. Бадий адабиётда эса *Аравангиз синиқ, отингиз бўлса қари* формаси кенг қўлланади. Бу гапда *бўлса* сўзининг қўлланилишига сабаб, биринчидан, стилистик талаб бўлса, иккинчидан, асосан гапнинг экспрессивлигини ошириш ва отнинг қариллигини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш, учинчидан, персонаж тушиб қолган вазиятнинг мушкуллигини ўқувчи онгига сингдиришдир;

2) Мазмуний жиҳатдан қиёс маъно муносабатини ифодалайди. Бундай маънони ифодалаган қўшма гап

предикатив бирликларида иштирок этган лексик бирликлар маъно жиҳатидан бир-бирига зид бўлади, яъни бундай гапларнинг предикатларида синтактик антонимия мавжуд бўлади. Бу эса қиёс маъно муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлса сўзи бўлишини тақозо этади. Бундай гаплар $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$ ёки $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$ формуласига мос келади. Масалан: *Ақлли тўн-гакка нозик ерини — ёриладиган ерини топиб туриб болта уради—ақли билан ёради, ўзини қийнамайди. Униси бўлса пала-партиш урaveraди — кучи билан ёради, ўзини қийнайди* (М. Исмонлий). *Собирбек бу тўқнашувда ғолиб чиққандай бошини баланд кўтариб кўкрагини кериб, мардонавор одимлаб кетаётган эди, Қоратойнинг бўлса боши айланиб бутун вужуди олов бўлиб ёнаётган эди* (Ч. Айтматов). Мисоллардан кўринадики, бу гаплар қиёс маъно муносабатини ифодалайди. Предикатив бирликлардаги синтактик антонимия бу гапларнинг грамматик формаси бўлса сўзи бўлишини тақозо этган ва бу гаплар $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$ формуласига мос келади.

И. бўлса Т. ва Т. бўлса И. моделларидаги боғланган қўшма гапларнинг бир компоненти тасдиқ формада, иккинчи компоненти инкор формада бўлади ва бундай моделлардаги боғланган қўшма гаплар ҳамма вақт қиёс маъно муносабатини ифодалайди. Айни вақтда зидлик маъноси ҳам уйғунлашган бўлади. Буни шундай гапларни трансформация қилиш йўли билан аниқласа ҳам бўлади. Бунда форма ўзгарса ҳам гапнинг семантикаси ўзгармайди. Масалан: *Карима ҳали турмуш қурмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини билмас эди, Муҳаббат бўлса оилали, ҳаёт машаққатларидан анча хабардор эди* («Ш. Ю»). *Карима ҳали турмуш қурмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини билмас эди, лекин Муҳаббат оилали, ҳаёт машаққатларидан анча хабардор эди.* Бундай моделдаги гаплар $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$ формуласига мос келади.

Бўлса сўзининг бўлишсизлик формаси ҳам баъзи қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлиб кела олади. Анъанавий грамматикада бу тўғрида ҳеч қандай фикр айтилмаган. Фақат «Қўшма гап синтаксиси асослари» китобида *бўлмаса* сўзининг кириш сўз ва маъно кучайтирувчи юклама вазифасида келиши мумкинлиги таъкидланади⁴⁰.

⁴⁰ Абураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958. 174-бет.

Тўғри, формал грамматик жиҳатдан қараганда муаллифнинг фикрига қўшилиш мумкин. Лекин бундай гапларнинг синтактик таҳлили бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмаслигини кўрсатди.

Бўлса сўзи грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплардан грамматик формаси *бўлмаса* боғловчиси бўлган қўшма гаплар баъзи томонлари билан фарқланади. Биринчидан, қўшма гап таркибидаги позиция ҳолати билан фарқланади, яъни *бўлса* ҳамма вақт иккинчи компонент субъекти ёки агендан кейин келади. *Бўлмаса* эса ҳар икки компонент ўртасида келиб, икки томондан вергул билан ажратилади. Иккинчидан, мазмуний жиҳатдан мутлақо фарқланади.

Бўлса грамматик формаси бўлган қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар бўлиб, улар қиёс, зидлик ва изоҳ маъно муносабатини ифодалайди. Грамматик формаси *бўлмаса* сўзи бўлган қўшма гапларнинг семантикасида икки хил ўзига хосликни кўриш мумкин. Биринчиси шундай гапларки, уларда ҳам боғланган қўшма гапларга хос маъно, ҳам эргашган қўшма гапларга хос маъно муносабати, яъни семантика мужассамлашган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, улар боғланган қўшма гап билан эргаш гапли қўшма гап оралиғидаги гаплар бўлиб, қиёс, зидлик ва тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайдилар. Формал жиҳатдан эса боғланган қўшма гапларга ўхшаб кетадилар. Масалан: *Мен бу гапларни кўнглим тўлиб сизни тажриба кўрган бир киши ва ўз отамдай билиб айтаётирман, бўлмаса бу гаплар одамга айтадиган гаплар эмас* (С. Айний). Бу гапни мазмуний жиҳатдан таҳлил қилинганда шу нарсани кўриш мумкинки, бу гап зид ва тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайди. Бунини трансформация қилиб аниқлаш мумкин. 1. *Мен бу гапларни кўнглим тўлиб, сизни тажриба кўрган бир киши ва ўз отамдай билиб айтаётирман, лекин бу гаплар одамга айтадиган гаплар эмас*. 2. *Бу гаплар одамга айтадиган гаплар бўлмаса ҳам, мен бу гапларни кўнглим тўлиб сизни тажриба кўрган бир киши ва ўз отамдай билиб айтаётирман...*

Кўринадики, бундай гаплар форма ва мазмун, яъни семантик жиҳатдан боғланган қўшма гапларга кўпроқ яқин. Лекин семантик жиҳатдан эргаш гапли қўшма гапга силжиш хусусияти ҳам йўқ эмас.


Иккинчиси шундай гапларки, улар фақат эргаш гапли қўшма гапларга хос бўлган шарт ва сабаб маъно

муносабатларини ифодалайди. Улар формал жиҳатдан боғланган қўшма гапларга ўхшаса ҳам, аслида боғловчисиз қўшма гап билан эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган. Шунинг учун ҳам улар мазмуний жиҳатдан шарт ва сабаб маъно муносабатларини ифодалайди. Масалан: *Йиғилган нарсаларни уйсиз-жойсиз кишиларга берамиз, бўлмаса, булар қишда ёмғир остида бошпанасиз қоладилар* (С. Айний). Бу гап аслида уч компонентли мураккаб қўшма гап бўлиб, *йиғилган нарсаларни уйсиз-жойсиз кишиларга берамиз, агар шундай қилмасак, булар қишда ёмғир остида бошпанасиз қоладилар* шаклида бўлган. Лекин тилдаги иқтисодий ҳодиса туфайли *агар шундай қилмасак*, эргаш гапнинг бутун маъносига қисқарганига бўлмаса сўзига кўчган, яъни *бўлмаса* сўзи иккинчи компонент ўрнида қўлланган. Бошқача қилиб айтганда, *бўлмаса* сўзи аслида *агар шундай қилмасак* пресуппозициясининг актуализаторидир. Демак, бундай гапларда *бўлмаса* сўзи биринчи ва иккинчи компонентни ҳам грамматик, ҳам мазмуний жиҳатдан боғлайди, ҳам пресуппозициянинг актуализатори бўлиб хизмат қилади. Бу тип гапларда шарт ва сабаб маъно муносабатлари уйғунлашган бўлади. Масалан: *Фронгда ҳазил катта гап, бўлмаса, дилгирлик кишини еб қўяди* (Ойбек). Пресуппозиция — *ҳазил катта*. Айтилганлардан кўринадики, бундай гапларнинг шакли боғланган қўшма гапларга ўхшаса ҳам, аслида уларни боғланган қўшма гаплар, деб бўлмайди. Уларни эргаш гапли қўшма гапларнинг бир тури сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Қайд этиш лозимки, бундай қўшма гапларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, агар биринчи компонент тасдиқ формада бўлса, актуализаторнинг пресуппозицияси инкор формада бўлади. Агар аксинча бўлса, пресуппозиция тасдиқ формада бўлади. Чунинчи юқорида келтирилган мисолнинг биринчи компоненти тасдиқ формада, шунинг учун актуализатор *бўлмасанин*г пресуппозицияси *фронгда ҳазил бўлмаса* инкор формададир. Яна бир мисол: *Ясавулбоши, юрагимда тўпланган дардларни очиб кўрсатишга рухсат беринг, бўлмаса, мен қайғудан ёриламан* (С. Айний). Мазкур мисолнинг ҳам биринчи компоненти тасдиқ формада, шунинг учун пресуппозиция *рухсат бермасангиз* инкор формада бўлади. *Кулманг, бўлмаса мендан кулишяпти, деб ўйлашади* («Ёшлик»). Бу гапда эса биринчи компо-

нент инкор формада бўлганлиги туфайли пресуппозиция *кулсангиз* — тасдиқ формада.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, грамматик формаси *бўлмаса* бўлган қўшма гаплар боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар оралиғидаги гаплар бўлиб, уларни шундай схемалаштириш мумкин.



Грамматик формаси *эса* сўзи бўлган боғланган қўшма гапларнинг семантикаси. Бундай грамматик формали боғланган қўшма гаплар уч хил, яъни *Т. эса Т.*, *Т. эса И.* ва *И. эса Т.* моделда бўлади.

Т. эса Т. моделидаги қўшма гапларнинг ҳар икки компоненти ҳам тасдиқ формада бўлади. *Т. эса Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар *Т. бўлса Т.* моделидаги боғланган қўшма гаплар каби ҳар икки компоненти ҳам тасдиқ формада бўлади ва изоҳ ҳамда қиёс маъно муносабатларини ифодалайди. Бу моделдаги боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан изоҳ маъно муносабатни ифодалаганда гап предикатив бирликларида иштирок этган лексик бирликлар синтактик синонимияни ташкил этади. Масалан: *Бола нон деб йиғлар, касал хотин эса безгакнинг шиддатидан тол баргидай титрарди* (С. Айний). Келтирилган мисолнинг биринчи компоненти субъекти *S* — *бола*, предикати *P* — *нон деб йиғлар*, иккинчи компоненти субъекти *S* — *касал хотин*, предикати *P* — *безгакнинг шиддатидан тол баргидай титрарди*. Кўринадики, ҳар икки компонент предикатлари мазмуний жиҳатдан бир-бирига яқин ҳолатни ифодалаган. Бундай гаплар $A(S+P)$ эса $B(S+P)$ формуласига мос келади.

Қиёс маъно муносабатини ифодаловчи бундай моделдаги боғланган қўшма гаплар компонентларининг предикатлари семантик жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши маънони ифодалаган лексик бирликлардан, яъни синтактик антонимиядан ташкил топади. Масалан: *Сиз*

ёшсиз, азизим, камина эса кўп балоларни кўравериб кўса бўлганмен, иним. Бундай гаплар грамматик формаси бўлса сўзи бўлган гапларга баъзи ҳолатда айнан ўхшаш бўлади ва баъзи ҳолатда ундан фарқ қилади, яъни *Т. эса Т.* моделида эса сўзининг позицияси ҳолати логик субъектдан кейин бўлганда, *Т. бўлса Т.* моделидаги каби изоҳ ва қиёс маъно муносабатини ифодалайди ва *Т. бўлса Т.* моделига айнан мос келади. Бундай гапларда эсанинг ўрнига бўлса қўлланиши ва аксинча бўлиши мумкин. Масалан: *Сўлгин сариқ ўт билан қопланган далада қоп-қора иккита танкни кўрди — бири қийшайган, иккинчиси эса (бўлса) тумшугини ерга қаданган* (Ойбек). *Оловнинг атрофи ёруғ, ундан нари эса (бўлса) аввалгидек қоп-қоронғи* (Ойбек). Бундай гаплар *Т. бўлса Т.* моделидаги каби $A(S+P)$ бўлса $B(S+P)$ формуласига мос келади.

Фарқли томони шундаки, грамматик формаси бўлса сўзи бўлган боғланган қўшма гапларда грамматик форма бўлса ҳамма вақт иккинчи компонентнинг субъекти, яъни агенсдан кейин келади. Грамматик формаси эса боғловчиси бўлган *Т. эса Т.* моделидаги боғланган қўшма гапларда грамматик форма иккинчи компонент субъектидан кейин келишдан ташқари биринчи компонентда логик урғу қайси бўлакка тушган бўлса, иккинчи компонентда ўша бўлакдан кейин келади, яъни *у* агенсдан, объектдан, вақт ва ўринни ифодаловчи релятивдан кейин келиши мумкин. Бунда қиёс ва изоҳ маъноси шу бўлакка нисбатан юзага чиқади, яъни биринчи компонентда логик урғу олган бўлак—анафорик бўлак иккинчи компонентда ё изоҳланади ёки қиёсланади. Масалан: а) агенсдан кейин келади; *У ёрдамчи ишчи бўлиб ҳисобланса ҳам, аслида ўрмонга кўз-қулоқ эди, унинг куёви Урозқулнинг эса умри кўпинча меҳмондорчиликда ўтарди* (Ч. Айтматов); б) объектдан кейин келади: *бири ўзиники бўлиб, уни ҳеч ким билмасди, иккинчисини эса дадаси олиб берган эди* (Шухрат). *Ана шунда мен, ундан тер ва қипиқ ҳиди келаятганини дарров пайқадим, менинг дадамдан эса тер резгиси билан мум ҳиди келарди*; в) вақт ва ўринни ифодаланган релятивдан кейин келади: *Шанба кунни биз уларникига борамиз, кейинги шанбада эса улар йиғилишиб бизникига келишади* («Ешлик»). *Улардан юқорироқда назм шайдолари бўлмиш бир гуруҳ толиби илмлар жойлашишди, тўрға эса қайси бир шаҳардан келган икки сайёҳ таклиф қилинди* (О. Ёқубов).

Т. эса И. ва И. эса Т. моделидаги боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти тасдиқ, иккинчи компоненти эса инкор формада ёки аксинча бўлади. Бундай гапларда полисемантика маъжуд бўлиб, улар қиёс-зид ва изоҳ-қиёс маъно муносабатларини ифодалайди. $A(S+P)$ эса $B(S+P)$ ва $A(S+P)$ эса $B(S+P)$

формуласига мос келади. Масалан: *Барно қулоқларига-ча қизариб кетди, Файзулло Умарович эса буни пайқамади* (Ў. Усмонов). Мазкур гап мазмуний жиҳатдан қиёс ва зид маъно муносабатини ифодалайди. Компонентларнинг икки хил формада тасдиқ ва инкор формада бўлишининг ўзи бу гапда зид маъно муносабати мавжудлигини билдиради. Чунончи, келтирилган мисолни трансформация қилиш йўли билан ҳам буни аниқлаш мумкин. *Барно қулоқларига-ча қизариб кетди, лекин Файзулло Умарович буни пайқамади.* Яна бир мисол: *Сен бу вазифани бажаролмайсан, Карим эса бемалол уддасидан чиқади* («Ёшлик»). — *Сен бу вази-зифани бажара олмайсан, лекин Карим бемалол уддасидан чиқа олади.* Бу гаплар $A(S+P)$ эса $B(S+P)$ формуласига мос келади.

Бу моделларда ҳам *Т. эса Т.* моделидаги каби грамматик форма эса нинг позицион ҳолати биринчи компонентдаги мантиқий урғу тушган бўлакка боғлиқ. Мантиқий урғу қайси бўлакка тушган бўлса, грамматик форма иккинчи компонентдаги шу бўлакдан кейин келади ва биринчи компонентдаги мантиқий урғу тушган бўлакка қиёслайди, ёки изоҳлайди. У иккинчи компонент субъектидан, объектидан ва вақт ҳамда ўринни ифодалаган релятивдан кейин келиши мумкин: а) субъектдан кейин келади: *Бугун кеча эмас — йигирманчи аср, Шарқ эса гўл, ожиз, мунглуф Шарқ эмас* (Ғ. Фулом); б) объектдан кейин келади: *Уларда аллақачон имтиҳонлар бошланди, бизда эса ҳали зачёт топшириш ҳам бошлангани йўқ* («Ёшлик»); в) вақт ва ўринни ифодалаган релятивдан кейин келади: *Аввал югур-югур билан ҳеч нарса билмас экансиз, кейинчалик эса чарчаганингиз шундай билинар эканки...* («Тошкент оқшоми») *Улар баланд-баланд уйларда туришади, ҳовлисида эса биров-бировни танимас эмиш* (Ҳ. Назир).

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса аён бўлдики: 1) грамматик формаси бўлса, эса бўлган боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан изоҳ ва қиёс маъно муносабатларини ифодалайди. Кўпинча қиёс маъносига зид маъно уйғунлашган бўлади; 2) адабий

нутқда асосан эса грамматик формаси бўлган, оғзаки нутқда эса бўлса грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар қўлланади; 3) бўлса грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар уч хил *Т. бўлса Т., Т. бўлса И. ва И. бўлса Т.* моделида бўлади; 4) бўлса нинг позицион ҳолати бир хил: у фақат иккинчи компонентнинг субъектидан кейин кела олади; 5) бўлмаса грамматик формаси бўлган қўшма гаплар боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар оралиғидаги гаплардир; 6) бўлмаса, бўлса ва эса боғловчиларидан фарқли ўлароқ, икки компонент орасида келади; 7) грамматик формаси эса бўлган гаплар ҳам асосан уч хил *Т. эса Т., Т. эса И., И. эса Т.* моделида бўлади; 8) эса нинг гапдаги позицион ҳолати ҳар хил: у субъект, агенс объект ҳамда вақт ва ўринни билдирган релятивдан кейин келади.

ИНКОР ВА АИРУВ БОҒЛОВЧИЛИ ҲАМДА БОШҚА ГРАММАТИК ФОРМАЛИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИ

Инкор формали қўшма гаплар. Туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан рус тили грамматикасига таянган ҳолда *на...*, *на* инкор формасини боғловчили боғланган қўшма гапларнинг компонентларини боғловчи восита сифатида қаралган⁴¹.

Инкор форма *на...*, *на* иштирок этган қўшма гапларнинг семантик таҳлили *на...*, *на* нинг қўшма гап компонентларини боғловчи восита эмаслигини кўрсатди. Дарҳақиқат, ўзбек тилидаги *на...*, *на* формаси рус тилидаги *ни...*, *ни* боғловчисига мос келмайди, чунки, рус тилидаги *ни...*, *ни* боғловчиси ҳақиқатан ҳам, қўшма гап компонентларини боғловчи восита ҳисобланади. Бундай боғловчи орқали боғланган қўшма гапларда инкор маъно асосан, кесим олди *не* префикси орқали ифодаланади. Ўзбек тилида эса қўшма гап таркибида келган *на...*, *на* формаси қўшма гап компонентларини боғламайди, балки инкор маънони ифодалаш учун хизмат қилади, чунки бундай қўшма гапларда бошқа инкор маънони ифодаловчи форма йўқ.

⁴¹ Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 63-бет; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 169-бет; Гаджиева Н. З., Серебренников Б. А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. М., 1986, С. 179.

Қиёсланг: *Ни брат не пришёл, ни мама не позволила* («Веч. Ташкент»). *Мен эсам... иккинчи маротаба боришга на кўнглим чопади, на тоқатим етади.* (О. Ёқубов).

Шуни таъкидлаш керакки, рус тилидаги *ни...*, *ни* боғловчиси орқали боғланган қўшма гаплар таркибида *и* бириктирувчи боғловчисининг қўлланиши стилистик жиҳатдан ноўрин ҳисобланади, чунки, *ни...*, *ни* нинг ўзи боғловчилик вазифасини бажаради. Ўзбек тилида эса *на...*, *на* инкор формали боғланган қўшма гаплар таркибида *ва* бириктирувчи боғловчисининг қўлланилиши стилистик жиҳатдан оддий ҳодиса ҳисобланади. Бу нарса ҳақиқатан ҳам, *на... на* нинг боғловчили боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси эмас, яъни боғловчи эмас, балки инкор форма эканлигини кўрсатади. Масалан: *Теварак атрофда на биронта жон кўринади ва на биронта товуш эшитилади.* (О. Ёқубов). Мазкур мисол боғловчили боғланган қўшма гап бўлиб, унинг асосий грамматик формаси *ва* боғловчисидир. Бу гапда *на...*, *на* инкор маънони ифодаловчи восита. Чунки бу гап компонентлари икки инкор воқеанинг ифодасидир. Буни аниқлаш учун шу гапни трансформация қилиш кифоя: *Теварак атрофда биронта жон кўринмайди ва биронта товуш эшитилмайди.* Кўринадики, инкор форма *на...*, *на* нинг эквиваленти *-ма* ҳар бир компонент предикатлари таркибида келган. Трансформация бўлган гап билан олдинги гапнинг фарқи улар ифодалаётган информациянинг экспрессивлик даражасида холос. Олдинги вариант кучли экспрессив-эмоционал гап бўлиб, ўзи ифодалаётган информациянинг ўқувчи онгига чуқур ва тўлақонли етиб боришига ёрдам беради. Бу *на...*, *на* инкор формасининг ҳар бир субъектдан олдин келиб, уни инкор қилиши орқали юзага чиқади.

Маълумки, бир грамматик маъно бир контекстда биргина грамматик форма орқали юзага чиқади. Келтирилган мисолда эса, агар анъанавий грамматика қондасига амал қилинса, бир грамматик маъно икки грамматик форма, яъни *на...*, *на*, ҳамда *ва* бириктирувчи боғловчиси орқали юзага чиққан бўлади. Бу эса тилнинг иқтисодий қонуниятига зиддир. Демак, *на...*, *на* боғловчиси боғланган қўшма гап ҳосил қилувчи грамматик форма эмас. Аксинча, инкор маъно ифодаловчи инкор формадир, холос.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, *на...*

на инкор формали қўшма гаплар таркибида ҳамма вақт ҳам ва бириктирувчи боғловчиси келавермайди. Масалан: *На унинг Қўлобда уй-жойи бор, на бу ерда оёқ босадиган жойи* (С. Айний). Келтирилган мисолда ва боғловчиси йўқ. Бу гап компонентлари мазмуний жиҳатдан ҳамда интонация орқали боғланган. Лекин бу гап таркибида ва боғловчисини қўллаш мумкин. Бу нарса гапнинг семантикасига путур етказмайди. Стилистик жиҳатдан ҳам анормал эмас. Шунинг ўзиёқ на..., на нинг боғловчи эмас, инкор форма эканлигини, боғловчили боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўла олмаслигини, бириктирувчи боғловчи иштирок этмаган бундай гаплар боғловчисиз боғланган қўшма гаплар сифатида қаралиб, уларнинг семантикаси боғловчисиз боғланган қўшма гаплар таркибида ўрганилиши керак.

Айирув боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар. Грамматик формаси ё..., ёки, ё бўлмаса айирув боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар компонентларида ифодаланган воқеалардан бирининг содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги информацияни билдиради. Бундай гапларнинг бошқа боғланган қўшма гаплардан фарқи шундаки, уларнинг грамматик формаларининг ўрнини босувчи ёки унга синоним бўла олмайдиган бошқа бирон форма йўқ.

Грамматик формаси ё... ёки, ё бўлмаса бўлган боғланган қўшма гаплар дарак гап, сўроқ гап ва буйруқ-дарак (ёки аксинча бўлиши мумкин) моделида бўлади: *Е уйнинг шипи баланд ёки менинг бўйим пасайган* (У. Ҳошимов). *Саволлар борми ёки иккинчи масалага ўтамизми?* (П. Қодиров). *Майли сиз кетинг бу шаҳардан, ёки биз кўчиб кетамиз* (А. Қаҳҳор).

Бундай қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан икки хил бўлади.

1. Қиёс ва гумон маъно муносабатини ифодалайди. Масалан: *Илгари ҳам кун шундай қизирмиди, ё бу йил ёз иссиқроқми?* (Ойбек). Келтирилган мисолда қиёс маъно муносабати ифодаланган. Чунки биринчи компонент субъекти S — кун, предикати P — шундай қизирмиди? Иккинчи компонент субъекти S — ёз, предикати P — иссиқроқми? Биринчи компонентнинг пре-суппозицияси олдинги ёз шундай иссиқмидига бўйилги ёзнинг иссиғи қиёсланапти. Қўшма гап предикатлари ўзаро синтактик синонимдир. Айни пайтда

улар шу гапнинг анафорик бўлаклари ҳамдир. Бу гапда қиёс маъно муносабатини юзага чиқарувчи актуализатор иккинчи компонент предикати Р — *иссиқроқдаги* — роқ орттирма даража формасидир. Бу гап А (S+P) ё В (S+P) формуласига мос келади.

Ҳақиқатан ҳам у ё мени ёқтирмайди, ё менга шундай туюлади (Х. Тўхтабоев). Мазкур мисол мазмуний жиҳатдан гумон маъно муносабатини билдиради. Буни қуйидаги ё... ёки грамматик формасисиз, мустақил ҳолда қўлланган микротекст билан солиштирганда аниқ сезиш мумкин. *Ҳақиқатан ҳам, у мени ёқтирмайди. Менга шундай туюлади*. Бу предикатда гумон маъноси сезилар-сезилмас. Бунда кўпроқ ҳукм мавжуд. Демак, юқоридаги мисолда ифодаланган гумон маъноси асосан ё... ёки грамматик форма ва иккинчи компонент предикати Р — *туюладининг* семантикаси орқали юзага чиққан. Бундай гаплар А (S + P) В (S + P) формуласига мос келади.

2. Шарт маъно муносабатини ифодалайди. Масалан: *Ё эски станоклар тузатилади, ёки ўрнига янги станоклар ўрнатамиз* («Сов. Узб.»). Мазкур гап шарт маъно муносабатини ифодалайди. Унинг умумий семантикасидан биринчи компонентдан кейин *агар тузалмаса* пресуппозицияси мавжудлиги англашилади. Буни шу гапни трансформация қилиш орқали ҳам аниқлаш мумкин: *Эски станоклар тузатилади. Агар тузатилмаса, ўрнига янги станоклар ўрнатамиз*. Кўринадики, бундай боғланган қўшма гапларда ё, ёки, ё... ёки, ё бўлмаса грамматик формаси *агар тузатилмаса* пресуппозициянинг актуализатори вазифасини ҳам бажаради.

Яна бир мисол: *Балки ҳозир Дилдорни осаетгандирлар, ё бўлмаса уни қийнамоқдалар, ё бўлмаса азамат шериклари зиндонга босқин ясашига мажбур бўлиб, бари қирилдими?* (Ойбек). Келтирилган гапда иккита пресуппозиция мавжуд: 1) *осмаган бўлсалар*, 2) *қийнамаётган бўлсалар*. Бу гапнинг семантикаси шарт маъно муносабатини ифодалашини *бўлмаса* сўзи ҳам англариб турибди. Бундай гаплар А (S + P) ⊥ В (S + P) формуласига мос келади.

Булардан ташқари грамматик формаси ё... ёки бўлган гаплар баъзан тўсиқсизлик маъно муносабатини ҳам англариши мумкин. Бундай маънодаги гаплар асосан сўроқ гап моделида бўлади. Масалан: *Ростдан ҳам Москвага борасизми, ёки шунчаки гапми?*

(Шухрат). Бу гапда тўсиқсизлик маъно муносабати ифодаланган. Буни иккинчи компонентдаги *шунчаки* сўзи орқали аниқлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, *шунчаки* сўзи Москвага боришингиз аниқ бўлмаса ҳам пресуппозициясининг актуализаторидир.

Тўсиқсизлик маъно муносабатини ифодаловчи бундай боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти таркибида ҳамма вақт *ростдан ҳам, чиндан, чини билан* сўзлари, иккинчи компонент таркибида эса *шунчаки, анчайин* каби сўзлар иштирок этади. Масалан: *Хотин чиндан борми, ё анчайин ҳангомами? — деди Уроз (Ойбек).*

Грамматик формаси *ё... ёки, ё бўлмаса* бўлган боғланган қўшма гаплар очиқ структурали гаплар бўлиб, шу жиҳати билан бошқа айирувчи боғловчилар грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплардан фарқланади. Бундай гаплар структурасида тўрттагача компонент иштирок этиши мумкин. Масалан: *Бу йил ҳосил яхши бўлмади. Ё ернинг кучи йўқ, ё уруғ яхши эмас, ё бўлмаса ҳавода рутубат кўп, ё биз ишловни яхши бера олмадик («Ёш ленинчи»).*

Грамматик формаси *фақат* боғловчиси бўлган боғланган қўшма гапларнинг биринчи компонентида ифодаланган воқеа умумийлик хусусиятига эга бўлиб, иккинчи компонентда ифодаланган воқеа шу воқеадан айрим қисмнигина ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, биринчи компонентда ифодаланган гапнинг семантикасидан умумийлик, ёки бутунлик англашилади. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг семантикасидан эса шу бутунликдан маълум бир қисм айириб кўрсатилиши англашилади. Шунинг учун ҳам биринчи компонент таркибида кўпинча *ҳамма, барча, бутун* каби сўзлар иштирок этади. Масалан: *Ҳамма маст уйқуда, кўчада фақат икки соя кезинади (Ш. Холмирзаев).* Мазкур гап биринчи компонентнинг субъекти S — *ҳамма*, предикати P — *маст уйқуда*, иккинчи компонентнинг субъекти S — *икки соя*, предикати P — *кезинади*. Кўринадики, бу гапнинг пресуппозицияси — *икки соя уйғоқ*. Бу биринчи компонентда ифодаланган *ҳамманинг маст уйқудалигига* ҳам зид, ҳам ҳаммадан ажралган ҳолда икки кишининг уйғоқлиги айириб кўрсатилган. Бунда фақат икки киши уйғоқ, уч ёки тўрт эмас.

Демак, бундай гапларнинг семантикасида ички зидлик ва бутундан бўлакни айириб кўрсатиш маъноси

бор. Улар $A(S+P) \rightleftharpoons B(S+P)$ формуласига мос келади.

Баъзан фақат зидловчи боғловчилар — *лекин, аммо, бироқ* ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Бундай гапларнинг айириб кўрсатиш маъносига нисбатан зидлик маъно муносабати кучли бўлади. Бу хил гапларнинг биринчи компоненти таркибида умумлаштирувчи сўзларнинг (*ҳамма, барча, бутун* каби) иштирок этиши шарт эмас. Умумийлик, ёки бутунлик биринчи компонентнинг умумий семантикасидан англашилиб туради. Масалан: *Конференция бўлди, фақат мен қатнашмадим* (Сўз л-н). Қиёсланг: *Конференция бўлди, лекин мен қатнашмадим*. Бу типдаги боғланган қўшма гаплар *Т. лекин И., Т. аммо И., Т. бироқ И.* моделидаги гапларга яқин бўлиб, $A(S+P) \rightleftharpoons B(S+P)$ формуласига мос келади.

Бир... бир, дам..., дам, баъзан..., баъзан, гоҳ..., гоҳ боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин гаплар бўлиб, асосан кетма-кет содир бўлган воқеаларни ифодалайди. *Бир... бир, дам..., дам* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларнинг *баъзан..., баъзан, гоҳ..., гоҳ* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплардан фарқи биринчи компонентда ифодаланган воқеа билан иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг содир бўлиши, яъни юзага чиқишдаги вақт оралиғидадир. *Бир..., бир, дам..., дам* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гапларда биринчи компонентда ифодаланган воқеа билан иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг содир бўлишидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлади. Масалан: *Бир кулгим қистайди, бир жаҳлим чиқади* (Т. Тўхтабоев). *Дам ашула овози эшитилади, дам музика янграйди, дам ёшларнинг қувноқ кулгуси авжга чиқади* («Тош. оқ.»).

Баъзан..., баъзан, гоҳ..., гоҳ боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гап компонентларида ифодаланган воқеаларнинг содир бўлиш вақт оралиғи нисбатан узунроқ бўлади. Масалан: *Эҳ болам, ҳаёт шундай, баъзан гул терасиз, баъзан тиканлари кўксингизга санчилиб қалбингизни ўртаб юборади* («Ёшлик»). *Уни гоҳ куз қуёшида оппоқ кўксини тоблаб ётган пахтазорлар олиб кетар, гоҳ қовун капаларда сайраётган беданалар элитар, гоҳ теримчи-*

ларнинг узоқ-яқинлардан эшитилиб қолаётган ашуларари яйратар эди (М. Исмоилий).

Қайд этиш керакки, грамматик формалари бир..., бир, дам..., дам, баъзан..., баъзан, гоҳ..., гоҳ боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар кетма-кет содир бўлган воқеаларни ифодалаш билан бирга ўз ички семантикасига ҳам эга. Улар икки хил: зидлик ва изоҳ маъно муносабатини ифодалаш мумкин.

а) зидлик маъно муносабатини ифодалайди: Масалан: *Бир мен бораман, бир у келади*. Мазкур гап мазмуний жиҳатдан зидлик маъно муносабатини ифодалайди. Чунки биринчи компонентда ифодаланган гапнинг пресуппозицияси *у келмайди*. Иккинчи компонентда ифодаланган гапнинг пресуппозицияси эса *мен бормайман*. Демак, мазмуний жиҳатдан тахлил қилганда бу гапнинг семантик ҳолати қуйидагича бўлади. *Бир мен бораман (у келмайди), бир у келади (мен бормайман)*. Бундай гапларда зидлик маъносининг ифодаланишида компонентлар таркибида иштирок этган сўзларнинг семантикаси муҳим аҳамиятга эга. Келтирилган гапнинг биринчи компонент субъекти S — *мен*, предикати — P *бораман*, иккинчи компонент субъекти S — *у*, предикати — P — *келади*. Кўринадики, бу гапда предикатлар мазмуний жиҳатдан ўзаро бир-бирига зид сўзлар билан ифодаланган. Бинобарин бундай гаплар зид маъно муносабатини ифодалайди ва $A (S + P) \rightleftharpoons B (S + P)$ формуласига мос келади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин: *Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим қистайди* (Ойбек). *Гоҳ ширин ўйлар хаёлни олиб кетар, гоҳ ёмон ўйлар юрагини олиб қўярди* (М. Исмоилий).

б) изоҳ маъно муносабатини ифодалайди. Бундай боғланган қўшма гапларнинг компонентларида ифодаланган содда гаплар ўздан олдин ёки кейин келган «умумийлаштирувчи гап»⁴²ни ёки умумлаштирувчи пресуппозицияни изоҳлайди ҳамда бири-бирининг семантикасини тўлдириб келади. Бундай гапларнинг компонентларида иштирок этган лексик birlikлар мазмуний жиҳатдан ўзаро уйғунлашган бўлади ва бири иккинчисига тенглик йўли билан боғланади. Масалан: *Қуни билан ёғингарчилик тўхтамади — дам ёмғир ёғади, дам ёмғир аралаш қор ёғади* (Саид Аҳмад). *Гоҳ қулоқни қоматга келтириб бомба визиллайди, гоҳ ерни*

⁴² Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 71-бет.

ларзага солиб тўплар гумбурлайди («Сов. Ўзб.»). Келтирилган мисолларнинг биринчисида умумлаштирувчи гап мавжуд. Боғланган қўшма гап компонентлари шу гапга тенг боғланган. Шу билан бирга уни мазмуний жиҳатдан изоҳлаб, тўлдириб келган. Иккинчи гапда эса умумлаштирувчи гап имплицит. *У душман хужумга ўтган* пресуппозициясидир. Мазкур боғланган қўшма гап шу пресуппозицияни мазмуний жиҳатдан изоҳлаб тўлдириб келган. Бундай гаплар $O \leftarrow A (S + P) \Rightarrow B (S + P)$ формуласига мос келади.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари тилимизда яна шундай гаплар борки, улар форма жиҳатдан эргаш гапли қўшма гапларга ўхшаса ҳам мазмуний жиҳатдан боғланган қўшма гаплардир. Бундай қўшма гапларнинг биринчи компонентининг кесими-*б* (-иб) формасидаги равишдош билан, иккинчи компонентнинг кесими эса аниқлик майлидаги феъл билан ифодаланади, яъни уларнинг грамматик формаси -*б* (-б) равишдош формаси бўлиб, у ва боғловчиси вазифасини бажаради. Масалан: *Имтиҳондан аъло олганлар беш киши бўлиб, улар ичида Гавҳар ҳам бор эди* (П. Қодиров). Қиёсланг: *Имтиҳондан аъло олганлар беш киши эди ва улар ичида Гавҳар ҳам бор эди. Бугун дўконлар ёпилиб, Тошкент кўчалари чипталар билан тўлди* (А. Қодирий). Қиёсланг: *Бугун дўконлар ёпилди ва Тошкент кўчалари чипталар билан тўлди.*

Бундай боғланган қўшма гаплар мазмуний жиҳатдан қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди: а) изоҳ маъно муносабатини ифодалайди. Бундай гапларда биринчи компонент умумийлик характериغا эга бўлса, иккинчи компонент эса конкретлик хусусиятига эга, яъни биринчи компонентда умумий маъно ифодаланади, иккинчи компонентда шу умумий маъно янада конкретроқ берилади. Масалан: *Мактабни битирганлар ўн етти киши бўлиб, еттиси қиз, ўнтиси ўғил бола эди* («Еш ленинчи»). Мазкур гапнинг биринчи компоненти субъекти *S* — *мактабни битирганлар*, предикати *P* — *ўн етти киши бўлиб*. Субъект ҳам, предикат ҳам мазмуний жиҳатдан умумийлик характериға эга. Иккинчи компонент субъекти *S*₁ — *еттиси*, предикати *P* — *Қиз*, субъекти *S*₂ — *ўнтиси*, предикати *P*₂ — *ўғил бола эди*. Бу компонентнинг субъект ва предикатлари вазифасида келган сўзлар конкрет маънони ифодалайди. Кўринадики, иккинчи компонентда ифодаланган гап биринчи компонентда ифодаланган гапни изоҳлаб, унинг семантикасини кенгайтириб, унга аниқлик

киритиб келган. Бундай боғланган қўшма гаплар $A (S + P) = B (S + P)$ формуласига мос келади; б) Кетма-кет рўй берган воқеаларни ифодалайди. Бу тип гапларда биринчи компонентда ифодаланган воқеанинг содир бўлиши иккинчи компонентда ифодаланган воқеанинг содир бўлишига шароит яратади. Бундай гапларда баъзан пайт маъноси ҳам мавжуд бўлади. Масалан: *Жаллодлар даврани бироз кенгайтириб, Анвар икки ракаат намоз ўқиди* (А. Қодирий). Мазкур гапнинг биринчи компонентининг субъекти S — *Жаллодлар*, предикати P — *даврани бир оз кенгайтириб*, иккинчи компонентнинг субъекти S — *Анвар*, предикати P — *икки ракаат намоз ўқиди*. Кўринадики, жаллодлар жойни кенгайтиргачгина Анварга намоз ўқиш учун шароит яратилади. Шунинг учун ҳам бундай гапларнинг компонентларида ифодаланган гапларнинг позицион ўрнини айирувчи боғловчи боғланган қўшма гаплар каби алмаштириб бўлмайди. Бундай гаплар $A (S + P) = B (S + P)$ формуласига мос келади.

Тилимизда грамматик формаси *-са* шарт феъли формаси бўлган қўшма гаплар ҳам борки, улар ҳам форма жиҳатдан эргаш гапли қўшма гапларга ўхшаса-да, мазмуний жиҳатдан боғланган қўшма гаплардир. Бундай гаплар бир моментда бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлган воқеаларнинг ифодасидир. Бу воқеалар ифодаси бўлган гаплар ўзларидан олдинги умумлаштирувчи сўз ё гапга ёки умумлаштирувчи пресуппозицияга тенг боғланади. Масалан: *Бири гулдаста узатса, бири автограф учун китоб тутқазади* («Ёш ленинчи»). Қиёсланг: *Бири гулдаста узатади ва бири автограф учун китоб (узата) тутқазади* ёки *бири гулдаста узатади бири эса автограф учун китоб тутқазади*. Келтирилган мисолнинг биринчи компонентининг субъекти S — *бири*, предикати P — *гулдаста узатса*, иккинчи компонентнинг субъекти S — *бири*, предикати P — *автограф учун китоб тутқазади*. Кўринадики, ҳар икки компонентнинг ўз субъектлари ва ўз предикатлари мавжуд. Компонентлардаги воқеалар бири иккинчисига боғланмаган ҳолда мустақил содир бўлган. Улар ифодаси бўлган гаплар умумлаштирувчи пресуппозиция *учрашувга келган шоирга* (ёзувчига) тенг боғланган.

Бундай гаплар изоҳ ва зидлик маъно муносабатини ифодалайди. Изоҳ компонентлараро эмас, балки умумлаштирувчи сўз, гап ёки пресуппозицияга нис-

бат бўлади, яъни компонентларда ифодаланган гаплар ўзаро бири иккинчисини изоҳламайди, балки ҳар иккиси ҳам умумлаштирувчи сўз, гап ёки пресуппозицияни изоҳлайди ва унга аниқлик киритади. Бунга юқорида таҳлил этилган гап мисол бўла олади. Бундай гаплар $O \rightleftharpoons [A/S + P/ = B/S + P/$ формуласига мос келади. Зидлик маъно муносабати эса компонентлараро юзга чиқади. Масалан: *Сухбатлашиб ўтирганларнинг бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан келади* (Х. Тўхтабоев). Бу гапнинг биринчи компоненти субъекти **S** — *бири*, предикати **P** — *боғдан келса*, иккинчи компонентининг субъекти **S** — *иккинчиси*, предикати **P** — *тоғдан келади*. Кўринадики, предикатларда иштирок этган лексик бирликлар антоним сўзлар бўлиб, улар семантикаси ўзаро зиддир. Шунинг учун ҳам бундай гаплар зид маъно муносабатини ифодалайди ва $O \leftarrow [A/S + P/] \rightleftharpoons B(S + P)$ формуласига мос келади.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш, мумкин.

1. *На...*, *на* инкор формаси иштирок этган қўшма гаплар боғловчили боғланган қўшма гаплар эмас, балки боғловчисиз қўшма гаплардир. Чунки *на...*, *на* инкор боғловчи эмас, инкор формадир.

2. Грамматик формаси *ё... ёки, ё бўлмаса* боғловчилари бўлган боғланган қўшма гаплар қиёс, гумон шарт ва тўсиқсизлик маъно муносабатларини ифодалайди. Бундай боғланган қўшма гаплар очиқ структурали гаплар бўлиб, уларда тўрттагача компонент иштирок эта олади.

3. *Фақат* боғловчиси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар бутундан бўлакни ёки умийликдан хусусийликни айриб кўрсатиш маъносини ифодалайди. Баъзи ҳолларда зидловчи боғловчилар вазифасида келганда зидлик маъно муносабатини ифодалайди.

4. *Бир...*, *бир*, *дам...*, *баъзан...*, *баъзан*, *гоҳ...*, *гоҳ* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар кетма-кет содир бўлган воқеаларни ифодалаб, семантик жиҳатдан зидлик ва изоҳ маъно муносабатларини ифодалайди. *Бир...*, *бир*, *дам...*, *дам* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар билан *баъзан...*, *баъзан*, *гоҳ...*, *гоҳ* боғловчилари грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар компонентларида ифодаланган воқеаларнинг содир бўлишидаги вақт оралиғининг узун-қисқалиги билан фарқланади. Грамматик формаси *бор...*,

бир ва дам..., дам бўлган боғланган қўшма гапларда компонентларда ифодаланган воқеаларнинг содир бўлишидаги вақт оралиғи қисқа, грамматик формаси *баъзан...*, *баъзан*, *гоҳ...*, *гоҳ* бўлган боғланган қўшма гаплар компонентларида ифодаланган воқеаларнинг содир бўлишидаги вақт оралиғи нисбатан узоқроқ бўлади.

5. -б (-иб) равишдош формаси грамматик формаси бўлган боғланган қўшма гаплар изоҳ ва кетма-кетлик маъно муносабатларини ифодалайди.

6. Грамматик формаси -са шарт феъли формаси бўлган боғланган қўшма гаплар айни бир пайтда содир бўлган воқеаларни ифодалайди. Улар изоҳ ва зидлик маъно муносабатларини ифодалайди.

7. Юқорида баён этилган грамматик формали боғланган қўшма гапларнинг таркибда -я, -у (-ю), -ку юкламалари иштирок этмайди.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Қўшма гап тил синтактик сатҳининг олий бирлигидир. Содда гап ҳам синтактик сатҳ бирлиги ҳисобланса-да, у қўшма гапга қараганда анчайин ихчам бирликдир. Қўшма гап содда гапдан энг аввало мазмун сифимининг катталиги, мазмуний-синтактик тузилишининг ўзига хослиги, мураккаблиги билан фарқланади. Албатта, ҳар икки гап тури — содда гап ҳам, қўшма гап ҳам муайян ҳукм ифодачиси сифатида мавжуд бўлса-да, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлишдай энг муҳим вазифаси бевосита гапларда намоён бўлса-да, содда ва қўшма гаплар тузилиши ва мазмуний таркиби ҳамда бу таркибни юзага келтирувчи узвлар муносабати уларнинг ҳар бирида мутлақо ўзига хосдир. Мантиқ фани нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, содда гапларда асосан содда ҳукм, қўшма гапларда эса мураккаб ҳукм ифодаланади¹.

Туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида қўшма гап ва унинг табиати масаласи бир неча ўн йиллардан бери ўрганиб келинади. Аммо бу давр мо-

¹ Содда ва мураккаб ҳукм ҳақида қаранг: Таванец Т. В. Суждение и его виды. М.: Изд-во АН СССР, 1953, С. 30—140; Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. Тошкент: Уқитувчи, 1984, 152-155-бетлар.

байнида қўшма гап асосан бир жиҳатдан тадқиқ этилди. Г. А. Золотова синтактик тадқиқотларнинг истиқболи ҳақида фикр юритар экан, шундай таъкидлайди: «Синтактик тадқиқотларнинг муаммоларини, улардаги синтаксиснинг муҳим хусусиятларининг мутаносиблигини уч савол ёрдамида тасвирлаш мумкин: **Нима?**, **Қандай** ва **Нима учун?**. **Нима?** ёки **Нима** ҳақида? — бу андозавий (типовой) мазмун, синтактик birlikларнинг мазмунияти (семантикаси) ҳақидаги савол. **Қандай?** ёки **Нима билан?** — бу ифода воситалари, тизим (конструкция)лар ҳақидаги савол. **Нима учун?** ёки **Нимага?** — бу синтактик birlikларнинг функционал мақсади ҳақидаги савол»². Ўзбек тилшунослигидаги, умуман туркий тилшуносликдаги қўшма гап юзасидан олиб борилган тадқиқотларда асосан ана шу иккинчи саволга, яъни **Қандай?** ёки **Нима билан?** деган саволга жавоб изланган. Тўғри, бу тадқиқотларда биринчи саволга, яъни **Нима?** ёки **Нима** ҳақида? деган саволга ҳам баъзан қисман жавоб бордай туюлади, адолат юзасидан бунни таъкидламоқ лозим. Аммо мазкур тадқиқотлардаги асосий моя (принцип) «шаклдан мазмунга» тарзида бўлиб, асосий диққат-эътибор бевосита шаклга қаратилган, мазмун эса тадқиқотчининг бевосита диққат марказида турмаган.

Айтиш жоизки, анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий (формал) синтаксисга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Қўшма гап ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда қўшма гап табиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига оид янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун қонуний равишда мустаҳкам замири ҳозирлайди.

Қўшма гапларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида ўзбек тилидаги, умуман туркийшуносликдаги қўшма гап назариялари, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган. Айтиш мумкинки, нафақат қўшма гап, балки тилдаги жуда кўплаб бошқа ҳодисалар талқинида ҳам ана шу йўл, яъни рус тилшунослигидан нусха кўчириш бир қадар анъанага айланган³. Жаҳон тилшунослиги

² Золотова Г. А. О перспективах синтаксических исследований, Известия АН СССР. Серия литературы и языка. Том 45. № 6, 1986, С. 501.

³ Маҳмудов Н. М. Қайта қуриш ва ўзбек морфологиясининг айрим масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 3-сон, 16—20-бетлар.

тарихида бундай ҳол бир неча бор кузатилган, хусусан, қадимги лотин тилшунослигининг юнон тилшунослигидан нусха олиш асосида шаклланганлиги маълум⁴. Табиийки, бундай йўл тил ҳодисаларининг муайян тилнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларини тўғри ва холис тушунишга имкон бермайди. Албатта, ҳар қандай бошқа фан каби тилшунослик илми ҳам бошқа тилшуносликлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиши керак, бусиз мумкин эмас. Аммо ижодий фойдаланиш бошқа нарса-ю, айнан нусха кўчириш, масалан, рус тилшунослигидаги таърифларни таржима қилиб олиб, уларни ўзбек тилидан олинган мисоллар орқали «далиллаган бўлиш» мутлақо бошқа нарсадир. Иккинчи йўл тутилганда, ўзбек тилининг ўз хусусиятлари, ўз табиати очилмай қолади ёки жуда бўлмаганда, нохолис талқинга эга бўлиб қолади, ўзбек тилида мавжуд бўлмаган ҳодисалар ҳам ўзбек тилига кириб қолиши мумкин. Бу, албатта, тилга материалистик ёндашув моясига мутлақо зиддир. Бу муносабат билан йирик тилшунос Б. А. Серебренников шундай ёзган эди: «Тил ҳодисаларига материалистик ёндашувнинг биринчи ва мутлақ қатъий талаби — ҳодисанинг талқини, уни тушуниш айти ҳодисанинг ҳақиқий табиати-га, ҳақиқий моҳиятига мос бўлмоғи лозим. Аммо бу қанчалик ғайритабиий туюлмасин, барча қийинчиликлар ана шу ердан бошланади. Тилни ҳар қандай ортиқча қўшимчаларсиз, қандай бўлса, ўшандайлигича тушуниш бениҳоя қийин⁵. Ҳар қанча қийин бўлмасин, тилшунослик тугал фан бўлмоғи учун, тилдай мураккаб ва ўзига хос ҳодисанинг табиатини мунтазам идрок этмоқ учун мазкур талабга амал қилиш шарт.

Ўзбек тилшунослигида, умуман, туркийшуносликда; ҳатто бошқа тилшуносликларда ҳам, айниқса, эргаш гапли қўшма гаплар атрофидаги баҳслар кўпдан давом этиб келади. Зеро, эргаш гапли қўшма гаплар боғланган қўшма гапларга қараганда узвлари ўртасидаги мазмуний-таркибий муносабатлар табиатига, бу муносабатни юзага келтирувчи мазмуний, мантиқий ва синтактик механизмларнинг жуда анча мураккаблигига кўра фарқ қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли қўшма гапларни баҳолашда жиддий муаммолар

⁴ Кондрашов Н. А. История лингвистических учений. М.: Просвещение, 1979, С. 18—19.

⁵ Серебренников Б. А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М.: Наука, 1983, С. 8.

анчагина. Бу, айниқса, таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт феъли оборотлари ва бошқа тизимлар мавжуд бўлган синтактик бирликларни баҳолашда кўпроқ кўзга ташланади. Ана шундай гапларнинг синтактик мақомини белгилашда, яъни бундай гаплар синтактик содда гапми ёки эргаш гапли қўшма гапми? деган масаладаги мунозара ҳали тинган эмас, бу масалага бағишланган махсус кенгаш ҳам охириги гапни айта олмади⁶. Ҳали ҳанузгача ягона тўғри, кўпчилик томонидан эътироф қилинган бир фикрга келинганича йўқ⁷. Айрим тилшунослар ҳатто ўз «эга»сига эга бўлган сифатдош обороти иштирок этган *Мен ўқиган китоб қизиқ экан* қабалидаги гапларни аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар сифатида талқин этадилар⁸. Бунда улар ана шундай гапларнинг рус тилига таржимаси қўшма гап шаклини олишидан келиб чиққанлар, чоғи. Бир қатор тилшунослар асосли равишда таъкидлаганларидек⁹, турли феъл шакллари

⁶ Қаранг: Вопросы грамматики тюркских языков (Материалы координационного совещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках, состоявшегося 24—27 сентября 1956 г.). Алма-Ата, 1958.

⁷ Бу ҳақда қаранг: Аскар ова М. А. К критериям придаточных предложений в современном узбекском языке. — В кн.: Структура и история тюркских языков. М.: Наука, 1971, С. 148—155; Гаджиева Н. З. Критерий выделения придаточных предложений в тюркских языках. — Вопросы языкознания, 1957, № 3; Севортян Э. В. О некоторых вопросах сложноподчиненного предложения в тюркских языках. — Вопросы языкознания, 1957, № 3; Севортян Э. В. О некоторых вопросах сложноподчиненного предложения в тюркских языках. — В кн.: Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть III. Синтаксис. М.: Изд-во АН СССР, 1961, С. 122—134; Закиев М. З. Синтаксический строй татарского языка. Казань: Изд-во Казанского университета, 1963, С. 275; Баскаков Н. А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. М.: Наука, 1975, С. 239; Ярцева В. Н. Контрастивная грамматика. М.: Наука, 1981, С. 98—99; Кононов А. Н. Тюркская филология в СССР (1917—1967). М.: Наука, 1968, С. 31—32.

⁸ Фуломов А. Узбек тилида аниқловчилар. Тошкент, 1941, 74-бет; Магруфов А. Сложноподчиненное предложения с придаточными времени в современном узбекском языке. АКД, Ташкент, 1949, С. 7; Грунина Э. А. Некоторые вопросы синтаксиса сложноподчиненного предложения в современном литературном узбекском языке. — В кн.: Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть III. Синтаксис. М.: Изд-во АН СССР, 1961, С. 149—150; Нартыев Н. Строй сложного предложения в современном туркменском языке. Ашхабад: Былым, 1988, С. 94—95.

⁹ Закиев М. З. Синтаксический строй татарского языка. Казань: Изд-во Казанского университета, 1963, С. 276—277; Баскаков Н. А. Историко-типологическая характеристика структуры тюркских языков. М.: Наука, 1975, С. 242.

асосида шаклланган оборотларни рус тилига таржима қилганда, у тилда бу тизимлар эргаш гаплар шаклида бўлишига асосланиб, уларни эргаш гап, деб қараш мутлақо нотўғри ва ғайриилмийдир. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида турли оборотларни ўз ичига олувчи ўзига хос гап типлари мавжудки, уларни мураккаблашган содда гаплар деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир¹⁰.

Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни ўрганишда Ғ. Абдурахмонов, М. А. Асқарова, А. Бердиалисвларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовордир¹¹. Ғ. Абдурахмонов ва М. А. Асқароваларнинг тадқиқотларида ўзбек тилидаги эргаш гаплар, асосан, формал (шакл) жиҳатдан ўрганилган. Масалан, М. А. Асқарованинг докторлик диссертацияси «Ҳозирги ўзбек тилида эргаш усуллари ва эргаш гап типлари», деб номланган бўлиб, унинг биринчи боби эргашнинг усуллари ва шакллари тадқиқ этишга бағишланган¹², кейинги уч бобда ҳам эргашган қўшма гап узвларининг боғланишида иштирок этувчи лисоний воситалар таҳлили асосий ўринда туради. Ҳатто эргаш гапларнинг мазмуний-синтактик типлари ҳақида гап кетганда ҳам, мазмуният билан боғлиқ қисқа изоҳлардан кейин, яна бари бир боғловчи воситалар, қўшма гап узвларининг ўринлашуви каби масалаларга кўпроқ эътибор қилинган. Ғ. Абдурахмонов тадқиқотларида ҳам қўшма гапларга ана шундай ёндашувни кўриш мумкин. Бу гапларни айтишдан мурод

¹⁰ Бу ҳақда батафсил қarang: Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Докт. диссертация. Ташкент, 1984, С. 94—142.

¹¹ Абдурахмонов Ғ. А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1958; Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960; Асқарова М. А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963; Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 171—240-бетлар; Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989; Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД. Ташкент, 1989; Бердиалиев А. Ўзбек тилида омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. Тошкент: Фан, 1990.

¹² Асқарова М. А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963, С. 16—71.

мазкур тадқиқотларнинг ўзбек тилшунослигидаги жуда жиддий қимматини камситиш эмас, асло ундай эмас. Уларнинг ўзбек тилшунослигининг, умуман, туркийшуносликнинг бугунги тараққиёти учун илмий-назарий замин ҳозирлаганлиги шубҳасиз, ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётини мазкур тадқиқотларсиз тасаввур этиш мушкул. Айтиш мумкинки, яқинларгача рус тилшунослигида ҳам ана шундай формал таҳлил етакчилик қилган¹³.

Ҳар қандай тил бирлиги каби гап ҳам, хусусан, қўшма гап ҳам икки томонлама бирликдир, яъни ифода томони ва мазмун томонига эга. Узоқ вақтлар мобайнида қўшма гапнинг асосан ифода ва қисман мазмун томонлари ўрганилди. Кейинги йилларда тилшуносликда гапнинг мазмун томонига, «семантика» деб юритиладиган жиҳатга эътибор кучайди, мазмуний (семантик) синтаксис, деган йўналиш юзага келди. А. Бердиалиевнинг тадқиқотлари ана шу йўналишдаги ўзбек тилшунослигидаги дастлабки ишлардандир. Унинг докторлик диссертациясида эргаш гапли қўшма гаплардаги парадигматик ва синтагматик хусусиятлар чуқур тадқиқ этилган. Эргашган қўшма гапларнинг мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функционаллик каби бир қатор муҳим масалалар ишонарли тарзда ҳал қилинган. Шубҳасиз, бу иш ўзбек тилшунослигидаги қўшма гап назариясига қўшилган муҳим ҳиссадир. Лекин ишнинг кириш қисмида алоҳида таъкидланганидай, тадқиқотдаги асосий метод таркибий-мазмуний (мазмуний-таркибий эмас) бўлиб, у «шаклдан мазмунга» қабилидаги таҳлилга асосланган¹⁴. Айтиш керакки, таҳлил фақат «шаклдан мазмунга» қабилидаги моя асосида олиб борилганда, бевосита лисоний шаклларда ўз ифодасини топмайдиган, тилдаги турли воситаларнинг бир-бири билан муносабати асосида юзага келадиган, бавосита реаллашадиган маъно-

¹³ Лисоний адабиётларнинг шарҳли тавсифи — обзори ҳақида қаранг: Щ е у л и н В. В. Структура сложного предложения. Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского университета, 1968; Щ е у л и н В. В. О классификации сложноподчиненных предложений. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1972.

¹⁴ Б е р д и а л и е в А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложноподчиненного предложения узбекского литературного языка. АДД. Ташкент, 1989; Б е р д и а л и е в А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларда семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент, 1989.

лар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиши мумкин. Шунинг учун бу моя билан бир қаторда «мазмундан шаклга» мояси ҳам муҳимдир. Аслида шакл ва мазмун диалектикасининг моҳиятига мувофиқ равишда мазмуний таҳлил ҳар икки мояга асосланмоғи лозим. Ҳамонки, «мазмуний таҳлил гапнинг қандай англаниши, қандай интерпретация қилиниши ва унинг ташқи оламдаги ҳолатлар, жараёнлар, объектлар билан қандай алоқадорликка эга эканлигини тушунтириши керак»¹⁵ экан, бунда гапнинг ҳам мазмуни, ҳам шакли тўла ҳисобга олинмоғи шарт.

Тилшунослик тилни ўрганишда узоқ вақт грамматик системанинг энг аввало шаклий хусусиятларига дахлдор бўлган таснифлаш йўлидан борди. Бу йўл «тил — тил эгаси — ташқи олам» муносабатини тушунтиришга имкон бермади. Бунинг оқибатида нафақат назарий тилшунослик, балки амалий тилшунослик ҳам кўп нарса ютқазди. Ҳозирги пайтда ўрта ва олий мактаблардаги она тили ўқитишдаги самарадорликнинг ўта пастлиги ҳам энг аввало ана шу билан боғлиқ. Ҳозир мактабда она тили ўқитувчисининг асосий мақсади ўқувчига у ёки бу грамматик категорияни тўғри белгилай олиш малакасини сингдиришдан иборат. Ўқувчи, айтайликки, «эга»ни топа олса, демак, у билади деб қаралади. Аммо бу ўқувчига нима беради, «эга»нинг ортида нима бор? Бу каби саволларга аниқ жавоб берилмайди. Амалий тилшунослик ҳам ана шундай тил ҳодисаларини таснифлашга асосланган, яъни унда «тил белгисининг ортида турган объектив борлиқ эмас, балки айни тил белгисининг тавсифи муҳим», деб қаралган¹⁶. Мавжуд грамматикалардаги асосий йўл «тил белгисининг шаклидан унинг маъносига» тарзида бўлиб, бу мутлақо семасиологик ёндашувдир, уларда ономасиологик ёндашув йўқ. Она тилини ўрганишда ҳам, иккинчи тилни ўрганишда ҳам семасиологик ёндашув билан бир қаторда ономасиологик ёндашув бўлмас экан, жиддий натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тилшуносликда кейинги пайтларда «фаол грамматика», «идеографик грамматика», яъни муайян мазмуннинг энг мақбул тарздаги ифодаланиши имкониятларини тавсифловчи, бошқача айтганда, «мазмундан шаклга»

¹⁵ Бирвиш Н. Семантика. — В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X. М.: Прогресс, 1981, С. 177.

¹⁶ Идеографические аспекты русской грамматики. Под ред. В. А. Белошапковой и И. Г. Милославского. М.: Изд-во МГУ, 1988, С. 5.

моясига асосланган грамматика яратишга ҳаракат қилинмоқда. Рус тилининг идеографик грамматикаси масалалари ҳақида фикр юритар экан, В. А. Белошапкина ва Г. И. Милославскийлар шундай ёзадилар: «Она тили ўқитишнинг бош мақсади — тил фактларини муайян «токчаларга» териб чиқишни ўргатиш эмас, балки ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ифодалашни ўргатишдан иборат. Бундай вазифани ҳал қилиши лозим бўлган грамматика принципиал жиҳатдан таснифловчи бўлиши мумкин эмас... Бошқача қилиб айтганда, вазифа мана бундай қўйилмаслиги керак: тил белгиси берилган, бу белгининг каталогда эгаллаши лозим бўлган ўрнини топиш керак; аксинча, мана бу тарзда қўйилиши керак: муайян «ғоя» («идея») берилган, бу «ғоя»ни ифодаловчи тил белгисини топиш керак»¹⁷.

Рус тилшунослигида бу йўналишда иш бошланган, хусусан, рус тилидаги қўшма гаплар ана шундай идеографик аспектда ўрганилган. С. А. Шувалованинг «Қўшма гаптаги мазмуний муносабатлар ва уларнинг ифодаланиш усуллари» номли монографияси мазмуний синтаксис учун жуда қимматлидир¹⁸. Бу монографияда энг аввало қўшма гапта ифодаланадиган мазмунларнинг таснифи, сўнг қиёсий мазмун ва унинг ифодаланиш моделлари берилган. Бунда С. А. Шувалова қўшма гапларнинг деярли барча типларига мурожаат қилади.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний синтаксиси тадқиқ этилар экан, айтиб ўтилган ҳар икки моя — «мазмундан шаклга» ва «шаклдан мазмунга» мояларига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Гапнинг синтактик қурилиши жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган, бунинг устига синтактик қурилиш конкрет, кўриш мумкин бўлган сатҳдир. Шунинг учун гап қурилишини белгилаш бирон бир қийинчилик туғдирмайди. Лекин мазмуний синтаксисдаги иккинчи муҳим жиҳат — мазмуний сатҳ ҳам бор, бироқ гапнинг мазмун жиҳатини белгилаш унчалик ҳам осон эмас.

Гап мазмуни нима? Гапнинг мазмуни деганда нима ни назарда тутиш керак? Ҳозирги тилшуносликда бу саволга жавоб беришда бир неча йўналишни кўриш

¹⁷ Уша асар, 7-бет.

¹⁸ Шувалова С. А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М.: Изд-во МГУ, 1990.

мумкин¹⁹. Улар орасида гап маъносининг денотатив концепцияси кенг тарқалган. Бу концепцияга кўра, гап маъносининг денотати ғайрилисоний ситуациядан, муайян воқеадан («событие») иборат²⁰. В. Г. Гакнинг кўрса-тишича, гап сўздан фарқли ўлароқ тўлиқ тил белгисидир²¹. Ушбу масалани бизгача ўрганган тилшуносларга эргашиб, биз ҳам элементар содда гапнинг ифода жиҳати (плани)ни «воқеа» («событие») сўзи билан номлаймиз²².

Аммо, айтиш лозимки, воқеа фақат содда гап орқалигина эмас, балки ундан кичик бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *Эшик очилди* гапида ифодаланган воқеа айни гапнинг турли шаклий кўчимлари (трансформацияси)да ҳам, бу кўчимлар гап эмас, балки сўз бирикмалари мақомида бўлса ҳам, ифодаланаверади: *Эшик очилди* → *эшикнинг очилиши* → *эшик очилиб* → *эшикнинг очилганлиги* → *очилган эшик* кабиларда ҳам мазкур воқеанинг ўзи ифодаланган, фақат айни кўчимлардаги модаллик ҳар хил. Шунга қарамасдан, бари бир, воқеани энг тўлиқ батафсил ифодаловчи белги гапдир.

Муайян воқеа ифодачиси гап бўлса, воқеалар ўртасидаги муносабатнинг ифодачиси қўшма гапдир. Бошқача қилиб айтганда, тил белгиси сифатидаги қўшма гапнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги муносабатдан

¹⁹ Улар ҳақида қаранг: Аругюнова Н. Д. Предложение и его смысл. М.: Наука, 1976, С. 6—20.

²⁰ Яна қаранг: Маҳмудов Н. М. Узбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Уқитувчи, 1984, 7—9-бетлар.

²¹ Гак В. Г. О двух типах знаков в языке (высказывание и слово) — Материалы к конференции «Язык как знаковая система особого рода». М., 1967.

²² Бу атама ҳақида яна қаранг: Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, С. 32; Колосова Т. А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980, С. 14; Москальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса. М.: Высшая школа, 1981, С. 9—10; Колшанский Г. В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте. — В кн.: Принципы и методы семантических исследований. М.: Наука, 1976, С. 25; Белова Шапкова В. А. Современный русский язык. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1977, С. 126; Распопов И. П. Несколько замечаний о так называемой семантической структуре предложения. — Вопросы языкознания, 1981, № 4, С. 26; Васильев Л. М. Современная лингвистическая семантика. М.: Высшая школа, 1990, С. 51 ва бошқ.

иборатдир²³. Қуйидагиларни қиёслайлик: *Сен рақсга тушсанг, ҳамма хурсанд бўлади, Сен рақсга тушганингда ҳамма хурсанд бўлади, Сен рақсга тушишингга қарамай, ҳамма хурсанд бўлди* ва ҳ. к. о. Бу қўшма гаплардаги қисмларда айни бир воқеалар ифодаланган, лекин бу воқеалар ўртасидаги муносабатлар ҳар хил, яъни шарт, пайт, тўсиқсизликдан иборат муносабатлар ифодаланган. Тўғри, бундай муносабат содда гапда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *Сенинг келишинг ҳаммани хурсанд қилди*. Бу содда гапда икки воқеа ўртасидаги сабаб-натижа муносабати акс этган. Лекин, бари бир, воқеалар ўртасидаги муносабатлар содда гаплардагига қараганла қўшма гапларда аниқ ва тўла ифодаланади. Чунки моҳиятан содда гаплар муайян бир воқеа ифодачиси сифатида, қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ воқеалар ўртасидаги муносабат ифодачиси сифатида мавжуддир. Қўшма гапнинг асосий вазифаси ҳам воқеалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни ифодалашдир²⁴. Н. Ю. Шведова шундай таъкидлайди: «Қўшма гапнинг асл мазмуний категорияси фақат ундаги муносабат типидир»²⁵.

Воқеалар ўртасидаги муносабат ва унинг синтактик ифодаланишини белгилашда мазкур муносабатни шакллантирувчи мантиқий-мазмуний механизм ва бу механизмнинг синтактик тузилишга нисбатланишига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

ВОҚЕЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТНИНГ МАНТИҚИЙ ВА МАЗМУНИЙ-СИНТАКТИК АСОСЛАРИ

Оламдаги барча воқеа, ҳодисалар бир-бири билан у ёки бу тарзда боғланган. Мантиқан бошқа бир ҳодиса билан алоқадорликка эга бўлмаган ҳодисанинг ўзи йўқ. Бу алоқадорлик эса турли жиҳатларга кўра мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, бир ҳодиса бошқаси билан келиб чиқишига, содир бўлиш пайтига, мақсади-

²³ Колосова Т. А. Русские сложные предложения ассиметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980; С. 14; Черемисина М. И. Сложное предложение как знак языка. — В кн.: Синтаксис алтайских и европейских языков. Новосибирск. Наука, 1981, С. 4.

²⁴ Колосова Т. А. Русские сложные предложения ассиметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980, С. 17.

²⁵ Шведова Н. Ю. Место семантики в описательной грамматике. Синтаксис. — В кн.: Грамматическое описание славянских языков. Концепции и методы. М., 1974, С. 118.

га ёки бошқа жиҳатларига кўра боғлиқликка эга бўлади. Сўзловчининг (ёки тил эгасининг) нутқий мақсади ҳаминша ҳам бу боғлиқликни бевосита таъкидлашга қаратилавермайди. Агар мазкур боғлиқликни таъкидлаш зарурияти туғилса, сўзловчи энг аввало қўшма гапларга мурожаат қилади. Тасаввур қилингки, кўчада икки киши бир-бири билан гаплашиб турибди. Сиз биласизки, ҳатто улар бир-бири билан таниш ҳам эмас. Шунда ҳам уларнинг сўзлашуви—алоқаси мутлақо мантиқсиз-асоссиз эмас, муайян бир сабаб, айти муносабатнинг, албатта, қандайдир асоси бор. Айтилик, уларнинг бири қаергадир бориши керак, у ерга қандай бориш мумкинлигини иккинчи кишидан аниқламоқчи ёки, жуда бўлмаганда, иккаласи ҳам автобус кутиб туришибди. Демак, уларнинг бирга туриши мутлақо тасодифий эмас. Воқеалар ўртасидаги муносабат ҳам шундай.

Тайинки, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги мантиқий муносабатнинг табиати ҳам турлича, бу муносабат сабаб-оқибат шаклида бўладиган бўлса, айти муносабатдаги воқеаларнинг ўзаро алоқаси жуда зич бўлади, зеро сабабсиз оқибат ва оқибатсиз сабаб бўлиши мумкин эмас. Шакл ва мазмун диалектикасига кўра бу, албатта, гапнинг мазмуний-синтактик сатҳида ҳам ўз ифодасини топади. Агар воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабат, айтилик, ўхшатишга асосланган бўлса, айти муносабатдаги воқеаларнинг ўзаро алоқаси у қадар мустаҳкам бўлмайди. Чунки ўхшатиш реал оламдаги холис (объектив) усул эмас, балки сўзловчининг нутқий ифода мақсади билан алоқадор бўлган субъектив ёндашувдир. Бу ҳам, албатта, гапнинг мазмуний-синтактик сатҳида ўз ифодасига эга бўлади. Таъкидлаш лозимки, воқеалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар бениҳоя мураккаб ва хилма-хил. Бундай мураккаб муносабатларнинг ифодаси учун, айтиқса, эргаш гапли қўшма гаплар қулай, аммо қўшма гапларнинг бошқа типларида ҳам воқеалар ўртасидаги муносабатлар ифодаланади. Қиёсланг: *Баҳор келгач, гуллар очилди, баҳор келиб, гуллар очилди, Баҳор келди ва гуллар очилди, Баҳор келди — гуллар очилди.* Бу гапларнинг ҳаммаси бир вариатив синтактик қаторни ташкил этади, улар учун умумий бўлган мантиқий-мазмуний муносабат эса пайтдан иборат. Бу қатордаги гаплар мазмунидаги етакчи воқеа, албатта, «гулларнинг очилиши»дир. Баҳорнинг келиши эса ёрдамчи воқеадир, лекин улар вақт жиҳатига кўра ўзаро муносабатга ки-

ришган. Бу вақт муносабати эса эргаш гапли қўшма гапларда аниқ, вақт таъкидланган ҳолда ифодаланган, кейинги боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларда эса бу муносабат шаклан бевосита ифодаланган эмас, мазкур муносабат аини гапларда умумий мантиқ ва мазмунга кўра англанади. Лекин бари бир уларда ҳам «гулларнинг очилиши» воқеаси етакчидир. Ана шундан келиб чиқиладиган бўлса, боғланган қўшма гаплардаги узвлар ўзаро тенг ҳуқуқлидир, деган фикрнинг нисбийлиги, яъни бу тенг ҳуқуқлилиқ мантиқий-мазмуний жиҳатдан эмас, балки фақат шаклий жиҳатдан (ва боғловчиси ҳамда кесимларнинг грамматик шакли)гина эканлиги аён бўлади. Ғ. Абдурахмонов тўғри таъкидлаганидек, «боғланган қўшма гапни ташкил этган қисмлар орасида ҳам... пайт, қиёслаш, сабаб-натижа, изоҳлаш ва айириш мазмун муносабатлари ифодаланади... Боғланган қўшма гапни ташкил этган қисмлар шаклан мустақил, мазмунан ўзаро боғланган гаплардан ташкил топади²⁶. Лекин шаклда мазкур муносабатлар бевосита ифодага эга бўлмайди. Боғланган қўшма гап қисмларининг талқини муносабати билан Герман Пауль шундай деб ёзган эди: «Шу нарса ҳам шубҳасизки, гапларни тенглиниш муносабати ёрдамида қўшиш эҳтиёжининг ўзи, агар бу гаплар ўртасида ички алоқа бўлмаганда эди, яъни уларнинг бири иккинчисини муайян маънода аниқламаганда эди, ҳеч қандай оқиллона асосга эга бўлмасди»²⁷. Ғ. Пауль ўз фикрини давом эттириб, айтади: «Биз шуни аниқладикки, ҳатто мустақил гаплар ҳам бир-бири билан алоқага киришиб, тобеланишдан иборат маъно нозиклигига эга бўлади»²⁸. Айрим тилшунослар ана шундай хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, «боғланган қўшма гап қисмларининг тилшунослар томонидан жуда кўп таъкидланаётган тенглиги уйдирмадир»²⁹, дейдилар.

Боғловчисиз қўшма гапларда ҳам воқеалар ўртасидаги хилма-хил муносабат акс этса-да, бу муносабат бевосита шаклий ифодага эга бўлмайди. Шунга қарамасдан, уларда ҳам воқеалардан бирининг етакчилиги,

²⁶ Ўзбек тили грамматикаси. II том, Синтаксис, Тошкент: Фан, 1976, 332—333-бетлар.

²⁷ Пауль Ғ. Принципы истории языка. М.: Иностранная литература, 1960, С. 176.

²⁸ Пауль Ғ. Ўша асар, 177-бет.

²⁹ Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, С. 75.

унинг бошқаси билан мантиқий-мазмуний муносабати англанади³⁰.

Айтиб ўтилганидай, воқеалар ўртасидаги муносабат эргаш гапли қўшма гапларда аниқ ва тўлиқ ифодаланади. Бу муносабатнинг ифодаланиши ва белгила-нишида боғловчи ва боғловчи воситаларнинг ўрни бе-ниҳоя муҳимдир³¹. Эргаштирувчи боғловчилар ёки шун-дай воситалар эргаш гапнинг мазмунини асосан тайин этиши мумкин³². Бу боғловчи воситалар ўз мазмунига кўра муайян муносабатга киришаётган воқеаларни фақат боғлаш учунгина хизмат қилмайди, балки бунга қў-шимча равишда яна турли модал маънолар, сўзловчи-нинг субъектив муносабатларининг ифодаланиши учун ҳам кўмак беради. Боғловчи воситаларнинг қўшма гап-даги аҳамияти ҳақида гапириб, М. И. Черемисина шун-дай дейди: «Қўшма гап таркибидаги алоқа кўрсаткичи-ни ўз қимматига кўра содда гапдаги кесим билан қиёс-лаш мумкин: у қўшма гапнинг таркибий чўққисидир»³³. Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний синтаксис-да, демак, бундай боғловчи ва боғловчи воситаларнинг мазмуни, ўрни каби масалаларга алоҳида эътибор бер-моқ лозим.

Сўзловчи томонидан фикр ифодаси учун айти эргаш гапли қўшма гап (ёки умуман қўшма гап) шаклининг танланиши мутлақо тасодифий бўлмайди. Лисоний техника (лингвотехника) нуқтан назаридан, албатта, содда гап ўнғайроқ. Лекин сўзловчи фикрни ихчам ва айти чоғда барча объектив ва субъектив жиҳатлари билан ифодалашга зарурият сезганда қўшма гапга му-рожаат қилади. Бир неча воқеа ва улар ўртасидаги

³⁰ Яна қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 300—301-беглар; Ширяев Е. Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М.: Наука, 1986.

³¹ Колосова Т. А. Русские сложные предложения ассиметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского универси-тета, 1980, С. 22—23; Мартынов В. В. Категории языка. Се-миологический аспект. М.: Наука, 1982, С. 60.

³² Гулыга Е. В. О семантике предложения— В кн.: Теоре-тические проблемы синтаксиса современных индоевропейских язы-ков. Л.: Наука, 1975, С. 27; Гулыга Е. В., Шендельс Е. И. О компонентном анализе значимых единиц языка. — В кн.: Прин-ципы и методы семантических исследований. М.: Наука, 1976, С. 309.

³³ Черемисина М. И. Сложное предложение как знак языка. — В кн.: Синтаксис алтайских и европейских языков. Ново-сибирск: Наука, 1981, С. 5.

хилма-хил мантиқий муносабатлар (мақсад, сабаб-оқибат, шарт, пайт каби)ни ифодалаш учун ахборот берувчи томонидан жумланинг қўшма гап тарзида тузилиши, М. В. Ляпон таъбири билан айтганда, «хулоса чиқариш операциясига ўхшайди». Бунда ахборот берувчи ахборотни махсус мантиқий ишловдан ўтказилади, яъни воқеалар ўртасидаги муносабатни баҳолайди, аниқлайди, унга ўз нуқтан назарини билдиради ва ҳ. к. о.³⁴. Бу мантиқий операцияларнинг натижаси сифатида шаклланган қўшма гапда айни мазмунлар муайян даражада акс этади.

Бу ўринда энди гап маъносидаги икки хил табиатли мазмунни фарқлаш керак бўлади. «Мазмуний синтаксиснинг тараққиёти муносабати билан, — деб ёзди В. А. Белошапкова, — жуда кўп тилшунослар томонидан турли вақтларда айтилган гап маъносида бири-бирдан принципиал фарқланувчи икки тур мазмун — борлиқни акс эттирувчи объектив мазмун ва фикрловчининг ана шу борлиққа бўлган муносабатини акс эттирувчи субъектив мазмун қўшилган, деган фикр алоҳида долзарблик касб этди»³⁵. Гап маъносидаги бундай мазмун турлари дастлаб швейцар тилшуноси Ш. Балли томонидан фарқланган. У объектив мазмунни «диктум», субъектив мазмунни эса «модус» («модаллик» атамаси билан алоқадор) деб номлаган³⁶. Ш. Балли атамалари билан айтиладиган бўлса, муайян бир диктум турли модуслар билан бирга ифодаланиши мумкин. Масалан, *Дўстим, албатта келади. Дўстим келса эди. Дўстим келмоқчи. Дўстим, эҳтимол, келади. Дўстим менимча, келади* каби гапларнинг барчасида айни бир диктум ифодаланган, аммо улардаги модуслар ҳар хил, сўзловчининг айни воқеага турлича субъектив муносабати акс этган: аниқ ишонч, истак, гумон, иккиланиш каби.

Қўшма гапларда айрим ҳолларда модус ва диктум алоҳида-алоҳида, яъни қўшма гапнинг бир қисмида модус, иккинчи қисмида диктум ифодаланиши мумкин³⁷.

³⁴ Ляпон М. В. Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений. М.: Наука, 1986, С. 9.

³⁵ Современный русский язык. Под ред. В. А. Белошапковой. М.: Высшая школа, 1981, С. 475.

³⁶ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.: 1955, С. 43—48; Яна қаранг: Как В. Г. О категориях модуса предложения — В сб.: Предложение и текст в семантическом аспекте. Калинин, 1978, С. 20.

³⁷ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского

Масалан, *Мен ўйлайманки, дўстим бугун келмайди* қўшма гапининг бош гап қисми (*Мен ўйлайманки*) да модус, эргаш гап қисми (*дўстим бугун келмайди*) да эса диктум ифодаланган.

Маълумки, *модус, модаллик* сўзлари лотин тилида «усул» деган маънони билдиради. Гапнинг диктуми ёки объектив мазмуни биз қўллаётган атама бўйича «денотатив воқеа»га тўғри келади. Денотатив воқеа талқинида у қадар ҳар хиллик йўқ. Аммо модус талқинида бирмунча ҳар хиллик бор. М. И. Черемисина ва Т. А. Колосовалар ўз тадқиқотларида «Гапнинг модуси ва диктуми ҳақида» деган махсус қисм ажратиб, унда бу тushunchалар ҳақидаги ҳозирда мавжуд тасаввурларни умумлаштирганлар. Уларнинг таърифича, «диктум референти нутқда ифодаланаётган реалликдаги муайян вазиятдан иборат бўлган асосий ахборот сифатида тushунилади», модус эса «диктум мавқеидаги воқеанинг модаллик (яъни воқеанинг эҳтимоллиги ва воқеа ҳақида ахборотнинг ишончлилик даражаси) ёки айни воқеа ҳақидаги тасаввурни руҳий (психик) қайта ишлаш табиати аспектидаги ифодага эга бўлган (вербал) субъектив талқинидир»³⁸. Бошқача қилиб айтганда, модус денотатив воқеанинг модал ёки субъектив талқини дeмакдир. Эргаш гапли қўшма гапларда у қуйидаги тизимларда ифодаланиши мумкин: *Мен биламанки,...., Шуниси маъқулки..., Мен ишонаманки,...., Мен ўйлайманки,...., Мен сизга тўғриси айтсам,....* ва ҳ. к. о: *Кейинчалик маълум бўлдики, булар... бир неча ойдан бери фронтга жўнаш ҳақида буйруқ кутиб ётар экан* (А. Қаҳҳор). *Биз биламизки, ҳар бир янгилик қаршиликка учрайди* (А. Қаҳҳор). *Энг аҳамиятлиси шундаки, қандайдир сирли бир куч бизни шу содда ва тўғри сўз ишчини севиб қолишга мажбур этади* (Ф. Мусажонов). Кўриниб турибдики, ҳар учала қўшма гапда ҳам бош гаплар модуснй, яъни эргаш гапларда ифодаланган воқеаларнинг субъектив талқинини ифода этган. Рус тилидаги ана шундай қўшма гаплар ҳақида гапириб, Н. С. Поспелов шундай таъкидлайди: Бундай қўшма гапларнинг бош гап қисми «алоҳида ахборотни ифодаламайди, балки фақат эргаш гапнинг модаллик жи-

языка. М.: 1955, С. 46—47; Ширяев Е. Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. М.: Наука, 1986, С. 81.
³⁸ Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск.: Наука, 1987, С. 34—35.

хатдан шаклланиши учун восита бўлиб хизмат қилади, бунда у ўз лексик маъноси билан эргаш қисмдаги мазмунга сўзловчининг у ёки бу тарздаги муносабатини ифодалайди»³⁹. Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларда модуснинг ифодаланиши рус тилидагидан бир қадар фарқ қилади, яъни модуснинг ифодачиси Н. С. Поспелов кўрсатган ҳолатдагидай ҳамisha бош гап бўлмайди. Ўзбек тилида модус эргаш гап орқали ҳам ифодаланаверади: *Утган ўша азобли куним, ҳозир ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг ноёб дамлари бўлган экан* (А. Мухтор). *Мен сенга айтсам, ҳали биров ўз юртидан кетиб рўшнолик кўрганмас* (Ё. Яқвалхўжаев). *Бир сўз билан айтганда, у ота билан онанинг жамики хуш фазилатларини ўзида мужассам этганди* (Ё. Яқвалхўжаев). Бу гаплардаги эргаш гаплар бош гаплардаги денотатив воқеанинг модал талқини ифодаси учун хизмат қилган. Демак, эргаш гапли қўшма гапларнинг бош ва эргаш қисмларида ўрни билан модус, ўрни билан денотатив воқеа — объектив мазмун ифодаланавериши мумкин.

Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, модус тушунчаси ўз ичига бир қатор маъноларни олади, хусусан, «баҳо», «руҳий ҳолат», «тахмин» ва бошқалар⁴⁰. Шунинг учун ҳам қўшма гапларда модус ифодаланганда, модус ифодачиси бўлган гапнинг предикати сифатида турли сўзлар иштирок этиши мумкин. Хусусан: *ўйламоқ, сезмоқ, билмоқ, қўрқмоқ, хурсанд бўлмоқ, маъқулламоқ, истамоқ, айтмоқ, кўрмоқ, яхши, ёмон, маъқул, муҳим, тўғри* (баъзан, феъл бўлмаган айни сўзлар субъектни ифодалаб келиши ҳам мумкин) ва ҳ. к. о.

Эргаш гапли қўшма гапларда модус ва денотатив воқеа (диктум)нинг алоҳида-алоҳида ифодаланиши доимий эмас. Эргаш гапли қўшма гапларда уларнинг мантиқий-мазмуний ва синтактик моҳиятига мутлақо мувофиқ равишда аксар ҳолларда модус алоҳида гап сифатида эмас, балки турли грамматик шакллар орқали ифодаланиб, бевосита икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа — диктум ифодаланиши мумкин. Ана шун-

³⁹ Поспелов Н. С. Развитие предложений одночленной структуры. — В кн.: Изменения в строе сложноподчинённого предложения в русском литературном языке XIX в. М.: Наука, 1964, С. 69

⁴⁰ Модусларнинг типлари ҳақида қаранг: Арутюнова Н. Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. М.: Наука, 1988, С. 109—132.

га кўра эргаш гапли қўшма гапларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин, яъни: 1) икки денотатив воқеа (ёки ундан ортиқ) ифодаланган ва 2) бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гаплар. Шунга яқин нуқтаи назарни С. А. Шувалованинг тадқиқотида ҳам кўриш мумкин. У қўшма гапларда ифодаланиши мумкин бўлган мазмун муносабатларини 2 синфга ажратади: «I синф. Қўшма гапнинг денотати реал борлиқдаги бир-бири билан муайян муносабатда бўлган икки (ёки ундан ортиқ) ситуациядан иборат... *Когда я родил-ся, мои родители жили в Ленинграде (Мен туғилганимда, ота-оналарим Ленинградда яшардилар)*... II синф. Қўшма гапнинг денотати реал борлиқдаги бир ситуациядан иборат»⁴¹. Иккинчи синфдаги мазмун муносаба-ти деганда, С. А. Шувалова сўзловчининг мақсади реал борлиқдаги бир денотатив воқеани тавсифламоқ бўлгани ҳолда ана шу тавсиф жараёнида икки ёки ундан ортиқ денотатив воқеа тавсифидан фойдаланиши-ни назарда тутди. Бу жиҳатдан биз ажратган иккинчи гуруҳ билан С. А. Шувалова ажратган иккинчи синф бир-биридан бирмунча фарқ қилади.

Бу ўринда В. В. Мартиновнинг айни масалага ён-дашуви диққатга сазовор. У икки диктум — денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ва шундай муносабат ифо-даланган қўшма гапларни ҳамда модус билан бир дик-тум — денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ва шун-дай муносабат ифодаланган қўшма гапларни фарқ-лайди. Бунда у таъкидлайдики, биринчи тип қўшма гаплар реал, тилдан ташқаридаги борлиқнинг икки (ёки ундан ортиқ) воқеаси билан алоқадор бўлса, иккинчи тип қўшма гапларда бир воқеа ва айни во-қеа ҳақидаги хабар, яъни ғайрилисоний ва лисоний борлиқ воқеалари ўртасидаги алоқадорлик ифодала-нади (Ана шу иккинчи тип учун мисоллар берил-ган: *Кто-то сообщил, что Петр спрятался в сарае; Он знал, что комиссия собиралась без него; Он хотел, что-бы комиссия собралась без него; Он сказал, что комис-сия собралась без него; Известно, что комиссия могла собраться без него; Хорошо, что комиссия собралась без него* каби). Ана шунга кўра В. В. Мартинов қўшма гапларни икки гуруҳга ажратади: 1) лисоний (языко-вой) ва 2) металисоний (метаязыковой)⁴².

⁴¹ Шувалова С. А. Смысловые отношения в сложном пред-ложении и способы их выражения М.: Изд-во МГУ, 1990, С. 16.

⁴² Мартынов В. В. Категории языка. Семиологический ас-пект. М.: Наука, 1982, С. 60—63.

Поляк тилшуноси Анна Вежбицка ҳам матн таркибидаги ана шундай қўшма гап қисмидаги мазмунларнинг ўзига хос табиатини таъкидлайди. *Если речь идет об X-е, то я могу с ним поговорить, Кстати говоря, я ему совсем не удивляюсь, По правде говоря, я ему не удивляюсь, Что касается меня, я не очень этому верю, Если я не ошибаюсь, он уехал* каби бир қатор гаплар ҳақида шундай ёзади: «Ажратиб кўрсатилган сўзлар (айни гапларнинг биринчи қисмлари) асосий матнга шунчаки шаклан киритилган, улар асосий матн билан грамматик алоқалар орқали боғланган. Аммо ҳатто энг юзаки мазмуний (семантик) таҳлил ҳам бу ифодаларнинг метаматний (метатекстовый) табиатини ошкор қилиб қўяди»⁴³.

Ташқи олам ҳодисалари, улар ўртасидаги муносабат, сўзловчининг айна ҳодисаларга бўлган нуқтаи назари (кенг маънода) каби масалалар барча тил вакиллари учун муштаракдир. Лекин бу масалаларнинг тилдаги намоён бўлиши билан алоқадор муаммолар, шубҳасизки, ҳар бир тил учун анчайин хусусийлик касб қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний синтаксиси ўрганилар экан, мазкур мазмунларнинг таъкидланаётган мантиқий асосларини, ўзига хос табиатини чуқур идрок қилиш, айна мантиқий асосларнинг тил сатҳидаги нисбатланиши билан боғлиқ муаммоларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Таъкидламоқ лозимки, модус «воқеа» бир қўшма гап доирасида диктумга — денотатив воқеага қаршилантирилгандагина модус «воқеа» бўла олади. Муайян денотатив воқеа билан муносабатдан ташқарида модус «воқеа» мавжуд эмас, агар шундай муносабатдан ташқарида бўлса, у денотатив воқеага (диктумга) айланади⁴⁴. Масалан, *Мен ишонаманки, сен бу ишни уддалайсан* гапидаги бош гап (*Мен ишонаманки*) модус «воқеа»ни ифодалайди, кейинги гап эса денотатив воқеа ифодачисидир. Агар ана шу денотатив воқеа билан мазкур модус муносабатда бўлмас экан, бу модус денотатив воқеага айланади. Қиёс: *Мен китобга ишонаман* — гапида бир денотатив воқеа ифодаланган.

⁴³ Вежбицка Анна. Метатекст в тексте. — В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. М.: Прогресс, 1978, С. 402—421.

⁴⁴ Черемисина М. И. Сложное предложение как знак языка. — В кн. Синтаксис алтайских и европейских языков. Новосибирск: Наука, 1981, С. 37.

«Модуснинг фарқловчи белгиси диктумдан ажратиб олинганда унда воқеа ҳақидаги тасаввурнинг тўлиқ бўлмаслигидир»⁴⁵. Юқорида келтирилган қўшма гапда ҳам бу кўриниб турибди, яъни *Мен ишонаман(ки)*. Гапда ифодаланган модус муайян воқеа ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Қўшма гапнинг мазкур қисмида предикативлик тўлиқ ифодаланган: *Мен — эга, ишонаман* эса кесим. Шунга қарамадан, айтиш бош гап шаклан ҳам, мазмунан ҳам тўлиқ эмас, гап сифатида чалаликка эга. Чунки гапда модуснинг бевосита ифодачиси сифатида иштирок этган *ишонмоқ* феълнинг кучли синтактик (ҳам мазмуний-семантик) валентлиги очиқ қолган. Бу очиқ қолган валентлик эса денотатив воқеа ифодаси билан беркилиши лозим. *Мен ишонаманки...*: дейилиши биланоқ *нимага?* сўроғи эса келади, бу сўроққа эса модус ифодачиси бўлган бош гапда жавоб йўқ. Шунинг учун ҳам қўшма гапнинг денотатив воқеа — диктум ифодачиси бўлган эргаш гап қисмини келтириш ҳам мантиқан, ҳам мазмунан, ҳам шаклан (синтактик жиҳатдан) зарурат.

Эргаш гапли қўшма гаплардаги бош гап эргаш гапларга қараганда алоҳида мавқега эга, бу табиий, шунинг учун ҳам у «бош гап» дейилади. Уни яхлит гап сифатида қўшма гапнинг грамматик «синчи» деб ҳам аташ мумкин (Бу фикр кейинроқ яна давом эттирилади). Аммо эътибор берилса, бир денотатив воқеа ифодачиси бўлган қўшма гапнинг кўпчилигида бош гап денотатив воқеани эмас, балки модусни ифодалаб келган (Модус эргаш гапларда ҳам кўпинча ифодаланади: *Мен сенга айтсам, одамларга яхшилик қил, кейинги масалага келсак, асосий маърузани касоба уюшмасининг раиси қила қолади. Гапнинг очигини айтганда, ишга жиддий киришмоқ шарт каби*). Бундай ҳолатларда, айтиш мумкинки, мазмунан анчайин «камбағаллашадиган» бош гапларнинг мазмунан анчайин «бой» бўлган эргаш гапларга нисбатан алоҳида мавқеи нима бўлади? Айтиб ўтилганидай, денотатив воқеа гапнинг холис (объектив) мазмунини ташкил этади, холис мазмун эса гапнинг «мазмуний ядроси»⁴⁶ демакдир. Бу мазмуний ядро бош гапда эмас, эргаш гапда ифодаланапти-ку! В. Б. Касевич бирма ва рус тилларидаги

⁴⁵ Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, С. 37.

⁴⁶ *Қаранг!* Москальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса. М.: Высшая школа, 1981, С. 10.

ана шундай хусусиятларга эга бўлган қўшма гаплар ҳақида шундай дейди: «Бундай типдаги «бош гап» эргаш гапсиз нотўлиқдир (эллиптикдир)... Шунинг учун «бош гап» деган анъанавий тушунча ўзини оқлаши эҳтимолдан узоқ: *Мен биламан...* (я знаю) қабiliдаги тизимлар ўзларининг моҳиятан нотўлиқ (эллиптик)лигига кўра нафақат бош гап, балки умуман гап ҳам бўла олмайди»⁴⁷. В. Г. Адмони эса бир қадар бошқачароқ нуқтаи назарни айтади: «Эргаш гапли қўшма гапларда бош гап эргаш гапга қараганда семантик жиҳатдан қиёслаб бўлмайдиган даражада кам мазмунли бўлиши мумкин, ammo у бари бир грамматик жиҳатдан ҳоким бўлиб қолаверади. Бу фикр, айниқса, шундай эргаш гапли қўшма гапларга тегишлики, уларда бош гап кимнингдир нутқини гапга олиб киради ёки эргаш гапда кўпинча кенг ифодага эга бўлган мазмунга модал баҳо беради (*Он сказал, что...; Сомнительно, чтобы...*). Бундай тизимлардаги эргаш гаплар кўпинча махсус ном (изоҳловчи гаплар) билан аталади, бу ном эргаш гапларнинг эргаш гапли комплексдаги етакчи маънавий мавқеини таъкидлайди. Лекин улар бари бир грамматик жиҳатдан тобе гаплигича қолаверади»⁴⁸.

В. Б. Касевичникига қараганда В. Г. Адмонининг фикри ҳақиқатга яқинроқ. Чунки мазкур ҳолатлардаги бош гапларни улардаги нотўлиқликка кўра гап эмас деб бўлмайди. Бу нотўлиқликнинг ўрнини қоплайдиган кейинги гап, яъни эргаш гап бор. Синтаксисда «нотўлиқ гаплар» дейиладиган махсус гап турлари мавжуд бўлиб, улардаги нотўлиқлик нутқий вазият ёки кенг контекст — бошқа мустақил гаплар орқали қопланади. Қўшма гаплардаги эргаш гаплар эса мустақил гаплар эмас, балки яхлит бир коммуникатив бирликнинг муайян бир узвидир, у бош гап билан биргаликда идрок қилинади. Шунинг учун ҳам қўшма гап донрасидаги бош гап «гаплигини» сақлайди, лекин мазкур ҳолатда, В. Г. Адмони тўғри таъкидлаганидай, у грамматик жиҳатдангина бош гап бўлиб қолади; айтиб ўтганимиздай,

⁴⁷ Касевич В. Б. Семантика. Синтаксис. Морфология, М.: Наука, 1988, С. 121.

⁴⁸ Адмони В. Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. Л.: Наука, 1988, С. 105; Бу ҳақида яна қаранг: Слюсарева Н. А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка, М.: Наука, 1981, С. 163.

ҳар қандай қўшма гапда ҳам бош гап яхлит гапнинг грамматик асоси, «синчи» вазифасини бажаради. Аслида аввал бошданоқ эргаш гапли қўшма гап қисмларини номлашда, яъни «бош» ва «эргаш» гап деганда, кўпроқ мазмун эмас, балки грамматика, грамматик алоқа ҳисобга олинганга ўхшайди. Чиндан ҳам содда гап доирасидаги грамматик алоқа, яъни тобеланиш (ва тенгланиш) қўшма гапларга ҳам олиб ўтилган⁴⁹.

Кўринадики, бошқа ҳар қандай лисоний бирликларда бўлгани каби эргаш гапли қўшма гапларда ҳам ташкил этувчи узвлар ўртасидаги алоқада ўзига хослик бор. Бундай ҳолатларда бош гапларнинг гаплигини ёки бош гаплигини инкор этиб қўя қолиш ғайри илмий йўлдир. Акс ҳолда, яъни қўшма гапнинг грамматик «синчи» бўлган бош гап агар чиндан ҳам гап бўлмаса, унда бундай қўшма гаплар нутқий алоқа учун бутунлай яроқсиз бўлиб қолиши керак эди. Ҳолбуки, нутқий алоқада бундай қўшма гапларнинг иштироки анчагина салмоқли. Демак, айтиш ҳолатдаги қўшма гап тизимларининг шаклланиши, айтиш мумкинки, бевосита нутқий алоқанинг талаби. Нутқий алоқа мақсадлари учун ана шундай мазмунан «камбағал» бош гаплар ҳам зарур, бу мақсадларнинг нима эканлиги (субъектив муносабат, баҳо, модал талқин, ўзга нутқини киритиш кабиларни таъкидлаган ҳолда алоҳида ифодалаш) олдинроқ умумий тарзда айтиб ўтилди. Шунинг учун ҳам мазкур эргаш гапли қўшма гап қисмларини баҳолашда бу қисмлар ўртасида мазмуний-функционал номувофиқлик борлигини таъкидламоқ шарт, яъни, масалан, *Мен ишонаманки, сен бу ишни уддалайсан* гапининг биринчи қисми мазмунан бош гап эмас, функционал жиҳатдан бош гап, иккинчи қисми эса функционал эргаш гап, аммо мазмунан «бош гап» ёки қўшма гапдаги ягона денотатив воқеа ифодачиси. Кўринадики, қўшма гап қисмларини мазмуний-функционал номувофиқлик бор.

Бундай мазмуний-функционал номувофиқлик бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларнинг барчаси учун ҳам хос эмас. Денотатив воқеа бош гапда, модус эса эргаш гапда ифодаланган қўшма гапларда қисмлараро мазмуний-функционал номувофиқлик юзага келмайди. Бундай гапларда бош гап ўз моҳиятига кўра ҳам мазмунан, ҳам грамматик жи-

⁴⁹ Яна қаранг: Мартынов В. В. Категории языка. Семиологический аспект. М.: Наука, 1982, С. 65.

ҳатдан ҳукмрон бўлади, эргаш гап эса модус «воқеа»-ни ифода этиб, ҳам мазмунан «камбағал», ҳам грамматик жиҳатдан тобе бўлади. Масалан, *Гапнинг очигини айтсам, ҳаракатингни тезроқ қил* гапининг эргаш гап (*гапнинг очигини айтсам*) қисмида модус ифодаланган, демак, у мазмунан ҳам, грамматик ҳам тобе; бош гап (*ҳаракатингни тезроқ қил*) қисмида эса денотатив воқеа ифодаланган, демак, у мазмунан ҳам, грамматик ҳам ҳоким. Бу қўшма гаптаги қисмлар ўртасида мазмуний-функционал номувофиқлик йўқ.

Аммо бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларнинг барчаси учун бошқа бир номувофиқлик (асимметрия) хосдир. Бу номувофиқлик эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмунияти билан синтактик шакли ўртасида юзага келади.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА ШАҚЛ ВА МАЗМУН

Шақл ва мазмуннинг диалектик бирлиги ҳамда бу диалектик бирликнинг намоён бўлиш табиати масаласи ҳар қандай фаннинг ҳам энг марказий масалаларидандир. К. Маркс ўзининг «Капитал» асарида «...воқеаларнинг намоён бўлиш формаси билан моҳияти бевосита мос келса эди, у ҳолда ҳар қандай фан ҳам ортиқча бўлиб қолар эди...», деб таъкидлаган эди. Зеро ҳар қандай фаннинг, шу жумладан, тилшуносликнинг ҳам, бош мақсади ҳодисанинг шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабатни ҳамда бу муносабатнинг ўзига хос қонуниятларини аниқлашдан иборат. Шунинг учун ҳам тилшуносликда «шаклий ва мазмуний таҳлилнинг бир-бири билан диалектик равишда боғланганлиги»⁵⁰ кўп таъкидланади. Чунки У. Вейнрейх тўғри кўрсатганидай, маъно ва унинг ифодаси ўртасидаги қатъий мослик фақат идеаллаштирилган семиотик белгиларгагина хосдир⁵¹. Тилда, эса, хусусан, унинг синтактик сатҳида гапнинг шаклий ва мазмуний таркиблари ўртасидаги алоқа беҳад мураккаб ва кўпинча зиддиятли бўлиб, улар бир-бирлари билан тўлиқ мувофиқ келмайди, кўпинча мазмуний-синтактик номувофиқлик (асимметрия) мавжуд

⁵⁰ Ветров А. А. Методологические проблемы современный лингвистики. М.: Высшая школа, 1973, С. 37.

⁵¹ Вейнрейх У. Опыт семантической теории. — В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X. Лингвистическая семантика. М.: Прогресс, 1981, С. 53.

бўлади⁵². Ана шундай номувофиқлик бўлмаса, тилшуносликнинг олдида муаммонинг ўзи ҳам бўлмас эди⁵³. Лекин гапларнинг аксариятида ана шундай номувофиқлик бор. Шакл ва мазмуннинг бундай зиддиятли табиати тилнинг ўзига хос хусусиятидир. Муҳими шуки, тил бирликларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги диалектик зиддият уларнинг узвий бирлигига тўқинлик қилмайдиган эмас, балки бу зиддият ана шундай бирлик мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади, бу тилдаги қонуний ва объектив ҳодисадир⁵⁴.

Ўзбек тилида содда гаплардаги мазмуний-синтактик номувофиқлик (асимметрия) муаммоси ўрганилган⁵⁵. Аммо бу масала қўшма гаплар доирасида алоҳида ўрганилган эмас. Рус тилида эса мазкур масала қўшма гап материалида чуқур тадқиқ этилган⁵⁶.

Айтиш лозимки, содда гаплар доирасидаги мазмуний-синтактик номувофиқлик, асосан, тилдаги тежаш тенденциясининг намоён бўлиши сифатида юзага келса⁵⁷, қўшма гаплардаги бундай номувофиқликнинг замини тилдаги ортиқчалик тенденциясига бориб тақалади.

Бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик номувофиқлик ҳамшиша мавжуд бўлади ва бу номувофиқликнинг юзага келиши

⁵² Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л.: Наука, 1972, С. 7, 15; Бархударов Л. С. К вопросу об отношении формальных и семантических моделей предложения. — В кн.: Теория языка. Ангlistика. Кельтология. М.: Наука, 1976, С. 12; Москальская О. И. Вопросы синтаксической семантики. — Вопросы языкознания, 1977, № 2, 48; Колшанский Г. В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980, С. 120—121; Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Докт. диссертация. Ташкент, 1984, С. 6; Колосова Т. А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980, С. 30.

⁵³ Кузнецов П. И. Является ли строй тюрских языков изначально именовым? — Вопросы языкознания, 1980, № 6, С. 52.

⁵⁴ Колшанский Г. В. Проблема противоречий в структуре языке. — В кн.: Энгельс и языкознание. М.: Наука, 1972, С. 40—50.

⁵⁵ Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Докт. диссертация. Ташкент, 1984; Ўша муаллиф. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент, Ўқитувчи, 1984.

⁵⁶ Колосова Т. А. Сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980.

⁵⁷ Махмудов Н. М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка, Докт. диссертация. Ташкент, 1984, С. 13.

тилдаги ортиқчалик тенденциясининг амал қилиши натижасидир. Бу тенденция нутқий алоқадаги муайян зарурият билан боғлиқ, албатта. Бундай зарурият сифатида сўзловчининг турли субъектив мақсади, воқеанинг баҳолаши кабиларни кўрсатиш мумкин. Сўзловчи айтиш мақсади, баҳоси ва шу кабиларни алоҳида таъкидлаб ифодалаш учун предикатив тизимларни танлайди, лекин бу тизимлар денотатив воқеани эмас, мазкур мақсадга кўра модусни ифодалайди. Бунинг натижасида назарий жиҳатдан икки денотатив воқеа ифодачиси бўлган икки (ёки ундан ортиқ) предикатив бирликдан иборат эргаш гапли қўшма гап фақат бир денотатив воқеани ифодалайдиган бўлиб қолади, яъни фақат бир мазмуний «ядро»ни ўз ичига олади. Бу, тайинки, мазмун ва шакл жиҳатидан номутаносибликни келтириб чиқаради.

Т. А. Колосова рус тилидаги *Дело в том, что для ремонта... нужен... станок* каби гапларда ифода планининг мазмун планига мдс эмаслигини айтиб, ёзади: «Бундай қўшма гаплар, икки предикатив бирликнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, бир ситуацияни ифода қилади. Жумланинг мазмуни аслида эргаш гап қисмида мужассамлашган, бош гап қисми эса ҳаммиша олдин келиб, сезиларли даражада мазмунсизлашган, у ахборот бериш воситаси эмас, балки эргаш гапдаги ахборотнинг ўзига хос актуаллаштирувчисидир». Тадқиқотчи ана шуни ҳисобга олиб, бундай гапларнинг ифода планига кўра қўшма, мазмун планига кўра эса содда эканлигини таъкидлайди⁵⁸.

Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларда асосий «ахборотни актуаллаштирувчи» сифатида, яъни модус ифодачиси сифатида бош гап ҳам, эргаш гап ҳам, айтиб ўтилганидай, келавериши мумкин. Қиёс: *Ҳамма гап шундаки, биз тезроқ ишга киришмоғимиз керак. Кун тартибидаги кейинги масалага келсак, асосий маърузани касаба уюмчасининг раиси қилади.* Биринчи гапда модус бош гап орқали, иккинчи гапда эса модус эргаш гап орқали ифодаланган. Лекин бари бир ҳар икки гапда ҳам мазмуний-синтактик номувофиқлик мавжуд.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, модус эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш қисмида ифодаланганда, эргаш гапда предикат сифатида кўпинча шарт майлида-

⁵⁸ Колосова Т. А. Уша асар, 32—35-бетлар.

ти феъл (юқоридаги мисол), -ганда шакли феъл (Гапнинг тўғриси айтганда, сиз кўп ўқишингиз керак) кабилар иштирок этади. Эргаш гапда ифодаланган мазмуннинг табиатига кўра мазкур шакллар билан боғлиқ «шарт» ва «пайт» маънолари нейтраллашади. Бу ҳол, албатта, тушунарли, чунки мазкур предикатлар денотатив воқеа ифодасида иштирок этмаган.

Шуниси ҳам табиийки, модус ифодаловчи тизим ихчамлашишга мойил бўлади. Буни яхлит гапда денотатив воқеага қараганда модуснинг номуҳимлиги билан изоҳлаш мумкин. Ана шу номуҳимлик, аслида, тегишли сўз шаклларидаги маъноларнинг («шарт», «пайт» каби) кучсизланишига ёки нейтраллашишига олиб келади. Бу нейтраллашув кўпгина эргаш гапли қўшма гапларда жуда аниқ бўлади. Юқорида келтирилган *Мен сенга айтсам, одамларга яхшилик қил, Кейинги масалага келсак, асосий маърузани касаба уюшмасининг раиси қилади. Гапнинг очиғини айтганда, ишга жиддий киришмоқ шарт. Мен ўйлайманки, у бугун келади* каби эргаш гапли қўшма гапларда ана шундай нейтраллашувни кўриш мумкин. Бу нейтраллашувга ва гапнинг тегишли қисмларида ифодаланган модуснинг мантиқий-мазмуний табиатига кўра бундай шакл қўшма гаплар ҳақли равишда кириш тизимли содда гаплар сифатида баҳоланади⁵⁹. А. Ғуломов кириш тизимларнинг асосий гапдаги фикрга боғлиқ бўлган, шу ҳақдаги қўшимча мулоҳазаларни ифодалашини таъкидлайди. Унингча, «бу мазмун оттенкалари жуда хилма-хил: сўзловчининг айтилаётган фикрга субъектив муносабатини, шу фикрга боғлиқ ҳолда туғилган эмоцияларни, фикрнинг умумий баҳосини ва шу каби ҳолатларни билдиради»⁶⁰. Бу маънолар биз модус тавсифи билан боғлиқ ҳолда айтган маънолар билан мос келади. Демак, кириш гап, кириш сўз, кириш тизимларнинг семантикаси бевосита модусдан иборат. Модус ифодаланган ва предикатларидаги тегишли шакллар маъноси аниқ нейтраллашган аксар эргаш гапларни кириш гаплар сифатида баҳолаш бундай шакл қўшма гаплардаги мазмуний-синтактик номувофиқликни бартараф этади. Чунки бундай ҳолатдаги эргаш гапнинг гаплиги инкор этилмаган ҳолда у қўшма гапнинг

⁵⁹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 155-бет.

⁶⁰ Уша асар, 156-бет.

синтактик таркибидан ташқарига чиқарилади. Зеро, «кириш конструкциялар сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини билдирадиган, лекин гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган элементлардир»⁶¹.

Юқорида айтиб ўтилганидай, модус ифодаловчи гаплар моҳиятан шаклий жиҳатдан ихчамлашишга мойил бўлади. Бу модус сифатидаги маънони нутқий алоқа талабига мувофиқ таъкидлаш даражасининг катта ёки кичиклиги билан боғлиқ. Ана шу даражага мутаносиб равишда модус ифодаланган гапни, предикатив тизим, ҳатто бир сўзгача ихчамлаштириш мумкин. Бу муносабат билан А. Ғуломов шундай ёзади: «*Маълумки, бари бир, англашиладики* каби кириш сўзларнинг бир қисми аслида бир гап бўлган. Бу гап ҳар жиҳатдан ўзгариб, кучсизланиб, кириш сўзга айланган. Масалан, *барибир* (бари бир: эга÷кесим). Буларнинг баъзиларида *-ки* боғловчисининг қўлланиши ҳам шуни кўрсатади: *Маълумки, пахта терими сентябрь ойидан бошланади* (аслида: *маълумки* — бош гап, қолгани эга эргаш гап: *Пахта теримининг сентябрь ойидан бошланиши маълум нарса*). *Ўйлайманки, бугун келар* (аслида *ўйлайманки* бош гап, қолгани тўлдирувчи эргаш гап: *у бугун келади, — деб ўйлайман*). Кўчирма гап билан муаллиф гапининг муносабатидан бош гап билан тўлдирувчи эргаш гапнинг муносабати англашилиб туради»⁶².

Агар нутқий алоқада модусни гап шаклида ифодалаб алоҳида таъкидлашга зарурат бўлмаса, модусни ифодаловчи гап ихчамланиб боравериши мумкин. Шунинг учун ҳам А. Ғуломовнинг юқорида келтирилган фикри асослидир. Яна қиёслайлик: *Агар мен сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерда туролмайсиз*. Бу гапда *-са* нинг маъноси нейтраллашган эмас, у тўла «шарт» маъносини ифода этган, яъни қўшма гапнинг ҳар икки қисмида ҳам денотатив воқеа ифодаланган, модус алоҳида гап билан ифодаланган эмас. Яхлит қўшма гапнинг мазмунини икки денотатив воқеа ўртасидаги шарт муносабатидан иборат, яъни биринчи денотатив воқеа (эргаш гапда) нинг амалга ошиши иккинчи денотатив воқеа (бош гапда)ни келтириб чиқаради. Гапнинг мазмуний ва шаклий жиҳатлари бир-бирига мувофиқ келади. Энди мана бу

⁶¹ Уша асар, 155-бет.

⁶² Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 155-156-бетлар.

гапни олиб кўрайлик: *Агар мен сизга тўғриси*ни айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз. Бу гапнинг эргаш қисмида модус ифодаланган ва предикат ифодасидаги *-са (айтсам)*нинг «шарт» маъноси нейтраллашган; бош гапда эса (*сиз бу ерларни кўрмагансиз*) денотатив воқеа ифодаланган. Шу маънода эргаш гап мазмунан кириш гапга яқинлашади, боғловчи восита *-са* ҳам мазмун, ҳам грамматик жиҳатдан кучсизланган. Модусни ифодаловчи гапнинг ихчамлаша олиш хусусиятига кўра мазкур гапда қуйидагича шаклий кўчим (трансформация)ни амалга ошириш мумкин: *Агар мен сизга тўғриси*ни айтсам сиз бу ерларни кўрмагансиз → *Мен сизга тўғриси*ни айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз → *Сизга тўғриси*ни айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз → *Тўғриси*ни айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз → *Тўғриси*, сиз бу ерларни кўрмагансиз. Кўринадики, денотатив воқеа ифодаси бўлган гап билан қаршилантирилган ва мазмуни модусдан иборат бўлган. *Агар мен сизга тўғриси*ни айтсам гапи мазмунан тўғриси шаклидаги кириш сўз билан тенг.

Умуман, эргаш гапли қўшма гапларнинг таркибида алоҳида гап орқали ифодаланган модус мазмуни мавжуд бўлган барча турлари учун мазмуний-синтактик номувофиқлик хосдир. Айни чоқда бундай эргаш гапли қўшма гаплардаги модус ифодасининг табиатига кўра уларда ҳамиша кириш тизимли гапларга айланиш имконияти мавжуд. Бу мазмуний-синтактик жараён, яъни эргаш гапли қўшма гапларнинг кириш тизимли гапларга шаклий кўчиши бениҳоя мураккаб ва ўзига хос жиддий жараён бўлиб, унда бир қатор мантиқий-лисоний қонуниятлар амал қилади. Бундай қонуниятларни тўлиғича очиб бериш ва тасвирлаш алоҳида иш учун мавзу бўла олади.

ЭРГАШ ГАПЛАРНИНГ ТАСНИФИ МАСАЛАСИ

Ўзбек тилидаги эргаш гапларнинг таснифи умуман бошқа тиллардаги эргаш гапларнинг таснифига яқин туради. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки «туркий тиллардаги, шунингдек, бошқа тиллардаги эргаш гап назарияси содда гап назарияси билан узвий боғланган»⁶³. Эргаш гапларни содда гаплардаги муайян бў-

⁶³ Баскаков А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С. 119.

лаклар билан нисбатлаш тилшуносликларда жуда узоқ анъанага эга⁶⁴. Айрим тилшуносликларда, масалан, испан тилшунослигида эргаш гапларнинг вазифасини сўз туркумларининг содда гаплардаги вазифаси билан тенглаштиришдан иборат қараш ҳам бор⁶⁵. Лекин бу қараш ҳам аввалги қарашдан моҳиятан унчалик фарқ қилмайди.

Рус тилшунослигида бундай қарашларнинг шаклланишига батафсил тўхтаб ўтирмасдан, В. А. Белошапкованинг умумлаштиришларига мурожаат қилиб қўя қолган маъқул. У ёзади: «Рус синтаксис илмида турли даврларда эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашнинг уч мояси (принципи) илгари сурилган эди. Эргаш гапли қўшма гапларни яхлитлигича содда гапларга, эргаш гапларни эса содда гап бўлақларига ўхшатишга асосланган тасниф жуда кенг тарқалди. Бу мояга асосланган тасниф қолипи ўзининг моҳият эътибори билан XIX асрнинг ўрталарида шаклланди; унинг яратилишида Ф. И. Буслаевнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Бу таснифнинг асосий моясига мувофиқ эргаш гаплар орасида эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол эргаш гаплар фарқланади, ҳол эргаш гапларнинг турлари сифатида ўрин, равиш, даража ва миқдор, пайт, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик эргаш гаплар ажратилади.

Эргаш гапларни содда гап бўлақларига ўхшатишга асосланган таснифга эргаш гапли қўшма гапларни бош ва эргаш қисмларнинг боғланиш воситаларига кўра шаклий таснифлаш қарама-қарши қўйилади. Бундай таснифлаш А. М. Пешковский, М. Н. Петерсон, Л. А. Булаховский, А. Б. Шапиролар томонидан илгари сурилган ва ҳимоя қилинган... Эргаш гапли қўшма гаплар орасида икки асосий тип фарқланган: боғловчи вазифасидаги сўзли гаплар (нисбий эргашиш) ва боғловчили гаплар (боғловчили эргашиш)...

Учинчи, таркибий-мазмуний таснифнинг яратилишида Н. С. Поспеловнинг ишлари муҳим роль ўйна-

⁶⁴ Шеулин В. В. О классификации сложноподчиненных предложений. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1972, С. 3—12; Корнилов В. А. К проблеме изоморфизма сложноподчиненного предложения и подчинительного словосочетания. — В кн.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 13.

⁶⁵ Васильева-Шведе О. К., Степанов Г. В. Теоретическая грамматика испанского языка. Синтаксис предложения. М.: Высшая школа, 1981, С. 232.

ди, у эргаш гапли қўшма гапларнинг икки асосий типини ажратган: икки аъзоли тип ва бир аъзоли тип. Икки аъзоли ва бир аъзоли гаплар ўртасидаги фарқни Н. С. Поспелов бош ва эргаш қисмлар ўртасидаги алоқадорликнинг турли табиати билан боғлайди: икки аъзоли гапларда эргаш қисм бош қисм билан яхлитлигича боғланади, бир аъзоли гапларда эргаш қисм бош гапдаги бир сўзга тегишли бўлади, бунда у бу сўзни ривожлантиради ёки аниқлаштиради»⁶⁶. В. А. Белошапкованинг ўзи айни типларни «бўлакланган» («расчлененный») ва «бўлакланмаган» («нерасчлененный») гаплар деб номлайди⁶⁷. Н. С. Поспелов ва В. А. Белошапковаларнинг бу масаладаги қарашларида принципиал фарқ йўқ.

Эргаш гапларнинг бош гапни яхлитлигича изоҳлаши ёки унинг бирор бўлаги билан алоқадор бўлиши ҳақидаги қараш туркийшуносликда ҳам кенг тарқалган. Масалан, М. А. Асқарова шундай таъкидлайди: «Эргаш гап эса мазмун ва структурасига кўра бош гапдан кўра бошқачароқ тузилиб, бош гапнинг бирор бўлагини ёки бош гапни яхлитлигича изоҳлайди»⁶⁸. Озарбайжон тилидаги эргаш гапли қўшма гаплардаги бош ва эргаш гап муносабатидаги айни хусусиятни таъкидлаган ҳолда А. З. Абдуллаев ва А. Г. Жаводовлар туркий тиллардаги, хусусан, озарбайжон тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни икки мазмуний-синтактик гуруҳга — «бир мазмуний» ва «икки мазмуний ядроли» гапларга ажратишни тавсия қиладилар. Бунда улар бош гапдаги бирор бўлакни изоҳлайдиган эргаш гапли қўшма гаплар кўпроқ бир мазмуний ядрога ва бош гапни яхлитлигича изоҳлайдиган эргаш гапли қўшма гаплар кўпроқ икки мазмуний ядрога эга бўлишини айтдилар⁶⁹. Лекин, гарчи муаллифлар бундай таснифлашни барча туркий тиллар учун тавсия қиляётган бўлса-да, уни ўзбек тили учун тўлигича татбиқ этиб бўлмайди. Чунки улар фарқляётган «бир мазмуний ядроли» ва «икки мазмуний ядроли» қўшма гаплар тушунчалари биз

⁶⁶ Белошапкова В. А. Современный русский язык. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1977, С. 216—219.

⁶⁷ Белошапкова В. А. Уша асар, 220-бет.

⁶⁸ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри, Тошкент: Уқитувчи, 1987, 187-бет.

⁶⁹ Абдуллаев А. З., Джавадов А. Г. О семантическом ядре азербайджанского сложноподчиненного предложения. Советская тюркология, 1987, № 1, С. 52—53.

юқорида айтиб ўтган бир денотатив воқеа ифодаланган ва икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларга яқин келади. Ўзбек тилида, юқорида кўриб ўтилганидай, модус бош гап орқали ҳам, эргаш гап орқали ҳам ифодалана олади, эргаш гап орқали ифодаланганда эса бу гап шаклан бош гапга тўлиғича тегишли бўлади (*Мен сизга тўғрисини айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз*). Мисол тариқасида келтирилган гапдан кўриниб турибдики, унда бир денотатив воқеа — «мазмуний ядро» ифодаланган. Демак, мазкур тилшунослар фикрига тўлиғича қўшилиш мумкин эмас.

Айтиш мумкинки, эргаш гапларни таснифлашда кейинги пайтларда у ёки бу тарзда турли тилшуносликларда эргаш гапли қўшма гапларнинг содда гапларга қиёсланишидан қочишга қанчалик ҳаракат қилинмасин, бари бир бу ҳаракатлар моҳиятан ана шу қиёсланишдан узоққа кетолмаяпти. М. И. Черемисина ва Т. А. Колосовалар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «тобе предикатив бирликларнинг вазифалари билан гап бўлаклари вазифалари ўртасидаги ўхшашлик ҳозир урф (модада) бўлмаса-да»,... «бу ўхшашликдан қочиб қутулиш қийин»⁷⁰. Уларнинг фикрича, тобе предикатив бирликларнинг вазифаларини содда гап бўлакларининг вазифалари билан солиштириш мумкин. Эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, турли мазмуний турларга эга бўлган ҳол вазифалари содда гапда сўз шакллари, сўз бирикмалари, турли синтактик тизимлар орқали бажарилиши мумкин. Айни вазифалар предикатив бирликлар орқали бажарилганда, гап қўшма гапга айланади⁷¹.

Ҳар қандай гап аслида муайян синтактик ўринлар (позициялар) системасидан иборат. Содда гаплардаги синтактик ўринлар эргаш гапли қўшма гаплардаги синтактик ўринлардан аслида фарқ қилмайди, улар бир хил⁷². Синтактик ўрин учун айни ўринни қандай бирлик эгаллаши аҳамиятли эмас. И. Н. Егорова бу муносабат билан. *Он слышит журавлиный крик* ва *Он слышит, как кричат журавли* гапларини қиёслаб, бу гапларнинг таркибий схемасида фарқ йўқлигини, бу схемалар бир хил эканлигини, фарқ фақат воситасиз объект

⁷⁰ Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, С. 61.

⁷¹ Уша жойда, 105-бет.

⁷² Яна қаранг: Ш у т о в а С. И. Вопросы теории синтаксиса, М.: Наука, 1984, С. 55.

ифодаси билан беркилувчи синтактик ўриннинг қандай бирлик билан тўлдириладилигини, бу ўрни эса *слышать* феълнинг мазмуни билан боғлиқлигини айтади. Биринчи гапда мазкур синтактик ўрин сўз бирикмаси билан, иккинчи гапда эса гап билан беркилган. Ана шунга кўра у мазкур содда гап ва кейинги эргаш гапли қўшма гап ўртасида функционал мувофиқлик бор деб ҳисоблайди; ҳатто бу қўшма гапни содда гапнинг ўзига хос аналог, деб қарайди⁷³.

Синтактик ўрин гапдаги предикатни ифодалаган сўзнинг маъноси ва демак, валентлигига кўра юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бош гапнинг кесими вазифасидаги сўзнинг маъноси ва валентлиги эргаш гапнинг моҳиятини ва қўлланишини таъминлайди⁷⁴. Предикатнинг валентлигига кўра юзага келадиган синтактик ўрин, агар предикатнинг мазмуний имконияти йўл қўйсагина, тобе предикатив бирлик томонидан эгалланиши мумкин. Акс ҳолда эргаш гапли қўшма гап таркиб топмайди. Шунинг учун ҳам айрим тилшунослар эргаш гапли қўшма гап таркибини тасвирлашда валентлик назариясидан фойдаланадилар⁷⁵. Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний синтаксисини ўрганишда ҳам ўрни билан валентлик назариясига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Айтилган мулоҳазалардан шу нарса келиб чиқадики, эргаш гапли қўшма гапларни ўрганишда бари бир содда гаплардаги бўлақларнинг вазифаларидан андоза олган маъқул. Чунки яхлит позицион структура (синтактик ўринлар тизими) сифатида эргаш гапли қўшма гаплар содда гаплардан деярли фарқ қилмайди. Эргаш гапли қўшма гапларда гапнинг грамматик «синчи» (каркаси), асосини бевосита бош гап ташкил қилади. Эргаш гап эса у ёки бу тарзда ана шу бош гап таркибига муайян бир бўлақ сифатида киради. «Бош гап таркибидаги муайян бўлақни излайдиган эр-

⁷³ Егорова И. Н. Позиционные эквиваленты слова в составе предложения. — В кн.: Русский язык. Грамматические исследования. М.: Наука, 1967, С. 78—79.

⁷⁴ Яна қаранг: Гаврилов Г. Ф. Об изоморфизме сложно-подчиненного предложения и словосочетания. — В кн.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 29.

⁷⁵ Страхова В. С. Некоторые лингвистические основы обучения гипотаксису. — В кн.: Проблемы учебника русского языка как иностранного. Синтаксис. М.: Русский язык, 1980, С. 456—457.

гаш гаплар» деб ажратилганда ҳам шу нарса назарда тутилади.

Энди «бош гапни яхлитлигича изоҳлайдиган эргаш гаплар» деган иборага келсак, у мантиқан тўғри эмас. Бундай гаплар ҳам бош гапдаги муайян бир бўлак — ҳол вазифасида келади. Эргаш гапларнинг бу типини баҳолашда кўпинча айрим тилшунослар уларни ҳол эргаш гаплар дейишдан ўзларини тиядилар. Бу муносабат билан Р. Сайфуллаева шундай ёзади: «Ҳол эргаш гапли қўшма гап билан иккинчи даражали бўлақлардан бири бўлган ҳол турларининг сон жиҳатдан тенг келмаслигидан чўчиймизми?! Ҳол предикатив бирлик эмас, балки у гап бўлагидир. Ҳол эргаш гап эса предикатив бирлик бўлиб, дискурснинг бир элменти. Демак, ҳол билан ҳол эргаш гапни бир планда ўрганиб бўлмайди, улар семантик турларининг сон жиҳатдан тенг бўлиши ҳам шарт эмас»⁷⁶. Лекин Р. Сайфуллаева бари бир анъанадан чиқиб кетолмайди: «Эргаш гап бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлайди. Агар бош гапдаги изоҳланувчи бўлак ифодаланмаса, эргаш гап бош гапни бутунича изоҳлайди»⁷⁷. Аслида «бутунича изоҳлайди», «бош гапга бутунича алоқадор бўлади» қабилидаги ибораларнинг ўзи аниқ эмас. Қандай қилиб эргаш гап яхлит бош гапни изоҳлаши мумкин? Ҳар қандай гап бўлаги (аниқловчи бундан мустасно) функционал жиҳатдан фақат кесимга алоқадор бўлади. Кенг маънодаги ҳол синтактик ўрнини эгаллаган предикатив бирлик, яъни демак, эргаш гап ҳам яхлит бош гапга эмас, балки унинг бир конструктив бўлаги — кесимга алоқадор бўлади. Масалан, *Баҳор келгач, ўлкамизнинг ҳамма ерида гуллар очилади* гапдаги эргаш гап (*Баҳор келгач*) бош гапнинг кесими вазифасидаги *очилмоқ* феълининг маъноси ва валентлигига кўра мавжуд бўлган ва пайт ифодаси билан берилиши лозим бўлган синтактик ўринни беркитади, яъни бош гапдаги ҳол вазифасидаги предикатив бўлак сифатида бевосита кесимга боғланади. Ҳатто эргаш гапнинг ўрнини ҳам алмаштириш мумкин: *Ўлкамизнинг ҳамма ерида гуллар, баҳор келгач, очилади*. Бундай тип эргаш гапли қўшма гапларда эргаш ва бош гаплар бир қадар бир-биридан мустақилдай туюлади, бош гапдаги бирор бўлак

⁷⁶ Сайфуллаева Р. Эргашган қўшма гапнинг таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 3-сон, 22-бет.

⁷⁷ Уша асар, ўша бет.

билан алоқаланадиган эргаш гапли қўшма гапларда эса бундай эмас, эргаш ва бош гаплар анчайин зичроқ боғланган. Бу ҳолат ҳам, эҳтимол, олдинги тип гапларда эргаш гап яхлит бош гап билан алоқаланади, деган қарашга олиб келса керак. Аммо гапдаги синтактик ўринлар орасида ҳол синтактик ўрни ўзининг «нисбий мухторлиги» (автономияси) билан алоҳида ажралиб туради⁷⁸. Бошқача қилиб айтганда, гапнинг ҳол бўлаги, шубҳасиз, кесимга тобе бўлса-да, кесим позициясидаги сўзнинг кучли синтагматик валентлигиини мутлақо реаллаштира олмайди. Таъкидлаш лозимки, ҳол гапнинг асосий мазмунини ташкил қилувчи воқеа билан у ёки бу жиҳатдан боғланган воқеани ифодаловчи гап бўлаги бўлиб мазмун томондан «гап ичида гап ифодаловчи» сифатида келишдек ўзига хослик билан характерланади⁷⁹. Бу, тайинки, предикатив бирликларни бу синтактик ўринни эгаллаб, эргаш гап бўлиб келишлари учун жуда ҳам қулайдир. Шунинг учун ҳам ҳол синтактик ўринни, у сөдда гапда бўлса ҳам, эргаш гапли қўшма гапда бўлса ҳам нисбатан эркин деб қараш мантиқийдир⁸⁰.

Кўринадики, эргаш гапларнинг ҳар қандай тури ҳам у ёки бу тарзда бош гапда муайян бир бўлак билан алоқаланади. Табиийки, бу алоқаланиш усуллари хилма-хил. Лекин бундан бошқача деб қараш, яъни эргаш гап яхлит бош гап билан алоқаламади деб қараш бош гапдаги кесимнинг мазмуний-синтактик мақомини камситишга олиб келади. Шунинг учун ҳам Н. А. Баскаков ҳозирги турк тилидаги эргаш гапларни қуйидагича гуруҳларга ажратади:

1. Бош гапдаги субстантив бўлаклар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга эга ва тўлдирувчи эргаш гаплар киради.

2. Бош гапдаги атрибутив бўлаклар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга кесим ва аниқловчи эргаш гаплар киради.

3. Бош гапдаги атрибутив — ҳол бўлаклар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга сабаб-натига, шарт, тўсиқсиз, мақсад, пайт, ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гаплар киради⁸¹.

⁷⁸ Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л.: Наука, 1972, С. 212.

⁷⁹ Кацнельсон С. Д. Кўрсатилган асар, 22-бет.

⁸⁰ Ҳожиев А., Маҳмудов Н. Семантика ва синтактик позиция. Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, 2-сон, 31—32-бетлар.

⁸¹ Баскаков А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С. 157.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар (бошқа кўпгина тилшуносликлардаги каби) мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга, 2) кесим, 3) тўлдирувчи, 4) аниқловчи, 5) равиш, 6) ўлчов-даража, 7) чоғиштириш-ўхшатиш, 8) сабаб, 9) мақсад, 10) пайт, 11) ўрин, 12) шарт, 13) тўсиқсиз, 14) натижа эргаш гаплар⁸².

Бундай тасниф, умуман, маъқул бўлса-да, биз ҳам ана шундай ажратишга ишнинг кейинги қисмларида амал қилсак-да, айтиш керакки, айни таснифда бош гап хусусиятлари шу қадар акс этган эмас. Бу тасниф, айтилганидай, эргаш гапларнинг таснифи, эргаш гаплар қўшма гапларники эмас.

Бизнингча, бош гапларнинг ўзини ҳам икки турга ажратиб олиш мақсадга мувофиққа ўхшайди: 1) ҳавола бўлакли бош гаплар ва 2) 'ҳавола бўлаксиз бош гаплар. «Ҳавола бўлак» деганда умумий тилшуносликдаги «дейксис белгилар»ни назарда тутамиз. Дейксис белгиларнинг моҳияти шундан иборатки, улар мазмунни — воқеа, белги нарсаларни бевосита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин⁸³. Ўзбек тилидаги олмош ва бошқа нисбий сўзлар ана шундай дейксис белгилар бўлиб, улар қўшма гапларда ҳавола бўлаклар сифатида иштирок этиши мумкин.

Ҳавола бўлакнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолатда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам муайян мазмуний ва синтактик хусусиятлар билан характерланади. Қуйидаги гапларни қиёслайлик: *Толиб ака шуни билиб қўйсинки, Ақром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди* (Ф. Мусажонов). *Онаси кийиниб чиққунча, ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди* (А. Кўчимов). Биринчи гапнинг бош қисмида *шуни ҳавола бўлаги бор*, у тўлдирувчи вазифасида, иккинчи гапда *ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди* шаклидаги бош гап таркибида ҳавола бўлак йўқ. Аввало ҳавола бўлакнинг табиатига кўра айни бош гапдаги тўлдирувчи синтактик ўрни фақат шаклан беркитилган, чунки ҳавола бўлак мазмунан бўш, шунинг учун бош гап синтактик тўлиқ бўлса ҳам, мазмунан нотўлиқ.

⁸² Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 187-бет.

⁸³ Вейнрейх У. О семантической структуре языка. — В кн.: Новое в лингвистике. Вып. V. М.: Прогресс, 1970, С. 177—183.

Иккинчи гапдаги бош гап эса ҳам мазмунан, ҳам синтактик жиҳатдан тўлиқ. Биринчи бош гап мазкур ҳавола бўлакнинг кейинги эргаш гапга ҳавола қилишига кўра мазмунан тўлиқ бўлади, эргаш гап бош гап предикатининг кучли синтагматик валентлигини беркитувчи тўлдирувчи ўрнига қўйилиб идрок қилинади. Иккинчи гапда эса эргаш гапнинг ўрни бош гап позиция структурасининг бевосита ичиди. Биринчи гапда эргаш гап бош гапнинг синтактик ўринлар системасидан ташқарида бўлиб, у бу синтагмага муайян мантқий-мазмуний операциялар орқали олиб кирилса, иккинчи бундай операцияларга зарурият йўқ, чунки у айни системанинг узвий аъзоси. Иккинчи гапдаги эргаш гап бош гап предикатининг кучсиз синтагматик валентлигини беркитувчи синтактик ўринни эгаллаган, шунинг учун эргаш гап иштирок этмаганда ҳам, бош гап мазмуний-синтактик маъносини йўқотмайди. Айтилган мулоҳазаларга кўра яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Ҳавола бўлакли бош гапли синсемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда, муस्ताқил қўллана олмайди, мазмунан чала бўлиб қолади. Ҳавола бўлаксиз бош гаплар эса автосемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда ҳам мазмунан нисбий муस्ताқиллигини сақлай олади, мазмунан чала, нотўлиқ бўлиб қолмайди.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг айримларида бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ўзи билан чегараланилмайди. Бу ҳавола бўлак билан мувофиқ келувчи бошқа бир ҳавола бўлак эргаш гап таркибда ҳам мавжуд бўлади. Бош ва эргаш гаплардаги бу ҳавола бўлаклар савол-жавоб тарзидаги доимий қаршилантириш (оппозиция)ни ташкил этади: *ким — у, ким — ўша, кимлар — улар, — нима — ўша, нима — шу, нима — у, қанча — шунча, қандай — шундай, нечта — шунча, қанчалик — шунчалик, қаер — шу ер, қай томон — шу томон* каби. Ана шу ҳавола бўлаклардаги қаршилантиришга кўра бош ва эргаш гаплар ўртасидаги алоқа табиатида ҳам ўзига хослик юзага келади. Масалан: *Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради. Қаерда интизом бўлса, у ерда муваффақият бўлади.* Бу гаплардаги тобелилик алоқаси бошқа эргаш гапли қўшма гаплардагидан фарқли ўлароқ, икки томонламадир, яъни «алоқа йўналиши эргаш гаплардан бош гапларга, айни вақтда бош гаплардан эргаш гаплар томон ҳаракат қилади»⁸⁴. Тобе алоқанинг

⁸⁴ Бу ҳақда тўлароқ қаранг: Бердиалиев А. Кўрсатилган асар, 20—22-бетлар.

Ўзига хос бу тури турли тилшунослар томонидан турлича номланган⁸⁵. Улар орасида дастлаб А. М. Пешковский томонидан тавсия этилган «взаимное подчинение», яъни «ўзаро тобеланиш» атамаси⁸⁶ ҳодиса моҳиятини аниқ акс эттиради.

Ўзаро тобеланишли эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап олдин, бош гап эса кейин келади. Эргаш гап таркибидаги ҳавола бўлак умумлашган сўроқ маъносида (*ким, нима, қанча, қандай, қаер* каби) бош гап таркибидаги ҳавола бўлак эса шу сўроққа умумий жавоб маъносида (*у, ўша, шунча, шундай, ўша ер* каби) бўлади⁸⁷. Бунда эргаш гапнинг предикати шарт эргаш гапнинг предикати каби шарт майлидаги феъл (ёки баъзан шарт маъносига эга бўлган бошқа феъл: масалан, *-р экан*) орқали ифодаланган бўлади, лекин ундаги шарт маъноси кучсизланган бўлиб, бу шакл мазкур ҳавола бўлақлар билан биргаликда бош ва эргаш гапларни боғловчи восита вазифасини бажаради. Айни ҳавола бўлақлар шарт маъносини хиралаштиради, шунинг учун ҳам ўзаро тобеланишли, демак, ҳар икки қисмида ҳам ҳавола бўлақлар мавжуд бўлган эргаш гапли қўшма гаплар сирасида шарт эргаш гапли қўшма гаплар йўқ. Агар имкон бор ўринларда ҳавола бўлақлар тушириб қолдирилса, гапдаги шарт мазмуни яққол юзага чиқади ва гап шарт эргаш гапли қўшма гапга айланади. Қиёсланг: *Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради* (эга эргаш гап). *Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан* (шарт эргаш гап). *Қаерда интизом бўлса, у ерда муваффақият бўлади* (ўрин эргаш гап). *Интизом бўлса, муваффақият бўлади* (шарт эргаш гап)⁸⁸.

Аммо таъкидлаш лозимки, ҳавола бўлак фақат бош гапдагина мавжуд бўлганида, ҳавола бўлакнинг тушириб қолдирилиши эргаш гап турининг ўзгаришига олиб келмайди. Қиёсланг: *Толиб ана шуни билиб қўйсинки, Акром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди. Толиб ока билиб қўйсинки, Акром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди.* Ҳар икки ҳолатда ҳам тўл-

⁸⁵ Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. М.: Учпедгиз, 1956, С. 467—468.

⁸⁶ Бёрдиалдиев А. Координатив алоқа ва унинг хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 3-сон, 21-бет.

⁸⁷ Асқарова М. А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963, С. 64.

⁸⁸ Яна қаранг: Асқарова М. А. Кўрсатилган асар, 64-бет.

дирувчи эргаш гап мавжуд. Иккинчи ҳолатдаги, яъни бош гапдаги ҳавола бўлаги тушиб қолган гапларни ҳам ҳавола бўлакли бош гап сифатида қараш мақсадга мувофиқ, чунки ҳавола бўлак бундай ҳолларда қўлланмаганда ҳам унинг синтактик ўрни очиқ эканлиги аниқ сезилиб туради. Одатда бош гапдаги ҳавола бўлакнинг тушиб қолиши, асосан, эга ва тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда кузатилади. Гапдаги предикат ифодасининг кучли синтагматик валентликлари кўпинча ана шу бўлақлар — эга ва тўлдирувчи билан беркилади. Ана шунинг учун ҳам бош гапдаги эга ва тўлдирувчи вазифасида келган ҳавола бўлақлар қўлланмаганда ҳам бари бир, унинг борлиги англанади, истаган пайтда уни тиклаш мумкин.

Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлакли гаплар ҳисобланади, уларда баъзан бош гапда, баъзан ҳам бош, ҳам эргаш гапда ҳавола бўлак мавжуд бўлади. Улчов-даража ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларнинг маълум қисмида ҳам икки ҳавола бўлак (ҳам бош, ҳам эргаш гапда) мавжуд бўлади. Натижа эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлак, асосан, бош гапда бўлади. Қолган барча эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлаксиз гаплардир.

Энди эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бир мазмуний-таркибий турини алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Эга эргаш гапли қўшма гапларда асосан икки хил табиатли мазмуний муносабат ифодаланади. Ана шунга кўра бундай қўшма гапларнинг шаклий жиҳатдан, ҳам икки кўриниши мавжуд, яъни 1) бир ҳавола бўлакли ва 2) икки ҳавола бўлакли: *Шуниси муҳимки, дўстларимиз ғалаба қилди; Мусобақада ким ғолиб чиқса, ўша мукофотланади.* Айтиб ўтилганидай, ҳавола бўлак вазифасида олмошлар ёки табиатан олмошга яқин сўзлар келади. Айни турдаги қўшма гапларда ҳавола бўлак эганинг ўрнида бўлади.

Айтилган иккала эргаш гапли гап кўринишларидан олдин биринчисини таҳлил қилайлик. Биринчи қўшма гапда бош гап (*шуниси муҳимки*) эргаш гап (*дўстларимиз ғалаба қилди*)дан олдин келган. Бош гапдаги эга ўрнидаги ҳавола бўлак *шу* кўрсатиш олмоши би-

лан ифодаланган. Мазмуний жиҳатдан олиб қаралса, қўшма гапда фақат бир денотатив воқеа ифодаланган. Табиийки, қўшма гап икки (ёки ундан ортиқ) воқеа ифодаси учун хосланган шакл, демак, мазкур қўшма гапда икки воқеа ифодаланиши керак. Гапда, ҳақиқатан ҳам, иккинчи «воқеа» ҳам бор, лекин тасаввур этилаётган бу иккинчи «воқеа» денотатив воқеа эмас, балки модус «воқеа»дир. Бу модус «воқеа» алоҳида, яъни бош гап орқали ифодаланган. Мазкур қўшма гапда бош гап асосий воқеани эмас, балки модусни ифодалаганлиги учун мазмуний-функционал номувофиқлик, икки денотатив воқеа эмас, балки бир денотатив воқеа ифодаланганлиги учун эса мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келган. Кўришиб турибдики, қўшма гап қисмлари ўртасидаги муносабат мазмунан модус ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабат. Айни чоқда модус ифодаланган бош гапдаги эга ҳавола бўлак бўлиб, у мазмунан бўш, яъни денотатив воқеа ифодачиси бўлган эргаш гапга ишора қилиш баробарида мазмунга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у бош гапдаги предикатнинг мазмуний, валентлигига мувофиқ қўлланиши лозим бўлган номинатив воқеадан иборат субъектнинг ўринбосаридир, зеро кўрсатиш олмошлари конкрет предметни ҳам, ҳар қандай воқеани ҳам кўрсатиши, уларга ишора қилавериши мумкин. Бундан яна шуни таъкидлаш мумкинки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг айни турида бош гапнинг предикати вазифасида *муҳим, ажабланарли, қизиқ, аниқ, яхши, ёмон, бор, маълум, маълум бўлмоқ, англашилмоқ, эсга тушмоқ, келиб чиқмоқ* каби модал (кенг маънода) маъноли сўзлар келади. Бундай сўзларнинг субъект валентлиги кўпроқ номинатив воқеа ифодасини тақозо этади. Қиёс.: *китоб муҳим — китобни ўқиш муҳим; Аҳмад аниқ (?) — Аҳмаднинг келганлиги аниқ.*

Агар модусни нутқий алоқада алоҳида таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, яъни модусни гап шаклида ифодалашга ҳожат бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси бўлган эргаш гап бош гапдаги ўзининг мантиқий ўрни — ҳавола бўлак (эга) ўрнини эгаллайди ва гап содда гапга айланади: *Шуниси муҳимки, дўстларимиз ғалаба қилди — Дўстларимизнинг ғалаба қилганлиги муҳим.*

Айтиш мумкинки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг бу турида модус «воқеа» ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабат акс этади. Бунда модус «воқеа»

субъект мазмунга кўра чала бўлади, денотатив воқеанинг модус «воқеа» ичига мантиқан субъект сифатида киришига кўра мазмуний алоқа юзага келади. Муайян денотатив воқеага нисбатланган модус ёки модал мазмун таъкидли ифодалана олади.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилган фикрларни далиллайди: *Бу ернинг шуниси яхшики, қаҳвани тунука чойнакда эмас, инглиз жезвесида қайнатишади* (А. Мухтор). *Анварга шуниси қизиқ туюлдики, бу ерда... ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида саф туради* (А. Қодирий). *...Саволлардан шулар маълум бўлдики, Собир Салим аксилнқилобий «Гумбаз» ташкилотининг актив аъзоси* (А. Қаҳҳор). *Бир нарса аниқки, аҳвол ёмон...* (А. Мухтор).

Баъзан бош гапда эга вазифасидаги ҳавола бўлак тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу туркий тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги гап қурилишининг хусусияти, яъни шаклан ифодаланмаган эганинг кесимдаги тегишли қўшимчалар орқали англанавериши билан изоҳланади. Бунинг устига, эга ифодаланган тақдирда ҳам, бундай эргашган гапларда у номинатив воқеа ифодасининг ўринбосари, холос, ҳақиқий номинатив воқеа эса эргаш гап орқали ифодаланган, бу ифода айни қўшма гапнинг ичиди. Шундай экан, бош гапдаги эганинг йўқлиги фақат шаклан билинади, холос, мазмунан эса мутлақо сезиларли эмас. Мана шунинг учун ҳам бош гапдаги эга вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланганда ҳам, ифодаланмаганда ҳам эргаш гапли қўшма гапдаги мазмун муносабатида сезиларли ўзгариш бўлмайди. Аввалги ҳолат учун айтиб ўтилган мазмуний хусусиятларнинг барчаси бу ҳолатда ҳам сақланади. Қуйидаги мисолларда буни тўла кўриш мумкин: *Бу саволлардан маълум бўлдики, айбнома уйдирма эмас...* (А. Қаҳҳор). *Лекин юзидан кўриниб турардики, масала унга ҳали мутлақо ойдин эмас...* (А. Мухтор). *Бирдан эсимга тушдики, ҳозиргача номини сўрамабман* (А. Мухтор). *Ўзингга аёнки, ...мен бир қочоқман* (Е. Яқвалхўжаев).

Бундай қўшма гапларда баъзан бош гапнинг фақат кесиминга сақланиб, қолган бўлақлар тушиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда кесим вазифасидаги сўзнинг модал маънони ифодалаш хусусиятига кўра бош гап кириш сўз мақомини олади ва демак, қўшма гап содда гапга айланади. Бу гапдаги мавжуд мазмуний-синтактик номувофиқликнинг йўқолишига олиб кела-

ди. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Маълумки, Савр Инқилоби мен аъзо бўлган Халқ ҳизби раҳнамолигида ғалаба қилди* (А. Мухтор). *Маълумки, тил кишилар ўртасидаги алоқа воситасидир. Шубҳасизки, ҳақ сўз ҳаминша ғалаба қилади. Табиийки, мен, йигит киши. ...жиддий тус олишим керак* (А. Мухтор). *Қизиқки, ишнинг барбод бўлганига Собиржоннинг ўзи ҳам амин бўлди* (А. Мухтор).

Эга эргаш гапли қўшма гапларнинг таҳлил этилган бир ҳавола бўлакли турида мазмуний боғланиш жуда зич, бу боғланишни таъминловчи шаклий восита *-ки* узвдир, лекин ҳавола бўлакнинг бундаги муайян иштирокини ҳам таъкидламоқ лозим. Чунки айни қўшма гап қисмлари орасидаги боғланишининг синтактик механизмида бу бўлак асосий ўрин тутади. Бу фикрни ҳавола бўлак тушиб қолган ҳолатлар учун ҳам айтиш мумкин, чунки эга вазифасидаги бу бўлак қўлланмаганда ҳам, предикатнинг субъект валентлигига кўра эганинг синтактик ўрни (бўш бўлса ҳам) билиниб туради.

Эга эргаш гапли қўшма гапнинг иккинчи кўриниши — икки ҳавола бўлакли турини кўрайлик; *Мусобақада ким ғолиб чиқса, ўша мукофотланади*. Бу гапда бош гап (*ўша мукофотланади*) эргаш гап (*мусобақада ким ғолиб чиқса*)дан кейин келган. Кўриниб турганидай, ҳар икки гапда ҳам ҳавола бўлак бўлиб, улар *ким* ва *шунга мувофиқ ўша* сўзлари билан ифодаланган. Ана шу бири иккинчисига мувофиқ келувчи ҳавола бўлакнинг мавжудлиги, шунга кўра ўзига хос синтактик механизмга кўра (ўзаро тобеланиш) икки гап жуда зич боғланган. Мазмунан олиб қаралса, қўшма гапда икки ўзаро боғланган денотатив воқеа ифодаланган. Бир қарашда, *-са* қўшимчаси ва унинг маъносига кўра бу икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат шарт муносабатидан иборат, яъни биринчи воқеанинг амалга ошиши ўз-ўзидан иккинчи воқеани келтириб чиқаради. Аммо диққат билан қаралса, мазкур шарт маъноси иккинчи планга сурилган. Бу шу билан боғлиқки, иккала денотатив воқеа табиатан ҳар хил эмас, яъни биринчи воқеа субъект жиҳатидан умумлашган, мавҳум, иккинчи воқеа эса субъект жиҳатидан биринчи воқеа билан нисбатланган ҳолда конкрет, аниқ. Демак, воқеалар мазмунан нотенг. Айни пайтда бош ва эргаш гаплардаги эгалар ўртасида мазмуний-синтактик параллелизм бор, яъни, умуман, *ким* ва *ўша* олмошлари айни матнда деярли бир денотатив ишорага эга, фақат бу

ишора уларнинг бирида савол билан «ўралган», иккинчисида эса саволсиз. Қиёсланг: *Мусобақада ким ғолиб чиқса, ўша мукофотланади* гапида «ғолиб чиқиш» ҳаракатини ҳам, «мукофотланиш» ҳаракатини ҳам бир субъект бажаради. Еки: *Мусобақада Аҳмад ғолиб чиқса, Аҳмад мукофотланади*. Бош гапда ифодаланган денотатив воқеа субъектнинг тавсифли, демак, таъкидли ифодасига нутқий алоқада зарурият бўлмаса, эргаш гаптаги денотатив воқеанинг субъекти таъкидланган параллелизмга кўра матндан чиқариб юборилади ва айни денотатив воқеа номинатив шаклда бош гаптаги денотатив воқеанинг субъекти сифатида англанади, бу ҳолда қўшма гап содда гапга айланади: *Мусобақада ким ғолиб чиқса, ўша мукофотланади — Мусобақада ғолиб чиққан мукофотланади*.

Бундай эргаш гапли қўшма гапларда бош гаптаги кесим вазифасида келадиган сўз маъно жиҳатидан чегараланган эмас, бу вазифада турли маъноди сўзлар келиши мумкин.

Айтиш керакки, бундай қўшма гапларда икки нотент табиатли денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ифодаланади. Айтилганларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин; баъзан эргаш гаптаги ҳавола бўлак -ки узви билан ҳам қўлланиши мумкин, у таъкид учун хизмат қилади: *Ким нафсини тиймаса, у тўғри йўлдан ҳам сирғанар* (Мақол). *Ким ўзига қасд айласа, у иблисга хизматкор* («СССР Халқлари адабиёти»). *Кимки иккиланувчиларга ёрдам қилишни истар экан, у аввало ўзининг иккиланишига барҳам беришдан иш бошлаши керак* («Ақл ақлдан қувват олар»). *Кимки тақдирга тан берса, у ҳаёт тўлқинида фарқ бўлиб кетади* (О. Еқубов).

Баъзан бош гаптаги ҳавола бўлак қўлланмаслиги ҳам мумкин. Бунда икки ҳавола бўлакли эргашган қўшма гап бир ҳавола бўлакли қўшма гапга айланмайди. Чунки ҳавола бўлакнинг эгадан иборат синтактик ўрни бари бир билиниб туради. Бунинг устига бош гаптаги эганинг ифодаланмаганлиги фақат шаклан, холос, мазмунан эса эганинг бевосита ифодаланмаганлиги сезилмайди, чунки эргаш гаптаги денотатив воқеа мазмунан бош гапнинг эгасига нисбатланади. Ана шунинг учун ҳам олдинги ҳолатдаги, яъни бош гапда ҳавола бўлак шаклан ифодаланганда эга эргаш гапли қўшма гапга хос бўлган мазмуний хусусиятларнинг барчаси бу ҳолатда ҳам сақланаверади. Қуйидаги гаплар бун

да тиллайди: *Ким самоварчилик қилишимга тўсқинлик қиладиган бўлса, менинг душманим бўлади* (А. Қаҳҳор). *Кимки ошиқдур жаҳонда, Шеърга бўлгай мубтало* (Э. Воҳидов). *Кимки бировга ёмонлик қилса, шу дунёнинг ўзидаёқ жазосини кўради* (Ҳадислардан). *Кимки... аламларини ичига ютса, дардга чалинади* (Саид Аҳмад).

Айрим ҳолларда бош гапдаги денотатив воқеа бир пайтнинг ўзида субъект жиҳатидан умумлашган бирдан ортиқ денотатив воқеа билан алоқага киришиши мумкин. Бундай ҳолларда эргаш гапли қўшма гапда бирдан ортиқ эргаш гап иштирок қилади: *Кимки халқ бахт-саодатига қўл кўтаришига журъат этса, кимки омма ўртасида хурофот ва миллатчилик уруғини сочишни ҳаёл қилса, кимки Ватанимизга зиён-заҳмат етказишни ўйласа, янчиб ташланади* (К. Яшин).

Ҳавола бўлаклар сифатида фақат шахс билан алоқадор бўлган *ким-шу, ким-у, ким-ўша* қабилидаги қаршилантирилган олмошларгина иштирок этмайди, шахс маъносига эга бўлмаган *нима-шу, нима-ўша, нима нарса-ўша нарса* каби қаршилантиришлар ҳам келавериши мумкин: *Нима нарса кўп бўлса, ўша нарса хор бўлади* (Мақол). *Қозонга нима тушса, чўмичга ҳам ўша чиқади* (Мақол).

Юқорида айтиб ўтилдики, икки ҳавола бўлакли эга эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гаплардаги ҳавола бўлаклар мазмуний-синтактик параллелизмга эга, яъни улар қўшма гапнинг ҳар икки қисмида эга синтактик ўрнини эгаллаган. Аммо бу мутлақ доимий ҳолат эмас. Баъзан бу параллелизм бузилиши ҳам мумкин. Бунда бош гапдаги ҳавола бўлак эга вазифасида бўлгани ҳолда эргаш гапдаги унга мувофиқ келувчи ҳавола бўлак бошқа синтактик ўринни, хусусан, кўпроқ тўлдирувчининг ўрнини эгаллаган бўлади. Лекин бу денотатив воқеалар ўртасидаги мазмуний муносабатларнинг табиатига сезиларли таъсир қилмайди. Масалан, *Биз нимани кўрсатсак, меҳмонга шу маъқул бўларди* гапида бош гапдаги ҳавола бўлак *-шу* эга вазифасида, эргаш гапдаги ҳавола бўлак *-нимани* эса тўлдирувчи вазифасида келган, яъни ҳавола бўлаклар мазмуний-синтактик параллелизмга эга эмас. Бу, албатта, бош ва эргаш гаплардаги предикатлар (*маъқул бўлмоқ, кўрсатмоқ*)нинг валентликларида мутаносибликнинг йўқлиги (масалан, *маъқул бўлмоқ*нинг воситасиз объект валентлиги йўқ, *кўрсатмоқ*да эса шундай валентлик бор) билан изоҳланади. Мазмуний му-

носабат эса айни гапда аввалги кўрилган гаплардагидан деярли фарқ қилмайди. Яна қиёсланг: *Мирвали ниманики таҳмин қилса, (ўша) тўғри чиқади* (Саид Аҳмад). *Инсон нимагаки, эришолмаса, ўша нарса азиз туюлади* (У. Ҳошимов).

Ниҳоят, шуни таъкидламоқ лозимки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг бир ҳавола бўлакли кўринишида бош гап синсемантик, яъни эргаш гапдан ажратиб олинганда, маънога эга бўлолмайди, чунки унинг таркибида конкрет маънога эга бўлмаган ҳавола бўлак бор. Лекин улардаги эргаш гап автосемантик, яъни бош гапдан ажратиб олинганда ҳам маънога эга, бошқача қилиб айтганда, унда денотатив воқеа ифодаланган, бош гапда эса бор-йўғи модус ифодаланган. Эга эргаш гапли қўшма гапларнинг икки ҳавола бўлакли кўринишида эса бош гап ҳам, эргаш гап ҳам синсемантик, яъни алоҳида олинганда, маънога эга бўлолмайди, чунки ҳар икки гапда ҳам ҳавола бўлак мавжуд. Бунинг устига бундай қўшма гап қисмлари ўртасида бир томонлама эмас, балки икки томонлама тобеланиш, яъни ўзаро тобеланиш бор.

КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Кесим эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам ифодаланган мазмун муносабатининг табиатига кўра икки хил кўриниши фарқланади, яъни 1) бир ҳавола бўлакли ва 2) икки ҳавола бўлакли қўшма гаплар: *Энди сизларга муборак топшириқ шуки, ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз* (М. Мансуров). *Сен нима бўлсанг, бизам шу* (Ш. Ҳолмирзаев, Т. Усмонов).

Биринчи тур кесим эргаш гапли қўшма гаплар жуда кенг тарқалган. Келтирилган мисолда бош гап (*Энди сизларга муборак топшириқ шуки*) эргаш гапдан (*ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз*) олдин берилган. Бош гапдагина ҳавола бўлак бор, у шу олмоши билан ифодаланган бўлиб; кесим синтактик ўрнини эгаллаган. Мазмуний жиҳатдан олиб қаралса, қўшма гапда икки денотатив воқеа ифодаланган. Аммо бош гапда ифодаланган денотатив воқеа алоҳида олинганда «чала», яъни предикат жиҳатдан мавҳум. Бу мавҳумлик эргаш гапдаги денотатив воқеа билан алоқадорликка кўра йўқолади, яъни бош гапдаги денотатив воқеанинг предикати эргаш гап-

даги денотатив воқеа билан тенг. Бошқача қилиб айтганда, бир денотатив воқеа (бош гапдаги) иккинчи денотатив воқеа (эргаш гапдаги) ни мазмунан бевосита ўз ичига олади. Демак, денотатив воқеалар ўртасидаги муносабат — алоқа жуда зич. Бу ўринда яна бир нарсани таъкидламоқ жонзки, бундай кесим эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги кесимнинг *шу* қабиллидаги ҳавола сўзлар билан ифодаланиши ички бир заруриятдир. Чунки бош гапдаги субъект ифодаси бўлган эга вазифасида *топшириқ, одат, оқибат, шарт, сир, эътиқод, жиҳат, боис, гап, қизиғи, тўғриси, муҳими* каби сўзлар келадикки, бу сўзларнинг мазмуний тавсифи кўпроқ денотатив воқеани тақозо этади, лекин денотатив воқеа ифодасини айни субъектларга нисбатланадиган предикат ифодаланадиган ўринга ҳамиша ҳам қўйиш мумкин эмас. Ана шунинг учун ҳам айни мақсад ва мазмун учун *шу* қабиллидаги ҳавола бўлак жуда қулай. Бунинг устига ҳавола бўлак мавжуд бўлганда, мазмун қисмлари алоҳида таъкид олади.

Қўйидаги гапларда ҳам буни кўриш мумкин: *Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўлаганнинг қаншарига мушт тушди* (А. Қаҳҳор). *Таниганимнинг боиси шуки, бизнинг ҳовлимиз билан Шарофат аммамнинг ҳовлиси ўртасида эшик очилган эди* (Ғ. Ғулом). *Бу соҳада Совет Ўзбекистони тажрибаларининг тан олинган муҳим жиҳати шуки, биз дарёлардан фақат ортиқча сувларни оламиз* (А. Мухтор). *Аммо урушининг таомили шулки, бундай вақтда душманга озуқа берилмаслиги керак* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов).

Таҳлил этилаётган кесим эргаш гапли қўшма гап турида ҳавола бўлак вазифасида, асосан, *шу* олмошининг қўлланишини таъкидлаш ўринлидир. Баъзан бу олмош *шунда* шаклида ҳам, *шундан* иборат шаклидаги бирикма таркибида ҳам келади: *Авторнинг усталлиги шундаки, у ўз қаҳрамонига қайтарилавериб сийқаси чиққан расмий саволлар бермайди* (Ф. Мусаёнов). *«Синчалак»да акс этган ғоянинг қудрати шундаки, у кейинчалик жамиятимизга катта зарар келтирган бу социал касалдан огоҳ бўлишга чақиради* (М. Қўшжонов). *Ҳожали томони шундаки, ҳидди йша хоин ва иккиюзламачилар эндиликда эга йўл кўрсатиб, ўзларини даҳо санаб юришибди* (Н. Қобул). *Энг катта ҳаётимиз шундан иборатки, инқилобдан олтимиш йил кейинги фурсатда биз халқни тўғри тарбиялай олмадик*

(Н. Қобул). Бу ҳолатларда ҳам денотатив воқеалар ўртасидаги муносабатда сезиларли ўзгариш бўлмайди.

Аммо бош гапнинг эгаси вазифасида қизиғи, тўғриси, очиги, қувончлиси, яхшиси, ёмони каби модаллик, баҳо мазмунига эга бўлган сўзлар келганда, бош гапдаги денотатив воқеа модус «воқеа» мақомини олади, қўшма гап фақат эргаш гапда ифодаланган бир денотатив воқеа ифодачисига айланади. Қўшма гапнинг мазмуни модус «воқеа» ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат бўлади. Бунинг натижасида бош гапнинг мазмунан «камбағаллашуви»га кўра қўшма гапда мазмуний-функционал номувофиқлик, денотатив воқеанинг иккита эмаслигига кўра мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келади. Бунда модус, албатта, таъкидли ифодага эга бўлади. Қуйидаги мисоллар буни далиллайди: *Қизиғи шундаки, шу кўринишига овози мулойим эди* (Ф. Мусажонов). *Энг қизиғи шуки, ўзбошимча ҳақпарастларнинг жазосини Насриддиновнинг ўзи бермас эди* (С. Сиёев). *Аммо қувончлиси шундаки, кўпчилик материаллар шу куннинг талабига жавоб беради* (Ф. Мусажонов). *Кераги шуки, ана шу миққийни ҳам боқиш керак* (Ғ. Ғулом). *Бунинг қизиқарли жойи шунда эдики, нотаниш мусофир йигит шаҳаншоҳга ўхшаш эди («Тошкент оқшоми»)*. Кўриб ўтилганидай, бир ҳавола бўлакчи кесим эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи восита ҳамиша -ки дир.

Гап шундаки шаклидаги бош гап кесим эргаш гапли қўшма гап таркибиде жуда кўп қўлланади, у анчайин турғунлашган, шунинг учун ҳам бундай синтактик тизим шаклан айни қўшма гапда бош гап бўлса-да, у ҳозирда мазмунан «камбағаллашиб», айни гапни олдинги гап билан боғловчи воситасига айланган. Бундай бош гапда ҳам денотатив воқеа ифодаланмайди, балки у маълум даражада модус ифодачисидир, у ҳам боғлаш воситаси, ҳам таъкид учун хизмат қилади, Мисоллар: *Гап шундаки, бу саволлар Собириновнинг ўз дилида ҳам қалашиб ётибди* (А. Мухтор). *Гап шундаки, оқсоқол, янги ҳукуматга қарши жанг қилишдан фойда йўқ экан* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). *Гап шундаки, Никкел сени ёмон кўради* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). *Гап шундаки «Атлантинада» лайнери яна бир соатдан кейин Буэнос-Айресга жўнайди* (О. Юнусов).

Форс тилида ҳам шундай турғун тизим бор, лекин у боғловчига айланиб бўлган: *ва ҳол онки — ваҳоланки*. У ҳам аслида бош гап (қўшма гапда) бўлган. Боғлов-

чи шаклида бу сўз ўзбек тилига ҳам ўтган. Мисол: *Ваҳоланки, биз қишлоқда партия сиёсатининг мезонини белгилайдиган фермаларда бошланғич ташкилотларни кўпайтиришимиз... керак* (Н. Қобул). Ўзбек тилидаги ҳолбуки зидловчи боғловчиси ҳам аслида ана шу *ва ҳол онкига* ўхшатиб, унинг таржимаси сифатида юзага келган. Уни ҳам аслида қўшма гап таркибидаги бош гап тарзида (*Ҳол буки, ҳамма ишга тушиб кетди*) тасаввур қилиш мумкин. Лекин у яхлит тасаввур қилинади, у зидловчи боғловчи; *...Йиғлаш сенинг ҳаққинг эмас, менинг ҳаққим, ҳолбуки мен йиғламайман* (А. Қодирий).

Баъзан бош гап тўлиғича кириш иборалар мақомини олиши мумкин⁸⁹. *Авалло шуки, одоб керак* (Ғ. Ғулом). Бу, айниқса, бош гапнинг ҳавола бўлақдан иборат кесими тушиб қолганда, жуда аниқ бўлади: *Гапнинг очиги, энди яшашга у қадар ишқибоз ҳам эмасман* (Н. Қобул). *Тўғриси, журналистларга унчалик эътиқодим йўқ* (Н. Қобул). *Энг муҳими ўзингизни ёмонлиқ бўлишдан асранг* (Н. Қобул). *Энг даҳшатлиси, бу қўл-ёзмаларни ўқийдиган одамларнинг ўзи йўқ* (Н. Қобул).

Кесим эргаш гапли қўшма гапнинг *Сен нима бўлсанг, бизам шу* қабиллидаги икки ҳавола бўлакли турига келсак, бу тур у қадар кенг тарқалган эмас. Бундай гаплар аслида қўшма гапларнинг бошқа тур (аниқловчи, ўрин, ўлчов-даража каби)ларидаги синтактик жараёнлар натижасида юзага келган. Мазкур гапда бош гапнинг кесими *шу* ҳавола бўлаги билан, эргаш гапнинг кесими эса *нима бўлсанг* ҳавола бўлаги билан ифодаланган. Аслида бош гапнинг кесими ҳам *шу бўламиз* шаклида бўлиши керак, лекин *бўлмоқ*, ҳар икки ўринда ҳам (*нима бўлсанг — шу бўламиз*) ёрдамчи феъл бўлгани учун кейинги ўринда тушиб қолган. Эргаш гапдаги *нима (бўлсанг)* ҳавола бўлаги билан бош гапдаги *шу* ҳавола бўлаги бир-бирини тақозо этади, ўзаро тобе алоқа юзага келган. Эга кесим гапли қўшма гапларнинг тегишли туридаги каби икки нотенг денотатив воқеа ўртасидаги муносабат айтиш қўшма гапнинг мазмунини ташкил этади. Бир умумлашган (предикатга кўра) денотатив воқеа иккинчи бир предикат жиҳатдан аниқ бўлмаган денотатив воқеанинг ичига предикат сифатида киради. Шунини айтиш керакки, ҳар икки дено-

⁸⁹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 420-бет.

татив воқеанинг предикати бари бир аниқ айтилмайди, лекин тингловчи учун умумий тарзда идрок этиладиган бўлади. Қуйидаги гапларда ҳам бунни кўриш мумкин: *Сотиб олинган қул қандай бўлса, у ҳам бизга шундай эди* (Ойбек). *Қим ишласа, ер ўшаники* (А. Мухтор). *Ольга Петровна қаерда бўлса, ўғил ва қизлар шу ерда эди* (М. Исмоилий). Бундай ҳолатдаги қўшма гаплардаги муайян синтактик сурилишнинг борлиги уларни кесим эргаш гапли қўшма гаплар сифатида талқин этиш имконини беради. Масалан, охири мисолдаги *қаерда* — *шу ерда* қаршилантиришидаги ҳавола бўлақлар одатда ўрин эргаш гапли қўшма гапларга тегишли, аммо *шу ерда* бирикмаси айни гапда кесим синтактик ўрнида, *эди* тўлиқсиз феъли ўзи мустақил кесим бўла олмайди. Унинг ўрнида бошқа тўлиқ феъл бўлганда эди, у кесим бўла оларди ва *шу ерданинг* синтактик мақомни ҳол бўларди. Унда қўшма гапни ўрин эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳолаш тўғри бўларди. Лекин мазкур ўринда шундай эмас. Шунинг учун бундай ҳолатларни кесим эраш гапли қўшма гап сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Лекин айрим тадқиқотчилар бундай қилмайдилар. Мазкур гапларни кесим эргаш гап сифатида эмас, балки ўрин эргаш гап деб ҳисоблайдилар⁹⁰.

Айтиш керакки, кесим эргаш гапли қўшма гапларнинг биринчи турида бош гап синсемантик, эргаш гап автосемантик, иккинчи турида эса илгари айтилган ўзаро тобеланишга кўра ҳар икки қисм ҳам синсемантикдир.

ТУЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР

Ифодаланадиган мазмуний муносабатнинг табиатига кўра тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам икки хил кўриниши фарқланади, яъни 1) бир ҳавола бўлакли ва 2) икки ҳавола бўлакли: *Аҳмаджон... фақат шунини биладикки, немислар бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутди* (А. Қаҳҳор). *Шўро нимани талаб қилса, шунини бажариб юрди* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов).

Бир ҳавола бўлакли тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлақ тўлдирувчи вазифасида фа-

⁹⁰ Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри, Тошкент: Уқитувчи, 1987, 214-бет.

қат бош гапда мавжуд бўлади ва у асосан *шу* олмоши орқали ифодаланади. Бу ҳавола сўз -ки узви билан бир-галикда бош гапни эргаш гап билан боғловчи восита вазифасини ҳам бажаради. Келтирилган гапда бош гап (*Аҳмаджон фақат шуни биладики*) эргаш гап (*немислар бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутди*)-дан олдин келган. Албатта, бу кўринишдаги қўшма гаплар учун бу доимий ҳолатдир. Бош гапдаги ҳавола бўлак, кўришиб турганидай, воситасиз тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллаган. Бу воситасиз тўлдирувчи ҳавола бўлак сифатида мазмунан эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеага ишора қилади, мантиқан уни бош гапга олиб киради. Бош гапда эса денотатив воқеа эмас, балки модус «воқеа» ифодаланган. Бошқача қилиб айтганда, айни қўшма гапда фақат битта денотатив воқеа ифодаланган, иккинчи «воқеа» эса бу воқеани тавсифловчи модусдир. Модуснинг алоҳида, таъкидли ифодалаш зарурияти мазкур воқеа ифодаси учун содда гап эмас, балки қўшма гап шаклининг танланишига олиб келган. Мазкур қўшма гапнинг мазмуни эса, демак, денотатив воқеа билан модус «воқеа» ўртасидаги муносабатдан иборат. Агар модусни таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси модус «воқеа» ифодасининг ичига шаклан киритилади (аслида мазмунан ва мантиқан ичида) ва бунда мазкур синтактик тизим шаклан содда гапга айланади: *Аҳмаджон фақат немисларнинг бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутганлигини билади*. Бу тилдаги тил воситаларини тежаш моясининг амал қилиши натижаси бўлади. Аммо келтирилган қўшма гап тилдаги ортиқчалик моясининг амал қилишига кўра шакланган. Шунинг учун ҳам мазкур қўшма гапда ҳам мазмуний-функционал (грамматик бош гап мазмунан «камбағал»), ҳам мазмуний-синтактик номувофиқлик бор. Лекин бу ҳам нутқий алоқадан кузатилган мақсад билан алоқадор бўлган заруриятдир.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайди: *Шуни яхши билиб қўйгинки, сен суюнган тоғнинг таги нураб қолган* (Саид Аҳмад). *Шу нарсани эсдан чиқармангки, одам одам билан учрашади, тоғ тоғ билан учрашмайди* (Ойбек). *Ахборотингиз учун шуни айтиб қўяйки, аллақачон уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган* (О. Юсупов). *Ўқиб мобайнида шуни пайқадимки, ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз фанларини ўрта мактаб ҳажмида ҳам билишмайди* (Н. Қобул).

Ҳавола бўлак вазифасидаги сўз фақат воситасиз тўлдирувчи ўрнидагина эмас, балки воситали тўлдирувчи ўрнида бўлганида ҳам, айтилган мазмуний хусусиятлар тўлагича сақланаверади. Тайинки, ҳавола бўлакнинг воситасиз ёки воситали тўлдирувчи синтактик ўрнида бўлиши айни бош гапдаги кесим ўрнини эгаллаган феъл (ёки бошқа туркум)нинг маъноси, валеңтлиги билан боғлиқ. Мазмуний грамматикада объектли ва объектсиз феъллар фарқланади. Бош гапнинг кесими вазифасида объектсиз феъллар келганда, ҳавола бўлак воситали тўлдирувчи ўрнида бўлади: *Биз шунга аниқ ишонамизки, миллатлараро низолар яхшиликка олиб келмайди. Мен шундан қўрқаманки, у бу ишни охирига етказиши қийин.*

Бундай тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида келадиган сўзлар маъно жиҳатидан модус ифодаси учун мос келадиган сўзлар бўлади. Бу вазифада кўпроқ *билмоқ, кўрмоқ, айтмоқ, таъкидламоқ, эсда тутмоқ, эсдан чиқармоқ, пайқамоқ, ишонмоқ, қўрқмоқ, фаҳмламоқ, тушунмоқ, огоҳ бўлмоқ, ўйламоқ, сезмоқ, қарор қилмоқ, аниқламоқ, тан бермоқ, ҳис этмоқ, мўлжалламоқ, шубҳаланмоқ* каби ҳис-сезги, идрок, нутқий ва фикрий фаолиятни билдирувчи сўзлар келади. Бундай маънолар модус «воқеа» ифодаси учун жуда мувофиқ келади. Бу ўринда яна таъкидлаш керакки, *айтмоқ, демоқ, хабар қилмоқ* каби сўзлар бош гапда кесим бўлиб келганда ҳам, улар модус ифодаси учун хизмат қилади. Илгарироқ айтиб ўтилганидай, бундай қўшма гапларда В. В. Мартинов ибораси билан айтганда, реал борлиқдаги (ғайрилисоний) воқеа билан бу воқеа ҳақидаги хабар (лисоний) ўртасидаги муносабат акс этади. Бошқа келтирилган феълларнинг маъносида «баҳо», «руҳий ҳолат», «тахмин», «ишонч» каби модаллик узвларининг борлиги кўриниб турибди. Булар ҳам яна шунини кўрсатадики, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг айни турида бош гап ҳаминиша модусни ифодалайди.

Кўпинча *айтмоқ* феъли алоҳида эмас, балки бирикма таркибида бош гапнинг кесими вазифасида келади. Бунда айни феъл ҳаракат номи (*айтиш*) шаклини олиб, *керак, лозим, шарт, мумкин* каби модал сўзлар билан бирикмага киришади. Бу модал сўзлар бош гапда ифодаланган «воқеа»нинг модус характерида эканлигини янада таъкидлайди. Қуйидаги мисолларда бунини кўриш мумкин: *Бу ўринда шунини айтиш керакки, қаландаров-*

ларни ўша давр ҳаёти ярата бошлаган эди (М. Қўшжонов). Аввало шуни айтиш керакки, ижодкорнинг ўзи кўниккан ижодий принципларини ўзгартириши мушкул масала (А. Аъзам). Фақат шуни айтишим мумкинки, дарёни қуришига бизнинг конституциямиз йўл қўймайди (А. Мухтор). Ҳозирча фақат шуни айтишим мумкинки, сафар жиддий, оғир, узоқ ва масъулиятли бўлади (А. Мухтор). Бундай ҳолатдаги бош гаплар кириш ибораларга жуда яқин туради. Уларнинг кириш ибораларга мазмунан жуда яқин, ҳатто улар билан бир хил эканлигини айни гапларнинг бошида қўлланган *аввало*, *бу ўринда*, *фақат* каби сўзлар алоҳида таъкидлайди.

Бош гапдаги тўлдирувчи вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин унинг ўрни бари бир сезиларли, чунки тегишли кесим вазифасидаги сўзнинг валентлиги уни кўрсатиб туради. Шу мазмуний валентлик бари бир эргаш гапдаги денотатив воқеага ишора қилаверади ва шу асосда айни денотатив воқеага бош гапда ифодаланган модус нисбатланаверади. Демак, бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ифодаланмаганлиги қўшма гапдаги мазмуний хусусиятларга таъсир этмайди. Масалан: *Мен ўйлайманки, қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари ўзлари... очеркни яна бир муҳокама қиладилар* (Ф. Мусажонов). *Яхши билар эдимки, шундай сулув қизлар бизда жуда сийрак бўлади* (Ғ. Ғулом). *Шоюсуф ака аниқ ишонадики, ўзининг ўлик-тириги... ўз маҳалла халқларидан ажралмайди* (Ғ. Ғулом). *Мана шундагина Эргаш фаҳмадики, буваси энди дунёда йўқ* (А. Мухтор).

Бош гапдаги ҳавола бўлакнинг шаклан ифодаланмаслиги ифодаланган ҳолатларга қараганда кўпроқ учрашини таъкидламоқ лозим. Шу ҳам муҳимки, бош ва эргаш гаплардаги кесим вазифасидаги феъл грамматик жиҳатдан чегараланган эмас, яъни бу феъллар сон, шахс, замон, бўлишли-бўлишсизлик жиҳатидан чегараланмаган. Бош гапнинг кесими бўлиб келадиган феъллар орасида *билмоқ*, *айтмоқ*, *ўйламоқ*, *кўрмоқ* сўзлари, айниқса, кўп қўлланади. Бош гапда фақат кесимгина сақланиб қолиб, бошқа барча бўлаклар тушиб қолса, бош гап мазмунан кириш сўз билан тенглашади. Мисоллар: *Уйлайманки, юзимизни ерга қаратадиган воқеа юз бермайди* (Н. Қобул). *Биламанки, ўз оғзи билан ҳеч нарсани айтмайди* (А. Мухтор). *Айтмоқчиманки, очеркларимизнинг қаҳрамонлари қуруқ ҳис-туйғусиз бўлиб қолишмасин* (Ф. Мусажонов). *Демоқчиманки,*

ўқувчини битта қолинга ўргатиб, зериктириб қўймайлик (Ф. Мусажонов). Бундай бўлиши табиий, чунки таҳлил этилаётган қўшма гап турида бош гап ҳамиша модусни ифодалайди, кириш сўз ёки кириш ибора ҳам модус ифодалаш воситаси. Шунинг учун ҳам бундай бош гап ва кириш сўз ҳамда ибора ўртасида мазмуний чегара йўқ.

Лисоний адабиётларда тўлдирувчи эргаш гаплар бош гап билан *-ки* узвидан ташқари *-ми*, *-ку* юкламалари воситасида ҳам боғланиши айтилади⁹¹. Ана шу адабиётлардан бирида шундай дейилади: «Бош гапга *-ми* юкламаси воситасида боғланиб келган тўлдирувчи эргаш гаплар огоҳлантириш ва таъкид мазмунини англайди. Бундай қўшма гаплардаги *-ми* юкламаси *-ки* билан алмаштирилса, қўшма гапнинг мазмунига деярли путур етмайди: *Биласизми, ерларимиз Қизилқум билан чегарадош. — Биласизки, ерларимиз Қизилқум билан чегарадош*»⁹². Аввало огоҳлантириш ва таъкид мазмуни объектив мазмунми ёки субъектив мазмунми? Албатта, у субъектив мазмун, яъни объектив мазмунга сўзловчининг муносабати, нуқтаи назарини ифода этади. Биз таъкидладикки, тўлдирувчи эргаш гапларнинг бу турида асосан, фақат бир объектив мазмунденотатив воқеа мавжуд бўлиб, у ҳам эргаш гапда ифодаланаяди. Бош гапда эса ана шу денотатив воқеага тегишли модус — сўзловчининг муносабати ифодаланаяди, демак, огоҳлантириш, таъкид маъноси эргаш гапда эмас, бош гапда ифодаланиши мумкин. Бунинг устига, таъкид маъноси боғловчи восита *-ми* юкламаси эмас, балки *-ки* узви бўлганда англашилади. Қолаверса, қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларнинг мазмуний муносабатнинг ифодаланишидаги беқиёс аҳамияти олдинроқ кўрсатиб ўтилди, шундай экан, *-ми* юкламаси *-ки* билан алмаштирилганда мазмуний муносабатда муайян субъектив ўзгаришлар бўлиши тайин. Хусусан, *-ми* бўлганда, бари бир, мазмуний муносабат сўроқ оттенкаси билан бир қадар мураккаблашаяди.

Бундай гапларда икки хил ҳолатни фарқлаш мақсадга мувофиқ. Боғловчи восита *-ми* юкламаси бўлган

⁹¹ Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 192-бет; Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 138-бет.

⁹² Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 193-бет.

да, эргаш гап таркибида баъзан сўроқ билдирувчи сўз мавжуд бўлади, баъзан эса бундай сўз бўлмайди: *Биласанми, бўрилар қандай увлайди? (Ойга қараб ҳасратли, узун)* (Й. Эшбек). *Биласанми, баримиз бир элат боласимиз* (Ш. Холмирзаев). Биринчи мисолдаги эргаш гапда қандай сўроқ олмоши бор, у ҳам шаклан, ҳам мазмунан *-ми* юкламаси билан алоқаланади. Шунинг учун ҳам аини юкламанинг маъноси сақланади. Мазмунан бўриларнинг увлаш тарзи ҳақидаги тағбилим — пресуппозиция⁹³ тингловчига маълум эмас ёки сўзловчи шундай деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам бош гапнинг қўлланиши, у фақат модусни ифодаласа ҳам, зарурият, демак бундай ҳолатларда тўла маънодаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапириш мумкин. Яна қиёсланг: *Биласизми, бу сувларни қайқдан опкелтиряпмиз?* (Саид Аҳмад). *Ушандан кейин мен, биласизми, не аҳволда қолдим?* (А. Мухтор).

Олдин келтирирган *Биласанми, баримиз бир элат боласимиз* гапидаги эргаш гап таркибида сўроқ сўз йўқ. Мазмунан сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам эргаш гапда айтилган «бир элат боласи» эканлиги ҳақидаги тағбилим ҳар икки томон учун ҳам маълум, демак, бу ҳақда сўрашга зарурият йўқ. Ана шунинг учун ҳам бундай ҳолатда *-ми* сўроқ юкламасининг маъноси оттенка сифатида қисмангина сақланса-да, аини маъно, асосан, нейтраллашади, кучсизланади. Бош гап, асосан, эслатиш, маълум ахборот (эргаш гапдаги) ни қайта ёдга тушириш учун хизмат қилади, бу жиҳатдан бундай бош гап кириш бўлакларга жуда яқин туради. Бу ҳолат ҳисобга олинадиган бўлса, аини ҳолатларда тўла маънодаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапириш бирмунча қийин. Яна қиёсланг: *Зумрад, биласанми, кейинги пайтларда ҳадеб битта нарсани ўйлайвераман* (С. Сиёев). *Биласанми, у мени ўзимдан ҳам кўпроқ яхши кўради* (Н. Қобул). *Биласизми, киши чарчаган вақтида кўнгилни ғаш қиладиган хаёлларга боради* (А. Қаҳҳор). Кўриниб турганидай, бундай ҳолатлардаги бош гапдаги кесим-вазифасида кўпроқ билмоқ феъли келади. Бу, айниқса, оғзаки нутқда кўп кузатилади. Айрим кишилар борки, улар ҳар икки сўзнинг бирида *биласизми, билдингизми, тушундингизми* каби сўзларни қўшиб гапирадилар. *Билмоқ*

⁹³ Пресуппозиция ҳақида қаранг: Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 3-сон.

феълидан бошқа яна айрим феъллар ҳам мазкур вази-
фада келиши мумкин: *Кўряпсанми, менинг бошим эр-
как бошидир* (А. Мухтор). *Ишонасанми, хотини бир
игна ҳам бермади* (С. Сиёев). *Ишонасизми, мен усиз
бир кун ҳам яшолмайман* (Н. Қобул).

Баъзан бош гапнинг кесими вази-
фасида ишонч, тах-
мин ва шу каби маънолардаги отлашган сўзлар, сўз
бирикмалари ёки турғун иборалар келади. Бундай бир-
ликларнинг мазмуний валентлигига кўра тўлдирувчи
синтактик ўрнини эгаллайдиган ҳавола бўлак кўпроқ
шунга сўз шаклидан иборат бўлади. Лекин у кўпинча
шаклаи ифодаланмайди. Бундай гаплардаги мазмуний
муносабат ҳам бош гапнинг кесими феъл билан ифо-
даланган қўшма гаплардагидан деярли фарқ қилмай-
ди. Лекин модус, айниқса, субъектив модаллик бош гап-
да жуда аниқ ифодаланадики, бу бош гапни кириш ибо-
раларга яқинлаштиради. Мисоллар: *Аминманки, сиз
бундай жойни кўришни хаёлингизга ҳам келтирмаган-
сиз* (О. Юсупов). *Ҳайронманки, олибсотар шунча пулни
нима қилади* («Тош. оқш.»). *Имоним комилки, бой-
вачча қамалганларнинг биронтасини танимайди*
(Ё. Яқвалхўжаев). *Ишончим буюкки, бўлур зўр бай-
рам* (Зулфия).

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг иккин-
чи, яъни икки ҳавола бўлакли кўринишида *нимани* —
шун (баъзан *кимни* — *ўшани*) тарзидаги ҳавола бў-
лаклар қаршилантирилиши мавжуд. Келтирилган
Шўро нимани талаб қилса, шун *бажариб юрди* гапида
буни кўриш мумкин. Айни қаршилантирилган муво-
фиқликка кўра қўшма гап қисмлариаро алоқа жуда
зич, чунки ўзаро тобеланиш мавжуд. Аввалги ҳолат-
дагидан фарқли ўлароқ гапда икки денотатив воқеа
ифодаланган, демак, гапда мазмуний-синтактик ному-
вофиқлик йўқ. Қўшма гапнинг мазмуни ана шу икки
денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат. Эр-
гаш гапда ифодаланган денотатив воқеа объект жиҳат-
тидан мавҳум, умумлашган, бу денотатив воқеа маз-
мунан бош гапда ифодаланган денотатив воқеа ичига
объект сифатида киради. Аммо бари бир объект жиҳат-
дан умумлашганлик, мавҳумлик яхлит қўшма гапда
ҳам сақланади. Бошқача қилиб айтганда, айни объект-
нинг нима эканлиги бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам
конкрет, очиқ айтилмайди. Лекин у умуман англаши-
ларли бўлади, акс ҳолда гап нутқий алоқа учун яроқли
бўлмасди, демак, гап қурилиши назарий жиҳатдан но-

тўғри бўларди. Бироқ ундай эмас. Айтиш мумкинки, бундай ҳолларда гапдаги объект бир қадар умумлашган ҳолда ифодаланади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: *Қалбингиз нимани буюрса, сиз менга шуни буюринг* (П. Қодиров). *Баъзилари нимани гапирган бўлса, шуни қоғозга туширдим* (Ҳ. Ҳошимов). *Икки кун орасида нима тайинласак, шуни муҳайё қиласан* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов).

Нутқда баъзан бундай эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гаплари таркибидаги тўлдирувчи вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу мазмуний муносабатларнинг тўлиқ ифодаланаверишига тўсқинлик қилмайди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: *Нима берсангиз (шунга) розимиз* (Н. Қобул). *Уларнинг дадалари нима дейишса, (ўшани) олиб беришади* (Саид Аҳмад). *Нимани сўрамасин, то (ўшани) топиб бермагунча тинчимайди* (Н. Қиличев).

Юқорида кўриб ўтилган мисолларда ҳавола бўлаклар ўртасида параллелизм бор, яъни ҳавола бўлакнинг ҳар иккаласи ҳам тўлдирувчи синтактик ўринни эгаллаган. Баъзан бу параллелизм бузилиши ҳам мумкин, яъни эргаш гапдаги ҳавола бўлак эга синтактик ўринни, бош гапдаги ҳавола бўлак эса тўлдирувчи синтактик ўринни эгаллаши мумкин. Бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ўрни тўлдирувчи бўлганлиги учун ҳам эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап сифатида қаралади. Бунда ҳам мазмуний муносабат аввалги ҳолатдагидай ифодаланаверади. Мисоллар: *Гулнор... кўнглига нима келса, шуни қилади* (Ойбек). *Кимки санинг айбингни айтур санга, Шафқат ила лутфу карам қил анга* («Ақл ақлдан қувват олади»). *Кимки бўлса дилозор, ундан элу юрт безор* (Мақол).

Ниҳоят, таъкидлаш лозимки, бир ҳавола бўлаккли тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда бош гап унда ҳамиша модус ифодаланишига, ва, албатта, ҳавола бўлакка кўра синсемантикдир, яъни эргаш гапдан ажратиб олинганда, маънога эга бўлолмайди, эргаш гап эса автосемантикдир, чунки унда денотатив воқеа ифодаланади. Икки ҳавола бўлаккли тўлдирувчи эргаш гапларда эса ҳар икки қисм — бош гап ҳам, эргаш гап ҳам синсемантик, чунки қисмлараро тобеланишга кўра бири иккинчисисиз маънога эга эмас.

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚҰШМА ГАПЛАР

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ифодаланади. Бу денотатив воқеаларнинг табиати ва ифодаланишидаги ўзига хосликка кўра бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни фарқлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай сўзлар борки, улар капалакка ўхшаб жумладан-жумлага енгил кўчиб юраверади... (А. Қаҳҳор) гапи бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапдир. Унда *шундай* сўздан иборат ҳавола бўлак мавжуд бўлиб, у бош гапдаги *сўзлар* сўзи билан ифодаланган эганинг аниқловчиси бўлиб келган. Бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам алоҳида-алоҳида денотатив воқеа ифодаланган. Маълумки, аниқловчи гапнинг конструктив бўлаги эмас, унинг гап таркибида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги гапнинг синтактик асосига таъсир этмайди. Аммо бош гапдаги ҳавола бўлак орқали ифодаланган аниқловчи анчайин муҳим, чунки у эргаш гапга ишора қилиш йўли билан эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеани бош гапда ифодаланган денотатив воқеа ичига олиб киради. Таъкидлаш керакки, аниқловчи бўлагини гапнинг конструктив бўлаги бўла олмани учун ҳам бош гапнинг мазмуни сифатидаги денотатив воқеа ҳозиргача кўриб ўтилган эргаш гапли қўшма гаплардагидан фарқли ўлароқ чала бўлмайди. Денотатив воқеаларнинг ўзаро зич алоқасини таъминлайдиган мазмуний жиҳатлардан яна бири муносабатга киришаётган денотатив воқеалар муайян таркибий узларига кўра умумийликка эга бўлади ва бу аксар ҳолларда шаклан ҳам ифодаланади. Мазкур қўшма гапда бош гапдаги воқеа субъекти, яъни эга аниқланмоқда, эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеанинг субъекти ҳам бош гапдаги субъектнинг айнан ўзи, улар *сўзлар* ва *улар* сўзлари орқали ифодаланган ва тегишли гапларнинг эгаси сифатида келган. Демак, бош гапдаги ҳавола бўлакдан иборат аниқловчига эга бўлган сўз эргаш гапда мазмунан у ёки бу тарзда такрорланиши мумкин. Аммо мисолдагидай, масалан, эга ҳавола бўлакли аниқловчига эга бўлса, бу эганинг маъносига эргаш гапда, албатта, эга вазифасидаги сўз (кўпроқ олмош) ишора қилиши шарт эмас, бошқа синтактик ўринлардаги сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Айтиш керакки, эргаш гапдаги олмош билан ифодаланиб, денотатив

жиҳатдан бош гапда аниқланаётган сўз билан бир хилликка эга бўлган бўлак ҳавола бўлак билан алоқаланмайди, агар шундай бўлганда эди, гап икки ҳавола бўлакли бўлиб қолар эди. Баъзи ҳолларда эргаш гаплардаги олмош билан ифодаланиб, бош гапда ҳавола бўлак томонидан аниқланаётган бўлак билан бир хил денотатга эга бўлган бўлак тушиб қолиши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолларда ҳам денотатив воқеалар ўртасидаги муносабат бемалол ифодаланаверади. Бош гапдаги ҳавола бўлак тарзидаги аниқловчилар сифатида *шундай* сўзидан ташқари *баъзи, айрим, бир* каби сўзлар ҳам келади. Мисоллар: *Баъзи иборалар борки, улар халқ лағифалари, маталлари орқали туғилган* (Ш. Шомақсудов, С. Долимов). *Дунёда шундай мамлакат борки, у ерда барча хотин-қизлар тенг ҳуқуқли* (Ойбек). *Эндиликда ҳеч оила йўқки, унда бир ёки бир неча саводли одам бўлмасин* (А. Қаҳҳор). *Ҳув анави ерда шунақанги чиройлилари борки, қараб тўймайсиз* (А. Кўчимов). *Менинг бир муродим бордирки, бунга эришмоғим худойи таоло измидадир* («Бир соатлик халифа»);

Ҳавола бўлакдан иборат аниқловчи бош гапнинг от кесимини аниқлаб келиши ҳам мумкин. Бунда бош гапда ифодаланган денотатив воқеанинг предикати билан эргаш гапдаги денотатив воқеанинг субъекти бир нарсадан иборат бўлиши мумкин. Масалан, *Севги шундай навбаҳорки, у тикандан гул қилур* (Э. Воҳидов) гапда бош гапнинг кесими (*навбаҳор*) *шундай* ҳавола бўлаги билан аниқланган. *Навбаҳор* сўзининг ҳам, *у* олмошининг ҳам айни матндаги денотати битта нарса, аммо бу битта нарса икки денотатив воқеа таркибига икки хил узв сифатида — предикат ва субъект сифатида кирган. Бу умумийлик мазкур қўшма гапдаги мазмуний муносабатни таъмин этган. Аммо бу, яъни бош гапдаги предикатнинг эргаш гапдаги субъект билан денотатив бир хилликка эга бўлиши доимий ҳолат эмас. Бош гапдаги аниқланаётган предикат эргаш гапдаги бошқа бўлақлар билан ҳам ана шундай денотатив бир хилликка эга бўлиши мумкин (фақат кесим билан эмас). Эргаш гапдаги бош гап предикати билан денотатив бир хил бўлган бўлак тушиб қолиши ҳам мумкин. Бунда мазмуний муносабатда ўзгариш бўлмайди. Мисоллар: *Унинг хўжалиги бир мактабки, унда мана ман деган хўжалик раҳбарлари ўқиса арзийди* (Саид Аҳмад). *Рус тили биз учун шундай ўзанки, у орқали биз*

етти иқлим маърифат дарёларидан баҳраманд бўламиз (А. Орипов). Бу не ишдирки, менинг ақлим етмади (Е. Яквалхўжаев). У шундай иблиски, бойликка ҳирс қўйган ҳар қандай одамни йўлдан оздиради (О. Юсупов).

Юқорида шарҳланган мазмуний-шаклий хусусиятлар бош гапдаги ҳавола бўлак тўлдирувчини, ҳолни аниқлаб келганда ҳам кузатилади. Қуйидаги мисолларда ортиқча таҳлилсиз ҳам бунни кўриш мумкин: *Мен сенга шундай нарсалар келтирайки, уларни тушингда ҳам кўрмагансан* (Ойбек). *Кейинчалик шундай ўқитувчиларни кўрдимки, улар ўқувчининг кўз ўнгида чекар эди* (З. Мўминова). *Мен сизни ҳозир шундай жойга олиб борайки, бир умр мендан хурсанд бўлиб юрасиз* (О. Юнусов). *Тўрабек шундай ҳаяжонда чақирдики, ўзи тилла топган одам ҳам шунчалик тўлқинланмас* (М. Мансуров).

«Ўзбек тили грамматикаси»да *Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи пишса* (А. Қаҳҳор) қабилдаги гаплар кесим эргаш гапли қўшма гаплар сифатида талқин этилган⁹⁴. Бизнингча, ундай эмас. Бу қабилдаги гаплар аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардир. Мазкур гапда ифода этилган мазмун «Ер ўзи гуллаб, ўзи пишаверадиган ўрик эмас» тарзида. Мазкур гапдаги *ўрик* сўзи олдидан *бир* сўзи қўшилса, бу назарий жиҳатдан мумкин, кейинги гапнинг ана шу *бир* нинг маъносини очиш учун келганлигини бемалол англаш мумкин. Бунинг устига, аввалги ҳолатлардаги каби бош гапдаги предикат эргаш гапдаги субъект билан денотат жиҳатдан бир нарса, яъни; *ўрик* — (*ўрикнинг*) *ўзи*. Бош гапдаги аниқловчи вазифасидаги ҳавола бўлакнинг баъзан тушиб қолиши бор ҳодиса. Айниқса, мазкур мисолдаги каби ҳолатларда мантиқий тагбилим (пресуппозиция) жуда аниқ билиниб туради, яъни ўрикнинг ўзи гуллаб, ўзи пишиши ҳаммага маълум нарса. Ана шунга кўра ҳам бундай ҳолатларда предикат бўлишсиз шаклда (*ўрик эмас*) ифодаланadi, эргаш гапнинг кесими эса шарт майлидаги феъл билан ифодаланadi. Демак, бундай гапларда эргаш гап бош гапдаги бўлишсиз шаклда ифодаланган от кесимни аниқлайди, яъни улар аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардир. Яна қуйидаги мисолларни ҳам қиёсланг: *Бу носқовоқ бўлмасаки,*

⁹⁴ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1976, 419-бет.

битта-яримта хинжирига қисган бўлса (Ғ. Ғулом). Мен адресний стол эмасманки, ким кўрганнинг турар жойини билаверсам (Ғ. Ғулом). Йигирмата мол игнамаски, бир ковакка беркигиб қўйсак (А. Кўчимова).

Қисқаси, бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-функционал ва мазмуний-синтактик мувофиқлик мавжуд бўлади. Улардаги мазмун икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат. Бу муносабатнинг юзага келишида воқеалар узвлари ўртасидаги денотатив умумийлик муҳим роль ўйнайди. Бош гапда ҳавола бўлак қайси бўлакни аниқласа, шу бўлакнинг денотати эргаш гапда ҳам муайян бўлакнинг денотати сифатида мавжуд бўлади. Бундай гаплардаги шаклий боғловчи восита *-ки* узвидир.

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг икки ҳавола бўлакли турида *кимнинг-унинг, ким-унинг, қандай — шундай, қайси — ўша* тарзидаги қаршилантирилган ҳавола бўлаклар мавжуд бўлади. Бундай гапларда ҳам икки денотатив воқеа ифодаланади ва улар ўртасидаги алоқа жуда зич бўлади, чунки бундай гапларда ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзаро тобеланиш мавжуд. Мисоллар: *Кимнинг қуроли билим бўлса, унинг келажаги порлоқ (Ж. Абдуллахонов). Ким олдига каттароқ суяк ташласа, ўшанинг орқасидан кетаверади (О. Юсупов). Халқ қайси йўлдан юрса, сен ҳам шу йўлдан юр. (Ойбек).*

Ниҳоят, айтиш керакки, аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг биринчи турида бош гап автосемантик бўла олади, эргаш гап эса ҳамиша синсемантик, иккинчи тури (кенг тарқалган эмас)да эса ҳар икки қисм ҳам синсемантикдир.

ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР

Пайт ва бошқа (кўриб ўтилган гап бўлаклари номлари билан аталадиганлардан ташқари) эргаш гаплар анъанага кўра бош гапни яхлитлигича изоҳлайди деб қаралади. Аммо эргаш гапларнинг бу типлари ҳам аслида бош гапнинг кесими орқали ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатни аниқловчи турли ҳол бўлаклари билан мазмунан ўхшашдир. А. Н. Баскаков бу муносабат билан шундай деб ёзади: «Шундай қилиб, уларнинг (бундай эргаш гапларнинг) мазмуни бош гапнинг яхлит мазмуни билан эмас, балки унинг ҳар қандай гапда мазмуний

ва грамматик марказ ҳисобланувчи предикати мазмуни билан алоқадордир»⁹⁵. Демак, пайт эргаш гаплар бош гапдаги кесим орқали ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Бундан айтиш мумкинки, пайт эргаш гап ҳам мазмунан, ҳам грамматик жиҳатдан бош гапнинг бевосита кесимига эргашади: *Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда, Тolibжон кабина томини тапиллатиб урди* (Саид Аҳмад) гапида *Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда* эргаш гапи бош гапдаги *урди* кесимига бевосита боғланади, яъни: «*Қачон урди? — Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда урди.* Кўринадики, пайт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланиб, уларнинг бири иккинчисини ичига пайт билдирувчи узв сифатида киради. Шунинг учун ҳам икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат пайт муносабати сифатида реаллашади ва бу муносабат ифодаланган қўшма гап пайт эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳоланади.

Денотатив воқеалар ўртасидаги пайт муносабатининг ифодаланиши жуда хилма-хил ва бениҳоя кенг тарқалган. Тува тилидаги пайт ифодаловчи тизимларни чуқур тадқиқ этган Л. А. Шамина шундай таъкидлайди: «Пайт билдирувчи тизимлар (темпорал конструкциялар) қўшма гапнинг барча функционал ва таркибий системасининг ўзаги (ядроси)ни ташкил қилади. Воқеалар ўртасидаги пайт муносабатлари у ёки бу тарзда ҳар қандай полипредикатив тизимда ифодаланади. Аммо махсуслашган тизимлар (сабаб, тўсиқсизлик ва шу кабилар) да бу муносабатлар фонни ташкил этади, пайт билдирувчи тизимларда эса улар алоқанинг асосий синтактик мазмунини ташкил қилади»⁹⁶. Чиндан ҳам икки денотатив воқеа ёнма-ён келар экан, улар ўртасида муайян муносабат юзага келар экан, у ёки бу тарздаги пайт муносабатининг улар ўртасида бўлмаслиги мумкин эмас. Фақат сўзловчининг нутқий алоқадаги асосий мақсадининг нима эканлигига кўра бу муносабат иккинчи ўринга сурилиши ёки асосий мазмун сифатида таъкидланиши мумкин. Ана шундай таъкидланганда, тегишли шаклий ва мазмуний хусусият-

⁹⁵ Баскаков А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С. 164.

⁹⁶ Шамина Л. А. Временные полипредикативные конструкции тувинского языка. Новосибирск: Наука, 1987, С. 3.

ларга эга бўлган пайт эргаш гапли қўшма гаплар шаклланади.

Пайт эргаш гапли қўшма гапларни тасвирлашда бош ва эргаш гапларда ифодаланган воқеаларнинг бир вақтда ва ҳар хил вақтда содир бўлишига, эргаш гапдаги воқеанинг бош гапдаги воқеадан пайт жиҳатидан олдин ёки кейинлигига алоҳида эътибор қилинган⁹⁷. Бу албатта, мазмуний синтаксис учун муҳим. Аниқловчи, тўлдирувчи, эга ва кесим эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқида эса денотатив воқеаларнинг хусусиятларига, умуман гапларнинг мазмуний томонларига етарли эътибор берилган эмас. Бундай гаплар тавсифида, асосан, шаклий таҳлил етакчилик қилган. Пайт ва эргашган гапларнинг кейинги турларида мазмуний жиҳатлар ҳам анча-мунча ҳисобга олинган. Бу табиий, чунки бундай эргаш гапли қўшма гапларда воқеалар ўртасидаги мазмуний муносабатлар анчайин аниқ ифодаланади. Тегишли шаклий воситалар мазкур муносабатларни асосий ҳолларда таъкидлаб туради.

Икки воқеа ёнма-ён турар экан, мантиқан олиб қараганда, бу воқеалар бир пайтда ёки ҳар хил пайтда содир бўлиш, ҳар хил пайтда бўлганда эса биринчи воқеа иккинчисидан олдин ёки кейин содир бўлиши тайин⁹⁸. Пайт муносабати ана шунга мувофиқ бир неча мантиқий гуруҳларга тавсифланиши мумкин. Маълумки, мантиқий тушунчалар умумлисоний табиатга эга. Бирон бир тил йўқки, унда мавжуд мантиқий тушунчалар ифода топа олмайдиган бўлса. Ҳар бир тилда бу тушунчаларнинг ифодаланиш тарзигина айрича бўлади.

Ўзбек тилшунослигида (бошқа тилшуносликларда ҳам) пайт эргаш гапли қўшма гаплар тавсифида пайт муносабатининг кўрсатилган мантиқий гуруҳлари ва уларнинг ифодаланиш йўллари анчайин тўлиқ кўрсатиб берилган. Масалан, Ғ. Абдураҳмонов пайт муносабатининг эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланиши билан боғлиқ ҳолатларни қуйидагича фарқлайди: 1. Бош ва эргаш гаплардаги иш-ҳаракат, хусусият бир вақтда

⁹⁷ Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 208-бет; Абдураҳмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Кўрсатилган асар. 141—145-бетлар; Предикативное склонение причастий в алтайских языках. Новосибирск: Наука, 1984, С. 158—161; Бродская Л. М. Сложноподчиненное предложение в эвенкийском языке. Новосибирск: Наука, 1988, С. 85—106 ва бошқалар.

⁹⁸ Шувалова С. А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М.: Изд-во МГУ, 1990, С. 45.

рўй беради. 2. Бош ва эргаш гаплардаги иш-ҳаракат, хусусият турли вақтларда вужудга келади: А. Бош гапдаги ҳаракат, хусусият эргаш гапдаги ҳаракат, хусусиятдан олдин рўй беради. Б. Бош гапдаги ҳаракат, хусусият эргаш гапдаги ҳаракат, хусусиятдан сўнг юзага келади. Айни турларда яна хусусий ҳолатлар ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммасини тегишли мисоллар билан кўрсатиб берилган⁹⁹.

Ҳар бир тилда, хусусан, ўзбек тилида мазкур пайт муносабатларини (улар айни кўринишда мантиқий тушунчалардир) ифодаловчи доимий шакл ва тизимлар мавжуд. Муайян икки воқеа ўртасидаги пайт муносабатлари кўринишлари (вариантлари)ни тегишли тизимларни келтириш билан ифодалайвериш мумкин. Бунда ҳатто денотатив воқеалар ўзгаришсиз қолиб, фақат улар ўртасидаги пайт муносабатининг табиатигина ўзгаради. Қиёсланг: *Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди* (Ойбек). *Дераза очилганда, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилгач, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилиб, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилгунча, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилгандан, кейин, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилишидан олдин, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилган эди, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилар экан, Йўлчи бошини кўтарди* ва ҳоказо. Мавжуд гап вариантларидан қайси бирининг танланиши, албатта, нутқ тузувчининг алоқа мақсади билан боғлиқ.

Бош гапдаги денотатив воқеанинг эргаш гапдаги денотатив воқеа билан бир вақтда, ундан олдин ёки кейин воқеа бўлиши мантиқий жиҳат бўлганлиги учун ҳам асос, ўзак пайт муносабатлари ҳисобланади. Нутқ жараёнида бу асос пайт муносабатлари нутқ тузувчи томонидан субъектив мураккаблаштирилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, нутқ тузувчининг денотатив воқеаларга ва улар ўртасидаги муносабатга бўлган хусусий, субъектив қарши, талқини ҳам қўшма гапда акс этиши мумкин¹⁰⁰. Бунда кўпроқ воқеалар ва улар ўртасидаги пайт муносабатининг муайян жиҳати таъкид олади. Бундай таъкидли ифода учун хилма-хил лексик ва грамматик воситалардан фой-

⁹⁹ Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Кўрсатилган асар, 141—145-бетлар.
¹⁰⁰ Яна қаранг: Шувалова С. А. Кўрсатилган асар, 18-бет.

даланилади. Пайт эргаш гапларнинг бош гаплар билан боғланишида бир қатор узвлар иштирок этади ва уларнинг аксарияти пайт муносабатининг муайян кўриниши ифодаси учун мослашган бўлади. Масалан, *-ганда* шакли, асосан бир вақтда содир бўладиган воқеаларни, *-гунча* шакли асосий воқеа (бош гапда) ва ундан кейин содир бўладиган воқеани, *-гач* шакли асосий, воқеа ва ундан олдин содир бўладиган воқеани боғлаш учун хизмат қилади. Шунга қарамасдан, айни пайт муносабатлари яна таъкидланиши мумкин. Масалан, *Бу гапларни ҳам кейин, воқеалардан бир неча йил ўтгач, эшитдим* (Н. Қобул) гапидаги *воқеалардан бир неча йил ўтгач* эргаш гапи *-гач* боғловчи воситасига кўра асосий воқеадан олдин содир бўлган воқеани билдиради, бироқ буни яна ҳам таъкидлаш учун *кейин* пайт ҳоли ҳам келтирилган, эргаш гап ажратилган бўлакдай бўлиб келган. Сўзловчи ана шу — асосий воқеа ёрдамчи воқеадан кейин содир бўлганлигини яна ҳам таъкидлаш мақсади билан шундай қилган.

Ёки *Арава чорраҳадан бурилиб кетганидан кейингина Ҳайдар қалъага қайтди* (А. Раҳмат) гапида асосий денотатив воқеа (*Ҳайдар қалъага қайтди*) эргаш гапдаги денотатив воқеадан кейин содир бўлган, буни *-ганидан кейин* узвидаги *кейин* ёрдамчи сўзининг маъноси ҳам таъкидлайди. Аммо нутқ тузувчи ана шу «кейинлик»нинг тугал, тўлиқ эканлигини субъектив таъкидлаш мақсади билан яна *-гина* юкламасини ҳам қўллаган. Гапдаги мазкур пайт муносабати шу тариқа субъектив мураккаблашган.

Эргаш гапдаги воқеанинг бош гапдаги воқеадан олдин содир бўлиши ҳам кенг тарқалган. Аммо «олдин» тушунчаси аниқ даражаланган тушунча эмас, яъни қанча олдин, кетма-кетми, бир соат олдинми, бир кун олдинми, бу маълум эмас. Масалан, *Мен гапдан тўхташим биланоқ, у ярим соатдан кейин келишини айтди* (Ч. Амирэжиби) гапида эргаш гапдаги воқеа тугаши билан бош гапдаги воқеа бошланади. Ана шу кетма-кетликнинг жуда тез алмашинаётганини таъкидлаш мақсади билан *-оқ* юкламаси қўлланган. Гап мазмунида субъектив мураккаблашув юзага келган. Бундай таъкид ҳам юкламаси воситасида ҳам бўлиши мумкин: *Сигаретини тугаллаган ҳам эдики, буфетдан Раҳим ака чиқди* (Ф. Мусажонов). *Энди ўтирган ҳам эдики, партком Бахтиёр Жўраев ҳовлиқиб кириб келди* (А. Кўчи-

мов). Бунда ҳам эргаш гапдаги тўлиқсиз феъл билан асосий феъл орасига киритилади.

Эргаш ва бош гаплардаги олдинма-кейин воқеаларнинг тез алмашинувининг ифодаланишида *-ҳам* нинг ўрнини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Масалан: *Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугади* гапида икки денотатив воқеа бевосита кетма-кет воқе бўлади, кетма-кетлик жуда тез алмашади, эргаш гапдаги воқеа амалга ошиб бўлишидан кейиноқ бош гапдаги воқеа ҳам амалга ошиб бўлади. Буни таъкидли ифодалашда *ҳам* ўрни сезиларлидир. Аммо таъкидлаш лозимки, бош гапнинг кесми бўлишли феъл билан ифодаланса, шундай бўлади. Агар бўлишсиз шаклдаги феъл билан ифодаланса, денотатив воқеалар ўртасидаги муносабатни бошқача талқин этишга тўғри келади, чунки пайт муносабати хиралашиб, воқеалар ўртасида тўсиқсизлик муносабати юзага келади. Қиёс: *Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугади* (пайт муносабати). *Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугамади* (тўсиқсизлик муносабати).

Эргаш гапли қўшма гапларда пайт муносабати ифодаланганда ҳамиша икки денотатив воқеа (баъзан ундан ортиқ) ифодаланади. Шунга кўра гапда мазмуний-синтактик мувофиқлик сақланади. Бош гап асосий денотатив воқеани ифодалаб, эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеани ўзининг пайт билдирувчи узви сифатида ўз ичига олади. Бунга кўра гапда мазмуний-функционал мувофиқлик бузилмайди.

Аммо айрим ҳолларда эргаш гаплардаги воқеа ўзининг денотативлигини йўқотади. Бошқача қилиб айтганда, эргаш гапда модус «воқеа» ифодаланади, бунинг натижасида эргаш гаплардаги модус «воқеа» билан бош гапдаги денотатив воқеа ўртасидаги пайт муносабати хиралашади ва эргаш гаплар кириш ибораларга айланади ёки жуда бўлмаганда уларга яқинлашади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Ўз тили билан айтганда, адирга «узоқдан раҳбарлик» қиларди* (Саид Аҳмад). *Аслини олганда, Азим ўғри номозшомни ўқигану Яккабоққа елдек югуриб кетган* (Саид Аҳмад). *Энди билса, коса тагида нимкоса бор экан* (С. Сиёев). *Гапнинг индаллосини айтганда, эҳтиёт бўлинг, Нурзоджон* (Н. Қобул). Бундай ҳолатларда, табиийки, гапда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келади, лекин *аслини олганда, ўз тили билан айтганда, гапнинг индаллосини айтганда* кабилар кириш ти-

зимлар сифатида талқин этилар экан, улар гап таркибидан ташқарида деб қаралади ва гап содда гап мақомини олади. Бунда мазкур номувофиқлик йўқолади.

Пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг асосий қисми ҳавола бўлаксиз бўлади. Эргаш гап пайт ҳоли сифатида тўғридан-тўғри бош гап таркибига кираверади ва демак, ҳавола бўлакка зарурият бўлмайди. Лекин у қадар кенг тарқалмаган бўлса-да, икки ҳавола бўлакли пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳам бор. Бундай гапларда қачон — шунда//ўшанда// ўша пайтда тарзида қаршилантирилган ҳавола бўлаклар мавжуд бўлади. Масалан, *Сен қачон ўнинчи синфни битирсанг, ўшанда соат олиб бераман* гапида бош гапдаги *ўшанда* ҳавола бўлаги пайт ҳоли вазифасида келган, эргаш гапда ҳам худди шундай синтактик ўриндаги мос қачон ҳавола бўлаги бор. Иккала денотатив воқеа пайт жиҳатидан умумийликка эга, иккала воқеа ҳам бир пайтда амалга ошади, лекин, бу пайт умуман англашиларли бўлса-да, очиқ-аниқ айтилмайди. Бу гапда ҳавола бўлакни чиқариб юборганда ҳам гапдаги пайт муносабати ўзгармайди; фақат таъкид бир қадар кучсизланади: *Сен ўнинчи синфни битирганингда; соат олиб бераман.*

. Айтиш керакки, аввалги асосий тур — ҳавола бўлак-сиз пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап автосемантик, эргаш гап синсемантик бўлса, кейинги икки ҳавола бўлакли турида бош гап ҳам, эргаш гап ҳам синсемантикдир.

РАВИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Равиш эргаш гапли қўшма гапларда ҳам ҳавола бўлак мавжуд бўлмайди. Эргаш гапда ҳам, бош гапда ҳам, асосан, денотатив воқеа ифодаланади. Эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеа бош гапдаги денотатив воқеа ичига тарз билдирувчи узв сифатида бевосита киради. Масалан, *Кичик Қобуға бу хабар етиб, хон ташвишга тушиб қопти* (Саид Аҳмад) гапида *хон ташвишга тушиб қопти* бош гапида ифодаланган денотатив воқеанинг ичига эргаш гапдаги денотатив воқеа тарз узв сифатида киради, яъни икки ёнма-ён воқеа бири иккинчисининг узви тарзидаги муносабатда. Яна қуйидаги мисолларни ҳам қиёсланг: *Бутун оламга кўк-лам нафаси таралиб, тупроқдан муаттар ис анқиди* (Ё. Яқвалхўжаев). *Туман сийраклашиб, баҳайбат қояга илиниб турган яшил қишлоқ кўринди* (А. Мухтор).

Уфқ қизғиш тусга кириб, қуёш ётоғидан бош кўтарди (И. Раҳим). Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади (П. Қодиров). Бундай ҳолатларда сабаб-натижа ва пайт маънолари ҳам сезилиб туради. Аммо кўп ҳолларда бундай маъно нозикликлари сезилмайди, равиш эргаш гап соф тарз маъносини ифода этади. Бу одатда бош ва эргаш гаплардаги денотатив воқеаларнинг муайян узвлари ўзаро алоқадор бўлганда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бош ва эргаш гаплардаги муайян бўлақлар (кўпинча эга) ифодалаган нарсалар бир кишига (ёки бир предметга) тегишли бўлади: *Нодира қизариб, юз-қулоқлари ловиллаб кетди* (Ҳ. Ҳакимали) гапида бош гапдаги эга (*юз-қулоқлари*) ифодалаган нарса эргаш гапдаги эга (*Нодира*) ифодалаган шахсга тегишли. Бу жиҳатдан, қўшма гапнинг иккала қисмида ифодаланган денотатив воқеалар ўртасидаги муносабат — алоқа анча зич, улар бири иккинчисининг ичига узв сифатида киришидан ташқари узвларидаги алоқадорликка кўра ҳам боғланади. Яна қиёсланг: *Саида бир лаҳза нафаси ичига тушиб, ноқулай аҳволда қолди* (А. Қаҳҳор). *Маҳкам юрагида ҳислари тўлиб-тошиб, югуриб кетди* (П. Қодиров). *Баъзан қумлоқ соҳилда ҳисларим тиниқиб, Зулайхонинг катта, ғамгин кўзлари тасаввуримга келади* (А. Мухтор). *Қони қочган юзлари оқариб, лаблари кўкиш тусга кирганди* (Н. Қобул).

Баъзан ўпкаси тўлиб, томоғига иссиқ нафас тиқилиб қолди (С. Аҳмад). *Ҳавасим келиб, у билан хаёлан суҳбатлашардим* (Н. Қобул). *Шўро раиси Араб Тоға йигитларнинг талабини эшитиб, боши қотиб қолди* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). *Кунботар димоғи чоғ бўлиб, Балқиён йўлига равона бўлди* (Фозил Йўлдош) каби гаплардаги ўпкаси тўлмоқ, ҳаваси келмоқ, боши қотмоқ, димоғи чоғ бўлмоқ тарзидаги иборалар қўшма гап қисми — эргаш ёки бош гап сифатида талқин этилади. Аслида улар турғун иборалар бўлиб, уларнинг маъноси сўзнинг лексик маъносига тенглашади. *Масалан, димоғи чоғ бўлди* лексик маъно жиҳатидан *хурсанд бўлдидан* ҳеч бир фарқ қилмайди. Мазкур турғун иборалар фақат шаклан гап, холос. Шунинг учун ҳам улар қатнашган қўшма гапларда кучли мазмуний-шаклий номувофиқлик юзага келади. Уларни, айтилик, сохта қўшма гаплар деб айтиш мумкин бўлар. Равиш эргаш гапли қўшма гапларда умуман маз-

муний-синтактик мувофиқлик сақланади. Уларда эргаш гап синсемантик, бош гап эса автосемантикдир.

УРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР

Урин эргаш гапли қўшма гаплар, асосан, икки ҳавола бўлакли бўлади. Бундай қўшма гапларда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам денотатив воқеани ифодалайди. Бу денотатив воқеалар ўрин жиҳатидан умумийликка эга бўлади, аммо эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеанинг содир бўлиш ўрни аниқ эмас, балки умуман айтилади, шунинг учун ҳам у *қаерда*, *қаердаки*, *қаерга* каби сўроқ шакллари билан ифодаланади. Бош гапда эса ана шу сўроқларга мувофиқ келувчи *йша ерда*, *у ерда*, *у ерга* каби ҳавола бўлаклар мавжуд бўлиб, улар бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради, яъни ўрин ҳоли синтактик позицияда бўлади. *Қаерда* — *у ерда* қабилдаги ҳавола бўлаклар бир-бирини доимий тақозо қилади ва денотатив воқеалар ўртасидаги мустаҳкам алоқани таъмин этади. Масалан, *Қаерда сув сероб бўлса, у ерда табиат кўркам бўлади* («Ешлик») гапида бош гапда ҳол синтактик ўрнида келган *у ерда* ҳавола бўлаги эргаш гапдаги *қаерда* ҳавола бўлаги (*у* ҳам ҳол ўрнида) билан нисбатланади ва шу асосда эргаш гапдаги денотатив воқеани асосий воқеа ичига олиб киради. Бунда бош гапдаги денотатив воқеанинг содир бўлиш ўрни таъкидли ифодага эга бўлади. Агар шундай таъкидли ифода зарурияти бўлмаса, ҳавола бўлаклар гапдан чиқариб юборилади ва гап содда гапга айланади. Қиёсланг: *Сув сероб бўлган жойда табиат кўркам бўлади*.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайди: *Беор мусича қаерда ғув-ғув қилса, йша ерда унинг ҳаловати ййқ* (Мирмуҳсин). *Оқсоқол қаерда бўлса, йша жойда иш бир тартибда борарди* (Ҳ. Ҳошимов). *Эгардаги суворий жиловини қаёққа тортса, йша томонга йўл соларди* (Саид Аҳмад). *Ҳозирча қаерга юборсалар, йша жойга бораверинглар* (Н. Раҳмат).

Илгари ҳам айтиб ўтилганидек, икки ҳавола бўлакли эргашган қўшма гапларда бош ва эргаш гапларни боғловчи шаклий восита асосан айна ҳавола бўлакларнинг ўзи ва *-са* шарт майли қўшимчасидир. Келтирилган мисолларда бу кўриниб турибди.

Айтиш керакки, баъзан ҳавола бўлакларнинг бири, яъни бош гапдагиси шаклан ифодаланмаслиги ҳам

мумкин. Аммо бу билан икки ҳавола бўлакли ўрин эргаш гапли қўшма гап бир ҳавола бўлаклига айланиб қолмайди. Чунки бош гаптаги ўрин ҳоли синтактик ўрининг очиқ эканлиги сезилиб туради. Аввалги ҳолатлардаги мазмуний-синтактик алоқа механизми амал қилаверади, яъни бош гаптаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланмаганда ҳам, яхлит қўшма гаптаги мазмуний муносабат ифодасида сезиларли ўзгариш бўлмайди. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: *Қаерда пайдо бўлсалар, эл оёққа туриб кутиб олади* (А. Мухтор). *Қаерда ишламасин, орқасидан фақат яхши гап қоларди* (Саид Аҳмад). *Қаердаки, бу мутаносиблик бузилса, фожиа келиб чиқади* (С. Сиёев).

Ўрин эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосан сақланади. Айни пайтда уларда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам синсемантикдир, чунки қўшма гап қисмларинро ўзаро тобеланиш мавжуд.

ШАРТЛАНГАНЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Шартланганлик муносабатлари пайт муносабатларидан ҳам, бошқа ҳар қандай муносабатлардан ҳам жуда анча мураккаб ва ўзига хосдир. Бу муносабатлар мантиқ илмида ҳам, тилшуносликда ҳам анча жиддий ўрганилган. «Шартланганлик — бу мураккаб тузилган комплекс, муносабатларнинг мураккаб системасидир»¹⁰¹. М. И. Черемисина ва Т. А. Колосоваларнинг кўрсатишларича, грамматик анъанага кўра шартланганлик муносабатлари ўз ичига беш тип муносабатни слади, яъни шарт, сабаб, тўсиқсизлик, мақсад ва натижа муносабатлари. Шартланганлик муносабатларининг барчаси бир ғояга асосланади, яъни бир воқеа иккинчисини келтириб чиқаради ёки иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур муносабатлардаги асос ғоя «сабаб-натижа» (кенг маънода)дан иборат бўлади¹⁰².

Мазкур ғоянинг намоён бўлишида воқеалар талқинининг табиати, нутқ эгасининг алоқадаги мақсади кабилар ҳал қилувчи роль ўйнайди, ана шуларга кўра шартланганлик муносабатларининг конкрет типлари

¹⁰¹ Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, С. 68.

¹⁰² Щ у в а л о в а С. А. Кўрсатилган асар, 53-бет.

фарқланади. Масалан, қуйидаги икки воқеани олайлик: деҳқонларнинг астойдил меҳнат қилиши (1-воқеа) ва озиқ-овқатнинг мўл бўлиши (2-воқеа). Булардан 1-воқеа келтириб чиқарувчи, 2-воқеа эса келиб чиқувчи воқеалардир, яъни улар шартланганлик муносабатларига кўра алоқадор. Улар бир-бирлари билан «сабаб-натижа» ғояси асосида муносабатда бўлар экан, шартланганлик муносабатининг қуйидаги типлари намоён бўлиши мумкин: 1. Сабаб муносабати, яъни 1-воқеа сабаб, 2-воқеа эса натижа, 1-воқеа бевосита 2-воқеани келтириб чиқаради: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди. Озиқ-овқат мўл бўлди, чунки деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилганликлари учун, озиқ-овқат мўл бўлди. Шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлдики, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар.* 2. Шарт муносабати, яъни 2-воқеанинг амалга ошиши учун 1-воқеа шарт, ҳар икки воқеа учун ҳам фаразийлик хос: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат мўл бўлади. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилганларида эди, озиқ-овқат мўл бўларди. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилар эканлар, озиқ-овқат мўл бўлади. Агар деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар борми, озиқ-овқат мўл бўлади.* 3. Тўсиқсизлик муносабати, яъни 1-воқеа 2-воқеанинг бажарилиши учун шарт бўлса-да, бу тағбилимга (пресуппозицияга) кўра англашилиб турса-да; бу шарт тўсиқ бўлмайди: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлмади ёки Деҳқонлар астойдил меҳнат қилмасалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлди.* 4. Мақсад муносабати, яъни 2-воқеа 1-воқеани амалга оширишнинг мақсадли натижаси сифатида юзага келади: *Озиқ-овқат мўл бўлсин деб, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Озиқ-овқат мўл бўлсин учун, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар.* 5. Натижа муносабати, яъни 2-воқеа 1-воқеанинг ўз-ўзидан воқеа бўладиган натижаси сифатида юзага келади: *Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, озиқ-овқат мўл бўлди. Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, натижада озиқ-овқат мўл бўлди.*

С. А. Шувалованинг таъкидлашича, сабаб, шарт ва мақсад муносабатлари шундай фарқланади: агар 1-воқеа объектив борлиққа нисбатланган реал бўлса, сабаб муносабати, агар бу воқеа реал эмас, фаразий, тахминий (гипотетик) бўлса, шарт муносабати, агар 2-воқеа амалга оширилиши мўлжалланган ният бўлса, мақ-

сад муносабати юзага келади. Кўриниб турганидай, шарт ва сабаб мазмунларининг фарқланиши 1-воқеанинг тавсифи асосида бўлса, мақсад мазмунининг фарқланиши эса 2-воқеанинг тавсифи асосида бўлади, яъни биринчи икки мазмунда келтириб чиқарувчи воқеа муҳим бўлса, кейинги мазмунда келиб чиқувчи мазмун муҳимдир¹⁰³.

Мантиқшунос П. В. Таванец ҳам сабаб ва шартли ҳукмлар ўртасидаги муҳим фарқлардан бири ҳақида шундай дейди: «Бу фарқ шундан иборатки, сабаб ҳукмдаги воқеа ёки фактлар ҳамиша борлиқда мавжуд воқеа ёки фактлар сифатида намоён бўлгани ҳолда, шартли ҳукмда бу воқеалар фақат бизнинг тафаккуримиз орқали мавжуд деб тахмин қилинадиган воқеалар тарзида намоён бўлади»¹⁰⁴. Ҳақиқатан ҳам, масалан, юқоридаги сабаб ва шарт муносабатлари ифодаланган икки гап қиёсланса, буни аниқ кўриш мумкин: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат мўл бўлади.* Биринчи гапдаги иккала воқеа ҳам реал борлиқда мавжуд, иккинчи гапдаги иккала воқеа ҳам реал борлиқда мавжуд эмас, амалга ошмаган, уларнинг амалга ошиши тахмин, фараз, тасаввур қилинади. Буни умумий тилшуносликдаги атама билан айтадиган бўлсак, сабаб муносабатидаги воқеалар реал, шарт муносабатидаги воқеалар эса ирреалдир.

Шарт муносабати билан тўсиқсизлик муносабати бир-бирига яқин туради, бу уларнинг асосий ифода воқеаларда ҳам кўринади, яъни ҳар иккала муносабатнинг ифодаланишида *-са* шарт майли қўшимчаси иштирок этади. Фақат тўсиқсизлик муносабатининг ифодаланишида *-са* билан биргаликда ҳам (*-да*) юкламаси ҳам қўлланади ва бу юклама шарт муносабатини кучсизлантиради. Аммо таъкидлаш зарурки, шарт муносабати бари бир мавжуд бўлади, лекин у бевосита эмас, балки тағбилим сифатида тўсиқсизлик муносабатининг асосида ётади. Агар ана шундай тағбилим мавжуд бўлмаса, тўсиқсизлик муносабати юзага келмайди. Лекин шарт муносабатидан фарқли ўлароқ, тўсиқсизлик муносабатидаги воқеалар ирреал эмас, балки реал бўлади. Қиёсланг: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилса-*

¹⁰³ Шувалова С. А. Кўрсатилган асар, 56-бет.

¹⁰⁴ Таванец Т. В. Суждение и его виды. М.: Изд-во АН СССР, 1953, С. 125.

лар, *озиқ-овқат мўл бўлади* (шарт муносабати, воқеалар ирреал), *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлмади* (тўсиқсизлик муносабати, воқеалар реал). Айтиш керакки, айтиш гапдаги шарт муносабати тағбилим сифатида кейинги тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапнинг мазмунида мавжуд.

Натижа муносабатидаги воқеалар ҳам реал бўлади. Бунда 1-воқеа 2-воқеани келтириб чиқариш учун атай амалга оширилмайди, балки 1-воқеа шундай ба-жариладики, натижа 2-воқеа сифатида ўз-ўзидан келиб чиқади.

Шартланганлик муносабатларининг кўрсатилган беш типи беш хил эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланади: сабаб, шарт, тўсиқсизлик, мақсад ва натижа эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай эргаш гапли қўшма гаплардаги шаклий хусусиятлар, қисман мазмуний ўзига хосликлар, боғловчи воситалар ўзбек тилшунослигида тавсифланган¹⁰⁵. Шунинг учун мазкур эргаш гапли қўшма гаплардаги айтиш жиҳатларга батафсил тўхталишга зарурият йўқ. Айтиш эргаш гапли қўшма гапларнинг бу ўринда асосий мазмуний жиҳатларига эътибор қилишнинг ўзи етарли, деб ҳисоблаймиз.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар. Таъкидланганидай, бундай қўшма гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гапда сабаб воқеа, бош гапда эса ана шу сабабга кўра юзага келадиган воқеа ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, эргаш гапдаги воқеа мазмунан бош гапдаги воқеа ичига сабаб узви сифатида киради, чунки бош гапдаги воқеа асосий воқеа ҳисобланади. Масалан, бир воқеа асосий хабар сифатида айтилганда, агар уни келтириб чиқарган сабабга зарурат бўлса, албатта, *нега?* деган савол туғилади, бу саволнинг жавоби, тайинки, сабаб воқеадан иборат бўлади:— *Шеърларингиз босилмайди.— Нега?— Чунки ўзимиз шеърга кўмилиб ётибмиз* (В. Катаев). Бу парчада сабаб муносабати бўлиб-бўлиб ифодаланган. Уни бир гап сифатида ифодалаганда, сабаб муноса-

¹⁰⁵ Фуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Уқитувчи, 1987, 203—207, 215—223-бетлар; Асқарова М. А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963, С. 90—100; Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., Холмёров Х., Омонтурдиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Уқитувчи, 1979, 146—163-бетлар.

бати айни гапнинг мазмунини ташкил этади: *Шеърларингиз босилмайди, чунки ўзимиз шеърга кўмилиб ётибмиз*. Бунда олдин асосий воқеа, ундан кейин сабаб ифодаланган. Яна қуйидаги мисолларни қиёсланг: *Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади* («Ҳадис»лардан). *Аммо оқибат-натижадан мамнунмиз, чунки ҳозир лойиҳа, ҳар қалай, мавжуд* (А. Мухтор). *Ойна опа хатни охиригача ўқий олмади, чунки ҳовлининг эшигини кимдир тақиллата бошлади* (Ш. Холмирзаев). *Биринчи навбатда шу одамни айтиш керак, чунки у Асаднинг марҳум отасига қадрон киши эди* (Ф. Мусажонов).

Баъзан сабаб воқеани биринчи ўринга чиқариш, унга урғу бериш мақсади билан олдин эргаш гап, кейин бош гап келтирилади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Унинг бундай одати йўқ эди, шунинг учун йигит ҳайрон бўлиб, бироз қараб турибди* (А. Қаҳҳор). *Уша пари қизларнинг руҳлари ҳамон сув тагида яшармиш, шунинг учун сирли дарё деб аталган* (Ҳ. Ҳакимали). *Аммо шу тобда ҳордиқ чиқаришга фурсат йўқ эди, шу боис... тағин жиддий ишга киришиб кетдилар* (О. Юсупов). *Саодат кўндан бери ашула айтмаган эди, шунинг учун ҳам у жаранглаган овозларга қўшилиб ашула айтгиси келди* (И. Раҳим).

Бу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Лисоний адабиётларда *шунинг учун* эргаштирувчи боғловчи сифатида талқин этилади. Лекин аслида ундай эмас. Бундай талқин рус тилидан нусха олишнинг оқибатидир. Айни *шунинг учун* одатдаги сўз шаклидир, яъни олмош+*учун*. Бу сўз шакли «қотиб» қолган эмас, *шу учун, шу боис, шу сабабли, шу туфайли* кабилар ҳам мазмунан *шунинг учун* билан бир. Келтирилган гапларда бу сўз шакллари бемалол алмаштириб қўллаш вериш мумкин. Шундан келиб чиқиб, *шунинг учун* кабиларни сабаб ҳоли (бош гапда) синтактик ўрнидаги ҳавола бўлак сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Бу, айниқса, айни ҳавола бўлакли бош гап эргаш гапдан олдин келган, қуйидаги гапларда яна ҳам аниқ билинади: *Мен шунинг учун ҳам буни қиламанки, Ҳаётхон кейинчалик Ғуломжондан умрбод рози бўлсин* (М. Исмоилий). *Очерк менга шунинг учун ёқмадики, унда тирик, жонли одам йўқ* (Ф. Мусажонов). Таркибида мазкур сўз шакллари бўлган бош гаплар иштирок этган гапларни бир ҳавола бўлакли сабаб

эргаш гапли қўшма гаплар дейиш тўғри бўлади. Бундай ҳолатларда бош гап синсемантик, эргаш гап эса автосемантик бўлади. Ҳавола бўлаксиз бўлганда эса хилма-хил ифода воситаларига кўра қўшма гап қисмлари нисбий мустақиллик жиҳатидан турли мақомга (автосемантик, синсемантик) эга бўлиши мумкин.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплардаги сабаб муносабати субъектив мураккаблашуви ҳам мумкин. Ўзбек тилида бундай мураккаблашув кўпроқ нутқ эгаси наздида келтирилади. Сабабнинг аниқ ёки ноаниқлиги, умумга маълум ёки номаълумлиги, тахминийлиги каби субъектив маъно нозикликларини гап мазмунига киритиш ҳисобига юз беради. Масалан, *Мажлис эрта бошланди, фақат шунинг учун у кеч қолди* гапида бош гапдаги воқеанинг юз беришига олиб келган сабаб айти эргаш гапдаги воқеанинг бир ўзи эканлиги, бунинг аниқ эканлиги таъкидланган, бу билан сабаб муносабати субъектив мураккаблашган. Бу мураккаблашув *фақат* юкламаси орқали шаклан ифодаланган.

Сабабнинг аниқ эмаслиги, сўзловчи муайян воқеани сабаб деб тахмин қилаётганлиги маъноси билан сабаб муносабатининг субъектив мураккаблашуви нисбатан кўпроқ учрайди. Бу кўпинча *-ми* юкламаси орқали таъкидланади. Масалан: *Кетмон эзвормани учунми, елкаси хўккайиб чиққан* (Н. Қиличев). *Юраги бир нимани сездими, овозининг борича бақирди* (С. Барноев). *Унинг эти уюшдими, ижирганиб ўрнидан турди*¹⁰⁶. Баъзан тахминийликни яна ҳам таъкидлаш учун *-ми* дан ташқари бошқа лексик восита, масалан, *негадир* сўзи ҳам келтирилади: *Ҳамон хотини тикилиб тургани боисми, негадир дудуқланиб изоҳ берди* (Н. Қиличев). Тахминийлик жуда кучли бўлганда, баъзан айти ҳолатдаги бирдан ортиқ сабаб эргаш гап тарзида келтирилиши ҳам мумкин: *Билими саёзлик қилдими ё омади чопмадими, ишқилиб, қора чамадонни даранглатиб яна Қорасувга қайтди* (С. Сиёев). Сабабнинг тахминийлиги яна бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади: *Аммо ортиқча хурсандчилик кўнгилларига сиғмади, чамамда, яна жимиб қолишди* (Ч. Амирэжиби). *Олчибек... аллақандай нохуш хабарни эшитди, шекилли... ранги ўзгарди* (К. Яшин). *Рус тили унга ғалати эшитилса керак... астойдил қулоқ соларди* (А. Мух-

¹⁰⁶ Бундай ҳолат ҳақида қаранг: Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 205-бет.

тор). *Ҳукуматнинг бир долзарб иши бордирки, зудлик билан олиб кетган.* (А. Мухтор).

Айрим ҳолларда сабабнинг умумга маълумлиги таъкидланади, бунда сабаб билан натижанинг узвий боғлиқлиги ҳам умумга маълум тағбилим сифатида англашилиб туради. Шунинг учун ҳам сабаб воқеа ифодаланган эргаш гапнинг предикати бўлишсиз шаклда бўлиб, *-ми* юкласини олган бўлади: *Саратон қуёши еру кўкни ёндириб атрофга олов пуркаётган бир палла эмасми, каттаю кичик ўзини чойга уради* (Х. Тўхтабоев).

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплардаги сабаб мазмунининг субъектив мураккаблашуви яна бошқа кўринишларда ҳам бўлиши мумкин. Шуниси муҳимки, бундай гапларда, асосан, икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ифодаланади. Шунинг учун ҳам асосий ҳолларда уларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келмайди.

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай қўшма гапларнинг мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Юқорида айтилдики, шарт муносабатидаги воқеаларнинг биринчиси — шартни ифодалагани ирреал бўлади, шунинг учун иккинчи воқеа ҳам ирреаллик касб қилади. Аммо айрим тадқиқотчилар бошқачароқ нуқтаи назарни илгари сурадилар. Масалан, Ф. Абдураҳмонов шундай ёзади: «Кесими ирреал шартни англаувчи формалар билан ифодаланган эргаш гаплар баъзан мазмунан ирреалликни ифодаламайди. Бундай эргаш гапларда воқеа, ҳодиса рўй беради, демак, шарт реал бўлади»¹⁰⁷. Бундай шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг иккинчи хусусияти шуки, улардаги мазмун ўтган замонда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлади: *Бу икки батальон бу ердан кетмаганда эди, тўплар ҳимоясиз қолмаган бўлар эди* (Л. Толстой)... Келтирилган гапдаги шарт реал эмас, чунки шарт моҳиятан «батальоннинг кетиши» эмас, балки «батальоннинг кетмаслиги»дир, булар эса бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи икки хил воқеа. Гапнинг умумий мазмунидан англашилиб турибдики, «батальоннинг кетиши» воқеаси ҳақиқатан рўй берган, лекин шарт-воқеа, яъни «батальоннинг кетмаслиги» рўй берган эмас, бу воқеа фаразий, ирреал воқеадир, у рўй бермагангина

¹⁰⁷ Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Холмиев Х., Омонтурдиев Ж. Кўрсатилган асар, 151-бет.

эмас, энди ҳам рўй бермайди. Шарт муносабати «батальоннинг кетмаслиги»дан иборат фаразий, ирреал воқеа билан «тўпларнинг ҳимоясиз қолмаслиги» воқеаси ўртасида юзага келган. Тайинки, шартнинг ўзи ирреал бўлгач, унга боғлиқ натижа ҳам ирреал бўлади. Қисқаси, шарт муносабатидаги воқеалар ҳамиша, асосан, фаразий (гипотетик), ирреал бўлади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланган воқеалар мантиқан ўзаро шарт муносабатига киришади. Бу муносабат шаклан икки нисбий гап — бош ва эргаш гаплар ўртасида бўлар экан, эргаш гапдаги шартвоқеа муайян узв сифатида бош гапдаги воқеа ичига киради. Шаклий-функционал жиҳатдан эргаш гап бош гапнинг синтактик қурилишида шарт ҳоли ўрнини эгаллайди. Қуйидаги мисолларда бунни кўриш мумкин: *Мирвали ёнимда бўлса, мени пашша ҳам чақмайди* (Саид Аҳмад). *Сиз кетмон ушласангиз, мен Мадаминга йигит бўлиб кетаман* (Ё. Яквалхўжаев). *Разведчик сал хато маълумот берса, армия ҳалок бўлади* (А. Мухтор). *Сизни ҳайдашса, биз ҳам бу мактабдан кетамиз* (Н. Қобул).

Баъзан эргаш гапнинг предикати бўлишсиз феъл билан ифодаланган бўлади, бош гапдаги предикат эса бўлишли феъл билан ифодаланади, бу табиийки бош ва эргаш гаплар ўртасидаги контрастни, зидликни кучайтиради. Бунинг натижасида шарт воқеа бир қадар таъкидли ифодага эга бўлади. Мисоллар: *Сизни сувдан ўтказиб қўймасам, менга берган нонингиз ҳаром бўлмай* (П. Қодиров). *Бошингга ташвиш тушмаса, қайтиб келмасдинг* (Саид Аҳмад). *Шу қондаларга итоат қилмасангиз, бўйнингиз чопилади* (Ғ. Фулом). *Ўзингиз иш бермаганингиздан кейин, мен нима ҳам қила олардим* (Ф. Мусажонов).

Айрим ҳолларда шарт воқеа бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин, бу шарт воқеалар муайян бир воқеанинг юзага келиши учун шарт вазифасини бажариб келади. Мисоллар: *Агар садоқати самимий бўлса, ҳоқон ҳазратлари синаган бўлсалар, камина учун эътирозга ўрин қолмас эди* (Ойбек). *Агар дафъатан қоялар қулса, музликлардан кўчклар кўчса, ер қатламлари уйғониб, тоғларга ларза келса, бу жимлик уларнинг даҳшатли гумбуричи дунёга келмасданоқ ютиб юборарди* (А. Мухтор).

Шарт воқеа агар, модомики, бордию каби воситалар билан таъкидланиши ҳам мумкин. Бунда шарт муноса-

бати субъектив мураккаблашуви мумкин. Субъектив таъкид орқали мураккаблашув қўшма гап қисмлари *йўқса, бўлмаса* каби воситалар орқали боғланганда жуда ҳам аниқ бўлади. Масалан: *Уни тез олиб келинглар, йўқса, қамоқда бир кун ичида жувонмарг бўлади* (З. Мўминова). *Сен тезроқ кел, бўлмаса, онанг хафа бўлади*. Бундай мазмуний мураккаблашув қўшма гап қисмлари *-ми, -са+борми* каби воситалар билан боғланганда ҳам кузатилади: *Ҳаётхон олдига бир аниқ мақсад қўйдими, минг уринсанг ҳам қайтара олмайсан* (М. Исмоилий). *У ишга киришса борми, ҳеч бир иш чала қолмайди. Райком сизни иззат қилибдими, буни қадрлаш керак.* (С. Сиёев).

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ифодалангани, шунга кўра уларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзга келмайди. Аммо айрим ҳолларда шарт воқеа модусдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзга келади, эргаш гап мазмунан кириш тизимларга яқинлашади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: *У ёғини сурштирсангиз, мен одам боласининг... дунёдан умид узишига ишонмайман* (А. Қаҳҳор). *У ёғини сўрасанг, Афғонистондаям ҳозирлик кўрилаётир* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). *Лекин, мен сизга айтсам, вей, яхшиликни ҳам билган биларкан* (Н. Қобул). *Агар малол келмаса, деразани очиб қўйинг.* (Н. Қобул).

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлаксиз бўлади. Бош гап автосемантик, эргаш гап эса синсемантик хусусият билан характерланади.

Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар. Шартланганлик муносабатлари ифодаланган эргаш гапли қўшма гаплар орасида тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар айни муносабатнинг намоён бўлиши ва унинг идрок қилиниши жиҳатидан бениҳоя ўзига хосдир. Энг аввало бундай гапларда бир пайтнинг ўзида икки хил муносабат, яъни ҳам шарт муносабати, ҳам тўсиқсизлик муносабати мавжуд бўлади. Албатта, асосий ва демак, тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап тузишга олиб келадиган муносабат тўсиқсизликдан иборат, лекин бу муносабатни шарт муносабатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки «тўсиқсизлик» деганда, муайян шартнинг тегишли воқеанинг юзга келишида тўсиқ бўлмаслиги назарда тутилади. Бунда шарт муносабати бевосита эмас, балки бавосита иштирок этади, бошқача қилиб

айтганда, шарт муносабати айни гапда тағбилим (пресуппозиция) сифатида мавжуд бўлади. Агар тағбилим сифатида шарт муносабати иштирок этмас экан, тўсиқсизлик муносабатининг юзага келиши мумкин эмас. Масалан, *Йигитлар ҳар қанча қисташса ҳам, у овқатга ўтирмади* (Саид Аҳмад) гапида тўсиқсизлик муносабати ифодаланган. Гапда «Қисташса, ўтириш керак» тарзидаги шарт муносабатидан иборат тағбилим мавжуд, у сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам, умуман, шу тил вакили учун норма, одатдаги ҳол. Тўсиқсизлик муносабати эса ана шу норманинг бузилиши, одатдаги ҳолдан чекиниш, истисно тарзида юзага келади, бошқача айтганда, шарт муносабати нормал ҳолат бўлса, тўсиқсизлик муносабати унинг истиснодир. Ана шу маънода тўсиқсизлик муносабати бошқа муносабатларга қараганда анчайин мураккаб ва ўзига хосдир. Тўсиқсиз эргаш гаплар мазмунан тўсиқсизлик холи билан мос келади. Яна мисоллар: *Аҳмадбек ҳожи бир оз таскин топган бўлса-да, кўнгли ёришмас эди* (Е. Яквалхўжаев). *Вақт ярим кечадан оғиб қолган бўлса-да, Ҳамза мижжа қоққани йўқ* (К. Яшин). *Лекин табиат қанча ўжар бўлмасин, улар қайсарлик билан яна кулба тиклайдилар* (Саид Аҳмад). *Ҳали барвақт бўлишига қарамай, қуёш ёниб бош кўтармоқда эди* (Х. Султонов).

Тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлишсиз феъл орқали ифодаланганда, шарт кучли ифодаланади (буни шарт эргаш гаплар муносабати билан ҳам айтган эдик), шундай кучли шартга қарамай бош гапдаги воқеа рўй бераётганлиги учун асосий муносабат, яъни тўсиқсизлик ҳам кучаяди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: *Ҳеч нарсани ҳал қилмаса ҳам, унга шу маълумотларнинг ўзи қизиқ* (А. Мухтор). *Гаплар эшитилмаса-да, мартенчилар бир-бирларини англар эди* (А. Мухтор). *Қор ёғмаса-да,... изғирин аёвсиз эсарди* (С. Барноев). *Эрали сувлиқни тортмаса ҳам,... ёлларини силкитади* (Саид Аҳмад).

Тўсиқсизлик мазмунини баъзи гапларда субъектив мураккаблашуви ҳам мумкин. Бунда тўсиқсизликнинг қатъийлиги ёки қатъий эмаслиги, вақтинчалиги каби субъектив маънолар таъкидланади. Бунинг учун эргаш гапда *гарчи, башарти* каби сўзлар, бош гапда эса *барибир, албатта* каби сўзлар келтирилади, улар тўсиқсизликнинг қатъийлигини таъкидлайди: *Подачи қанчалик тошмехр бўлмасин, барибир юрагининг бир четида... юмшоққўнгиллик ҳам бор эди* (Н. Қобул). *Сиз*

келмасангиз ҳам, албатта, ўзим олдангизга бораман (Ғ. Ғулом). Бу одам, башарти бошига қилич келса ҳам, бировни сотмайди (Ғ. Мусажонов). Она учун бола ҳар вақт бола бўлиб қолади, Гарчи соқол, мўйловлари саб-за урган бўлса ҳам (Уйғун). Бош гапда ҳали каби сўзларни келтириш орқали тўсиқсизлик мазмунининг вақтинчалиги, муайян вақтдан кейин тўсиқсизликнинг йўқолиши мумкинлигига ишора қилинади, албатта, бунда тўсиқсизлик мазмуни субъектив мураккаблашади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Бизнинг уй ичимизда мендан кичик иккитагина ўғил укаларим бўлса ҳам, уларнинг қўлидан ҳали ҳеч иш келмас эди* (Ғ. Ғулом). ...*Қиш яқинлашиб қолган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёғингарчилик бошланмаган эди* (С. Айний). *Водий нафаси келиб турса ҳам, ҳали айланма тоғ йўллари тикка, хатарли* (А. Мухтор).

Тўсиқсизлик эргаш гапли қўшма гапларда булардан бошқа ҳам субъектив мазмуний мураккаблашув кузатилади. Лекин, муҳими, уларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланади. Шунга кўра уларнинг таркибида мазмуний-синтактик номувофиқлик деярли юзага келмайди. Бош гап ҳаминша автосемантик бўлади, аммо эргаш гап ўзининг грамматик шакли ва мазмуний хусусиятига кўра, асосан, синсемантик характерга эга бўлади. Шунингдек, ҳар икки денотатив воқеа ҳам реал характерга эга бўлади.

Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай гапларнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги мақсад муносабатидан иборат бўлади. Шартланганлик муносабатларининг сабаб ва шарт турларида, айтиб ўтилганидан, келтириб чиқарувчи воқеа (1-воқеа) нинг табиати асосий бўлса, мақсад муносабатида келиб чиқувчи (2-воқеа)нинг табиати муҳимдир. Қиёс.: *Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди*. Бунда 1-воқеа, яъни «Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар» келтириб чиқарувчи ва у ўз табиатига кўра сабабни билдиради. *Озиқ-овқат мўл бўлсин деб, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар*. Бу гапда иккинчи воқеа, яъни «Озиқ-овқат мўл бўлсин» келиб чиқувчи ва у ўз табиатига кўра мақсадни билдиради. Кўринадики, сабаб эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап 1-воқеани бош гап 2-воқеани ифодаласа, мақсад эргаш гапли қўшма гапларда аксинча, эргаш гап 2-воқеани, бош гап 1-воқеани ифодайди. Айтиш мумкинки, мақсад муно-

сабатида шартланганлик муносабатининг бошқа барча турларидагидан фарқли ўлароқ, воқеалар ўртасидаги муносабат йўналиши бошқача, яъни бошқа турларда «1-воқеа→2-воқеа» тарзида, демак, тўғри йўналиш, мақсад муносабатида эса «2-воқеа→1-воқеа» тарзида, демак, унга тескари йўналиш. Ана шу иккинчи воқеани амалга ошириш биринчи воқеани амалга оширишдан кузатилган мақсад бўлади. Шунинг учун ҳам мақсад эргаш гаплар мазмунан мақсад ҳолига тенглашади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: *Уруш-жанжал кўпаймасин деб, бутун дардимни ичимга ютаман* (Ойбек). *Амуни дуо қиламан, токи биздек ошиқларни... учраштирадиган эзгу дарё бўлсин* (А. Мухтор). *У... савдолашаётганда харидор зерикмасин деб, дурбин билан сурат ҳам қилиб қўйибди* (Ғ. Ғулом). *Одамлар ишдан қолмасин деб, маросимни соат беш яримга тайин қилганмиз* (Саид Аҳмад).

Бу мазмун муносабати ҳам турли субъектив маъно нозикликлари билан мураккаблашуви мумкин. Масалан, мақсад муносабати алоҳида таъкидланиши мумкин, бунда турли лексик-грамматик воситалардан фойдаланилади. Айтилик, бош гап таркибида *атайлаб* каби сўзлар (мақсад ҳоли) келтирилиши мумкин: *Кўпроқ одам эшитсин деб, атайлаб дўриллаган овоз билан баланд гапиряпти* (Х. Тўхтабоев). Мақсаднинг тахминийлигини таъкидлаш учун, масалан, эргаш гапнинг кесимни *-(а)р* шакли сифатдош орқали ифодалаш мумкин: *Бирор киши учраб қолар деб, у катта йўлдан юрди* («Тош. оқш.»).

Бу ўринда мақсад муносабатининг яна бир мазмуний-мантиқий жиҳатини таъкидламоқ лозим. Сабаб муносабатида ҳам, икки воқеа ҳам, асосан, реал бўладиган бўлса, шарт муносабатида ҳам икки воқеа ҳам ирреал, фаразий бўлади. Буни айтиб ўтдик. Мақсад муносабати бу жиҳатдан улардан фарқ қилади, яъни мақсадни ифодалайдиган воқеа, асосан ирреал, фаразий, асосий воқеа эса деярли ҳамиша реал бўлади. Мантиқан амалга ошиб бўлган нарса мақсад, ният бўла олмайди. Шунинг учун ҳам мақсаднинг ирреал, асосий воқеанинг реал бўлиши табиий. Айтиш керакки, мақсад воқеанинг ирреаллиги айни қўшма гапнинг ичиде, холос. Ундан бошқа матнда, матннинг давомида у реаллашуви мумкин. Қиёс.: *Бирор киши учраб қолар деб, у катта йўлдан юрди. Нияти холис экан, қараса, дўсти келяпти...*

Қисқаси, мақсад эргаш гапли қўшма гапларда икки денотатив воқеа ифодаланади. Шунга кўра гапда мазмуний-синтактик мувофиқлик сақланади. Бош гап ҳамиша автосемантик, эргаш гап эса синсемантик бўлади.

Натижа эргаш гапли қўшма гаплар. Натижа муносабати бундай қўшма гапларнинг мазмунини ташкил қилади. Иккинчи воқеа биринчи воқеанинг натижаси сифатида юзага келади. Шуни айтиш керакки, бош гапдаги ҳаракат атай, эргаш гапдаги ҳаракатни амалга ошириш учун қилинмайди, балки эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатнинг натижаси сифатида ўз-ўзидан келиб чиқади. Мисоллар: *Йигитлар... уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди* (А. Қаҳҳор). *Бироқ колхозчилар ўртасида меҳнат тақсимлаш шундай ўзгирдики, ҳар икки томон бир-бировларини камситмай бошладилар* (Ғ. Ғулом). *Малик муаллим Суярқулнинг қулоғини шундай бурадики, боланинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди* (А. Кўчимов). *Уша коммунистни шундай белини узишадикки, у ҳеч қанақа курашга ярамай қолади* (Н. Қобул).

Айтиш керакки, бундай қўшма гапларнинг бош гапи таркибида деярли ҳамиша *шундай, шунақа, чунонам* каби сўзлар бўлади ва улар бош гапдаги воқеанинг натижаси борлигига, яъни эргаш гапга ишора қилиб туради, шунинг учун уларни ҳавола бўлақлар дейиш мумкин. Натижа эргаш гапли қўшма гаплар, демак, бир ҳавола бўлакли гаплардир, бу бўлақлар бош гапда, асосан, ҳол ўрнида келади. Ана шу бўлақка кўра бош гап автосемантик бўлолмайди, эргаш гап эса автосемантик бўла олади.

Натижа эргаш гапли қўшма гапларда воқеаларнинг мазмуний хусусиятлари асосан икки хил бўлади. М. А. Асқарова тўғри кўрсатганидай, «1) натижа эргаш гапдаги фикр реал бўлади», «2) натижа эргаш гапдаги фикр мўлжалланган ва тахмин қилинган бўлади»¹⁰⁸. Бошқача қилиб айтганда, натижа эргаш гапли қўшма гапларда баъзан реал воқеалар ўртасидаги, баъзан эса ирреал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланади. Юқорида келтирилган гапларда реал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланган. Агар ирреал воқеалар ўртасидаги натижа муносабати ифодаланган бўл-

¹⁰⁸ Ғуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 222-бет.

са, эргаш ва бош гапларнинг кесими буйруқ-истак майлидаги феълдан иборат бўлади, баъзан бош гапнинг кесими *керак, зарур* каби сўзлар иштирок этган бирикмадан иборат бўлиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Сен раис Тўрани бир ўрай — бир ўрайки, қайси тешикка кирганингни билмай қолгин* (А. Кўчимов). ...*Шундай тасвирлаб берсинки, ўқувчи бу одамнинг яхши ёки ёмонлигини шу овқат еб ўтиришидан билиб олсин* (Ф. Мусажонов). *Бир иш қилайликки, ўз оёғи билан келсин* (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). ...*Биз чорвачиликда ишни шу қадар онгли ва давр талаби даражасида ташкил этишимиз керакки, ёшлар энг яхши заводларга оқиб боргандек унга интилсин* (Н. Қобул).

Натижа эргаш гапли қўшма гаплардаги мазмуний муносабат ҳам субъектив мураккаблашиши мумкин. Бу натижа маъносини таъкидлаш, эргаш гапдаги воқеанинг келиб чиқиши мумкин бўлган бир неча натижадан бири — энг «кичиги» эканлигини кўрсатиш маъноси кабилар ҳисобига бўлади. Биринчи маъно нозиклиги оқибатда, натижада каби сўзлар воситасида ифодаланади: *Кейинги вақтларда у шундай табдиллар қўладики, оқибатда Милош Золтан билан Зуфар бир-бирларини кўра олмади* (О. Юсупов). *Ёзувчи ана шундай оддий бир воқеани шундай фавқулодда маҳорат билан тасвирлаганки, натижада китобхон инсоннинг ҳаётга муҳаббати бениҳоя қудратли куч эканини ҳис қилади* (А. Қаххор). Кейинги маъно нозиклиги ҳатто сўзи билан таъкидланади: *Кеча шу қадар жимжитки, ҳатто кекса қайрағочда мудраган чумчуқнинг унига сиғмай типирчиллагани ҳам эшитилади* (Саид Аҳмад). *Мен унинг оғзини шундай маҳкамлаб қўяманки, ҳатто ичидаги сирини соясига ҳам айтмайдиган бўлади* (О. Юсупов).

Воқеаларнинг табиати қандай бўлишидан қатъи назар, бари бир улар денотативдир. Шунинг учун ҳам натижа эргаш гапли қўшма гапларда асосий ҳолларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келмайди.

ЎЛЧОВ-ДАРАЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмун муносабатининг ифодаланишига кўра икки хил кўриниши фарқланади: 1) икки ҳавола бўлакли ва 2) бир ҳавола бўлакли.

Икки ҳавола бўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар нисбатан кенг тарқалган. Эргаш гапли

қўшма гапларнинг бошқа икки ҳавола бўлакли турларидаги каби бундай гапларда ҳам қаршилантирилган ҳавола бўлақлар мавжуд бўлади, яъни *қанча — шунча, қанчалик — шунчалик* кабилар. Бош гапда *шунча, шунчалик* каби ҳавола сўзлар мавжуд бўлади ва улар ўлчов-даража ҳоли синтактик ўрнида келади. *Қанча, қанчалик* сўзлари ҳам эргаш гапда шундай ўринда бўлади, демак, улар орасида параллелизм бўлади, икки денотатив воқеа ҳаракатнинг миқдорий белгисига кўра умумийдир. Воқеалар ўртасидаги муносабат ўзаро тобеланишга кўра жуда зич бўлади. Қўидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Тоҳиржоннинг дарди қанча оғирлашса, у шунча қувонади* (Ойбек). *Одатда шоликорлик ботқоғида қанча кўп юрилса, шунча қиёғи кўп бўлади* (Саид Аҳмад). *У йигит қанча ишлаган бўлса, Сиддиқжон ҳам шунча ишлашга аҳд қилди* (А. Қаҳҳор). *Қанчалик омадинг юришса, шунчалик сени жини суймайдиганлар кўпаяди* (Н. Қобул).

Бундай гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосан, ҳамиша сақланади. Қўшма гап қисмларидаги ўзаро тобеланишга кўра бош гап ҳам, эргаш гап ҳам автосемантик бўлолмайди.

Бир ҳавола бўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларда бош гапда *шундай, шу даражада, шу қадар, шунчалик* каби ҳавола сўзлар мавжуд бўлади, бу сўзлар баъзан ўлчов-даража ҳоли сифатида бир ўзи, баъзан бирикма таркибида келиши мумкин. Бу ҳавола бўлақ эргаш гапни бош гапга олиб кирувчи, эргаш гапнинг бош гапдаги «ўринбосари» сифатида муҳимдир. Эргаш гапдаги денотатив воқеа бош гапдаги денотатив воқеадаги ҳаракатнинг бажарилиш даражасини кўрсатувчи узв сифатида айни асосий воқеа билан алоқаланади. Мисоллар: *Бир йилда кабинетини шу даражада ўзгартириб юбордики, кўрсангиз, тарих музейи дейсиз* (А. Кўчимов). *Ушанда шу қадар йлгим келганки, буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди* (Н. Қобул). *Ҳали Онахоннинг билмаганлари шу қадар кўп эдики, сўраб охирига етолмасдай кўринди* (А. Мухтор).

Бу турда бош гап автосемантик бўлолмайди, эргаш гап эса бўлиши мумкин.

ЧОГИШТИРИШ ВА УХШАТИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР

Бундай эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний асосини қиёслаш муносабати ташкил этади. Қиёслаш инсоннинг дунёни билиш жараёнида жуда катта ўрин тутати. Икки ёки ундан ортиқ предмет, воқеа-ҳодисани улар ўртасидаги мавжуд ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш мақсади билан қиёслаш ташқи оламни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан биридир. Бу усул инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади.

Айтиш керакки, қиёслаш муносабатининг табиати икки хил, яъни 1) фарқни кўрсатиш ва 2) ўхшашликни кўрсатиш. Шунга кўра биринчи ҳолатни чоғиштириш, иккинчи ҳолатни эса ўхшатиш муносабати сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Чоғиштириш эргаш гапли қўшма гаплардаги асосий мақсад икки денотатив воқеа ва улар ўртасидаги фарқли жиҳатни ифодалашдан иборат. Шунинг учун ҳам бундай гаплардаги воқеалар асосий ҳолларда реал бўлади: *Мисоллар; Тил билан Фазлиддинга ҳар хил ёқимли сўзлар сўзласа, фикри бошқа ёқларда кезди (Ойбек). Асқарали ўзини асалари билан овутса, Салима кийиклар билан овунарни (Саид Аҳмад). Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешин чоғи у белбоғини ёзарди (Н. Қобул). Эртага райком вакили келса, индинига райисполком вакили келади (С. Сиёев). Иигитнинг сазаси сингунча, ҳўкизнинг бўйни узилсин (Мақол).*

Ухшатиш эргаш гапли қўшма гаплардаги асосий мақсад эса денотатив воқеа ва тасаввурий воқеа ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ифодалашдан иборат. Таъкидлаш жонзки, нутқ эгасининг асл мақсади фақат бир денотатив воқеа ҳақида хабар беришдир. С. А. Шувалованинг ҳақли равишда таъкидлашича, бундай ҳолатларда «муаллиф денотатив воқеани яна ҳам тўлиқроқ ва аниқроқ ифодалашга интилиб, ҳиссий-образли («ассоциативно-образные») алоқалардан фойдаланади... *От смущения он отчаянно краснел, как краснеют дети* гапида ифодаланган воқеалардан бири — «он отчаянно краснел» — денотатив воқеанинг мутлақо тўлиқ тасвиридан иборат, шунга қарамасдан, унга «ёрдамчи сифатида» муаллиф тасаввурида денотатив воқеа билан муайян ассоциатив ўхшашликка кўра юзга келадиган бошқа бир намунавий («типовой») воқеа

тасвири келтирилади»¹⁰⁹. Демак, нутқ эгаси муайян бир денотатив воқеани ифодалаш учун бу воқеа ифодасидан ташқари яна бир тасаввурий воқеа ифодасини келтиради, улар ўртасидаги алоқа эса ўхшашлик муносабати асосида юзага келади. Чоғиштириш ифодаланган гаплардан фарқли ўлароқ бундай гапларда бош гап реал воқеани, эргаш гап эса ирреал воқеани ифодалайди. Мисоллар: *Бу хонага шундай жимжитлик чўкканки, гўё унда ҳаёт бутунлай йўқ* (А. Мухтор). *У худди укаси ташқарида кутиб тургандек, қушдай учиб чиқди* (Ойбек). *Гулнор, гўё Йўлчи уни ҳам чақирган каби, нақ Унсин билан барабар ўрнидан сапчиб турди* (Ойбек). *Тунлари тракторлар, оч бўрилар галаси бетиним увлагани янглиғ, тинмай тариллайди* (Н. Қиличев).

Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплардаги мазмун муносабати, *гўё, худди, бамисоли* каби ёрдамчи сўзлар билан субъектив мураккаблашиши мумкин.

Ниҳоят, чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосий ҳолларда сақланади. Айни пайтда бош гаплар автосемантик бўла олади, лекин эргаш гаплар ҳаминша синсемантик бўлади.

¹⁰⁹ Шувалова С. А. Смысловые отношение в сложном предложении и способы их выражения. М.: Изд-во МГУ, 1990, С. 78—79.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	5
Синтаксис предмети	5
Синтактик birlikлар таркиби	8
Гапнинг мазмуний тузилиши ҳақида	26
Гап семантикасининг пропозитив аспекти.	31
Вазият элементлари	34
Реляцион структура	36
Синтагматика	39
Предикат	44
Феъл предикатлар	51
Аргументлар	53
Бир предикатли қурилмалар	54
Субъектлик микромайдони	54
Содда гапнинг предикат характерига кўра типлари	53
Феъл асосли гаплар	58
Нисбат шакллари ва гап семантикаси	60
От асосли гаплар	63
Мавжудлик билдирувчи (экзистенционал) гаплар	63
Кўп предикатли қурилмалар	71
Кўшилма предикатлар	72
Кўп предикатли қурилмаларда предикативлик	75
Кўшувчи предикатлар	78
Гапнинг модал аспекти	80
Предикативлик ва модаллик	85
Мантиқий ва грамматик модаллик	87
Тўлдирувчи ёйиқ гаплар семантикаси	90
Холли ёйиқ гаплар семантикаси	92
Предметнинг мураккаб номлари (дескрипция) ва уларнинг тузилиши	92
Гапнинг коммуникатив аспекти	94
Актуал тузилиши	94
Жумла парадигматикаси ва синтагматикасининг актуал бўлиниш билан муносабати	105
Актуаллашиш	108
Ёйиқ жумлаларда иккинчи даражали бўлақларнинг ўрни.	113
Гапнинг пресуппозиция аспекти	120
Боғланган қўшма гаплар	123
Боғланган қўшма гапларнинг грамматик тузилиши	129
Боғланган қўшма гапларнинг позицион тузилиши	129
Боғланган қўшма гапларнинг семантик тузилиши.	138

Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг семантик тузилиши	139
Грамматик формаси <i>ва</i> боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар	140
Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг семантик тузилиши	156
Грамматик формаси <i>лекин</i> боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар	157
Грамматик формаси <i>аммо</i> боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар	172
Грамматик формаси <i>биноқ</i> боғловчиси бўлган боғланган қўшма гаплар	183
Грамматик формаси <i>бўлса, эса</i> сўзлари бўлган боғланган қўшма гаплар	192
Инкор ва айирув боғловчили ҳамда бошқа грамматик формали боғланган қўшма гапларнинг семантик тузилиши	200
Эргаш гапли қўшма гаплар	210
Воқеалар ўртасидаги муносабатнинг мантиқий ва мазмуний-синтактик асослари	219
Эргаш гапли қўшма гапларда шакл ва мазмун	231
Эргаш гапларнинг таснифи масаласи	236
Эга эргаш гапли қўшма гаплар	246
Кесим эргаш гапли қўшма гаплар	252
Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар	256
Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар	264
Пайт эргаш гапли қўшма гаплар	267
Равиш эргаш гапли қўшма гаплар	273
Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар	275
Шартланганлик муносабатларини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар	276
Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар	289
Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар	291

Абдулхамид Нурманов, Низомиддин Махмудов,
Акбар Ахмедов, Сабахат Салиходжаева

Семантический синтаксис узбекского языка

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик
институти илмий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими
томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *Ю. Парпиева*
Бадий муҳаррир *Б. Хайбуллин*
Техмуҳаррир *Р. Лушникова*
Мусаҳҳиҳ *М. Саидова*

ИБ № 5886

Теришга берилди 27.07.92. Босишга рухсат этилди 28.09.92. Қоғоз бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози № 2. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма т. 15,54. Ҳисоб-нашриёт т. 15,9. 3000 нуска. Буюртма 163. Баҳоси 30 с.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриёти босмахонаси: 700170. Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.